

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

АЛИШЕР НАВОИЙ

**МУКАММАЛ
АСАРЛАР ТЎПЛАМИ**

Йигирма томлик

Ўн бешинчи том

**ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙЙИРИН
ҲОЛОТИ САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР
ҲОЛОТИ ПАҲЛАВОН МУҲАММАД
НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент — 1999

Таҳрир ҳайъати:

*ИЗЗАТ СУЛТОН, А. ҚАҲУМОВ, Б. НАЗАРОВ, А. ҲАЙИТМЕТОВ, Ф.
СУЛАЙМОНОВА, Т. МИРЗАЕВ, С. ҒАНИЕВА, М. ҲАКИМОВ*

П. Шамсиев матни асосида таржима ва изоҳларни тўлдириб,
нашрга тайёрловчи:

СУЙИМА ҒАНИЕВА

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари номзоди М. МИРЗААҲМЕДОВА

Тақризчилар:

ҚОДИР ЭРГАШЕВ, ТАМИЛЛА ҒАФУРЖОНОВА

ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙИРИН

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

*Ул олими алломға юз ҳамду сано —
Ким, Одам ила тузди чу бу дайри фано.
Илмиға милк сурмоди бир ҳарф яно,
Жуз нукта «субҳонака ло илма лано»¹.*

*Юз наът ангаким, хулқи карим ўлди фани,
Яъники, карам кони расули мадани,
Мундоқ деди илм аҳлини айларга ғани,
«Ман акрома олиман фақад акрамани»².*

(Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ва атбоиҳи ва саллама ва баъду)³.

Бани одам ашроф ва ҳавосси хилватларида, хусусан, ва аҳли олам сойир авоми анжуманларида, умуман, тасаввур ва аноният умуринииг худройи ва ужбу нафсоният оламининг даштпаймойи Алишер ал мутахалис бин-Навоий (ғаффара зунубаҳу, саттара убба-ху)⁴ андоқ арз қилур ва бу навъ шарҳға еткурурким, Олий ҳазрати валоят манқибати қошифи асрори раббоний ва олими румуз ва асрори самадоний ал-уламо варсаҳ ал-анбиё⁵ қисмат кохида илми ўн оламча эрканлардин изтирор ортуқроқ тарака

¹ а.: Оллоҳға мақтовларки, бизда илм йўқ.

² а.: Кимки олимни ҳурмат қилса, мени (яъни, Оллоҳни) ҳуртмат қилган бўлади.

³ а.: Оллоҳ уни (яъни, Муҳаммад пайғамбарни), оиласини ва саҳобаларини ва унинг издошларини дуо қилсин ва олқишласин ва сўнгра...

⁴ а.: [Оллоҳ] гуноҳларини кечирсин ва айбларини бекитсин.

⁵ а.: валийликнинг олий ҳазрати, Оллоҳ сирларини кашф этувчиси, яширин ишоралар ва алоҳнда сирлар олими, пайғамбарлар давомчиси (сифатидаги) аллома.

олғон ва уламо умматига к-анбийёи исроил комида юз йигирма тўрт минг ҳариф аросида ўзини тариқат элининг муқтадо ва имоми, шариф хайлининг мужтаҳид ва шайх ул-исломи, яъни Нур ул-ҳақ вад-дин, қаҳф ул-ислом ва муслимийна шайхуно⁶ ва Мавлоно Абдураҳмон ул-Жомий (қуддиса оллоху сирраҳу ва навара оллоху марқадаҳу)⁷.

Р у б о и й:

*Ким гунбази гардандаи олий бунёд,
То даврида таъжилға бўлғай мўътод,
Одамки бўлуб халифа ёйди авлод,
Авлодида бир уйла халаф бермас ёд.*

Бу навъ соҳиб давлати бузургвор ва бу янглиғ соҳиб камоли нубувват кирдор бу хоксори паришон рўзгорни азим илтифотлари била сарбаланд ва ғариб навозишлари била аржуманд қилиб, абнойи жинсим аро сарфароз, балки жинси башардин мумтоз қилур эрдилар. Чун покиза руҳларининг қудсий ошён тоири бадан қафасидин равзаи фирдавс сори парвоз тузди ва муборак жисмларининг олий макон пайкари дор ул-фано маҳбасидин дор ул-бақо анжуманиға майл кўргузди, агарчи аҳли оламға мотам юзланди, аммо соҳиб мотам бу номурооди сўгвор эрдим ва сойир авлоди одамға азо воқеъ бўлди ва лекин соҳиб азо бу ношоди таъзият шиор эрдим.

Чун бу мотамда мажруҳ кўнгул озори ва маҳзун хотир изтиробу изтирори ҳаддин ошти. Бу ранж таскини ва бу ошуб итмийнони учун хаёлға андоқ келдиким, ул сипеҳри иззу иқбол била бу хокийваши фурумоя ва ул меҳри авжи камол била бу зарраи камсармоя орасида ўтган ҳолотдин бир неча варақ нигориш қилғаймен ва мақолотдин бир неча муқаддима гузориш

⁶ яъни, тариқат элининг пешвоси ва имоми, муқаддас гуруҳнинг серғайрат арбоби ва шайх ул-исломи, яъни ҳақ ва диннинг нури, ислом ва мусулмонларнинг сиғинадиган жойи, шайхимиз.

⁷ а.: Оллоҳ сиррини муқаддас сақласин ва гўрини ёруғ қилсин.

берғайменки, ул умур зоҳиру ботинимға мужиби мубоҳот ва қувонмоқ ва дунёю охиратимға боиси ифтихор ва ўқунмоқдур. Ва агар ул навъ илтифотларни маҳбубдин муҳибға халойиқ бовар қилмасалар—ул ҳазратнинг мусаннафотида мазкурдур ва ул тарийқ хусусиятларни муроддин муридға жуз маҳолот билмасалар — куллиётларида мастурким, бу даъвоға икки далили мувофиқ, балки икки гувоҳи содиқдур, чун бу рисола хаёлға келди, биносин бир муқаддима ва уч мақола ва бир хотимаға қўюлди ва бу беш дафъа сўзгаким, ўқуғувчиларға кўп мужиби таҳайюр эрди — «Хамсат ул-мутаҳаййирин»⁸ тасмия қилилди.

Муқаддима — аларнинг насабларию валодатлари ва сойир авқотларининг сулукию бу фақир алар хизматлариға қачон мушарраф бўлғоним.

Аввалғи мақолат — алар била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умуру ғаробатлиқ сўзларким, андин аларнинг бу фақирға хусусият ва илтифотлари маълум бўлур.

Иккинчи мақолат — алар била бу фақир орасида битилган руқъалар бобидаким, ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдурур ва муншаотларида мастурким, фақир жавоб битибмен ё акс.

Учунчи мақолат — кутуб ва расоил бобидаким, аларнинг мусаннафотидур ва бу фақир аларнинг таълифиға боису таснифиға сабаб бўлубмен ва бу маъни ҳамул кутубнинг кўпроғида зоҳирдур.

Хотима — ул кутубу расоил бобидаким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен ва аларнинг ҳаётларининг охирининг тарихи ва ул ҳолот кайфияти.

МУҚАДДИМА

Аларнинг шариф валодатлари ўзларининг муборак назмлари мазмунидин андоқ маълум бўлурким, секиз юз ўн еттида⁹

⁸ яъни, ҳайратланганлар бешлиги.

⁹ 817 - 1414 й.

эркандурким, ўз валодатлари замонидин секиз юз тўқсон уч¹⁰ йил ўтган таърихда жамеъ ҳолотким, аларга ўтгандур — назм қилибтурлар ва ул ғариб қасидадур ва анга «Рашҳ ул-бол»¹¹ от қўюбтурлар ва матлаи будурким:

*Манам чу гўй ба майдони фусҳати маҳу сол,
Ба савалжони қазо мунқалиб зи ҳол ба ҳол,*

*Ба соли ҳаштсаду ҳафтдаҳ зи ҳижрати набавий
Ки зад зи Макка ба Ясриб суродиқоти жалол,*

*Зи авжи қуллаи парвозгоҳи иззу қидам,
Бад-ин ҳазизи ҳавои султ кардаам пару бол.*

*Ба ҳаштсаду наваду се кашидаам имрўз
Зимоми умр дар ин тангнои ҳиссу хаёл¹².*

Ва бу қасидани айтқон таърихдин сўнгра яна беш йил умр гулзоридин баҳраёб ва ҳаёт чашмасидин сероб эрдилар. Секиз юз тўқсон секиз¹³даким, ёшлари замонидин сексон икки йил ўтмиш бўлғайким, пок руҳларининг қудсий ошён булбули риҳлат навосин оғоз қилиб, гулшани фирдавс ҳавосиға парвоз қилдиким, анинг кайфияти шарҳ била ўз ерида, иншоллоҳ, сабт бўлғай.

Аларнинг олий насаблари имом ул-мужтаҳидин¹⁴ Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз

¹⁰ 893 – 1487/88 й.

¹¹ яъни, юрак томчиси.

¹² Шеърнинг мазмуни:

Ой ва йилларнинг кенг майдонида тўпдек тақдир чавғони у ҳолдан бу ҳолга ташлаб турган мен Пайғамбарнинг Маккадан Ясрибга (яъни, Мадинага) кўчишидан 917 [йил] ўтганда, иззат ва қадимийлик парвозгоҳининг энг юқори чўққисидан, Мана бу энг тубанликка келиб қанот ва қуйруқни бўшаштирганман. Буқун эса, ҳис ва хаёлнинг бу сиқик ерида умр жиловини саккиз юз тўқсон уч санасига тортиб еткурдим.

¹³ 898 – 1492 й.

¹⁴ а.: мужтаҳидлар (яъни, диний қоидаларни ўзгартиб, Янги мазҳаб тузувчилар) пешвоси.

Шайбоний¹⁵га борурким, Хурмуз бани Шайбон қабиласининг малики эрмишким, Бағдодда салтанат қилибдур ва жоҳилият замонида амир ул-мўъминин Умар (Рази оллоҳу алайҳа-л унҳу)¹⁶ илгида ислом шарафига мушарраф бўлубтур ва бани Шайбон қабиласи насаб шарафида арабнинг кўпроқ қабойилига мужиби мубоҳот ва тафохурдур ва ўз оталари ва улуғ оталари зуҳду тақво била машҳур ва қазоу фатво била доим машғул эрмишлар ва Жом вилоятида сокин ва шайх ул-ислом Аҳмади Жом¹⁷ ватанида мутаваттин ва аларнинг бу қитъаси бу маънига далилдур:

*Мавлидам Жому рашҳаи қаламам,
Журъаи жоми шайх ул-исломист.
Ложарам дар жаридои ашъор
Ба ду маъни тахаллусам Жомийст¹⁸.*

Алар кичик ёшлиғ эканда ҳам алардин муфрит фаҳму табъ осори зоҳир бўлур эрмиш. Ул жумладин будурким, орифи комил ва муршиди мукаммал мавлоно Фахриддин Луристоний¹⁹ки, ўз замонининг яғонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари яқдонаси эркандур — Жом вилоятида аларнинг оталари уйига тушгандур, алар тўрт ё беш ёшларида эмди мактабга борур вақтлари эмиш, ҳазрати Мавлоно аларни ўз қошларида ўлтуртуб, бармоқ ишорати била ҳавоға машҳур отларни: «Умар» ё «Али»дек битир эрмиш ва алар тааммул била ўқур эрмишлар ва ҳазрати Мавлоно

¹⁵ Навоий Жомий насабини Шайбон номли қабиланинг маликларидан Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Хурмуз Шайбоний деб кўрсатади.

¹⁶ а.: мўминлар амири. Бу ерда Муҳаммад пайғамбардан кейинги иккинчи халифа Умарнинг лақаби сифатида ишлатилган.

¹⁷ Аҳмади Жом – тасаввуфнинг шайхи ва машҳур шоирларидан (вафоти 1141 й.).

¹⁸ Қитъанинг мазмуни:

Туғилган жойим Жом ва қаламим томчиси Шайх ул-ислом (Аҳмади Жомий назарда тутилади) жомидан бир қатрадир. Бинобарин, шеърлар дафтариди.

Ҳар икки маънода (шоир бу ерда икки жиҳатга: ҳам Аҳмади Жом таълимотининг унга таъсирига, ҳамда у сиймонинг ҳам Жом вилоятида таваллуд топганига ишора қилмоқда) тахаллусим Жомийдир.

¹⁹ Фахруддин Луристоний – тасаввуф шайхларидан. Уни машҳур шайх Ҳафизуддин Умар Обардиҳийнинг истеъдодли шогирди сифатида тилга оладилар.

аларнинг туфулиятда бу навъ зеҳну закосидин мутабассим, балки мутаажжиб бўлур эрмишлар. Андоқким, бу сўз «Нафаҳот ул-унс»²⁰да дағи мазкур бор. Туфулиятлари айёмидағи бу навъ осору аломот кўп манқулдур. Сабт этарға машғул бўлунса, сўз узалур.

Бори кичик ёшидин шабоб аҳдиннинг авойилиғачаким, Жом вилоятида эрмишлар — аларға фойда еткурур киши оз топилғон жиҳатидин:

*Қуёш ул навъки мағриб сори,
Ё Наби уйлаки Ясриб²¹ сори.*

шаҳрга азимат қилибдурлар ва Ироқ дарвозасида «Низомия» мадрасасидаки, мавлоно Зайнуддин Абубакр Тоёбодий²² ва мавлоно Саъдуддин Тафтазоний²³ ва баъзи Амир Хусрав Деҳлавий²⁴ни ҳам дерларким, анда сокин бўлғондурлар, маскан қилиб, таҳсилға машғул бўлубтурлар ва оз фурсатда абнойи жинсдин ишни ўтқариб, балки шаҳрнинг мутабаҳҳир уламосидин илму фазлни ошуруб, аларға улуму фунун ҳеч қайсида замон аҳлидин кишига эҳтиёж қолмайдур.

Р у б о и й:

Ҳар кимга етар мавҳибати субҳоний

²⁰ яъни, Дўстликнинг ёқимли ислари. Жомийнинг суфий арбоблар, тасаввуф шоирлари ҳақидаги тазкираси.

²¹ Ясриб – Мадина шаҳрининг қадимий номи. Шеърда Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчиши назарда тутилади. Навоий Жомийнинг Жомдан Ҳиротга келишини ана шу воқеага ўхшатади.

²² Зайнуддин Абубакр Тоёбодий – даврнинг машҳур аллома ва шарият пешволаридан. Вафоти – 791/1388 – 89.

²³ Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний (1322 – 1389) – Марказий Ўрта Осиёнинг машҳур филолог олими, поэтикага оид рисолага шарҳ сифатида ёзилган «Мухтасар ал-маоний» асарининг муаллифи.

²⁴ Амир Хусрав Деҳлавий (1253 – 1325) – Ҳиндистонда яшаб ижод қилган форсийгўй шоир. У Низомий Ганжавийдан кейин «Хамса» яратиб, хамсачилик анъанасини давом эттирган ижодкордир. Хусрав Деҳлавий лирик девонлар ва бошқа кўп асарлари муаллифидир.

*Ким, айлагай они олими раббоний,
Билмоққа улум истилоҳин жоний,
Оз вақт фалак муштағил анлар они.*

Агарчи бир неча вақт биззарурат улум касбиға иштиғол кўргузубдурлар, аммо ҳеч вақт назм ойинидин холи эмас эркандурлар. Чун аларға биззот машраби тавҳид воқеъ бўлғондур, ҳақиқат жамолин мажоз музоҳири мушоҳадасида муояна кўруб, беихтиёрлиғлар даст берур экандур. Ул маънинин назм либосида адо қилмоқдин гузирлари йўқ эркандурким, бу восита била ўтқа таскин ва ўтлуқ кўнгулға ором бўлур эркандур. Бу жиҳатдин назмдин ҳаргиз фориг бўлмайдурлар ва бу боисдин назмға тадвину девонға тазйин бўлубтур ва мурури айём ўтуб, аларнинг назми ҳар синф шеърдин оламнинг золининг қулоқ била билагин самин дуррлар била музайян ва жайб билан этагин оташин лаъл била мамлу ва мулавван қилибтурлар ва ғарибдурким, зоҳир улумининг такмили вақтида неча иш аларға муяссар бўлубтурким, бу умматда ўтган акобир ва соҳиб камоллардин ҳеч қайсиға воқеъ бўлғони зоҳир эмас.

Ул жумладин бири шеърдурким борча аснофин ул навъким, ҳар синфидаким биров саромад ва мусаллам бўлғондур, алар ул кишидек, балки ортуғроқ ўз ҳақ ва мулки қилдилар.

Яна бир: тасаввуф масоили истилоҳотин андоқ такмил қилдиларким, ўтган машойих ва авлиёуллоҳ (қуддиса оллоҳу асрорҳум)²⁵нинг расоил ва кутубидинким, ғояти ийҳомдин ул шариф илмининг идрокидин кўпроқ толиби номурадлар маҳрум, балки орий эрдилар — ул илмини ўз рисола ва китобларида хўброқ алфозу адо била ул навъ таснифлар қилдиларким, кўпроқ фақирлар анинг мутолаасидин ҳазз топиб, баҳраманд бўлурлар.

Яна бир: тариқат одоби сулукида андоқ дақиқ равиш била тарийқларини туздиларким, ҳеч киши аларнинг зоҳир улуми ва шеър ва муаммо ва иншо ва бу навъ нималардин шарифроқ ниҳоний амрға машғул эрконларин билмадилар ва фаҳм ҳам

²⁵ а.: Оллоҳ уларнинг сирларини муқаддас сақласин.

қилмадилар ва бу ишта чун ҳеч мутанаффисқа муршиди комил мулозамати ва иродатидин гузир йўқдур, ҳазрати қутби тариқат ва ғавси ҳақиқат мавлоно Саъдуддин Кошғарий²⁶ким, «Нақшбандия²⁷ хожалари силсиласининг ул замонда комил ва мукамил муршид ва халифаси эрди — суҳбатин ва мулозаматин ихтиёр қилиб, замонининг сойир муршидлари ва комиллари хизматларнға — шайх Баҳовуддин Умардек ва мавлоно Боязид Пуроний ва мавлоно Муҳаммад Асад²⁸дек бузурғлар суҳбати шарафиға доғи мушарраф бўлур эрдилар.

Аммо толиби илмлиқ ва шоирлиқ суратидаким, бу шариф илм сатр ва китмониға бу икки ишдек парда мумкин эрмас топилмоқ, невчунким дарвешлиқ фано касбидур, балки фанойи маҳздур ва бу икки иш маҳз даъвою жадал ва анонияту худписандлиқдур.

Аларнинг камолоти овозасин эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб муборак суҳбатлариға мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб орасида ғояти бетаайюнлиқдин мутлақо танимаслар эдиким, ўлтурур қўпарда ва айтмоқу эшитмоқ ва емоқу киймоқда ўзлари била сойир мулозимлари орасида тафовут йўқ эрди.

Киши улуми зоҳирийдин ва маънавийдин бир масъала илқо қилғунча ҳаргиз алар оқдин қарони маълум қилғонлари маълум бўлмади. Аммо масъала илқосидин сўнгра доғи бори улумға маҳорату истиҳзор ул мартабада эрдиким, ҳаргиз ҳеч китобға боқмоққа эҳтиёж бўлмади.

Мунча ишнинг зимнида ишқи зоҳир тариқиким, «Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат»²⁹ иборат андин бўлғай— аларға андоқ

²⁶ Саъдуддин Кошғарий – Ҳиротнинг машҳур шайхларидан бири.1456 й. 13 майда вафот этган. Жомий Саъдиддин Кошғарийнинг қизига уйланган.

²⁷ Нақшбандийлик – суфизм тариқатларидан бири. Унга Баҳовуддин Нақшбанд (1318 – 1389) асос солган. Бу таълимот дастлабки даврларда таркидунёчилик ва фақирликни эмас, барча мавжудотга муҳаббат ва шавқат билан қараш ғояларини тарғиб қилган.

²⁸ Баҳовуддин Умар, Муҳаммад Асад ва Боязид Пуроний – тасаввуфнинг машҳур шайхларидан.

²⁹ а.: мажоз – ҳақиқат кўпригидир.

муставли эрдиким, ҳар мулойим мазҳарининг хусну малоҳатиким, ҳақ жамолияти тажаллиси била зухур қилмиш бўлғай ё жавру бедоди офатиким, жалолият сифати била жилва кўргузмиш бўлғай, ул сифотидин зоти айният мушоҳада қилиб, сабабни мутлақо орадин муртафеъ кўруб, кўзлариға мусаббибдин ўзга нима келмаган жиҳатидин бетоқат бўлиб, ҳарне ул изтиробда аларға ишқ шиддатидин ва шавқ суубатидин юзланса эрди жон сўз шеърлар ва дилфурўз ғазаллар иштиғоли била ул таҳаммулсизлиққа итмиён берурлар эрди.

Ва бу ҳол доғи аларға одоби тариқатдаким, тасаввуфда боиси фано бўлғай, кўп мадад берур эрди. Чун фанойи вужуди мавҳум ҳосил бўлди ва ишқу шавқ ўти забона торта киришти, ҳар ойинаким, беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сару по бараҳналиғ ва тоғу водий тутмоқ ва мақсуди аслийдин ўзга барчани унутмоқлик даст берур, аларнинг бу шевасин зоҳир аҳли ишқи зоҳири маҳзға ҳамл қилиб, аслий мақсудларидин ғофилу отил қолурлар эрди. Аммо, алар ғайру мақсуди аслий ҳар навъ суратдаким, ўзларин кўргузур эрдилар — барча ўз ҳолларининг пардаси ва рўйпўши эрди.

Бир неча йилким, бу ҳолға ўтти — зоҳир улум фазоилида даврнинг уламою фузалосиға фоиқ бўлуб, ботин ҳолида дағи бийик маротиб ҳосил қилиб, ғариб кутуб ва расоил тасаввуф илмида алардин рўзгор авроқин музайян қилиб даврон аҳлиға бу шариф илмнинг истилоҳоти била дақиқ масоилин равшан ва мубарҳан қилдилар, андоқким, мусаннафот теъдодида, иншооллоҳ, битиб бўлғай.

Шоҳрух³⁰ султон замони авоситидин султон Абусаид³¹ замонининг авоилиғича шахрда сокин эрдилар. Андин сўнгро Хиёбон бошида ҳазрати пир маҳдум Саъдуддин Кошғарий мазори бошида иқомат расмин зоҳир қилдилар ва шахрнинг жамеъ уламо ва акобирию ашрофи аларға мулозамат ва тараддуд бунёд

³⁰ Шоҳрух – Амир Темурнинг иккинчи ўғли. 1409 – 1447 йилларда ҳукмронлик қилган.

³¹ Абусаид – 1457 – 1469 йилларда ҳукмронлик қилган темурийлардан, у Темур ўғли Мироншоҳнинг набираси.

қилдилар, то ул подшоҳи замоннинг³² аркони давлат ва аён ҳазрати ва олийшон умаро ва рафъе макон судур ва вузаро, балки аср подшоҳи аларнинг остониғаким, мақсуд Қибласи ва мурод Каъбаси эрди — ташриф келтурурлар эрди, балки ўзларни мушарраф қилурлар эрди. Андоқки, даврнинг аржумандлари ва аҳднинг сарбаландлари ул ҳазратнинг олийшон остониға юз еткурурлар эрди ва илтижо келтурурлар эрди. Сойир ниёзмандлар ва оммаи бехеш ва панвандлар ҳам кўзларин ул эшик туфроғидин ёрутурлар эрди.

Бу фақири ҳақир бу сўнгги жамоат зумрасида Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақиға мумтоз бўлдум (алҳамду лиллаҳи ала аттафиқ)³³.

АВВАЛГИ МАҚОЛАТ

Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзларким, андин аларнинг бу фақирға илтифот ва хусусиятлари зоҳир бўлур.

* * *

Бир кун мавлоно шайх Абдуллоҳ котиб муқарраби ҳазрати борий³⁴ Хожа Абдуллоҳ Ансорий³⁵нинг «Илоҳийнома»ға мавсум муножот рисоласин фақир қошиға келтуруб эрди ва мавлоноий мазкурнинг кутуб байъ ва ширесиға ҳам муносабати, ҳам ҳазрати хожаға авлодлиғ нисбати бор. Фақир ул рисоланинг аввал саҳифасин очиб, хутбасин ўқумоқ бунёд қилдим, бу хаёл билаким, бир саҳифа ё ғояташ бир варақ ўқулғай, андоқки эл маъхудидур,

³² Хусайн Бойқаро (1438, Ҳирот – 1506 ўша шаҳар) кўзда тутилади. 1469 – 1506 йилларда шоҳлик қилган.

³³ а.: муваффақият учун Оллоҳға мақтовлар бўлсин.

³⁴ а.: Оллоҳға яқин ҳазрат.

³⁵ Абдуллоҳ Ансорий – Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорий Ҳиротий – суфийлик тариқатининг йирик арбоб ва назарийетчиларидан бири, «Илоҳийнома»нинг муаллифи.

сўзнинг хўблуг ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвдин ортуғроқ эди — итмомға етти. Мажлис ҳуззори воқиф бўлуб, таажжуб қилдиларким, бир рисолаким, икки жузвға яқин, балки ортуғроқ бўлғай, бир таважжуҳ била боштин-оёққача ўқумоқ холи аз ғаробат эмас.

Тонгласи ҳазрати Махдум бандахонаға ташриф келтурдирлар. Ул рисола ҳозир эрди, олиб очиб, муборак назарларин солдилар. Туно кунги асҳоб андоққи рўзгор аҳлининг ойину даъби бўлур, таажжуб изҳори юзидин туно ўтган воқеани ул ҳазрат хизматларида арз қилдилар. Алар табассум қилиб, дедиларким: «Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг оралиқда воқеъ бўлгон эрмиш: икки ё уч кун бурунроқ мавлоно шайх Абдуллоҳ ушбу рисолани бизнинг қошимизга келтуруб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охириға дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди».

Тонгласи мавлоно шайх Абдуллоҳ келди, то китобин ё баҳосин олған. Баъзи анга айттиларким: «Фалон (яъни банда) бу китобни аввалдинким ўқумоқ бунёд қилди, тугагунча илиқдин кўймади».

Ул таажжуб юзидин дедиким: «Ҳазрати Махдумий хизматлариға ҳам элти бердим, аларға ҳам ушбу ҳол воқеъ бўлди».

* * *

Бир кун ул ҳазрат хизматларида асҳоб ҳозир эрдилар ва ҳар навъ сўз ўтадур эрди. Бурунроқ фақир аларнинг шайба қасидалариғаким, матлаи будур:

*Сафед шуд чу дарахти шукуфадор сарам
В-аз ин шукуфа ҳамин меваи ғам аст барам*³⁶.

³⁶ Шеърнинг мазмуни:

Бошим ҳудди гуллаган дарахтдек оқарди,

Бу гуллашдан келган ҳосил – менинг ғамим мевасидир.

Изҳори бу навъ ақида эрдиким, бу навъ ғариб манойиқлиқ ва кўп чошнилик ва нозук хаёллик, салис иборатлик, латиф адолик шеър фақир кўрмайдурмен, бовужуди улким, қасидагўйларким муқаддамдурлар, қасойидларин кўп мутолаа қилибмен ва асҳобдин баъзи мусаллам тутса, баъзи мусаллам тутмоқға корих кўринур эрдилар ва ул ҳазрат мажлисларида сўз қасойид услубисори тортти, чун ҳар навъ ўтти, фақир шайбанинг васфин ораға солдим ва таърифида беихтиёр бўлдум, то сўз ҳамул ерга еттиким, арз қилдимким: «Фақир муқаддимин малик ул-каломлардин ҳеч қай-сидин андоқ қасида эшитмайдурмен»³⁷.

Ул ҳазрат табассум қилиб айттиларким: «Мутааххирлардин биз ҳам андоқ шеър эшитмайдурбиз»³⁸.

Жамъи сокит бўлуб, фақир бир неча ул бобда баст қилиб, абъёт ўқур эрдим. Алар мунбасит бўлуб, тасдиқ била талаққи қилур эрдилар, то ул жамъға фақирнинг сўзининг сидқи тамом зоҳир бўлуб, ўз ақидаларидин айланиб, фақирнинг ақидасиға келдилар.

* * *

«Фанойя» боғчасин ясардаким, ул ҳазрат ҳавлиларининг ичинда ер иноят қилиб бериб эрдиларким, фақир ўзига мухтасар манзил ясабмен.

Подшоҳ Марв қишлоғиға азимат қилғонда фақир Дарвеш Ҳожи Ирқбандниким, замоннинг чобуқдаст боғбонларидиндур — таъйин қилдимки, баҳор ўлғоч, ул боғчага раёҳин ва ашжор экай. Баҳор бўлғонда Дарвеши мазкур келиб, ул боғчанинг буйрулғои ишиға қиём кўргузурда ул ҳазрат дағи гоҳи келиб, муборак хотирлари ташхизи учун бир оз замон анда бўлур эрмишлар ва баъзи йиғочларға дағи илтифот қилиб, ер кўргузур

³⁷ Мазмуни: мен аввал ўтган сўз усталарининг ҳеч бири ижодидан бундай қасида ўқимаганман.

³⁸ Мазмуни: кейинги [ижодкор]ларда биз ҳам шундай қасида эшитмадик.

эрмишларки, қайда эккай.

Дарвеш Ҳожи тунд мизожлиқ девона кишидур. Баъзида муноқаша қилур эрмиш ва ул ҳазратға хуш келиб, мунбасит бўлур эрмишлар. Бир кун йиғочқа алар ер таъйин қилибтурлар. Девона боғбон инод юзидин дебтурким: «Мунда экмасмен». Алар инбисот била дебтурларким «Невчун экмассен?» Ул дебтурким: «Ражадин ташқаридур, тонгла черик келса, Мир Шайхим³⁹ боғбонлиқда воқиф кишидур, кўруб эътироз қилғусидур». Алар дебтурларким: «Боғча Шайхимнинг эмас, Алишернингдур, ул эътироз қилмағусидир».

Черик шаҳрга келгандин сўнгра Дарвеш Ҳожининг тундликларидин асҳоб нақллар қилурлар эрди. Ул ҳазрат дағи завку нишот юзидин ул йиғочни кўргузуб, ўтган ҳикоятниким, алар била Дарвеш Ҳожи орасида воқеъ бўлғондур, нақл қилур эрдилар.

* * *

Бир кечаси бир улуғ киши маҳаллида жамоати азизлар хизматида туштум. Мутаҳҳари Удий⁴⁰ким, хушовозлиқда Зухра⁴¹нинг отаси ва хушхонлиқда анинг фарзанди руҳафзоси бўла олур эрди, Тағанний маҳаллида Хожа Ҳасан Деҳлавий⁴²нинг бу шеърин ўқуйдур эрдиким:

Зиҳи дарунаи дилро замон-замон ба ту майле⁴³ то бу байтға еттиким:

³⁹ Мир Шайхим – Амтр Шайхим Сухайлий – хиротлик машҳур шоирлардан, Навоийнинг яқин дўсти. У ҳақда «Мажолис ун-нафоис»да маълумот берилади.

⁴⁰ Мутаҳҳари Удий – Навоий замондошларидан. Уд номли чолғу асбобида куй ва унинг жўрлигида кўшиқларни моҳирона ижро этган санъаткор.

⁴¹ Зухра – сайёра номи. Хонанда ва созандаларнинг, умуман мусиқага оид санъатлар ҳомийси саналган.

⁴² Хожа Ҳасан Деҳлавий – Ҳиндистонда яшаб ижод қилган машҳур форсий ғазалнавис шоир. 1327 й. Деҳлида вафот этган. Амир Ҳасан Санжарий деб ҳам юритади.

⁴³ Мисраънинг мазмуни:

Қандай яхшики, кўнгул ич-ичидан туриб-туриб сенга интилади.

*Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд,
Чунин асар диҳад, алҳақ, тулуи чун ту суҳайле⁴⁴.*

Мажлис аҳли мутаайин хуш табъ эл эрдилар ва мири мажлис ҳам хуштабъ ва подшоҳнишон. Муғаннийға баъзи эътироз юзидин ва баъзи танбеҳ юзидин дедиларким: «Сиришки ман ҳама дурр шуд» ўқума, «дурр шуд» ўрниға «хун шуд»⁴⁵ ўқуки, «дурр шуд»нинг маъноси йўқтур. Мири мажлис дағи аҳли мажлисға муттафиқ бўлди. Бу фақир ҳеч нима демадим. Мажлис ҳуззори фақирға дағи машғуллуқ бунёд қилдиларким: «Сен дағи невчун бу сўзда асҳоб била мувофиқ эмассен?» деб, фақир дедим: «Мен ул жонибменким қоил адо қилди, яъни:

Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд ростдур, балки мундоқ керак».

Барча ҳужум қилиб, фақирға ғулу қилдилар. Фақир айттимким: «Чун сиз барча бир жониб бўлдунгиз, мен ялғуз. Сизга ўз муддаомни собит қила олмон, аммо бир кишини ҳакамликға мусаллам тутсангиз, гарав боғлармен».

Барча иттифоқ қилиб айттиларким, Ҳазрати маҳдум олам афозилининг ҳаками, балки ҳокимидур, аларни мусаллам тутмас киши йўқтур. Чун сўз мунға қарор топти. Фақир алар била гарав боғлаб, мажлиснинг кайфиятин ва ул баҳснинг сабабин ва ул байтда «хун» лафзи муносиброқ ё «дурр» лафзи мувофиқроқдур деб, мақсуднинг иснодин ҳамул замон битиб, ул Ҳазрат хизматлариға йиборилди. Бир яхши замондин сўнгра борғон киши жавоб келтурди ва ул Ҳазрат бу мисрани битиб эрдиларким:

«Сухан «дурр» асту тааллуқ ба гўши шаҳ дорад⁴⁶

⁴⁴ Байтнинг мазмунн:

Ёмғир қатралари каби-кўз ёшларимнинг ҳаммаси дурр бўлди, Ҳақиқатан сенинг Сухайл [юлдузидек] чиқиб келишинг шундай таъсир қилади.

⁴⁵ яъни, қон бўлди.

⁴⁶ Мисраънинг мазмуни:

Ул жамоат мулзам бўлуб, фақирға аларнинг тарбият ва мададлари бу навъ етти. Маълум эмаски, ҳаргиз киши бу навъ мухтасар жавоб ҳеч саволда айтмиш бўлғай. Тонгласи бу сўз шуҳрат тутти. Эл ёд тутуб мажолисда нақл қилурлар эрди.

* * *

Подшоҳ ул йилки Хуросон тахтин олғондаким, «Жаҳоноро» боғи тарҳин солдилар. Бир панжшанба куни ул ҳазрат хизматларида Гозургоҳидин⁴⁷ Дашт юзи била Хиёбон⁴⁸ сори бориладур эрди. Саййид Гиёским, ул боғнинг таъмири ва боғбонлиғи анға мутаайин эрди, йўлда йўлуқтиким, аробаларға улуғроқ сарв йиғочларин боғлардин сотун олиб, қўнгариб юклаб, «Жаҳоноро» боғига элтадур эрди: Ул Ҳазратға салом бериб, илтифот қилиб, мутояба била дедилар:

— Яна ҳеч сарв йиғочи қолдиму? Не, буйла сарв йиғочи юклабсен, оё неча йиғоч бўлғай?

Ул дедиким:

— Санаббиз, юз тўрт ададдур.

Алар дедиларким:

— Ажаб ададдур.

Фақир дедиким:

— Муносиб ададдур, невчунким, «қад» адади била муносибдур. Алар дедиларким:

— Ростдур, — дағи фақирни таҳсин қилдилар.

* * *

Бир кун алар йўл била борадур эрмишлар. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи хуморийи абтарий бор эрди, маст ва ошуфта,

Сўз – дурр [инжу], шоҳ қулоғига тааллуқи бор.

⁴⁷ Гозургоҳ – Ҳиротда тоғ этагидаги хуш манзара майдон.

⁴⁸ Хиёбон – Ҳиротнинг марказий кўчаси. Арабча ёзувдаги «қад» сўзининг ҳарфлари миқдори абжад ҳисобида 104 бўлади.

аларға йўлуқуб, беадабона сўзлар айтиб, балки сафоҳатлар қилибтур, аммо алар мутлақ илтифот қилмайдурлар, дағи анинг сори боқмайдурлар. Яна бир кун фақир алар хизматида борадур эрдим. Ҳамул девона фақирни алар билан кўрдиким, борадурмен. Ул ердинким, жунун аҳли ва абтар халойиқ фосид хаёлоти бўлғай, соғинмиш бўлғанким, алар анинг туно кунги беадаблиқларидин фақирға шаммаи изҳор қилғайлар ё қилмиш бўлғайлар. Аларга бетакриб сўз қотиб, узрхоҳлиқлар бошлади. Фақир таажжуб қилиб, алардин истифсор қилдимким: «Бу девонанинг паришон узрхоҳлиқлари, оё, не жиҳатдин эркин?».

Алар сўзни ўзга сори юткаб, туно кун ўтган ҳолатдин ҳеч нима изҳор қилмадилар. Аммо асҳобдин туно кун ўтган сўз маълум бўлди. Ул девона безътидоллиқлар қилса эрди, анга таъзир ва адаб қилилур эрди. Фақир тиладимким, анга адаб буюрғайман.

— Сен ҳеч нима демагилким, анга адаб етгусидур. Бир неча кун ўтмадиким, яна бир девона ани уруб ўлтурди.

* * *

Қуррат ул-айни салтанат Музаффар Ҳусайн мирзо⁴⁹нинг Аҳмад Ҳусайн отлиғ фарзанди тенгри раҳматиға борганда алар азо сўрар дастур била «Боғи Сафед»ға келиб эрдилар. Фақир ул азиз фарзанд марсияси била ул азиз ота дуоси бобида бу байтни айтиб эрдимким:

*Гар шамъ мурд, меҳри фалакро мадор бод,
Гар қатра рехт, оби бақоро қарор бод*⁵⁰.

Ул Ҳазрат хизматларида астағина ўқудум. Султонзода мажлисларида алар давог ва қалам ва қоғоз тиладилар, дағи бу

⁴⁹ Музаффар Ҳусайн мирзо – Ҳусайн Бойқаро ўғилларидан бири,

⁵⁰ Байтнинг мазмуни:

Шамъ ўчса ҳам осмон қуёши айланиб турсин,

Қатра тўкилса ҳам боқийлик суви барқарор бўлсин.

байтни битидиларким:

*Фарзанд меваест зи шохи дарахти умр,
Гар з-он ки мева рехт, шажар пойдор бод*⁵¹.

Ва султонзода ниёзмандлиғлар қилиб, бу байтнинг мусаввадасин олиб, азим таъзимлар қилиб узоттилар.

* * *

Алар Макка сафаридин⁵² қайтиб шаҳарға келганда, подшоҳ рўзгор ҳаводиси иқтизосидин Балх юрушиға бориб эрдилар. Чун хумоюн роётким, Балхдин қайтиб, тахтға озим бўлдилар, истиқбол расми била Мурғоб вилоятиғача келиб эрдилар. Подшоҳ била мулоқотдин сўнгра бандахонаға ташриф келтуруб, кеча анда бўлдилар. Кеча алар истироҳат қилур учун бир янги такаллуфлик оқ уй бор эрди, ани тиктурулди, то ул Ҳазрат анда осойишға машғул бўлдилар.

Иттифоқо ул кеча бир ғариб тунд ел эстиким, ўрдунинг кўпроқ оқ уй чодирларин йиқиб, ажаб ошуб эл орасиға солди. Алар учун тиккан оқ уйни дағи йиқиб, ушотибдур.

Алар хизматидағи асҳоб дегандурларким:

— Ҳайф бу уйдинки, яхши уй эрди, ажаб пора-пора бўлди. Муни тиккан фаррошлар, оё, не дегайлар?

Алар дебтурларким:

— Не дегайлар, айтғайларким, кошки бу шум қадамлик муллолар бизнинг уйга келмасалар эрди.

* * *

⁵¹ Байтнинг мазмуни:

Фарзанд умр дарахти шохидаги бир мевадир,
Агар ундан мева тўкилса, дарахт доимо бўлсин.

⁵² Жомий Макка сафарига 1472 й. да чиққан эди.

Ҳам ушбу тарихда эрдиким, фақир сипоҳлиқдин мутанаффир бўлуб, маносибни тарк қилиб, мулозиматни ўқсутуб эрдим. Алар танбеҳ ва насиҳат юзидин сўрдиларким:

— Бу навъ амре масмуъ бўлди, бу жиҳат на эрди эркин?

Фақир дедимким: .

— Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин малул бўлуб эрдим, бу ишга ул боис бўлди.

Алар дедиларким:

— Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизга дағи кўргуз?

Кўрқуб эрдимким, манъ қилғайлар. Бу жавобдин билдимким, муборак хотирлариға бу иш хейли нохуш келмаган эрмиш. Хотирим жамъ бўлди.

Алар Мавлоно Соғарий⁵³ била кўп мутояба қилурлар эрди. Бир кун алар хизматида Мавлоно Соғарий ҳозир эрди. Алар анинг шеърин таъриф қилур рангда анинг била мутояба қилур эрдилар. Ва Мавлоно Соғарий ўз шеърин бағоят эҳтимом юзидин карру фар била ўқуғувчи эрди. Андоқки, бир оз нима бевуқуфроқ киши қошида ўқуса эрди, кўп яхшилиқға ўткарур эрди. Фақир ўқумоғин ҳам таъриф қилдимким, бовужуди хўб айтмоқ хўб ҳам ўқур. Алар табассум била айттиларким: «Бизга мундоқ бозий берур». Алар бу қитъани айтиб эрдиларким,

Қитъа:

*Соғарий мегуфт: дуздони маоний бурдаанд —
Ҳар кужо дар шеъри ман як маънии хуш дидаанд.
Дидам аксар шеърҳояшро яке маъний надошт,
Рост гуфтаст ий ки маънийҳояшро дуздидаанд⁵⁴.*

⁵³ Соғарий – Ҳирот шоирларидан бири. «Мажолис ун-нафоис»да қайд қилинишича, у Жомий билан ҳажга бирга бормоқчи бўлгану арзимаган баҳона билан қолиб кетган эди.

⁵⁴ Қитъанинг мазмуни:

Соғарий дейдики, маъно ўғрилари қаерда менинг шеъримдан бир яхши маъно кўрсалар олиб кетадилар.

Аксар шеърларида бирор маъно йўқлигини кўрдим. «Уларнинг маъносини ўғирлаб кетганлар», деб рост айтган экан.

Ул вақтким, фақир «Хамса»га татаббуъ қилдим, бир дostonда Ҳазрати Шайх Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавий ва ул Ҳазрат маддоҳликларидаким, ўзумни ихлос ва ниёзмандлик юзидин аларга тобеъ ва пайрав тутуб, сухангузорлиқ воқеъ бўлуб эрдиким:

*Каҳфи фано ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиухум калбухум*⁵⁵.

Ул учурда Мавлоно Соғарий доғи бу маснавийга бир неча байт татаббуъ қилиб эрди ва фақрни мухотаб қилиб, бир мақсуд орасида бу навъ бир байт айтиб эрдиким:

*Мирки гуфт : «робиухум калбухум»
Ўфта файзи сухан аз қалбухум*⁵⁶.

Фақирга ўқуғонда бу байтгаким етти — фақир мутояба юзидин айттимким:

— «Аз калбухум» таркибида «аз»— «мин» маъноси биладур, «мин» хуруфи жоррадиндур ва мадхулин мажрур қилур ва бу таркибда ўз амалин қилса, қофия ғалат бўлур?⁵⁷

Мавлоно Соғарий мундоқ жавоб бердиким:

— Бок йўқтур, Ҳазрати Махдум ҳам бу эътирозни қилдилар.

Бу сўз тақриридин фақирга неча ғараздур. Бири: Мавлононинг бир байтда бурунқи мисраида номавзунлуғи ва

⁵⁵ Байтнинг мазмуни:

Фонийлик ғорида улар йўқолгудек бўлсалар,
Мен ҳам тўртинчилари – итлари бўлайин.

⁵⁶ Байтнинг мазмуни:

Мир (яъни Навоий) «тўртинчилари – итлариман», деди
Уларнинг қалбларидан сўз файзини топиб олди.

⁵⁷ Бу ерда Навоий «аз қалбухум» арабча ибора бўлгани учун форсча чиқиш келишиги «аз»ни ҳам арабча «мин» билан алмаштириш керак дейди ва грамматик таҳлил қилиб, у ҳолда «аз қалбихим» бўлиб қолиб, қофия бузилади деб эътироз қилади.

иккинчида: айтғониким, бир маснавий байтида мундоқ фоҳиш ғалатлар қилса, андоқ улуғ ерларға не навъ илик урғай, яна бири: фақирнинг эътирозига жавоб берганининг ғаробати, куллийроғи ва мутоябаомиз эътирозда ул Ҳазрат била фақир орасида таворуд воқеъ бўлғони.

* * *

Бир кун Подшоҳ ҳазратлари бандахонада эрдилар: «Тортиладурғон атъимадин, айттилар, ул Ҳазратға доғи нишона бермак муносибдур».

Қарор анга туттиким, Хожа Дехдор⁵⁸ элтгай. Элтган нималар орасида ҳамоноким бир эътидолдин ташқари семиз қўй учаси дағи бор эрмиш. Хожа Дехдор андинким, фарти иштиҳодур, ул уча таърифида муболаға андоқ қилмиш бўлғайким, аларға андин Хожанинг рағбати, балки ортуғроқ тамаи маълум бўлмиш бўлғай. Демиш бўлғайларким: «Ўлтур ва машғул бўл». Хожа андоқ пешакорлар ул таомни емоқда кўргизмиш бўлғайким, аларға бу рубойни айтурға боис бўлмиш бўлғай.

Рубой:

*Эй Хожа, маро зи лутфи парварди,
З-овардани пушти дунба фарбеҳ карди,
Биншастии-ю дунбаро ба рағбат хўрди,
Бурди ба шикам он чи ба пушт оварди⁵⁹.*

Яна бир қатла Хожа Дехдордин мутанаввиъ атъималар била

⁵⁸ Хожа Дехдор – Исми Ғиёсиддин Муҳаммад. Навоий ва Жомийнинг яқин мусоҳибларидан, шоир.

⁵⁹ Рубойнинг мазмуни:

Эй хожа, бизни лутфингга сазовар қилдинг,

Орқа думба келтириб, бизни севинтирдинг.

Ўтириб олиб, иштаҳа билан думбани единг,

Орқангда келтирган нарсангни қорнингда олиб кетдинг.

алар хизматиға йиборилиб эрди. Анда доғи бир қўй-қўзи учаси бор эрди. Анга ўхшарки, Хожа ўзига ул ҳадоёни иснод қилиб, мубоҳотгуна қилмиш бўлғай —алар бу бобда бу қитъани айтиб эрдиларким:

*Хожа овард баҳри суфраи мо
Пушти он як-ду гўсфанд ки кушт,
Лекин аз дасти нахвати жудаи
Нашуд олудаам бад-он ангушт,
Ҳаст аз он бо худаи тасавури он,
Ки ба Ҳотам ҳамерасад ба ду пушт⁶⁰.*

Фақир кўпроқ авқот ниёзмандлиқ юзидин нақд ё жинсдан тухфа ва табаррук алар хизматиға йиборса, Хожа Деҳдордин йиборилур эрди. Анга ўхшарки, баъзи вужуҳни санамоқда бобил-хилофгуна воқеъ бўлғондур. Алар бу қитъани айтиб эрдиларким:

*Хожа Деҳдор аз атийяи Мир
Ҳар чи орад зи дирҳаму динор,
Музди по баргирифта, мегуяд*

*Ношумурда ки понсад асту ҳазор.
Ҳеч дар хотираш намегардад
Фикри шармандагии рўзи шумор⁶¹.*

⁶⁰ Қитъанинг мазмуни:

Хожа бизнинг дастурхонимиз учун,
Бир-икки сўйилган қўйнинг думбасини келтирди,
Лекин унииг улкан саховатли кўлидан,
Бармоғим ҳам булғанмади.
Унинг ўзи ҳақида тасавури шундайки,
Икки пушти билан насабда Хотамга етишади.

⁶¹ Қитъанинг мазмуни:

Хожа Деҳдор Мир ҳадяларидан
Дирҳам ва динор [каби] нимаики келтирса,
Оёқ ҳақи олар эди.
Санамай «беш юз минг» дерди,
Ҳисоб кунда шарманда бўлиш фикрини эса

Яна бир қатла ушбу навъ моддада ҳам бу қитъани айтиб эрдилар:

*Ба Деҳдор гуфтам ки бардор бахи,
Аз он суфра ки зи вай сар афроштам,
Зи инсоф дам зад, к-азон бахши худ:
Ҳамон бас ки дар роҳ бардоштам⁶².*

* * *

Бир қатла фақир аларнинг қадимий девонин Мавлоно Абдуссамадгаким, замоннинг хушнависларидиндур ва хуш табъ ҳам бор, буюруб эрдим ва улча мақдур такаллуфдур қилилиб эрди. Девон тугангандин сўнгра алар хизматиға элтиб, муқобала истидъоси қи-лилди. Алар айттилар: «Бир-икки кун мунда турдик. Биз миқдоре мулоҳаза қилали. Котибин хуштабъ киши дерлар. Шоядки, эҳтиёт қилиб эркинким, муқобала қилурға эҳтиёж бўлмағай».

Тонгласи фақир алар хизматиға еттим, айттиларким: «Бу китобни ғариб навъ битибдур, анга ўшарким, илтизом қилмиш бўлғайким, ғалатсиз мисраъ битмағай, баъзи ерда бирор-иккирор, балки ортуқ абъёт ҳам тарк қилибтур, ўзи-ўқ мунда бўлса, чун хушнавис кишидур, кўп эҳтиёт жиҳатидин шояд хейли рўзгори зоеъ бўлғай».

Гуфту шунид кўп ўтти, охир фақир дедимким: «Агар сизнинг муборак қаламингиз била ислоҳ топса мужиби мубоҳот ва зебу зийнат бўлур». Оқибат қарор анга туттиким, ўз муборак қаламлари била ислоҳ қилғайлар. Ҳад ва ниҳоятда ортуқ

Мутлақо ёдига келтирмасди.

⁶² Қитъанинг мазмуни:

Деҳдорга айтдимки, менга ҳада [қилинган нарсалардан]

Бошингдан сочиқ қилдим.

Инсоф юзасидан оғиз очиб,

Йўлда олганим етар (деди).

ғалатлар эрдиким, ҳам ҳақ ва ҳам ислоҳ қилдилар, то итмомға етти, девоннинг охирида бу қитъани битиб эрдиларким:

*Хушнависе чу орази хубон,
Суханамро ба хатти хуб орошт.
Лек ҳар жо дар ўзи саҳви қалам
Гоҳ чизе фузуду гоҳе кост.
Кардам ислоҳи он бо хати хеш,
Гарчи н-омад чунончи дил мехост.
Ҳар чи у карда буд бо суханам
Ба хати у қусур кардам рост⁶³.*

Султон Яъқуб⁶⁴ фақирдин китоб тилаганда андин нафисроқ китобим йўқ эрдиким, ҳар мисраида ул ҳазратнинг муборақ қалами кириб эрди ва аларнинг— ўқ қудсий осор анфоси эрди — йибордим ва бу битилган кайфиятни шарҳ била битидим. Ўқуб, хушвақтлиғлар қилиб, қитъани ёд тутуб, мактубда миннатдорлик изҳор қилиб эрдилар.

* * *

Бир сабоҳ ул Ҳазрат бандахонаға ташриф келтуруб эрдилар. Ул уйда бир-икки жуфт товус бор эрди. Сўз асносида андоқки, товус не дастур била катакдин чиқормоқ маъхуддур, товусларни асрағучи ҳам уйларидин суруб чиқорди, ҳамул замон жилва қила бошлаб, қуйруғларин чатр қила бошладилар. Алар сунъ

⁶³ Қитъанинг мазмуни:

Бир хати чиройли (котиб) гўзаллар юзидек қилиб,
Сўзларимни безаб чиқди.
Лекин у ҳар жойда қалами хатоси билан,
Гоҳ бир нарса орттирди, гоҳ эса, тушириб қолдирди.
Мен ўз хатим билан уни тузатиб чиқдим.
Гарчи ноқулай эса-да, кўнгил тилагандек бўлди.
У менинг сўзларимни не чоғлик бузган бўлса,
Мен унинг хатига шундай қусур етказдим.

⁶⁴ Султон Яъқуб – оққунонли туркманлар султони. 1491 й.да вафот этган.

наққошининг нақшбандлиғи ғаробатида мутаажжиб бўлуб, товус бобида ҳар навъ сўз ўтар эрди, то сўз анга етиштиким, баъзи эл қошида бу сўз борким, товус жуфт бўлмай байза қўяр, баъзи қошида будурким, мастлиқ вақтида эркагининг кўзидин бир қатра сув модасининг кўзига томиб, ул тухум модаси бўлур. Алар фақир сори боқиб, айттиларким: «Бу сўз йироқ эрмаским, эътибори бўлғай, невчунким, — машхурдурким, Мир Хусрав баъзи расоилида бу маънини изҳор қилмиш бўлғай, ул Ҳиндустонда бўлғон кишидур, то анга таҳқиқ бўлмағай, битимамиш бўлғай».

Фақир агарчи бу сўзнинг маҳзн кизб эканин билур эрдим, аммо алар юзида Амир Хусрав сўзин на тасдиқ қилдим, на такзиб ва ҳеч жавоб бермадим. Алар жавоб бермаганнинг сабабин сўрдилар. Заруратдин фақир айттимким: «Шояд Ҳиндустонда товусға бу ҳол воқеъ эркин». Алар мутаажжиб бўлдилар: на Мир Хусрав сўзи исботида муболаға қилдилар, на фақирнинг сўзининг нафйида. Невчунки, ҳеч жониб аларға яқин эрмас эрди. Аммо фақирға ажаб ҳол воқе бўлдиким, Мир Хусравдек кишининг сўзикаим, алардек бузургвор айтқайлар ва мен тасдиқ қилмағаймен. Бу фикрга туштумким, ўз муддаом исботини не навъ қилғайменким, бу ҳолатда маст нар товус югурди, дағи модасин босиб жуфт бўлди. Алар кулуб дедиларким: «Мундоқ иттифоқий иш-оз воқеъ бўлмиш бўлғай, шубҳа рафъ бўлуб, муддао исботи зоҳир бўлди».

* * *

Аларнинг Сафиуддин Муҳаммад отлиғ фарзандлари тенгри раҳматиға борди. Азо сўрар ойинин бажо келтурурга отланиб, алар хизматиға борадурғонда ёри азизим Шайхим Суҳайлий йўлда йўлуқти, қаён борадурғоним билгач, ҳамроҳ бўлди. Андин сўнгра Мавлоно Соний йўлуқти, ул доғи қўшулди. Алар хизматиға борғоч, акобиру ашрофдин жамъи касир хизматида эрдилар. Мажлисда ўлтурғоч, фақирларнинг рутбаси шавкатидин

ва мажлис савлатидин ҳаср бўлуб ҳеч навъ сўзким, далолат азо сўрмоқға қилгай — айта олмадим. Ҳамроҳларим худ ўзларин менга тобеъ тутуб эрдилар. Бир ламҳа ўтгандин сўнгра худ сўз айтурнинг вақти ўтти. Бу фақир бағоят хижолатзада бўлуб, таърихға муносиб алфоз хаёлиға туштум. Иттифоқи ҳасанадин «бақои ҳаёти шумо бодо»⁶⁵ алфозин аввал қат-лаким, ҳисоб қилдим, рост келди. Эҳтиёт учун яна бир қатла ҳисоб қилилди. Шубҳа рафъ бўлгондин сўнгра давоту қалам тилаб, бу алфозни битиб, рақамин устита сабт қилиб, аларға эътироз тута бердим. Алар таҳсинлар қилиб дедиларким: «Бу таърихни биз назм силкига тортали».

*Бу навъ қилдиларким:
Гули бўстони латофат Сафи
Чу шуд сўи жаннат зи боғи фано,
Азизе паи пурси таърих гуфт,
Қи «бодо бақон ҳаёти шумо»⁶⁶.*

* * *

Бир кун фақир алар хизматида эрдим ва яна киши йўқ эрди. Анварий⁶⁷ қасойиди бобида сўз ўтадур эрди. Алар бу навъ таъриф қиладур эрдиким: «Биз анинг ашъорин, батахсис қасойидин оз кўруб эрдик, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илигимизга тушубтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз, баъзи ерда айтса бўлғайким, башар каломидин ўтуб, эъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай,

⁶⁵ Араб ёзувидаги «бақои ҳаёти шумо бодо!» (яъни, Сизнинг ҳаётингиз боқий бўлсин!) жумласидаги ҳарфлардан абжод ҳисобида 880/1475 й. чиқади.

⁶⁶ Шеърнинг мазмуни:

Латофат бўстонининг гули (бўлмиш) Сафи,
Фонийлик боғидан жаннат томон кетганда,
Бир азиз одам кўнгил сўраб,
«Бодо бақои ҳаёти шумо» деб таърих туширган эди.

⁶⁷ Анварий – Авҳадуддин Анварий – Султон Санжар (ваф. 1156 й.)нинг сарой шоири. Унинг қасидалари шакл ва услуб жиҳатидан ниҳоятда мураккаб ва дабдабали саналади.

ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарға келадур».

Чун фақир асқоб орасида муттаҳам мунга борменким, Анварийға муътақиддурур ва анинг шеърин кўп ўқур. Филвоқеъ мундоқдур. Бағоят хушвақт бўлуб айттим: «Илтимосим борким, ул қасидасинким будур:

*Гар дилу даст бахту кон бошад,
Дилу дасти худоягон бошад*⁶⁸

бир қатла ўқуб мулоҳаза қилилса».

Алар мутабассим бўлуб айттиларким: «Ажаб сўз айттинг, биз бу уч-тўрт кунда бу қасидасин ўқуб, хушҳол бўлуб, ғоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз, — деб мусаввадани бир худранг варақда чиқариб, фақирнинг илгига бердиларким: «Ўқуб кўр». Матлаи бу эрдиким:

*Ҳар киро дар даҳон забон бошад,
Дар санон шаҳи жаҳон бошад*⁶⁹.

Биз фақирлар не истиҳқоқ била таъриф қила олғайбиз. Мунча густоҳлиқ қилилдиким, ул қасидани сихр хаёл қилур эрдук, бу шеър ани паст қилғондек кўрунадур, ҳамоноки муъжиза деса бўлғай.

* * *

«Нафаҳот ул-унс» мутолаасида бир кун бу маҳалға етиб эрдиким, Шайх Абулҳасан Дуррож⁷⁰ (қуддиса сирриху) йироқ йўл

⁶⁸ Байтнинг мазмуни:

Агар кўнгил билан қўл дарё ва кон бўлса,
Шоҳларнинг дили ва қўли бўлади.

⁶⁹ Матлаънинг мазмуни:

Ҳар кимнинг оғзида тили бўлса,
Жаҳон шоҳининг мадҳида бўлсин.

⁷⁰ Шайх Абулҳасан Дуррож – Бағдодлик машҳур шайхлардан. 320/932 ҳ. да вафот этган.

қатъ қилиб, Имом Юсуф бин Абулхусайн Розий⁷¹ (Қуддисиллоҳи сирриху лазиз)⁷² зиёратига Райға борди. Ва имом Мулло Мутаннабиҳдин эрди. Шайх муддате ул диёрда имомни тилаб, ҳар кишидин сўроғ қилса эрди, айтур эрдиларким, ул кофирни истарсан, ул зиндиқни истарсен. То бир кун ани бир бузукда топтиким, Қуръон ўқуйдур эрди. Онча турдиким, ул Қуръон ўқумоқдин фориг бўлди. Шайх юруб салом қилди. Имом жавоб бериб айттиким: «Хуш келдинг, Абулхусайн, бир байт ўқи!» Шайх бир байт ўқуғач Имомға вақт хуш бўлуб, важд⁷³ юзланиб, самоъ⁷⁴ тузди. Бу самоъда айтур эрдиким: «Сен бу муддатдаким, мени севар эрдинг ул кофирни, ул зиндиқни севарсен деб чин айтурлар эрдиким, муддатеким, Қуръон тиловат қилур эрдим, менга важду ҳол юзланмади. Ҳоло сен бир байт ўқуғон учун мунча важд даст берубдур. Бу сўзни Муқарраби ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий (Қуддисиллоҳи сирриху) дебтурларким: «Оё, Юсуф бин Ал-Хусанға Абулҳасаннинг муддате кириб, они сўрғани, ул сўзни элдин эшитгани ҳамул важд ҳолатида макшуф бўлди. Ё ул муддатдаким, ул сўрар эрди, бу воқиф эрди. Агар ҳамул замон макшуф бўлғон бўлса, мунинг мартабаси бийикроқдур. Ва ҳол улки, зоҳир аҳли қошида шон будурким, бирининг мартабаси бийикроқ бўлғай». Дойим бу сўз фақирнинг хотириға уйрулур эрди ва ўз хаёл ва фикрим била бу шубҳа рафъ бўлмас эрди, то бир кун ҳазрати иршодпаноҳ ва валояти дастгоҳ ҳаллоли мушкилоти мажоний Мавлоно Муҳаммад Тобадгоний⁷⁵ (қуддиса

⁷¹ Имом Юсуф бин Абдулхусайн Розий – Куняти Абу Яъқуб «Маломатия» тариқатиға мансуб. Бу шайхлар ҳақида На-войининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида маълумот бор. 304/916 – 917 й.да вафот этган.

⁷² а.: оллох сиррини муқаддас ва азиз сақласин!

⁷³ важд – суфийликда ишқ ва иштиёқ ғалабаси натижасида ўзидан кетиш.

⁷⁴ самоъ – суфийларнинг зикр тушиши (қўпинча мусиқа билан, қўшиқ билан).

⁷⁵ Муҳаммад Тобадгоний – исми Шамсуддин. Машхур шайхлардан. Навоий «Мажолис ун-нафоис»ида у ҳақда маълумот беради. Хонақоҳи ва қалин муридлари бўлган. Ҳиротда 891/ 1486 й.да вафот этган. Қабри Хиёбондадир. Унинг асарларн: «Асмоуллоҳ» шарҳи, «Манозил ус-сойирин» ва «Қасидаи Бурда»га мухаммас, «Тазкират ул-ҳабиб», «Васоё» таржимаси, Зикр бобида «Арбаъин» ва фақру сулук бобида яна бир «Арбаъин» таржимаси. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Муҳаммад Тобадгонийни зикр этади. 87 ёшда вафот этгани, вафоти таърихи «Қутби замон бирафт» иборасида www.ziyouz.com kutubxonasi

сирриху) хизматларида арз қилиб, бу шубҳам рафъини истидъо қилдйм. Алар айттиларким: «Бу тойифатнинг камолига ҳазрат ҳақ субҳона таолонинг мутолаа жамолида бир шухуду истиғроқ дойимий бўлурким, андин ўзга нима сори илтифот қилмас, ҳар қачон вожиб зоти мушоҳадаси имкон оламига тазалзул ва илтифот воқеъ бўлмаса, бу жонибга шуур воқиф бўла олмағай. Бас ҳамул замонким, ул таважжухдин бу сори тазолзул қилди, агар анинг мазкур бўлгон ҳолатиға матлаъ бўлди. Эrsa ҳар ойна мунинг мартабаси андин кам, мунинг аҳволиға матлаъ бўлгон бўлғай бийикроқ бўлғай. Невчунким, дойим анинг аҳволиға матлаъ бўлгондин таважжух шухуд асли нуқсони лозим келур. Ҳар қачон ул ҳолғаким, ҳаёт ва зиндагонлиғдин мақсуд улдурким, футур юзланса муқаррардурким, бу рутбадин ул мартаба бийикроқ бўлғай. Бу фақирға Ҳазрат Мавлононинг бу фарахафзо ва руҳосо такаллумидин ниҳоятсиз хушҳоллиқ даст бериб, хаёлға келдиким, бу масъалани Ҳазрати Махдумдин илқо қилғай. Ҳамул замон андин чиқиб, ул ҳазрат мулозаматиға мушарраф бўлуб, ўтган дастур била сўзни арз қилиб, ул Ҳазратдин ҳам истидъои жавоб қилилди. Алар дағи биайниҳ Ҳазрати Мавлонаи мазкур адо қилгондек фойда буюрдилар. Фақирға аввалғи нишот ва фарах бирга ўн, балки юз бўлди.

Ҳуше ул замонким, замон мундоғ бузургворлар шариф вужудлари била ораста ва даврон мундоқ рафеъ миқдорлар хилқатлари билан пийроста эрди. Ҳайф ва юз минг дарифким, ул қуёшлар уёқиб, бир неча тийра рўзгор хуффошлар пару бол очиб, назарбозлиқ ва баланд парвозлиқ ҳавосида жилва қилурлар.

Ва ул тенгизлар суғолиб, бир неча кудуратосор хайдек мулавваслиққа фошлар нахват елидин зулолосор тахаррук ва баҳркирдор тамаввуж нуқуши кўргузурлар (наузу биллаҳ мин шурури нафсино ва мин сиёсати аъмолино)⁷⁶.

берилганини қайд қилади. Абжад бўйича 891/1486 й. чиқади.

⁷⁶ а.: Оллоҳни нафсимиз ёвузлигидан ва ишларимиз ғирромлигидан сақлашга чақирамиз.

ИККИНЧИ МАҚОЛАТ

Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган руқъалар бобидаким, ул руқъалар ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдур ва муншаотлар орасида мастурким, бу фақир жавоб битибмен ё акси.

Бу руқъани бу фақир Марвдин арзадошт қилиб эрдимким, ихтисор жиҳатидин анда битилган рубойи била ихтисор қилилур.

Р у б о и й:

*То дур фитода сарам аз хоки дарат,
Ҳар рўз диҳам ба номае дарди сарат,
Бехуд гардам чу нома ояд зи барат
Ман беҳабар аз нома, чи донам хабарат*⁷⁷.

Алар бу руқъани битиб эрдиларким:

*3-он дам ки фитод иттифоқи сафарат,
То бу ки қунам гаҳе ба хотир гузарат,
Гар мурғ парад ба сўи ту ё бод вазад,
Хоҳам ки диҳам ба номае дарди сарат*⁷⁸.

Чун қалам бардоштам ва андеша гумоштам, жуз эътизори руқъаҳои мутатобеъ ки дар чанд рўз воқеъ шуда, маъние дар дил нагашт васурате ба хотир нагузашт. Агар чи ин низ холи аз

⁷⁷ Рубойининг мазмуни:

Бошим эшигинг тупроғидан узоқлашгандан бери,
Ҳар куни бирор хатни бошинг оғриғи қиламан.
Сендан нома келганида, қандай
Хабар келтирар экан, деб беҳуд бўламан.

⁷⁸ Рубойининг мазмуни:

Сафарга жўнаган пайтингдан буён,
Ёдимга тушганинг сари [ҳар тарафни] искаб кўраман.
Агар сен томонингга қуш учса, ёхуд шамол эсса,
Бирор номани бошинг оғриғи қилишни истайман.

дағдағай тасдеи нест ва авқоти шарифро бешоибай тазъеи не.

*Гар бинолам пеши ту он нола дарди сар бувад,
В-ар бихоҳам узр, он дарди сари дигар бувад*⁷⁹.

Неча кундин сўнгра ҳам Марвда бу руқъа алар Ҳазратидин келдиким:

*Таҳийёте ки чун аз дил барояд
Ҳама руҳониёнро жон физояд
Шамими он дар ин фируза манзар
Димоғи қудсиён дорад муаттар*⁸⁰.

Руқъанинг охирида бу икки байт эрдиким:

*Жуз ин коре мабодат гоҳу бегоҳ,
Ки дар зилли залили, давлати шоҳ,
Хати ҳаззи ҳудаз дил бартароши,
Барон ҳақ паноҳи халқ боши*⁸¹.

Фақирнинг жавобида ва аларнинг руқъаси таърифида бу

⁷⁹ Мазмуни:

Қаламни олдим ва ўйладим. Бу кунларда кетма-кет юборилган хатлар учун узр айтишдан бошқа бирор маъно кўнгилдан ўтмади ва хотирга ўзга сурат етишмади. Гарчи бу ҳам шунингдек, бош оғриғи хуружидан холи ва азиз вақтларини бекорга ўтказишдан ташқари нарса эмас эса-да:

Агар сенинг олдинда нола қилсам, у нола бош оғриғи бўлади,
Ва гар узр сўрасам, у [ҳам] бошқа бир дардисар бўлади.

⁸⁰ Шеърнинг мазмуни:

Кўнгилдан чиққан у мақтовлар,
Ҳамма руҳонийларга жон бағишлайди.
Бу фируза ранг макондаги у тоза ҳид,
Покизаликка мансублар димоғини хушбўй қилади.

⁸¹ Шеърнинг мазмуни:

Шоҳ давлатининг соясида
Эртаю кеч шундан бошқа ишинг бўлмагай.
Ўз манфаатинг сабзасини кўнгилдан юлиб ташлаб,
Ҳақ учун халқнинг паноҳи бўлгайсан.

руқъани арз қилиб эрдимким, маснавий:

*Саломе, к-аш чу мурғи жон сарояд
Чу Рухуллаҳ⁸² равонбахши намояд,
Ҳама алфозаш аз айни мувосо
Чу нутқи Аҳмади⁸³ мурсал дилосо⁸⁴.*

Сўнгги икки байт жавобида бу икки байт битилиб эрдиким:

*Умедам он ки аз иршоди Махдум,
Ба рӯи нома гардад ҳар чи марқум.
Зи амраш чун қалам сар барнатобам,
Ба тавфиқи вуқуаш баҳра ёбам⁸⁵.*

Подшоҳ Марв қишлоғида эрқанда Устод Ҳасан Нойининг фавтининг хабари Ироқдин келди, Фақир Ҳазрати Мавлавий маснавийсининг аввалғи байти муносабат жиҳатидин тазмин⁸⁶ қилиб эрдим.. Бу навъким,

⁸² Рухуллаҳ – Исо пайғамбарнинг лақаби

⁸³ Аҳмад – Муҳаммад пайғамбарнинг лақаби.

⁸⁴ Мурсал – элчи, пайғамбар маъносини англатади.

Шеърнинг мазмуни:

Юборган саломинг жон қушидек сайрайди.

Ҳудди Рухуллоҳдек жон бағишлайди.

Ҳамма сўзлари ғоят келишганлигидан

Пайғамбар нутқидек ёқимлидир.

⁸⁵ Шеърнинг мазмуни:

Умидим шуки, Махдум иршоди билан,

Мактубда нимаики ёзилган бўлса,

Амридан қалам каби бош тортмагайман,

Мадади ва рўёбга чиқишидан баҳра олгайми.

⁸⁶ Мавлавий – Жалолуддин Румий (1207 – 1273) – Марказий Осиёлик буюк шоир ва олим. Унинг 27 минг байтдан иборат «Маснавий» («Маснавийи маънавий», деб ҳам юритилади)си чуқур диний фасофий ғояларни тарғиб қилувчи асардир. Жалолуддин Румий «Мавлавия» номли тасаввуф мактабига асос солган.

Тазмин – бошқа ижодкор шеърдан байт, мисраъ ёки бирор иборани иқтибос – кўчирма қилиб келтириш санъати. Қуйидаги шеърда ҳар байтнинг иккинчи мисраъи Жалолуддин Румийдан тазминдир.

Т а з м и н:

*Шарҳи ҳажри шоҳи устодон Ҳасан,
«Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад».
Банд-банди у жудо гашта зи ҳам,
«Аз жудоиҳо шикоят мекунад»⁸⁷.*

битиб, шаҳрда ҳазрати Махдум хизматлариға йиборилиб эрди. Алар келур кишидин ҳам бу байтни, тазмин қилиб, бу руқъани йибориб эрдиларким,

Т а з м и н:

*Шуд наи хома диламро таржумон,
«Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад».
Бо забони тезу чашми ашкрес
«Аз жудоиҳо шикоят мекунад»⁸⁸.*

Ҳикояти тамодин айёми фироқ ва шикояти таволии лаёлии иштиёқ беш аз он аст ки ба мадаргории давоти даҳонбаста ва ба дастёрии хомаи забоншикаста дар тули ин нома арзи он мақдур бошад ва дар таййи ин саҳифа нашри он маншур, ложарам садди он боб карда илтимос меравад ки:

*Дар он соат, ки беташвиши ағъёр
Дар он фарҳунда мажлис бошадат ёр,*

⁸⁷ Шеърнинг мазмуни:

Устодлар шоҳи Ҳасандан жудолик шарҳини,
«Найдан эшитгил, қандай ҳикоя қилади».
Унинг бўғин-бўғини бир-биридан ажралиб,
«Жудоликлардан шикоят қилади».

⁸⁸ Шеърнинг мазмуни:

Қалам найи дилимнинг таржимони бўлди,
«Найдан эшитгил, қандай ҳикоя қилади».
Ўткир тил ва ёш тўкувчи кўзлар билан,
«Жудоликлардан шикоят қилади».

*Заминбўйи ба таъзиме ки дони
Заминбўси дуогуён расони.*

Давлате аз интиҳо масун ва саодате аз инқитоъ маъмун бод⁸⁹.

* * *

Ҳамул юрушда фақир бу рукъани битиб йибориб эрдимким:

*Наи килкат шакари маъниро
Карда чун найшакар аз жавф бурун.
Хати ўро хати мушкинсурат
Дар таҳи хат рухи зебо мазмун,
Балки ҳар донае аз нуқтаи у
Тожи маъниро дурри макнун⁹⁰.*

«Рукъае ки аз рӯи илтифот фиристода буданд, бал гавҳаре ки аз баҳри табъи Уммон симот берун оварда — расид. Бар ҳар тақдир бар тожи торак дўхта шуд ва ҳонаи чашму дил бад он афрўхта гашт. Офтоби иршод бар сари толибони рубъи маскун ва

⁸⁹ «Айрилиқ кунлари чўзилишининг ҳикояси ва муштоқлик тунларининг узайиши шикояти шундай зиёдаки, оғзи боғлиқ сиёҳдон мададкорлиги ва тили синиқ қалам дастёрлиги билан бу нома давомида уни арз қилишга қудрат етармикан ва бу саҳифа устида у ёзиладиган нарсани битиб бўлармикан? Ноилож у бобга чек қўйиб, илтимос етказилади:

Ўзгалар ташвиши бўлмаган соатда,
Дўст бор бўлган бахтли мажлисда,
Ҳар қанча таъзим билан ер ўпиб,
Дуоғўйларнинг чуқур ҳурматларини етказгайсен.
Битмас давлат ва туганмас саодат ҳимоясида бўлгайсан!

⁹⁰ Шеърнинг мазмуни:

Қаламинг найи маъни шакарини,
Найшакар каби ичидан чиқарган.
Унинг хатини мушқдек чизиққа айлантирган.
Хат зиминда гўзал чехрали мазмунни [берган].
Балки ҳар дона нуктасидан
Маъно тожига яширин дурр яратган.

бар сарвақти қобилони жавфи гардун тобанда бод, вассалом»⁹¹.

Ул Ҳазрат бу руқъани жавоб битиб, йибориб эрдиларким,

қ и т ъ а:

*Наи килки ту тифли маънийро
Ба наботи хусн бипарварда,
Гурраи субҳро зи турраи шом
Рашки рухсори навхатон карда.
Қисса кўтаҳ, шаби дарози маро
Пора-пора ба рўз оварда*⁹².

Саҳифаи шарифаи машҳун ва маони ва ибороти латифаи мамлу аз нукот ва хурдадони наздикони дур ва дурони наздик ба хузурро мушарраф сохт. Дар сурати ҳар хатте ҳаззе рўй намуд ва аз акси ҳар ҳарфе фарахе партав андохт. Аз шавкатн шиква ғунчаҳои шукру сано даманид ва аз хори гила гулҳои маҳмидату дуо шукуфонид.

Ш е ъ р:

*Гар лутфи ту бигзарад ба хористонҳо,
Хористонҳо шавад баҳористонҳо.*

⁹¹ Илтифот юзасидан юборган мактублари [эмас] балки денгизга ўхшаган табълари дарёсидан чиқарган гавҳарлари етишти. Ҳар ҳолда бош устидаги тожга тикиб қўйилди ва кўз ҳамда кўнгил уйини у билан ёритилди. Иршод қуёши ер юзи толиблари ва осмон остидаги қобиллар бошида тоблансин. Тамом.

⁹² Қитъанинг мазмуни:

Қаламинг найи маъно боласини,

Ҳусн сабзалари билан безаган.

Тонг бошини тун кокили билан

Навқиронлар чехрасининг рашкини қўзғайдиган қилган.

Сўзнинг қисқаси, менинг узун кечамни,

Парчалаб ташлаб, кундузга айлантирган.

Ҳикояти гила ва шикоят бинобар он воқеъ шуд, ки эшон аз
руқъаи ин фақир тасаввур кардаанд ва дар тахти тақрир ва
таҳрир овардаанд ва илло маснавий:

*Н-ояд аз ту чунон муомилае,
Ки касеро расад аз он гилае,
Нест аз ту ба жуз гила гила чанд
З-он ки лутфи туаш зи беҳ биканд.*

Ҳаққи субҳона ҳамвора дар назари офати худашон дорад, ва ба
офати назари беҳудашон ниғаҳ дорад. Вассалом⁹³.

* * *

Бир кун ул Ҳазрат хизматида эрдим ва ҳар навъ назмдин сўз
ўтар эрди. Сўз асносида Мир Ҳусрав (алайҳар-рахма)⁹⁴нинг
«Даръёи аброр» отлиғ қасидаси мазкур бўлди. Бу фақир гўё анинг
таърифида муболаға қилдим ва муҳиқ эрдим. Невчунким, Мир

⁹³ Маънолар билан тўла бўлган шарофатли саҳифа, нозик сўзлар билан тошқин
гўзал иборалар яқин бўлган узоқларни ва узоқдаги яқинларни хузур билан
шарафлангирди. Ҳар сатрининг шаклидан баҳра юз берди ва ҳар ҳарфининг аксидан
шодлик тобланди. Шуқуҳи шавкатидан шукр ва мақтов ғунчалари етиштирди ва гина
тиканидан мадҳия ва дуо гуллари очди.

Шеър:

Агар сенинг лутфинг тиканзорларга етишса,
Тиканзор баҳористонга айланади.

Гина ва шикоят ҳикояси шунинг учун ҳам воқеъ бўлдики, ўзлари (яъни Жомий)
каминанинг (яъни, Навоийнинг) мактубидан шундай нарса борлигини тасаввур
қилганлар ва (мақсадни) оғзаки англатиш ва ёзма баён қилишда ҳам келтирганлар.
Ҳолбуки:

Сендан шундай муомала бўла олмаски,
Бирор кимсага ундан гина етишсин,
Сендан гинадан бўлак ҳеч қанчалик гина йўқ,
Чунки лутфинг уни тубидан узди.

Мақталган ҳақ бир йўла яхшилар сиҳатини назарда тутсин ва ёмонлар назари
офатидан сақласин! Тамом.

⁹⁴ а.: унга оллоҳ раҳмати бўлсин!

«Даръёи аброр» (Пок кишилар дарёси) – Амир Хусрав Деҳлавийнинг фалсафий
қасидаси.

Хусравдек кишидин мундоқ машхурдурким, демиш бўлғайким: «Агар афлок ҳаводиси ва рўзгор навоибидин менинг борча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса менга басдур, невчунким, ҳар киши ани ўқуса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эркандур». Аммо неча доғи мундоқ бўлса, бу фақирдин ул Ҳазрат мажлисларида таърифда ифрот муносиб эрмас эрди. Ул Ҳазрат ҳеч нима демадилар, то мажлис тарқади.

Ҳамул учурда подшоҳ Марв қишлоғига озим бўлдилар. Иттифоқо, неча кундин сўнгра азимат бўлди: Фақир ул Ҳазратдин ижозат тилай хизматлариға бордим. Истижозадин сўнгра фотиҳа ўқуб, рухсат бердилар. Дағи қўюнларидин бир жуз чиқориб, фақирға иноят қилдилар. Олиб очтим, эрса «Даръёи аброр» жавоби «Лужжат ул-асрор»⁹⁵ эрдик, ҳамул кунларда айтиб эрдилар. Ҳар киши ўқуса билурки, «Даръёи аброр»дин якдастроқ ва рангинроқ. Ниёзмандлиқ қилиб, қулоқ тутуб, отланиб, манзилға таважжуҳ қилдим ва манзил тўққуз работ эрди. От устида қасидани ўқуб, хушҳолиқ била борурда хаёлға «Тухфат ул-афкор»⁹⁶ қасидасининг матлаи келди. Манзилға тушгандин сўнгра битиб бир бекдин ул Ҳазрат хизматлариға йиборилдиким, агар тугатурга лойиқ бўлса ва ишорат бўлса, машғуллуқ қилайин, йўқ эрса хайр.

Ул Ҳазрат руқъаларида таърифлар қилиб, муболағалар айтиб эрдиларким, «албатта тугатсун», деб.

Фақир Марвға боргунча ани ул Ҳазрат отиға тугаттим ва Марвдин ул Ҳазрат хизматлариға битиб йиборилди. «Даръёи аброр» матлаи будурким:

*Кўси шаҳ холиву бонги ғулғулаш дарди сар аст,
Ҳар ки қонеъ шуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст*⁹⁷.

⁹⁵ «Лужжат ул-асрор» (Сирлар дарёсининг чукур жойи) – Жомийнинг «Дарёи аброр» жавобида ёзган қасидаси.

⁹⁶ «Тухфат ул-афкор» (Фикрлар тухфаси) – Навоийнинг Хусрав Дехлавий ва Жомий қасидалариға жавоб тарзида ёзган қасидаси.

⁹⁷ Матлаънинг мазмуни:

«Лужжат ул-асрор» матлаи будурким:

*Кунгури айвони шаҳ к-аз кохи Канвон бартар аст,
Рахнаҳо дон к-аш ба девори ҳисори дин дар аст*⁹⁸.

«Тухфат ул-афкор» матлаи будурким:

*Оташин лаъле ки тожи ҳусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст*

*Буд явми жомеъ шаҳри ражаб таърихи он,
Турфатар к-ин рўзу моҳ итмоми онро мазҳар аст*⁹⁹.

Бу таъриҳда ғаробат борким, таърихнинг ой ва кунининг зикридин йили ҳисоби «жумал қоидаси» била ҳосил бўлур.

* * *

Ул Ҳазрат бу руқъани битиб йибориб эрдиларким: «Баъд аз адои вазоифи дуо мақрун ба ижобати самиаллоҳу лиман дуо марфуъ он ки ба тозаги қосиде расид ва қасидаи тозав расонид.

Подшоҳ ноғарасининг ичи бўшу садосининг бонги бош оғриғидир,
Кимки хўл-куруққа қаноатланса, денгиз ва ер юзининг шоҳидир.

⁹⁸ Матлаънинг мазмуни:

Подшоҳ қасри кунгураси Кайвон [Зухал юлдузи] мақомидан ҳам юксак бўлса-да,
Билгилки, ундан дин қалъасининг деворига дарзлар тушгандир.

⁹⁹ Байтларнинг мазмуни:

Подшоҳлар тожини безовчи ўтли лаъл,
Бошларида хом хаёлларни пиширувчи лаққа чўғдир,
Ражаб ойининг жумъа куни унинг таърихи эди,
Қизикроғи шуки, унинг тугалланиши ҳам шу кун ва шу ойда юз берди.

Бу таъриҳда ажиб жойи борки, таърихнинг ой кунининг зикридан йил ҳисоби «жумал қоидаси» билан ҳосил бўлади.

Юқоридаги шеърда Навоий келтирган таърих араб ёзувидаги «явми жомеъ шаҳри ражаб» жумласи ҳарфларидан абжад ҳисобида 880/1475 й. чиқади.

«Жумал қоидаси» эса ҳарфларнинг сон миқдорини кўшиш, орқали чиқариладиган таърих бўлиб «абжад ҳисоби» демақдир.

Ш е ъ р:

*Чу ҳарфе чанд хондам з-он қасида
Дили хосонаш андар қайд дидам.
Дар он асно чу шуд чашми басират
Кушода жумла дилҳо сайд дидам.*

Ҳарчанд аз матлаъ то мақтаъ дар ҳар байт ва мисраъ хотир ба суръати нуқуди мубоҳи ба ҳар ҳарфе фуру шуд, чун сиёҳи ҳеч нуқсоне чуз он ки дафъи айнул-камолро дар ҳусни калом ва лутфи мақол кўшида буданд ва аз ҳеч чизе сохтаи ин ноқисро либоси авсофи камол пўшида ба назари андеша дарнаёмад, оре.

Н а з м:

*Машшота чу чеҳраи бутун орояд,
Аз нил хате кашад паи дафъи газанд.*

Аз фаҳвои он чунон маълум шуд ки хизмати эшонро иродати иқбол бар қиблаи мақсуд ва эъроз аз намудҳои бебуд мутааққад шуда (Алҳамду лиллоҳ алалуммат). Аммо агар чунончи дар тағйири умури суварий ва тарки иштиғоли ғайри зарурий, чуи мулоими мизожи азизон нест, муболаға наравад ва дур наменамояд, ҳеч жо нест, ки мақсуд зоҳир нест ва жамоли зуҳурашро жуз камоли зуҳур сотир не.

Ҳақи субҳонаҳа ҳамкунонро аз ҳақиқати қурб ба мақсуд огоҳ гардонад ва дасти ҳиммат аз набудҳои бебуд кўтоҳ, вассалом¹⁰⁰.

¹⁰⁰ Дуо қилиш вазифалари адоси ижобати билан оллоҳ хабардорни юксалтиргандан сўнгра маълум бўлғайким, янгидан чопар келди ва янги қасидани етказди.

Шеър:

У қасиданинг бир неча жойини ўқиб,
Хослар дилини унга боғланган кўрдим.

Шу аснода хушёрлик кўзи очилиб,
Ҳамма дилларни овланган кўрдим.

Ва рукъа ҳошиясида қасида силаси бир бўрк била сарафроз қилиб, бир рўймол мужиби обрўй қилиб эрдилар. Мундоқ битиб эрдиларким: «Тоқияи фарқи тожи такаллуфро ва пораи карбоси нашфи рутубати дасти аз жаҳон шустаро фиристода шуд»¹⁰¹.

Чун «Тухфат ул-афкор» қасидаси шуҳрат тутти, подшоҳ ҳазратлариға етишти Чун Амир Хусрав ва алар, балки ҳар кишиким айтибтур — салтанат тариқининг нафйи воқеъ бўлубтур, фақир чун азизларға татаббуъ қилиб эрдим — ҳамул тариқ маръий бўлуб эрди. Подшоҳ чун ўқуб таҳсин қилдилар. Подшоҳнинг камоли вусъати машраб ва ниҳояти ҳусни хулқларидин бу фақир маҳжуб бўлуб, хаёлға келдиким, бу қасида ва яна бир татаббуъ қилиб, дарвишлар маддоҳлиғини қилиб, аммо ҳукумат таврини таъйин қилилмай, подшоҳнинг муборак отиға тугатилгай. Бу матлаъ хотиримға келиб эрдиким,

Н а з м:

*Хиркаи пур баҳъя к-аҳли фақрро к-он дар бар аст,
Бар фирози олами маъни сипеҳру ахтар аст*¹⁰².

Ҳар қалай бошдан то охиригача ҳар байт ва ҳар мисраъдаги ҳар бир ҳарфга хотир фахрланиш ҳислари жунбуши билан синчиклаб қараган бўлса ҳам, лекин ҳеч бир нуқсон қоралиги, сўз хуснига ва мақол лутфиға «кўз тегиш»ни дафъ этишга уринишдан бошқа ва ҳеч бир сохта нарсадак бу нуқсонлиға камол мақтовли либосини кийган фикр назарға ташланмади. Шундай.

Н а з м:

Пардозчи гўзаллар чехрасини безаганда,

Зиён етказмаслик учун нил-кўк чўп билаи чизиқ тортади.

Унинг мазмунидан шу нарса маълум бўладики, уларнинг хизматларини иқбол иродаси мақсад қибласига ва ёқимсиз кўринишлардан юз ўтиришга ундовчи бўлган (Оллоҳ ва унинг умматларига мақтовлар бўлсин!). Аммо агар юзадаги ишларни ўзгартиш ва зарур эмас нарсалар билан шуғулланишии тарк этишга кўп уринилмаса, зероки бу азизларнинг мулойим мизожига уйғун эмас (десак) муболаға бўлмайди ва узоқ кетилмайди. Ҳеч ўрин йўқки, мақсад зоҳир бўлмагай. Зоҳир бўлиш жамолини зоҳир бўлиш камоли бекитувчи эмас

(Мақтовли тангри барчани мақсад йўлида ҳақиқат кудратидан огоҳ ва ҳиммат дастини бечоралар нобудлигидан калта қилсин. Тамом.)

¹⁰¹ Такаллуф тожини тарк этган бош учун дўппи ва жаҳондан қўл ювган қўлнинг хўлини ўзига олувчи парча бўз юборилди,

¹⁰² Шеърнинг мазмуни:

Чун бурунги матлаъ айтилгонда алар ҳазратиға йибориб, ниёз юзидин арз қилиб, татаббуъ қилурға истижоза қилиб эрдим ва ишорат бўлгондин сўнгра айтилиб эрди. Бу матлаъни дағи Марвдин битиб, шаҳрга алар хизматиға йиборилди. Мунинг дағи таърифида рангин руқъа бнтиб, истихсонлар кўргузуб йибориб эрдилар. Бу икки байт бул руқъадиндурким,

б а й т:

*Зиҳи карда аз шавқи шаҳбози табъат
Ҳумоёни қудсий ҳавои назарви
Зи мардум фиристода як матлаи хуш,
К-аз аҳли сухан мисли ў нест марвӣ¹⁰³.*

* * *

Фақир ул вақтдаким, мулозаматға машғул эрдим — доим ул Ҳазратға махласим бобида илтимослар қилур эрдим. Алар ҳар навъ сўз била фақирға таскин берур эрдилар.

Бир кун Мурғоб навоҳисида эрконда мулозимат машаққати ва ашғол касратидин изтирор юзланганда алар хизматиға бир киши йибориб, ул рубойини руқъада арз қилдимким,

р у б о и й:

*То кай чу сабо ҳар тарафам жилвагари,
Хоҳам суи сарви худ кунам пайсипари,*

Фақирлар эғнидаги кўп ямоқли тўн,
Маъно олами юксаклигининг осмони ва юлдузидир.
¹⁰³ Байтларнинг мазмунн:
Қандай яхши! Лочин табъингнинг шавқи,
Поклик қушларини қирғовул қилди.
Киши орқали бир яхши матлаъ юборибсан,
Сўз усталаридан унинг тенги борлиги эшитилмади.

*Фаръёдкунону хок бар сар фиганон
Гўям ки халосам кун аз ин дарбадари¹⁰⁴.*

Алар насихат юзидин мавъизаомиз руқъа битиб, бу рубойни айтиб эрдиларким,

р у б о и й :

*Аз дидаи жон агар ба жонон нигарй,
Аз тафриқаи жаҳон кучо ғусса хўри,
Ин тафриқа ҳаргиз чун нагардад сипари,
Бо тафриқа жам бош, то баҳра бари¹⁰⁵.*

* * *

Алар Макка сафариға борғонда Бағдоддин бағоят рангин нома битиб эрдилар. Ул нома аввалида бир ғазал битиб эрдилар. Матлаи будурким:

*Бар канори Дажла дур аз ёру маҳжур аз диёр,
Дорам аз ашки шафақгун дажлаи хун бар канор¹⁰⁶.*

Борур кишидин ул ғазалға татаббуъ қилиб, нома йибориб

¹⁰⁴ Рубойнинг мазмуни:

Қачонгача елдек ҳар томондан жилва қилай?!

Ўз сарвим томон елиб югиришни хоҳлайман.

Фарёд қилиб, бошимга тупроқ сочиб,

Қутқар мени бу дарбадарликдан дейман.

¹⁰⁵ Рубойнинг мазмуни:

Агар жононга жон кўзи билан боқсанг,

Жаҳон бевошлигидан ғам чекарми эдинг?

Бу бевошлик ҳеч қачон туганмайди.

Бевошлик сабаб йиғноқ бўл, токи баҳра топгайсан.

¹⁰⁶ Матлаънинг мазмуни:

Дажла [дарёси] қирғоғида ёрдан узоқ, диёрдан жудоликда

Шафақранг кўз ёшидан кўксимда қон дажласи бор.

эрдим. Матлаи будурким:

*Шоми ҳижрон к-у мағриб шуд ниҳон хуршедвор
ё рабаш субҳи висол аз жониби машиқ барор*¹⁰⁷.

Аммо руқъанинг охирида бу рубоийни ҳам битиб эрдим,

рубойи:

*Ин нома, на нома, дофеи дарди ман аст,
Ороми даруни ранжпарварди ман аст,
Таскини дили гарму дами сарди ман аст,
Яъне хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст*¹⁰⁸.

Алар Маккадин қайтғонда Ҳалабдин бу руқъага жавоб битиб эрдилар ва бу рубоий анда эрдиким;

*Ин руқъа, на руқъа, мояи ҳар тараб аст,
Таҳсили нишоту айшро хуш сабаб аст,
З-ин сон ки бувад мухтасару нурмаъни
Гўё зи «Жавоми ул-калим» мунтахаб аст*¹⁰⁹.

¹⁰⁷ Матлаънинг мазмуни:

Ҳижрон шоми куёшдек ғарб томонга яширинди,
Ё раббий, висол тонгини шарқ томондан етқизгил.

¹⁰⁸ Рубоийнинг мазмуни:

Бу мактуб, мактуб эмас, менинг дардларимни дафъ этувчидир.
Оғриқ билан қийналган кўнглимнинг оромидир.
Қайноқ дилим ва совуқ нафасим таскинидир,
Яъни менинг жаҳон кезиб юрган моҳимдан хабардир.

¹⁰⁹ Рубоийнинг мазмуни:

Бу хат, хат эмас, ҳар бир шодликнинг негизидир
Хурсандчилик ва айш ҳосил қилишнинг яхши сабабидир.
Қисқа ва кўп маъноли эканлиги билан,
Гўёки «Жавоми ул-калим»нинг мухтасаридир.

«Жавоми ул-калим» – ўзи қисқа, лекин ғоят чуқур маъноли сўзларни ўз ичига олувчи, демакдир.

Алар Макка сафаридин келганда подшоҳ Балхда эрдилар ва фақир бир қосидни аларни кўруб, саломатлиғ хабарларин келтурсин деб шаҳрға йибордим. Таҳниятомиз руқъа ҳам битиб эрдим. Анда бу рубоий мастур эрдиким,

р у б о и й:

*Инсоф бидеҳ, эй фалаки минофом,
То з-ин ду кадом хубтар кард хиром,
Хуршеди жаҳонтоби ту аз матлаи субх,
Ёмоҳи жаҳонгардн ман аз жониби Шом¹¹⁰.*

Алар бу руқъанинг муқобаласида бағоят рангни руқъа битиб йибордиларким,

р у б о и й:

*Бо килки ту гуфт нома, к-эй гоҳи хиром,
Сад тухфаи хуш ба Рум овард зи Шом.
Гар пои ту дар миён набошад — нарасад
Маҳжуронро аз жониби дўст паём¹¹¹.*

Ул вақтдаким, шаҳзодаи беҳамто Кичик мирзо¹¹² тоба сароҳу золли музиллии хатокўш, девонаи синҳ рўи сияҳпўшқа йўлуқмайдур эрди, бидъатлар тариқиға носих ва аҳли суннат ва

¹¹⁰ Рубоийнинг мазмуни:

Эй мовийфалак, инсоф билан айтгил,
Бу иккисидан қайси бири яхшироқ юриш килди:
Тонг отар томондан қўтарилган сенинг қуёшингми?
Ёки кун ботар томондан чиққан менинг жаҳон кезувчи моҳимми?

¹¹¹ Рубоийнинг мазмуни:

Сенинг қаламингга қараб хат дедик: эй юриш чоғида
Румга Шомдан юзлаб яхши тухфа келтирган,
Агар ўртада сенинг оёғинг бўлмаса,
Айрилиқда қолганларга дўстнинг саломи етишмас эди.

¹¹² Кичик мирзо – Улуғбек ўғли Мироншоҳнинг набираси, Хусайн Бойқароннинг опаси Оқобегимнинг ўғли.

жамоат қондасиға росих эрди, тавозуъ ва ниёз наҳажига хурсанд ва фақру фано аҳлиға мухлис ва ниёзманд эрди, фақирнинг «Тухфат ул-афкор» қасидамдинким, аларнинг отиға айтилибтур ва юқори мазкур бўлди — ул маҳаллидинким, алардин назари қабул истидъоси қилиб, арзи ниёз изҳори бўлур эрди, бу байтником:

*Як назар фармо, ки мустасно шавам з-абнои жинс,
Саг чу шуд манзури Нажмиддин сагонро сарвар аст*¹¹³.

битиб, ҳамул истидъо била Самарқандға ҳазрати малозупаноҳ аҳлуллоҳ Хожа Носируддин Убайдуллоҳ¹¹⁴ (қуддиса сирриху) хизматиға йибориб эрди. Эл Кичик мирзодин бу тарийқни мустаҳсан тутуб, ани дуо қилурлар эрди. Ул тоифадин баъзи бу байтни ҳам таъ-риф қилурлар эрдиким, бу мазмунда яхши воқеъ бўлубтур.

Мирсарбараҳна¹¹⁵ким, замон аҳлининг мутааййин хуштабъ ва зарифи эрди, фақирни мухотаб қилиб, бу байтға эътироз қилдиким: «Агарчи сен бу байтда изҳори касри нафс қилибсен ва

¹¹³ Шеърнинг мазмуни:

Бир назар ташла тенгқурлардан фарқли бўлай,

Нажмиддинга манзур бўлган ит, ҳамма итларга бошлиқ бўлди.

Шеърда тилга олинган Нажмиддин – Нажмиддин Кубро номи билан машхур бўлган тасаввуф шайхларидан. Тўлиқ номи Нажмиддин Кубро Аҳмад ибни Умар Хевақий (1145 – 1226) «Айн ул-ҳаёт» номли Қуръонга ёзилган кенг шарҳнинг муаллифидир. Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида келтирилишича, бир йиғинда Нажмиддин Кубро суҳбатдош ва мухлисларидан Шайх Саъдиддин Ҳамавий деган шахс хаёлидан «бу умматлар орасида суҳбати итга асар қиладиган бормикан?», деган фикр ўтади. Шайх Нажмиддин каромат қилиб, буни англайди, хонақоҳ эшигидан бир итни келтирадилар. Унга Шайхнинг назари тушади. Ит ғоят ўзгаради ва шаҳардан чиқиб гўристонга равона бўлади. 50 – 60 га яқин бошқа итлар ундан айрилмас, ҳеч нарса емас, агар у ит бирор жойда тўхтаса, атрофини халқа бўлиб ўраб, уни чиқармас эдилар. Ўша ит ўлгач, Шайх буйруғи билан уни дафн этиб, қабри устида иморат ясаган эмишлар. Навоий юқоридаги байтида ана шу ривоятга ишора қилади.

¹¹⁴ Хожа Носируддин Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрор номи билан машхур бўлган нақшбандийлик тариқати пешволаридан. Хожа Аҳрор (1404 – 1490)га Жомий айрим асарларини бағишлаган.

¹¹⁵ Мирсарбараҳна – асли Туркистондаи бўлган Ҳирот шоирларидан. Навоий ва Жомийга суҳбатдош.

ўзунгни итга нисбат берибсен, аммо абнойи жинсга дағи ушбу нисбат воқеъ бўлбтур. Шоядки абнойи жинс бу нисбатдин ор қилиб, қабул қилмағайлар. Ташбиҳеким, кишининг ўз касри нафси жиҳатидин бир жамоатга ихонат етгай — яхши бўлмағай».

Фақир айттимким: «Ўзумни итга ташбиҳ қилибмен — касри нафс жиҳатидин эмас, балки нафсоният туғенидин баёни воқеъдур. Абнойи жински дебмен, сизни демаймен, сойир итларни дебменким, кўй-кўчада юрурлар».

Мири мазкур бу сўзимдин мутаассир бўлиб, кўз ёши била дуо ва таҳсин қилди. Ва Мирнинг бу саволи ва фақирнинг жавоби шуҳрат тутти. Аларнинг дағи муборак самъиға етишганда истехсон қилиб дебдурларким: «ул байти худ яхши байтдур, аммо жавоби ҳам ул байтидин яхшироқ воқеъ бўлбтур», — деб, бу фақирни ғойибона фотиҳа била баҳраманд ва аржуманд қилибтурлар. Фақир эшитгач, мужиби нишоту хушҳоллиқ ва боиси инбисоту фориғулболлиқ бўлди.

* * *

Фақир Астробод йўлида Тахти Сулаймон даҳанасидин алар хизматиға бу рубойни битиб эрдимким,

р у б о и й:

*Эй бод, дилам бишуд дигар жониби ёр,
Жон ҳам бибару ба пои у соз нисор
В-он гаҳ қадре зи хоки пояш бардор,
Баҳри эвази жони мани дилшуда ор¹¹⁶.*

Алар жавобида бу рубойни битиб эрдиларким, рубойи:

¹¹⁶ Рубойнинг мазмуни:

Эй шамол, дилим яна ёр томон йўналди,
Жонни ҳам олиб бориб, оёғи остига тўшагил
Ва ўша оёғи остидаги тупроқдан озгина олиб,
Жоним эвазига мен дилсиз қолганга келтиргил.

*Эй бод, чу омади зи сарманзили ёр,
Омад ба дилам з-омаданат сабру қарор.
Н-омад ба қарор аз ин қадар жон зинҳор
Уро бибару ба он ки дони бисупор*¹¹⁷.

Чечакту ҳаддида алардин бу руқъа келиб эрдиким:

*«Саломе карда аз «син» тездандон,
Кушода уқдаҳо аз риштаи жон.
Саломе аз каманди турраи «лом».
Дили соҳибдилон оварда дар дом,
Саломе хуштар аз фирдавси аъло,
«Алиф» дар вай кашида қад чу тўбо.
Ба зери он «алиф» аз чашмаи «мим»
Аён дар пои тўбо айни Тасним.*

Тухфаи суҳбати шариф ва ҳадъяи мажлиси муниф гардонида маъруз он ки чун хизмати мавлавиро шавқи рикоббўси инонгир шуда буд, худро ба фитроки у бастан вожиб намуд, ложарам ин руқъаи масхуб бар рисолае ки ба тажид ва таҳрир пайваста ба ҳузур фаристода шуд, агар маслаҳат донанд ба арзи ҳумоюн расонанд ва илло — байт:

*Ҳар чи на мақбули дили поки туст,
Боядаш аз сафҳаи авроқ шуст.*

Давлати оъжили муфизии ба саодати оъоил барважҳи акмал муяссар бод ва муҳассал, вассалом»¹¹⁸.

¹¹⁷ Рубоийнинг мазмуни:

Эй шамол, ёр манзлдан келдинг,
Келишингдан кўнглимга сабру қарор етишти.

¹¹⁸ «Салом»инг «се» ҳарфидан ўткир тиш қилиб,

Жон танобидаги тугунларни очди.

Ўша салом [сўзидаги] «л» ҳарфининг сочга ўхшаш каманди билан,

Бу руқъалари келган вақтда аларнинг муборак мизожлариға ориза воқеъ бўлуб, неча кун беҳузур бўлуб, яна сиҳатлари хабари келди. Фақир бу руқъани битиб йибориб эрдиким:

*«Ниёзе ки аз саждаи аз ҳад афзун
Шуда жабҳааш доғ аз нуқтаи «нун»,
Пас он гоҳ зи «ё» аз паи шавқи дидор,
Зи рӯи рақам оҳи дил карда изҳор.
Ва гар аз «алиф» дар вафо буда якто
Чу сарви чаман омади пои бар жо,
Зи «зо» кунад шоми ғамро мунаввар,
Аён сохта моҳи боляш ахтар.*

Баъд аз арзи чунин ниёзе, ки марқум гашт ва рафъи ихлосе ки бар забони хома гузашт, маърузи ройи бандағони остони қудсий ошъён он ки чунин истимоъ афтод, ки даҳ-понздаҳ рӯз оризае даст дода буда ва моҳл тамоми сипехри маъни ру ба заъф ниҳода, мухлисонро аз ин хабар сипехросор саргардони ва зарракирдор парешони даст дод.

Алҳамду лиллоҳ вал-минна, ки баъд аз ду ҳафта ҳамон пайкари улви-хиром рӯ ба буржи сиҳҳат ва жамол оварда ва майл ба авжи қуввату камол карда, самадоти шукр бажо оварда, фалонро бажиҳати таҳқиқи ин ҳол ва тасдиқи ин мақол

Соф кўнгиллилар дилига тузоқ солди.

Олий жаннатдан ҳам юксак бу саломдаги

«Алиф» Тубо (жаннатдаги гўзал дарахт номи) дарахти қаддига ўхшайди.

У «алиф» тагидаги «мим» чашмасидан

Тубо остида Тасним (жаннатдаги булоғнинг номи) булоғи аён бўлди.

Шарафли суҳбат тухфаси ва олий мажлис ҳадяси ўлароқ арз қилинадик, Мавлавий хизмати учун узанги ўпиш шавқи жилов ушлатганидан ўзимни унинг тасмасига боғлаш вожиб кўринди. Бинобарин, янгидан таҳрирдан ўтган рисолага ҳамроҳ қилиб бу мактубни ҳузурларига юборилди. Агар маслаҳат кўрилса, подшоҳга етказсалар, йўқса, байт:

Ҳар неки пок дилиннга мақбул бўлмаса,

Варақлар бетидан ювиб ташламоқ даркор.

Истиқбол саодатига элтувчи тез келган давлат мукаммал равишда муяссар [умидлар] ҳосил бўлғай. Тамом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фиристода шуд. Мултамас ин, ки ба зуди бозаш гардонанд ва фақиронро аз хушии он хабар ба хушҳолии тамом расонанд ва кайфияти рисолаи аз нукот мамлу ва машҳун ва гузаштани он дар мажлиси ҳумоюн ба зуди маърузи мажлиси оли хоҳад шуд.

Соия иршод бар сари бандаву озод муаббад ва мухаллад бод, вассалом»¹¹⁹.

* * *

Подшоҳ Қундуз вилояти азиматиға черик отланғонда аларнинг ва ҳеч кимнинг ул юруш дилхоҳи эмас эрди. Фақирға деб эрдиларким: «улча мумкин бор, бу юрушнинг манъиға саъй қилғайсен ва ул матлуб сурат боғламағай, азимат жазм бўлса, бизга битиб йиборгайсен».

Улча мумкин ва мақдур эрди — саъй қилилди. Чун ҳақ субҳонаху ва таоло тақдири борурға эркондур, Тахти хотун деган ердин азимат мусаммам бўлди. Фақир алар хизматиға бу кайфиятни битиб, руқъа йибордим. Бу рубоий ул руқъанинг аввалида эрдиким,

¹¹⁹ Саждада қилган беҳад ниёз (яъни илтижо)лардан

Пешанаси «нун» ҳарфидаги нуқта каби доғ бўлди.

Ўша вақтда кўз шавқи туфайли «ё» дан

Ёзув устида дил оҳи изҳор бўлди.

Агар «алиф»дан вафода ягона бўлса,

Чаман сарви каби оёғи ўз жойида бўлади.

«Зо»дан ғам тунини ёритса,

Тепасидаги моҳи юлдуз аён қилади.

Юқорида арзга етказиб ёзилганидек, қалам тилидан ўтган ихлос баёнидан сўнг муқаддас остон бандалари ҳузурда маълум қилинадик, эшитишимча ўн-ўн беш кун хасталик юзланиб, маъно осмонинг тўлин ойи заифликка ўгрилган экан, бу хабардан мухлислар осмондек саргардон ва зарра каби паришон бўлдилар.

Худога шукрки, икки ҳафтадан сўнг у юксак хиром зот соғлиқ ва камол буржига юз тутиб, қувват ва камол авжига майл кўргизиб, шукроналик саждаларини ёрига етказибдилар. Фалончини бу ҳолни аниқлаш ва бу сўзни тасдиқлаш учун юборилди. Илтимос шуки, тезда [у кишини] қайтариб юборсалар ва бу фақирларни [олинажак] хабарнинг яхшилигидан тамомила хушҳоликка етказсалар. Нозик фикрлар билан тўлиб-тошган рисола ҳақида ва қутлуғ мажлисдан ўтганлиги тўғрисида тезда олий мажлисга арз қилингуси.

Раҳбарлик соялари қул ва озодлар бошида абадий ва доимий бўлгай!

р у б о и й:

*Гуфтам фалакам ба ҳар тараф ронандаст,
Саргаштаги орандаву гиръёнандаст,
Не, не, донад ҳар он ки у донандаст,
К-у низ асри дасти гардонандаст*¹²⁰.

Алар руқъаға бу навъ жавоб илтифот қилиб эрдиларким,

р у б о и й:

*Эзид, ки ба ҳарфи мо қаламронандаст,
Бар мову ту асрори қидам хонандаст.
Бо у дили мо бо он паре монандаст,
К-аш бод ба пуш-ту руй гардонандаст*¹²¹.

Шибирғон навоҳисида алардин бу руқъа келдиким,

р у б о и й:

*«Хонда ба сарири килки ту дуронро,
Дар дода салои васл маҳжуронро,
Қонунни шифо навишта ранжуронро,
Биншонда ба он оташи маҳруронро.*

¹²⁰ Рубойнинг мазмуни:

Дедим: фалак мени ҳар тарафга ҳайдади,
Саргашта қилади ва йиғлатади.
Йўк, йўк, у ҳар қандай билиш керак нарсани билади,
У ҳам айлантурувчи қўлида асирдир.

¹²¹ Рубойнинг мазмуни:

Бизнинг тақдиримизни ёзган худо,
Биз билан сенга қадимий сирларни билдиргувчидир.
У дилимизни шундай нарсага ўхшатиб яратдики,
Шамол уни орқа-ўнгга қарата айлантираверади.

Чун вуруди руқъаи шариф аз худуди он буқъаи муниф бар мухлисони сидк-антимо ба зухур анжомид, ҳар як аз дидаи рамадрасида ва синаи камад кашида аз қалақи ҳиддати марорати фироқу изтироб ва шиддати ҳарорати иштиёқ ба мавтини улфат ва нишимани зўлфат биёромид.

Б а й т:

*Ба роҳат қарин бод он дасту панжа
Ки худро бад-ин мақрумат сохт ранжа»¹²².*

Фақир бу руқъа жавобида арзадошт қилиб эрдимким,

р у б о и й:

*«Наздик шуд аз давлати дидори ту дур,
К-аз ҳам ғусиланд жону жисми ранжур,
К-у аз ғайбат бирасад ба-дин ҳар ду футур,
То ман шавам аз ҳузури васлат масрур.*

Руқъае ки назмаш жону дили парешонро дар силки интизом кашид ва насраш гавҳару дурри дидаи ашкафшонро бар рӯй қаҳрабифом пошид, дар ин вило ба муҳинсони дуру дурони аз давлати висол маҳжур расид. Паи таскини изтиробии жону дили

¹²² Хатнинг мазмуни.

Р у б о и й:

Қаламинг овози узоқдагиларни чақирди,
Жудоликда қолганларга васл нидосини эшиттирди.
Хасталарга шифо топиш қонунини ёзди,
Ўша билан куйганларнинг оташини сўндирди.

У покиза манзилдан садоқатли мухлисларга шарафли мактуб етишиб, уларнинг ҳар бири беқарорлик хуружи, фироқ ва изтироб аччиғлиги ва муштоқлик ҳароратининг шиддатидан толиққан кўз ва доғли юракларини улфат ватангоҳида ва яқинлик жойида тинчитди.

Б а й т:

У дасту панжа роҳатга эришсин,

Чунки у ўзини мана шу иззат-обрў учун ранж торттирди.

ғамандуз бар синааш ниҳодам ва ба жиҳати ороми гирьяҳои жонсўз болои чашми гиръёнаш жо додам. Умедвори он ки сўхтағони фйроқро гоҳе ба ҳамин сиёқ ба ёд оранд ва дили афрўхтағони оташи иштиёқро ба навозиши руқъа шод доранд»¹²³.

* * *

Алар хизматидин Андхуд навоҳисида бу руқъа келиб эрдиким: «Дуое бидояти он мазмум мааш-шавқи вал-ғиром ва ниҳояти он мамдуд ило явмил-қиём валайни мафтуҳатун илал-ижобати миналлаҳи-маликилаллом ба сурати ниёз нисори бисоти журъат ва инбисот мегардад. Ва майлу шааф ба найлу шарафи мулоқот беш аз он аст, ки ба сарфи ашийёт ва ғадавог дар эъмоли адавоги қалам ва давог адои шаммае аз он тавон кард, ложарам инони қасду ният аз савби он умният маътуф дошта ба ин ду байт масруф мегардад.

Қ и т ъ а:

*Зирак он кас, ки дар харобаи даҳр
Дари ганжинаҳои роз занад.
Жоҳи қўтоҳ зери пой ниҳад
Даст дар давлати дароз занад.*

Лоязол равзаи умед баруманд бод ва шоҳи давҳаи саодати

¹²³ Р у б о и й:

Дийдоринг давлатидан яқинлар узоқ тушди.

Шу туфайли жон узилай деди, жисм эса азобда қолди.

Сенинг йўқлигингдан буларнинг ҳар иккисига футур етишади,

Токи мен сенинг хузурингда шод бўлмагунча.

Юборилган мактубдаги шеър паришон дил ва жонни интизом ипига тортди. [Ундаги] наср эса ёш тўкувчи кўздан гавҳар ва дуррни каҳрабо ранг юзга сочди. Бу вақтларда узоқ-узоқдаги мухлисларга висол давлатидан жудолик етишди. Таскин учун қайғули жон билан кўнгил изтиробини сийнамга қўйдим, жон куйдирувчи йиғиларга ором бериш учун гирён кўз устидан жой бердим.

Умидворлик шуки, фироқ [ўтида]. куйганларни гоҳи шу тарзда эслаб турсалар ва иштиёқ ўтида ёнганлар дилини мактуб билан овутиб, шод қилсалар.

жовид ба он пайванд, вассалом»¹²⁴.

Фақир жавобида бу руқъани арз қилдимким:

«Номае, ки аз ҳарфи аввал рӯи ниёз зоҳир карда бошад ва аз дуввӯм шуълаи оташи шавқ аз дил бароварда ва аз рӯи дигар ғами дил намуда ва аз печи сафҳаи навардаш ҳамон тариқ паймуда ба мавқифи арз расонида маъруф мегардонад, ки дар ин вило, ки руқъаи шариф омад.

М а с н а в и й:

*Бўсида ба чашми худ ниҳодам,
Болои сараш мақом додам.
Ҳам боиси нури чашми ман гашт,
Ҳам фарқи сарам зи чарх бизашт.*

Қосид, ки ба суханхон забони навохт, ба ирсоли китоби «Муҳаббатнома» ва шароби сандал мушарраф сохт, ҳар дуру ба хизматаш дода шуд ва ўро ба шарафи хизмат фиристода шуд. Умед он ки сурати меҳнати фироқ аз мутолааи он тасаввур намоянд ва дарду ранжи иштиёқро аз шарбати висол муолажа фармоянд. Зилли оли бар мафориқи аҳли иродат лоязоли бод, вассалом»¹²⁵.

¹²⁴ Бошланиши шавқ ва завқ билан тўлган, охири қиёматгача чўзиладиган ҳамда худонинг мақбуллашига махтал кўз унинг изни билан очиқ ҳолда дуо қилиб журъат ва хушнудлик билан йўлланади. Мулоқот шарафига майл ва муҳаббат шундай беҳаду зиёдаки, қалам ва сиёҳни эртаю кеч ишга солинганда ҳам унинг оздан-озини адо қила олади, холос. Ноилож қасд ва ният жиловини у орзудан қайтариб, бу икки байтга тутқазилди.

Қитъа:

Зийрак у кишики, дунё харобасида,
Сиррлар хазинасининг эшигини қоқади.

Қисқа [умрли] мансабни оёқ остига ташлаб,

Қўлни узун давлатга (яъни, ижодий ишларга) уради.

Кетмас умид боғи мевадор ва абадий саодат дарахтининг шохи унга пайванд бўлгай! Тамом.

¹²⁵ Биринчи ҳарфидан ниёз зорланиш юзини зоҳир қилган ва иккинчисидан шавқ ўти шуъласини дилдан таратган ва бошқа томондан дил ғамини кўрсатган ва саҳифаси ўровини шундан англаган мактубни арзга етказиб, маълум қилиндики, бу пайтда

* * *

Фақирни подшоҳ баъзи маслаҳатлар учун Мурғобдин таъжил
била Машҳадга йибориб эрдилар ва ҳукм андоқ эрдиким, шаҳрға
етмай ўтгаймен. Иттифоқо шаҳр навоҳисига етган маҳалда
тавочи¹²⁶ нишон келтуруб, ўрду сори қайтарди. Бу сабабдин алар
хизмати мушарраф бўлмоқ муяссар бўлмади. Алар бу руқъани
битиб йибориб эрдиларким,

р у б о и й:

*«Бинмуд абре зи жониби дашту бирафт,
Аз ташналабон зи дур бигзашту бирафт,
Баргашт умеди мо жигарсўхтагон,
Норехта нам зи роҳ баргашту бирафт.»*

Ҳарчи умеди ноумедон ба хусул нарасид ва муроди
номуродон ба вусул наянжомид.

Умед аст, ки ҳар чи маслаҳати диний ва дунъявий ходимони
он остон ба он манут бошад ва саодати суварий ва маънавий
мулозимони он давлатхона ба он марбут бир важҳи аҳсан ва
тариқи акмал муяссар гардад, ба миннати вужуда вал-ислом,

шарофатли мактуб келди.

М а с н а в и й:

Ўпиб кўзимга суртдим,

Бош устидан жой бердим.

Кўзим нурига сабаб бўлди,

Бошим эса осмондан ҳам юксалди.

Хат олиб борувчи оғзаки сўзлар билан эркалаб, «Муҳаббатнома» китоби ва сандал
шаробини элтишга мушарраф қилинди. Ҳар иккаласини унга топширилди ва унинг
ўзини шарофатли хузурларига юборилди. Умид шуки, фироқ азобларининг
кўринишларини унинг мутолаасидан тасаввур этгайлар ва иштиёқ дарду ранжини
висол шарбати била даво қилгайлар. Юксак соялари муридлар бошидан аримагай!
Тамом.

¹²⁶ Тавочи – подшоҳнинг буйруқ ҳамда топшириқларини тегишли жойларга ва
одамларга етказувчи ҳамда амалга оширувчи амалдор.

вассалом»¹²⁷.

Фақир жавобларида бу руқъани йибориб эрдимким,

р у б о и й:

*«Дил чун алами давлати васлат афрошт,
Жон низ хаёли худ бад-он азм гумошт,
Ҳар як чу бад-ин мурод наздик расид.
Гардун ба муроди номуродон нагзошт.*

Арзадошт он ки ахтари толеъ агарчи аз матлаи иқбол ломеъ шуд, аммо чи суд, ки аз гардиши фалаки ҳасуд бабуржи шараф норасида рожеъ гашт.

Ёроне ки по ба роҳ ниҳода, эҳроми давлати мулозамат бастанд ва ба силки давлатмандоне ки дар мулозамат ҳастанд пайвастанд, дидаи маҳрумий бар кафк пояшои молида ба жониби ўрду муовадат намуд (Залика фазлуллаҳи ютияҳу ман яшға).

*Гарчи хуршед бувад толеи рўзафзунам,
Нарасонид ба Исонафасе гардунам.*

Агар хотири анвар ба он оранд ва ҳиммати олии бад-он гуморанд, ки роёти ҳумоюн майли шаҳр намоянд ва аркони давлати рўзафзун ба ҳамроҳи азимат фармоянд, шояд ки ба туфайли азизон ин хори ашкре-зон низ бад-он саодат ва иқбол,

¹²⁷ Р у б о и й:

Дашт тарафдан булут кўриндию ўтиб кетди,
Ташналаблардан узоқда ўттию кетди.
Биз жигари ёнганларнинг умиди ушалмай,
Нам тўкмай йўлдан қайтдию кетди.

Ҳар қалай, ноумидлар умиди ҳосил бўлмади ва номуродлар муродига ета олмади. Умид шуки, у остона ходимларининг у кишига тааллуқли бўлган ҳамма диний ва дунёвий маслаҳатлари ва давлатхона хизматчиларининг у кишига боғлиқ бўлган барча моддий ва маънавий саодатлари энг яхши ва энг мукаммал йўл билан муяссар бўлғай! Тамом.

яъне ба шарафи давлати висол мушарраф ва мустаъсид тавонад шуд, вассалом»¹²⁸.

УЧИНЧИ МАҚОЛАТ

Кутуб ва расоил бобидаким, аларнинг мусаннафотидур ва мазкур бўлгон мусаннафотнинг теъдоди будурким:

«Шавоҳид ун-нубувват»¹²⁹;

«Нафаҳот ул-унс»;

«Нақд ун-нусус»¹³⁰;

Нақшбандия хожалари тариқида битилган рисола;

«Ашиъат ул-ламоат»¹³¹;

яна: «Фусус»¹³² шарҳида битилган рисола;

¹²⁸ Хатнинг мазмуни:

Р у б о и й:

Кўнгил васлинг давлат туғини кўтарганда,

Жон ҳам ўз хаёлини шунга йўллади.

Ҳар қайсиси шу муродга етдим деганда,

Фалак номуродларни муродига етказмади.

Арзимиз шуки, толеъ юлдузи агарчи иқбол матлаъидан порласа ҳам, аммо нима фойдаки, ҳасадчи фалак гардишидан шараф буржиги етмай қайтиб кетди.

Йўлга чиқиб, хизматкорлик давлати белбоғини боғлаган ва хизматда ҳозир бўлган давлатмандлар қаторига кирмоқчи бўлган ёронлар махрумлиқ кўзини оёқ кафларига суркаб, ўрда томонга қайтдилар (арабча: У Оллоҳнинг фазли-марҳаматидир, уни истаган кишисига беради).

Гарчи қуёш узун кунларимда порлаб турса-да,

Мени Исо нафаслига еткурмади.

Агар нурли хотирни шунга қаратсалар ва олий ҳимматни шунга ташламасаларки, қутлуғ қўшин байроғи шаҳар томон майл қилсалар ва кундан-кунга ортиб борувчи давлат аркони билан биргалиқда юриш қилсалар, шоядки, азизлар туфайли бу кўз ёши тўқувчи камтарин ҳам ўша саодат ва иқболга, яъни висол давлати шарафига мушарраф ва [ундан] баҳраманд бўла олсам. Тамом.

¹²⁹ «Шавоҳид ун-нубувват» (Пайғамбарлик шоҳидлари) – бу асарда Жомий пайғамбарлар ҳаётига оид маълумотлар ва ривоятларни келтиради.

¹³⁰ «Нақд ун-нусус» (Хужжатлар сараси) – 1458 – 59 й. да ёзилган бу асарида Жомий тасаввуфга оид Ибн ал-Арабий номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин Арабий (1165 – 1240)нинг фалсафий асарларига шарҳлар беради.

¹³¹ «Ашиъат ул-ламоат» (Порлоқ шуълалар) – буюк суфий шоири Фахруддин Ироқий Ҳамадоний (1217 – 1289)нинг «Ламоат» асарига фалсафий ва адабий шарҳлардан иборат.

¹³² «Фусус» – Жомийнинг бу асари «Нақши Фусус» деб ҳам юритилади, Ибн ал-
www.ziyouz.com kutubxonasi

яна: Ҳазрати Мавлоноий Румий «Маснавий» сидин икки байтига шарҳ битилган рисола;

яна: «Лавомеъ»¹³³;

яна: «Лавоеҳ»¹³⁴;

яна: Ибн Форизнинг «Тоия»¹³⁵ абъетидин баъзига шарҳ битилган рисола;

яна: Рубониёт шарҳи¹³⁶;

яна: Амир Хусрав Деҳлавий байтига шарҳ битилган рисола;

яна: Ибн Заррин ул-Уқайлий¹³⁷ ҳадисиға шарҳ битилган рисола;

яна: Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо¹³⁸ сўзларин жамъ қилғон рисола;

яна: «Арбаъин ҳадис»¹³⁹ таржимаси;

яна: сўфи ва мутакаллим ва ҳаким мазҳаблари таҳқиқининг рисоласи;

яна: рисола вужуд¹⁴⁰ бобида;

яна: «Маносики ҳаж»¹⁴¹ рисоласи¹⁴²;

Арабий фалсафасининг моҳиятини белгилаб берувчи 1229 й. Дамашқда ёзилган «Фусул-ул-ҳикма» (Ҳикматларнинг нақшин қимматбахо тоши) номли асарига битилган шарҳлардан иборат.

¹³³ «Лавомеъ» (Ялтироқликлар) – «Лавомеъ фи шарҳ ал-Хамрия». 1470 – 71 й. да яратилган Жомийнинг бу асари араб тасаввуф шоири Ибн ал-Фориз номи билан танилган Шарафуддин Умар ибн Али ал-Мисрин ас-Саъдийнинг (1181 – 1234 – 35) машҳур «Май қасидасига шарҳлардир.

¹³⁴ «Лавоеҳ» (Равшанликлар) – тасаввуф қоидалари шарҳига бағишланган.

¹³⁵ Тоия рисоласи Ибн ал-Форизнинг «т» ҳарфи билан тугалланадиган қофияли байтларига шарҳлардан иборат.

¹³⁶ Рубоиёт шарҳи – Жомий бу асарида ўзининг қарашларини талқин қилувчи рубойларини йиғиб, уларнинг ҳар биридаги тимсолларнинг фалсафий моҳиятини очиб беради.

¹³⁷ Ибн Заррин ул-Уқайлий – бу олим ҳақида маълумот топа олмадик.

¹³⁸ Бу асар тасаввуф назариётчиларидан Хожа Порсо лақаби билан машҳур бўлган Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (вафоти 1414й.)нинг ҳикматли сўзлари мажмуаси.

¹³⁹ 1481 – 82 й.да яратилган бу асарида Жомий Муҳаммад пайғамбарнинг 40 та ҳадиси-ҳикматларининг маъносини рубойий шаклида баён этгандир.

¹⁴⁰ Бу рисолада Жомий тасаввуф термини «вужуд»ни шарҳлаб берган.

¹⁴¹ «Маносики Ҳаж» – Ҳажнинг қоидалари.

яна: «Ҳафт авранг»¹⁴³ки муштамилдур етти китобға; аввал:
«Силсилат уз-захҳаб»¹⁴⁴ки, уч дафтардур;
иккинчи: «Саломон ва Абсол»;
учунчи: «Тухфат ул-аҳрор»¹⁴⁵;
тўртунчи: «Субҳат ул-аброр»¹⁴⁶;
бешинчи: «Юсуф ва Зулайҳо»ким «Ошиқ ва маъшуқ»ға
мавсумдур;
олтинчи: «Лайли ва Мажнун»;
еттинчи: «Хирадномаи Искандарий»;
яна: «Баҳористон» китоби;
яна: Муаммо фанида битилган рисолалар, теъдоди: аввал:
«Ҳулият ул-хулал»¹⁴⁷ға мавсум бўлгон рисола;
яна: рисолаки, «Мутавассит»ға машхурдур;
яна: рисолаки, «Сағир»ға маъруфдур;
яна: манзуми асғардур;
яна: арузда битилган рисола;
яна: бир рисола қофия бобида битилган;
яна: бир мусиқий илмида битилган рисола;

¹⁴² Бу рисолада ҳаж зиёратининг қоида ва маросимлари қаламга олинган.

¹⁴³ «Ҳафт Авранг» (Етти тахт ёки Катта айиқ юлдузлар туркуми) – Жомий аввалига Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар изидан бориб, «Хамса» яратишга киришади. Кейинчалик эса беш дoston қаторига яна икки дostonни киритади. Натижада етти китобдан иборат дostonларига «Ҳафт авранг» деб ном беради.

¹⁴⁴ «Силсилат уз-захҳаб»(Олтин занжир) – Бу дoston 1472 й.да ғазнавийлар шоири Санойининг «Ҳадиқат ул-ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар боғи) номли асари муқобаласида яратилган.

¹⁴⁵ «Тухфат ул-аҳрор» (Ҳимматлилар туҳфаси) – дoston номида Жомийнинг тариқат бобидаги пири Хожа Аҳрорга ишора бор. Асар фалсафий, ижтимоий ва дидактик масалаларга бағишланган 20 мақоладан иборат.

¹⁴⁶ «Субҳат ул-аброр» (покиза зотлар тасбиҳи) – дostonда тасаввуф йўлидаги «мақомот» (психологик ва идрокий ҳолатлар)лар тавсифи берилади. Лекин унда давлатни идора этиш усуллари ҳамда адолат ва эзгулик ҳақида ҳам илғор фикрлар илгари сурилади.

¹⁴⁷ Ҳулият ул-хулал» (Безакли либослар) – муаммо ҳақидаги рисола, уни «Рисолаи муаммойи кабир» (Катта (ҳолатдаги) муаммо ҳақидаги рисола). Яна Жомийнинг «Мутавассит» (Ўртача), «Сағир» (Кичик) ва шеърӣ йўлда битилган «Асғар» (Жажжи) каби муаммога бағишланган асарлари бор. Уларда муаммони тузиш, уни ечиш назарияси баён этилади. Кўринадики, бу шеърӣ формага қизиқувчилар кўп бўлган.

яна: «Муншаот»¹⁴⁸ рисоласидур;
Девонларнинг теъдоди;
аввал: «Фотиҳат уш-шабоб»¹⁴⁹;
иккинчи: «Васитат ул-иқд»¹⁵⁰;
учунчиси: «Хотимат ул-ҳаёт»¹⁵¹.

Ва бу фақир алар таснифиға сабаб ва таълифига боис бўлубмен ва бу маъни кўпрак кутуб ва расоилда мазкурдур. Ул жумладин бири «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» дурким, андоқ китобни ҳаргиз ҳеч киши не битибдур, не битмакнинг имкони ҳам бор ва анинг шарҳи будурким, доим бу фақирнинг хаёлиға эврулур эрдиким, ҳазрати муқарраби борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий (қуддиса сирраҳу) асҳоби тариқат ва арбоби ҳақиқат зикридаким, иборат суфия машойихидин бўлғай — китобе битибдурлар ва ани беш табақа қилибтурлар: ҳар йигирмини бир табақа қилибтурларким, ани «Табақоти машойихи суфия» дерларким, борчаси юз кишининг зикри бўлғай ва алардин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор¹⁵² (қуддиса сирриҳу) дағи бир навъ китоб битибдурларким, «Тазкиратул-авлиё»ға машҳурдур ва ҳазрати Шайх Абу Абдурахмон Суллаймий¹⁵³ (қуддиса сирриҳу) дағи бу азизлар зикрида битибдурларким, «Табақоти Суллаймий» дерлар, аммо улча ўзларидин бурунғи замондағи машойихдур, борчасининг зикрин

¹⁴⁸ «Муншаот» (Мактублар мажмуаси) – Жомийнинг турли масалаларга бағишланган ва ҳар хил табақадаги одамларга ёзган, жумладан Навоийга йўллаган хатлари жамланган асари.

¹⁴⁹ «Фотиҳат уш-шабоб» (Ёшликнинг бошланиши) – Жомий лирик шеъларининг биринчи девони.

¹⁵⁰ «Воситат ул-иқд» (Ўрта ёшликнинг инжулари) – Жомийнинг иккинчи девони.

¹⁵¹ «Хотима ул-ҳаёт» (Ҳаёт хотимаси) – учинчи девон. Шарқ шеърятадида девонларга махсус номлар бериш анъанаси Хусрав Деҳлавийдан бошланади. Навоий ҳам ўз шеърларини тўплаб, тўрт девонга ажратган. Уларни алоҳида номлаб чиққан ва тўрт девонни яна бир умумий ном билан атаган.

¹⁵² Фаридуддин Аттор – Муҳаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим (1119 – 1220) – машҳур форс шоири. Аввал табобат ва ат-торлик билан шуғулланган, кейинчалик дарвешлик ихтиёр қилган. «Мантиқ ут-тайр», «Илоҳийнома», «Тазкират ул-авлиё» ва бошқа асарлар муаллифи.

¹⁵³ Абу Абдурахмон ас-Суллаймий (вафоти 1021 – 22 й.) Қуръонга кенг шарҳ яратган олим, диний арбоб.

қилмайдурлар ва ўз муосирларининг кўпини ҳам ва ўзларин ҳам битмайдурлар. Ва ўзларидин тўрт-беш юз йил мобайнида зухур қилгон машойихи изом ва авлиёи киром зикри худ ул кутубда йўқтур. Агарчи баъзининг мақомотин тиласа, топса бўлғай, аммо оз ва ҳеч ким бу мазкур бўлгон бузургворларни бир китобда жамъ қилмайдурким, замон аҳлиға нафъи куллий андин етишгай ва мумкиндурким, фалак сайри изтиробидин ва замон ҳаводиси инқилобидин бу авроқ ҳам нобуд бўлғай ва ҳайфдурким, бу бузургвор тоифанинг муборак отлари ва фархунда аҳвол ва сифотлариким, мақсуд офаринишдин аларнинг шариф вужудларидур — орадин чиққай. Оё, замон акобиридин кам бўлғайким, бу шариф амрға муртакиб бўла олғай? — деб кўнглумға кечурур эрдим ва сабр ва тақсим била ўз қошимда ҳазрати Махдумға қарор берур эрдим, аммо густохлиқ қила олмас эрдим. Бир кун ҳаёлға келдиким, умрға эътимод йўқтур, бўлмағайким, бу орзуни гўрга элтгайсен, авло улдурким, аларға арз қилғайсен. Эмдиким, маҳал топиб, бу мазкур бўлгон муддаони арз қилдим — ғариб ҳол даст бердиким, аларнинг ҳам муборак хотиралариға биайниҳи ушбу навъ ўтар эрмиш, аммо баъзи мавонё сабабидин тавқиф ва таъвиққа қолур эрмиш. Андоқким, «Нафаҳот ул-унс» фехрастида битибдурлар, ҳар киши ўкуса, аларнинг бу ҳолни баён қилгонин шарҳ била маълум қилур.

Бу китоб таълифнинг тақрибини алар бу навъ битибдурларким:

«Дар таъриҳи санаи эҳдо ва самонина ва самона миа муҳибби дарвешон ва мўътақиди эшон, аз ҳимаи шуғл сер ва бар фақр далер Амир Низомиддин, Алишерки ба тавъ ва ихтиёр аз аъло маротиби жоҳ ва эътибор эъроз намуда ва ба қадами таслим ва ризо сулуки жоддаи фақру фано иқбол фармуда аз ин фа-қир мисли он сурате ки, бар дил гузашта буд ва дар хотир мутамаккин гашта, истидъо қард ва доияи қадим сурати таждид ёфт ва дағдағаи собиқ самти тақвият ва таъкид пазируфт. Ложарам ба сидқи ҳиммат ва хулуси тавият дар имзои он ният ва истиқсои он умният шуруъ афтод.

Маълум аз собиқи макорими ахлоқ ва маросими ашфоқ мутолаа кунандагон он ки (Авлиёуллаҳи ва файйаза арвоҳа муқаддаса), мутасадди ва боиси инжамъ ва таълифроки; таҳияти иштимол бар нафаҳот ул-анфоси таййиби машойихи, аз ҳазойири қудс қасида ва бар машоми жони муштоқони муҳосири унс вазида мусаммо мегардад бар «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» аз гўшаи хотир фуру нагзоранд ва бо дуои хайр ёд оранд»¹⁵⁴.

Боре алар бу илтимосдин хушҳол бўлуб, қабул қилиб, машойих ҳолоти шарҳида ақобир кутубин жамъ қилиб, бу хатир амр ва азм шуғлға машғул бўлдилар ва ҳар жузвким, битилур эрди — илтифот қилиб, фақирға берурлар эрди ва ҳам ўз қошларида ўткарилур эрди. Оз фурсатда «Нафаҳот ул-унс» китоби туганди ва ул соҳиб давлат саъйидин бу бузургворлар исми олам саҳифасида қолди. Умид улким, андоқким, алар ўқуғучилардин истидъо қилибдурларким, ҳар кишиға бу азизлар зикр ва маноқибидин вақт хуш бўлса, боису мутасаддини дуойи хайр била ёд қилсунлар, деб бу фақирға ҳам куллий натижа бергай ва ҳар киши бу китобни ўқурға тавфиқ топса бу мазкур бўлғон сўзларни хутбасидин сўнгра мулоҳаза қилғусидур.

Ва бу шариф китоб тугангандин сўнгра хотирға андоқ келур эрдиким, ҳазрати рисолат (саллаллоху алайҳа вассалом)¹⁵⁵

¹⁵⁴ Бу китоб (яъни, «Нафаҳот ул-унс»)нинг ёзилиш тарихини улар куйидагича ёзиб эдилар: 881 (1476 – 77) йилда дарвешлар дўсти ва уларнинг мухлиси, ҳамма машғулотдан тўқ, фақирлик йўлида ботир Амир Низомиддин Алишер (арабча: Бу киши ўз хоҳиши ва ихтиёри билан давлат ва эътиборнинг аъло мартабасидан юз қайтариб, таслим ва ризо қадами билан фақирлик ва фонийлик йўлини қабул қилган) мендан кўнгилдан ўтган ва хотирда муҳрланган тарздагидек қилиб илтимос қилди. Бу билан қадимги орзу янгиланди ва илгариги хоҳиш кучга кирди ва таъкид даражасига етди. Бинобарин, чин ҳиммат ва холисона ният билан ўша истакни амалга оширишга ва топширқни бажаришга киришилди. Илгариги яхши ахлоқ ва шафқатли ўқувчилардан маълумки (арабча: Оллоҳ авлиёларининг муқаддас руҳлари файзли бўлсин!), бу тўплам – асарнинг мутасаддийси ва боисига муқаддас сағаналардан шайхларнинг нафас уфурлари етишгач ва уларни зиёрат қилувчи дўстлар жонига урилгач, уни «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» деб номланди. Шояд у хотир гўшасидан ўчмагай ва хайрли дуо билан ёдлангай!

¹⁵⁵ а.: Оллоҳ уни дуо қилсин ва олқишласин!

муъжизоти бобида азизлар кутуб ва расоил битибтурларким, ул ҳазратнинг нубувватиға умматларға мужиби издиёди яқин бўлғай, андоқ истийфо воқеъ бўлмайдураким, табъ хурсанд бўлғай. Аввали офаринишди» инқирозға дегинча аҳволеки-воқеъ бўлубтур ва бўлғусидур, барчасида ул ҳазратнинг муъжизотидин бор. Битгувчилар баъзи била ихтисор қилибтурлар.

Бир кун, алар хизматида бу навъ сўз мазкур бўлур эрди. Фақир бу таманнони зоҳир қилдимким: «Бағоят сўзнинг инбисоти еридур ва андоқки ҳаққидур — киши бажой келтирмайдур, шариф замирингиз не нима хаёл қилғайким, мундин шойистароқ бўлғай ва дурбор қаламингиз не нукта таҳрир қилғайким, мундин бойистароқ бўлғай?»

Иттифоқо аларнинг хаёлиға дағи бу навъ нима ўтар эрмиш. Дедилар: «Бизнинг дағи хаёлимизға бу навъ муддао бор эрди, эмдиким, сен муҳаррик бўлдинг — ул хаёл тоза бўлди, иншоллох таоло, анга машғул бўлғайбиз».

Фақир хушҳол бўлуб, алар мулозаматидин чиқтим. Алар ҳамул кун-ўқ бу ишга муносиб кутуб жамъиға машғул бўлубдурлар ва «Шавоҳидун нубувват ли тақвияти яқини аҳл ул-футувват»¹⁵⁶ китоби таҳририға шуруъ қилибтурлар. Бу фақир алар хизматиға яна қатла мушарраф бўлғоч, зоҳир қилдилар. Фақир хушҳол бўлиб, ҳар кун хабар тутар эрдим. Оз фурсатда тугатуриға муваффақ бўлдилар.

Ва китоб фехрастида бу фақирни илтифот юзидин мундоқ мазкур қилибдурларким, чун мушоҳадаи оёт ва муъжизоти бо истеъмои он аз адл ва сиқот чунонки, донисти нисбат ба баъзи дигар мужиби зиёдати ийқон ва изъон мегардад ва ложарам уламои дин ва муқаффиёни осор саййид ул-мурсилин (саллаллоҳи вассалам алайҳа ало алайҳи ажмаин).

Дар зикри «Шавоҳид ун-нубувват ва далоили рисолати вай» кутуб сохта анд. Дар баёни жудо аз сойир аҳвол ва осор мисқот пардохта ва чун ин фақир ба мутолааи баъзи аз онҳо мушарраф шуд ва фойдаи мутолааи онроки қуввати муҳаббат, ва доия

¹⁵⁶ «Шавоҳид ун-нубувват»... – Қаранг: 201-бет, 1-изоҳ.

хусни мутобаат аст дар худ боз ёфт. Хостки, аз он фоида сойир мусулмонон мунтафеъ шаванд. Батаҳсис азизоники, ин фақирро нисбат бар ишон сидқи муҳаббати ва хулуси ақидати ҳаст ва бештар азинки, истидъои жамъи китоби «Нафоҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс»ки, дар баёни сияру аҳволи машойихи суфияист, карда буданд. Ложарам ончи дар он пароканда буд (тасҳилан лимавтиҳи) дар як жой жамъ карда шуд ва (тафҳимот ул-фойда) ба иборати форсий ирод уфтод. «Талиқиядил ихтисор» ҳарфи тариқи мухталафа ва асониди мутаннаваъ карда омад. Чун камоли мутобеонро бавоситаи мутобаат ҳосил мешавад ва мушоҳада камоли мутаннафъист ва каромат ва фазилатики, аз уммат зоҳир мегардад аз қабилӣ мўъжизоти пайғамбари ишон аст. Зикри баъзи аҳвол ва осор ва асҳоби онҳазрат ва то табақин суфияки, дар баёни аҳволи ишон чунончи гузашт ба он муназзим гардонида омад. Чун нубуввати онҳазрат бавоситаи тавотури ахбор батанаввъуи мўъжизот бажой расида аст ки ҳеч саодатмандеро дар он дағдаға иштибоҳ намондаст.

Чун фойдаи азим дар ин таълиф тақвияти яқин роҳи навардони тариқати жавонмардони аҳли ҳақиқат тавонад буд, агар онро ба «Шавоҳид ун-нубувват бақаввияти аҳл ул-футувват» тасмия кунашг дур наменамояд¹⁵⁷.

¹⁵⁷ Парчанинг мазмуни. Оятларни ва мўъжичаларни кузатиб, улар ҳақида рад этувчилар ва [Муҳаммад пайғамбарга] ҳақиқий дўстлардан эшитиб, шундай идрок этдимки, уларнинг баъзилари беҳад ишончга сабаб бўлди. Шунинг учун дин олимлари ва ёзувчилар (а.: Оллоҳ уларни ва барчани дуо қилсин ва олқишласин!) пайғамбарлик шаҳодатлари зикрида ва пайғамбарлик элчилиги далилида китоблар ёзганлар. Худо баёнида бошқа [шарҳи] ҳоллар ва асарлардан олиб яратганлар. Мен уларнинг баъзиларини мутолаа қилишга мушарраф бўлганимда, мутолаа фойдаси муҳаббатни йўқотмасликини ва пайравлик ҳавасини тақозо қилди. Менда уларни саралаш истаги пайдо бўлдики, улар фойдасидан бошқа мусулмонлар ҳам баҳраманд бўлсалар, айниқса ул азизларким, менда уларга нисбатан муҳаббат содиқлигн ва эътиқод самимийлиги бор ва унинг устига суфий шайхлар [шарҳи] ҳоллари баёнидаги «Нафоҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс»ни ёзишимни истаган эдилар (Жомий бу ерда Навоийни кўзда тутмоқда).

Шундай қилиб, ўша пароканда китоблардаги (арабча; йўқолиб кетиши осон) нарсаларни бир жойга жамъ қилиб, фойдали маслаҳатларки, форсийда ёзилиб эди, қисқача талқин билан ва турли сўзлар билан осонлаштирилган ҳолатга келтирилди. Тобеълар камоли тобеълик ҳавасини бўлади ва камол шаҳодатлиги турличадир,

Ва «Баҳористон»да назм аҳли асомийси зайлида бу фақирни бу навъ мазкур қилибтурларким:

«Соҳибдавлатеки, замони мо ба вужуди у мушарраф аст ҳарчанд пояи қадри вай назар ба маротиби жоҳ ва ҳашмат ва қурби подшоҳи соҳибҳашмат ва қиёс ба маноқибӣ маънави аз фазлу адаб ва фазоиلى мавҳуб ва муктасаб аз он баландтар аст ки, вайро ба шеър таъриф кунанд ва ба жавдати назм тавсиф намоянд. Аммо чун хотири шарифаш ба воситаи касби фазилати тавозуъ ва касри нафс ба он фуруд омадаст, ки худро дар силки ин тоифа мунхарит гардонидаст, дигаронро ҳижоби таҳоши аз он маъни ки вайро аз табақаи эшон доранд ва аз зумраи эшон шуморанд, муртафеъ гашта, аммо инсоф онаст, ки ҳар жо ин тоифа бошанд — вай сар бошад ва ҳаргоҳ номи ин табақа нависанд вай сардафтар.

Ва чун гавҳари номаш бузургтар аз он астқи ҳар маҳалли аз назм сидқи он тавонад шуд ва ҳар мақоми аз шеър шарафи он тавонад ёфт. Тахаллуси ашъораш ба онче аз ин муаммои дигар мафҳум мегардад, номзад гашта.

Муаммо ба исми «Навоий»:

*Кунҳи номаш дар тахалпусҳо наёбад ҳеч кас,
Бар лаби ёбандагон аз вай навое дону бас.*

Ва агарчи вайро ба ҳасаби қуввати табиат, вусъати қобилият ҳар ду навъ шеър — туркӣ ва форсӣ муяссар аст, аммо майли табъи вай ба туркӣ аз форсӣ бештар аст ва ғазалиёти вай ба он

дейилганига кўра, умматлардан зоҳир бўлган каромат ва фазилатлардан аввал пайғамбарнинг баъзи мўъжизаларн зикр этилди. Ул ҳазратнилг баъзи ҳамсуҳбатлари аҳвол ва асарлари (а.: эргашганлар ва уларга эргашганлардан) то суфийлар табақасигачаки, аҳволлари баёни қандай бўлса, шундайин тартибга солинди. Натижада у ҳазрат пайғамбарлиги хабарлар воситасида мўъжизалар навъида жойига кўнилдики, ҳеч саодатманд одамда янглишиш нотинчлиги қолмади. Модомики, бу асар ҳақиқат аҳли учун жавонмардлик тариқатининг порлоқ йўлида шубҳасиз қувват ва катта фойда етказа олади, агар уни «Шавоҳид ун-нубувват яқини аҳли ул-футувват» деб номланса, узоқ кетилмайди.

забон аз даҳ ҳазор зиёда хоҳад буд ва маснавиёте, ки дар муқобалаи «Ҳамса»и Низомӣ вуқуъ ёфта — ба си ҳазор наздик ва ҳамоно ки ба он забон пеш аз вай касе шеър нагуфтааст ва гавҳари назм насуфта ва аз жумлаи ашъори форсии вай аст қасидае ки дар жавоби қасидаи Ҳусрави Деҳлавӣ ки мусаммост ба «Даръёи аброр» воқеъ шуда ва муштамил бар бисъёре аз маонии дақиқа ва ҳаёлотии латифа. Матлааш ин аст:

*Оташин лаъле ки тожи ҳусравонро зевар аст,
Аҳгаре баҳри ҳаёли хом пухтан дар сар аст.*

Ва ин рубой дар таҳнияти қудуми баъзе аз ояндагон аз сафари Ҳижоз дар руқъа навишта буд.

Р у б о и:

*Инсоф бидеҳ, эй фалаки минофом,
То з-ин ду кадом хубтар кард хиром,
Хуршеди жаҳонтоби ту аз матлаи субҳ,
Ёмоҳи жаҳонгарди ман аз жониби Шом.
Ва ин рубой дигар дар руқъаи дигар:*

*Ин нома, на нома, дофеи дарди ман аст,
Ороми даруни ранжарварди ман аст,
Таскини дили гарму дами сарди ман аст,
Яъне хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст.
Ва ин рубои дигар ба таҷдид дар руқъаи дигар.*

Р у б о и:

*В-ар дар ҳарамам ба жустужўят бошам,
Гар дар дайрам ба туфтужўят бошам
Дар вақти ҳузур рўбарўят бошам,*

*Дар ғайбати рўй дил ба сўят бошам*¹⁵⁸.

¹⁵⁸ Соҳиб давлат (яъни, Навоий)ки, замонамиз унинг вужудй билан шарафлидир, унинг қадри даражаси ва ҳашамат мар-табалари, подшоҳга яқинлигидан қатън назар, фазл ва адаб бобидаги барча табиий ва ҳосил қилинган фазилатларга оид маънавий мадҳияларга қараганда шундай баланддирки, уни шеър билан таърифлансаю назм санъати билан тавсиф қилинса [арзийди]. Аммо шариф хотири одоблики фазилатини ва камтарликини [шу қадар] сингдирганки, ўзини шундай тоифа қаторига ўтказган, бошқаларнинг эса, уни ўша даражада ҳисоблашлари ва улар сирасида санашларидан юқори кўтарилган. Аммо, инсоф билан айтганда, қаердаки, ўша тоифа бўлса, у бошлиқдир, ҳар қачон шу даражадагилар номлари ёзилса, у дафтарнинг юқорисидадир.

Унинг номи инжуси шундай улуғдирки, назмнинг ҳар тури унинг садафи бўла олур ва шеърнинг ҳар мақоми ундан шараф топа олур. Шеърдаги тахаллуси бу муаммода ҳам яширинганки, қайд қилинди. «Навоий» исмига муаммо:

Унинг номини тахаллусларда ҳеч ким топа олмайди,

Топувчилар лабида ундан бир наво бил ва бас.

Агарчи унга табиий қуввати ва қобилияти кенглиги жиҳатидан ҳар икки хил шеър: туркий ва форсий муяссар бўлса ҳам, аммо туркий сари табъининг мойиллиги ортиқроқдир. Унинг ғазаллари у тилда ўн мингдан зиёда бўлиши керак. Низомий «Хамса»сига жавобан ёзган маснавийлари ўттиз мингга яқин (Жомий байтлар миқдорини назарда тутмоқда. Навоий «Хамса»си 25 615 байт ёки 51 230 мисраъдан иборат). Айтиш керакки, у тилда ундан аввал ҳеч ким шеър айтмаган ва назм гавҳарини тешмаган (Бу ерда Жомий бир мунча муболага қилмоқда. Навоийдан олдин туркий тилда ижод қилган сўз санъаткорлари бўлган, буни Жомий яхши билган ҳам). Форсийдаги шеърлари жумласидан Хусрав Дехлавийнинг «Дарёи аброр» номли қасидасига жавоб тарзида айтилган асари бўлиб, кўп нозик маъно ва латиф хаёлларни ўз ичига олгандир. Матлаъи будир:

Подшоҳлар тожини безовчи ўтли лаъл,

Бошларида хом хаёлларни пиширувчи лаққа чўғдир.

Баъзилар (Жомийнинг ўзи ҳақида сўз кетмоқда) Ҳижоз (яъни, Макка) сафаридан қайтганда табриклар, бу рубоийни мактубда ёзган эди:

Эй мовий фалақ, инсоф билан айтгил,

Бу иккисидан қайси бири яхшироқ юриш қилди?

Тонг отар (томондан) кўтарилган сенинг қуёшингми?

Ёки кун ботар тарафдан чиққан менинг жаҳон кезувчи моҳимми?

Бошқа бир мактубда эса бу рубоий [ёзилган эди]:

Бу мактуб эмас, менинг дардларимни дафъ этувчидир.

Қайноқ дилим ва совуқ нафасим таскинидир,

Яъни менинг жаҳон кезиб юрган моҳимдан хабардир.

Яна янги мактубда бу рубоий [бор эди]:

Агар бутхонада бўлсам, сени сўзлайман,

Агар Маккада бўлсам, сени излайман.

Борлигингда рўпарангда бўлай,

Йўқлигингда кўнгил юзи сен тарафда бўлсин.

Бу фақир «Мажолис ун-нафоис» отлиғ китобидаким, султони соҳибқирон замонидағи назм аҳли зикрида битибмен, аларнинг васфи маноқибин «учунчи мажлис»нинг аввалида бу навъ битибменким:

«Қуёшеки, ройи олам оройи била бу замон мубоҳий ва аҳли замонға шарафи номутаноҳий муяссардур ва дарёеки, табъи гавҳарзойи била бу даврон жайби гавҳардин тўла ва даврон аҳли қўйни ва этаги жавоҳирдин мамлу бўладур.

Ҳазрати Маҳдумий Шайхул-исломий Мавлоно Нуруддин Абдурахмон Жомий (мадда зиллаҳу)¹⁵⁹ дурурким, то жаҳон бўлғай аларнинг ёруқ хотирининг натойижи жаҳон аҳлидин кам бўлмасун ва то сипеҳр эврулгай, аларнинг очуқ кўнгулларининг фавоиди даврон халойиқидин ўксулмасун. Чун бу мухтасарда мазкур бўлғон жамоатнинг раъс вк раиси ул зоти нафис ва бу рисолада мастур бўлғон гуруҳнинг муқтадо ва пешвоси ул гавҳари яктодур, муборак исмлари бу авроқда сабт бўлурдин гузир ва ёзилмаса дилпазир эрмас эрди, журъат бўлди: Чун аларнинг латойифи назми андин кўпракдурким, ҳожат бўлғайким, баъзи битилгай ва андин машҳурроқким, эҳтиёж бўлғайким, бир оз сабт этилгай. Кутубларининг оти битилса, бу авроқдин ошар ва мусаннафотлари дуррлари зикри қилилса, гардун баҳри андин тошар, ложарам чун бу маъни билилур ва дуо била хатм қилилур.

Р у б о и й:

*Ёраб, бу маоний дуррининг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони
Ким, айладинг они олам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арзоний».*

Ул вақтдаким, алар «Арбаъин. ҳадис»ни форсий назм била таржима қилиб эрдилар ва маъхуд одат била борча асҳобдин

¹⁵⁹ а.: Тангри соясини узайтирсин!

бурунроқ фақирға илтифот қилиб, мусаввадасин бердилар. Чун мутолаасиға машғул бўлдум, алфозидин ҳалойиқи номутоноҳи азҳори ва маонисидин ҳақойиқи илоҳий анвори зоҳир бўла киришти.

Ҳамул «Арбаъин»ға туркича тил била таржима орзуси кўнгулға тушти. Алардин рухсат шарафиға мушарраф бўлғондин сўнгра ҳамул кун ул самин жавоҳир назм силкиға кирди ва ул гавҳарлар аларнинг қулоғиға етти. Шафқат ва марҳамат юзидин дуойи хайр била таҳсинлар қилдилар ва хутба¹⁶⁰сининг аввалги байти будурким,

б а й т:

*Ҳамд ангаким, каломи хайр маол
Қилди элга расулидин ирсол.*

Аларнинг оти бу навъ манзум бўлубтурким:

*Ул сафо аҳли пок фаржоми,
Пок фар жому пок фар Жомий,
Ул фано сори дастгир манга,
Муршиду устоду пир манга.*

Бу сўнгги байтда таламмуз ва иродати нисбати зоҳир қилилибдур.

Ул вақтдаким, фақир алар хизматида суфия рамузу ишорот ва алфозу иборот истилоҳин ўтқарур эрдим. Ҳазрати қутб ус-соликин Шайх Фахруддин Ироқий (қуддиса сирриҳу)нинг «Ламаот»и орзуси хаёлға кўп эврулур эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: «Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расоили оз мутолаа қилилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун».

То улким, ул шариф китобни фақирға сабақ айтурға муртакиб

¹⁶⁰ Хутба – китобнинг аввалидаги «ҳамд» – мақтов қисми.

бўлдилар, ҳар кун сабақда хушҳол бўлиб таъриф қилурлар эрди. Биз «Савониҳ»¹⁶¹ мутолаасида дағи мунча хушҳол бўлмайдуру эрдукки, мунда, деб айтурулар эрди.

Бир неча сабақдин сўнгра сўз мушкилроқ бўлиб, шуруҳға эҳтиёж изҳори қилдилар ва шайх Ёрали¹⁶² шарҳин ва яна баъзи шуруҳни муборак назарлариға кўюб, ул сабақни айтурулар эрди, то улким, кўп мавозиға шориҳларға таън қила бошладиларким, «бу сўзнинг ва ул сўзнинг орасида кўп фарқ бор. Ҳамоноки, маънисига етмай шарҳ битибтурлар» ва бу сўз такрор топқондин сўнгра фақир арз қилдимким: «Мундоқ нафис китобдин фақире баҳра топай деса, шарҳ бу шарҳлар бўлса, оё, не чора қилғай? Магар ҳам ҳазрати Маҳдум шафқат юзидин толибларға бу мушкилни осон қилғайлар».

Андин сўнгра алар «Ашиъат ул-ламаот»ки бу тоифа кутуб ва расоюш орасида маълум эмаски, ҳаргиз андоқ шарҳ қаламға келмиш бўлғай — бунёд қилдилар.

Ул шарҳни битирда «Фусус» ва «Футуҳот» ва «Нусус» ва «Фукук» ва аксар қавмининг умда кутуби муборак назарларида эрди, агарчи ҳеч қайсиға боқғали эҳтиёжлари йўқ эрди. То улким, бу шарҳ била «Ламаот»ни алар қошида тугаттим, бировки ул китобни ўқуса, фақир бу варақда битилган сўзлардин нишоналиғ сўзлар топар ва мундоқ давлатға абнойи замондин оз киши, балки ҳеч киши мушарраф бўлмайди (Иншааллоҳ ало наимиллоху)¹⁶³.

Бир кун бу фақирни муаммо фикри бу водийға солиб эрдиким андин бериким, устоиди фан Мавлоно Шарафуддин Али Яздий¹⁶⁴ (раҳматуллоҳи) бу фанни тадвин қилиб, бу фан аҳлининг отин тиргузди, бу замонғачаким, азизлар ҳам кутуб ва

¹⁶¹ «Савонех» – Аҳмад Ғаззолийнинг форс тилида ёзилган ишқ ҳолатлари баёнидаги рисоласи. Латиф ва гўзал наср билан назм омихта яратилган.

¹⁶² Шайх Ер Али – «Савониҳ»га шарҳ битганлардан кўринади. У ҳақда маълумот топа билмадик.

¹⁶³ а.: Худо хоҳласа унга оллоҳ марҳамати бўлғай!

¹⁶⁴ Шарафуддин Али Яздий (вафоти 1454 й.) – XV асрдаги буюк тарихчи олим. «Зафарнома» муаллифи. Унинг «Хулали му-тарраз» (Нақшлар тикилган шойи) номли асари муаммо фанига бағишланган бўлиб, Навоий даврида машхур бўлган.

расоил битибдурлар ва фан ғариб зебу зийнат топибдур ва турфа қавоиду истилоҳот пайдо бўлубтур. Аммо истилоҳотни тартиб била адо қилмайдурлар. Масалан: қавоид аввалида интиқод қоидасин адо қилурда истишҳодға муаммоким келтурубтурлар, агарчи интиқод ҳам муаддо бўлубтур, аммо «таркиб» ё «таҳлил»¹⁶⁵ ё ғайриҳиким мубтадининг аларға ҳануз шуури йўқ турур, бу мустаҳад муаммода мундариждур. Шарт бу эрдиким, бу муаммода бу қоидадин ўзга мазкур бўлмағай, аммо бу қоидаким, вуқуф ҳосил бўлди, яна ўзга қоида адосида агар мазкур бўлғон қоида ўтса бок йўқ эрди. Фақир бу хаёлда эрдиким, ҳазрати Маҳдум ташриф келтурдилар, фақир мунбасит бўлуб, истиқбол қилиб, алар таскин топиб, дедиларким: «Башарангда инбисоте зоҳир бўлур, не ҳолинг бор?»

Айттимким: «Ҳазрати Маҳдумнинг шариф мақдамлари мужиби инбисотдур, аммо бу навъ ҳам хаёлим бор эрди», — деб ўтган мақолатни арз қилдим, алар ниҳоятдин ташқари хушҳол бўлуб, таҳсинлар қилиб, дедилар: «Ҳаққи ва шарти будурким, сен хаёл қилибсен».

Аларни чун мундоқ хушҳол кўрдум, айттимким: «Ҳиммат тутсалар бу дастур билан бу фан қоидасида мухтасаре рақам қилсам».

Алар дедилар: «Сен бу ташвишни тортма». Ҳамул икки-уч кунда манзуми мухтасарни таҳрир қилдилар. Кўп ихтисорға кўшиш қилғон учун кўп дақиқ ва тор воқеъ бўлубтур, андоқки, мубтадиға идроки сухулат била даст бермас.

Фақир яна истидъо қилдимким, амр бўлса, мундин осонроқ қилса бўлғай, деб маъмур бўлғондин сўнгра «Муфрадот»ға мавсум мухтасарни битидим ва алар хизматиға еткурдум. Қабул нишонаси мундин ўтмаским, бовужуди мунча расоилким, ҳоло ародадур, маҳ-думзодаға ул мухтасарни ўқурға ишорат бўлди ва уя бу мухтасарда муаммо фанниға вуқуф топти.

Алар «Ҳафт авранг»дин — ҳам ҳар лафзи етти иқлимға сармоя ва ҳар ҳарфи етти кавкабға пироядур — «Субҳат ул-

¹⁶⁵ «таркиб», «таҳлил», «интиқод» – муаммо қоидасига оид атамалар.

аҳрор»ким, аларнинг мухтараидурким, не ул баҳрда маснавий айтибдурлар ва не ул таркиб ва адо била манзум китоб тартиб берибдурлар, хатми китоб ва хотимай хитобда чун ул маъшуқаи зебо ва муҳаддараи оламорони жилва бериб¹⁶⁶, қабули хотир таманноси ва назари қабул истидъоси қилибтурлар, бу абёт анда мазкурдурким,

м а с н а в и й:

*Ё раб, ин ғайрати ҳурил-инро,
Шоҳиди равзаи иллийнро.*

*Аз дилу дидаи ҳар дидаваре,
Бахш тавфиқи қабули ҳар назаре.*

*Хосса он дар равиши фақр далер,
З-он далереш шуда ном ду шер.*

*Он яке дар раҳи дин шери худо,
В-ин дигар панжа ба ҳар сайд кушо¹⁶⁷.*

Бу бесомони кам бизоат ва бу нотавони беиститоат бу алтоф муқобаласида не дей олғаймен. Аммо туҳфат ул-фақир ул-ҳақир расми¹⁶⁸ била «Хамса»нинг аввалғи дафтари «Ҳайрат ул-аброр»да аларнинг васфидаки, васфға сиғмас, достоне ниёзмандлиқ

¹⁶⁶ Бу ерда сўз Жомийнинг китобни гўзал мазмун ва юксак бадиият билан таъминлагани ҳақида кетмоқда.

¹⁶⁷ Шеърнинг мазмуни:

Ёраб, бу гўзал ҳурлар рашкини уйғотувчини,
Ва бу жаннат боғининг гўзалини,
Ҳар бир хушёрнинг кўнгил ва кўзига,
Манзур бўлиш муваффақиятига эриштир.
Хусусан, бу фақирлик йўлидаги ботирга ҳам,
Ботирлигидан уни номи икки шер бўлган,
Улардан бири дин йўлидаги худонинг шеридир,
Бошқасининг панжаси ҳам ов учун очикдир.

¹⁶⁸ а.: каминаи камтариннинг туҳфаси сифатида.

қилибменким, бу абёт андиндурурким,

м а с н а в и й:

*Улки букун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.*

*Кўкси ҳақойиқ дури танжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси.*

*Олий анга етти фалакдин маҳал,
Етти фалак мушкили оллида ҳал.*

*Мадрасаи қудс анинг маъмани,
Хонақаҳи унс анинг маскани.*

*Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри чашмаи айн ул-яқин.*

*Қасри каломи чиқиб андоқ баланд
Ким, анга гардун сола олмай каманд.*

*Анда шаётин хасиға йўқ сабот,
Баски уруб хайли малоик қанот.*

Достон олтмиш байт бор эркин ва алар мажлисида «Хамсатайн» сўзи мазкур бўлгоннинг кайфияти ва алар «Тухфат ул-аҳрор»ни бунёд қилиб, ул тақриб била тугатгонлари, бу фақирға элдин бурун кўргузгонларининг шарҳи ва фақир «Ҳайрат ул-аброр»нинг назм қилур тақриби бу достонда мазкур бўлубтур, ўқуғон маълум қилур.

«Ҳафт авранг» кнтобидин «Юсуф ва Зулайҳо» достониким, «Ошиқ ва Маъшуқ»ға мавсумдур ва ул китоб назирини Юсуф ҳусни ва Зулайҳо ишқидек маълум, охирида подшоҳ дуоси зайлида бу

навъ банданавозлиқ қилибтурларким,

м а с н а в и й:

*Муборак бар шаҳу арқони давлат,
Ғазанфар ҳайбатони шер савлат.*

*Ба тахсис ой жавонмарди к-аш аз дер,
Насаб чун ном бошад шер бар шер,*

*Зи пас дар бешаи марди далер аст,
Зи мардони жаҳон номаш ду шер аст.*

*Яке дар аз дизи даврон кананда,
Яке сарпанжа бо гўрон зананда.*

*Ба расми таъмия з-он бурдамаш ном,
Ки монда дур аз он андешаи ом.*

*Ва гар на кай тавон з-он фаҳму идрок
Ба сад ҳуққа нухуфт ин гавҳари пок.*

*Кунад дар шеър табъаш мўшикофи,
В-аз он мў нўги килкаш шеърбофи.*

*Ниҳад з-ин шеъри мушкин доми дилҳо,
Диҳад аз шеъри ширин коми дилҳо.*

*Дили ушшоқ аз он як монда дар банд,
Лаби хубон аз ин як дар шакарханд.*

*Ба зикраш хатм шуд ин равшан анфос,
Ба сони нури манзил хатми барнос.*

*Бале дар коргоҳи одамият,
Жуз ў кам ёфт роҳи махрамият.*

*Ҳамеша то атои даври олам
Кунад табъи лаимон шоду хуррам.*

*Чунон дил бо худои оламаш бод,
Ки н-ояд аз атои оламаш ёд.*

*Суханро аз дуо доди тамомӣ,
Ба омурзиш забон бикшой, Жоми¹⁶⁹.*

¹⁶⁹ Шеърнинг мазмуни:

Шоҳ ва аркони давлатга муборак [бу зот],
Арслон ҳайбатли ва шер савлатлидир.
Хусусан у мард йигит азалдан яна
Насаб ва исмда шер, яна шердир.
Мардлик жангалининг ботири бўлгани учун,
Жаҳон мардлари ичида номи икки шердир.
[Уларнинг бири] даврон қалъаларини кўпорувчидир,
Бири эса қулонларга панжа урувчидир.
Муаммо йўли билан ундан номини чиқардим,
Оддий одамлар хаёли ундан узокдир.
Акс ҳолда фаҳму идрок нима қила оларди,
Бу пок гавҳар юзларча қутичаларга яширингандир.
Шеърдаги табъи қилни қирққа ажратади,
У қилдан эса қалами учи шеър тўқийди.
Бу мушкин соч (яъни, шеърлар)дан кўнгилга тузоқ
У ширин шеърлардан кўнгилларнинг тилагини беради.
У биридан ошиқлар дили бандга илинади,
Бу бирисида эса гўзаллар лаби тотли табассум қилади.
Инсонларга нур иниши тугаган каби,
Бу равшан нафаслар унинг зикри билан охирга етди.
Тўғри, одамийлик коргоҳида,
Ундан бошқалар махрамлик йўлини кам топади.
У токи олам даврининг ҳадяси экан,
Нокаслар табъини шоду хуррам қилаверади.
Кўнгил олам худоси билан бўлсинки,
Олам ҳадяси унинг ёдига келмасин.
Сўзни дуо билан тугатдинг,
Тилни афв сўрашга чоғла, эй Жомий!

Аларнинг бу маснавийлари баҳрида фақирнинг «Хамса»сидин «Фарҳод ва Ширин» воқеъ бўлбтур ва аларнинг мадҳида турфа достоне гузориш топибдур. Борчасин бу мухтасарда баст қилмоқ мужиби итноб бўлур. Аммо бир неча байтдин гузир йўқтур. Сўз таърифида бир неча сўз деб, шайх Низомий била Мир Хусрав (қуддиса сирраҳу) маддоҳлиқларин қилиб, ул тақриб била алар мадҳиға кириб, бу навъ адо топибдурким.

м а с н а в и й:

*Кел, эй соқийки, тушмиш жонима жўш,
Кетур бу икки ёди бирла бир қўш.*

*Алар ишқида нўш айлаб ики жом,
Тутай Жомий майи мадҳин саранжом.*

*Ики пил ўлса Хусрав ё Низомий,
Эрур юз пил чоғлиғ пил Жомий.*

*Муҳаббат жоми дурдошоми улдур,
Ҳамоно Зинда пили Жомий улдур.*

*Кўруб сармаст жоми ваҳдат они,
Демишлар Зинда пили ҳазрат они.*

*Чу ул май дурдидин бўлмиш хурўши,
Сафо аҳлидур онинг дурднўши.*

*Майи таҳқиқ этар ҳолатда ошом,
Чекиб ложурға гар гардун эрур жом*

*Бўлуб зоҳир фано тимсоли андин,
Тутуб оламни олам холи андин.*

*Фано ул навъ этиб нафъй вужуди
Ки, ер топиб набуд ўрнида буди.*

*Бўлуб андоқ фано даштида маълум
Ки, сайри шоҳроҳи хатти мавҳум.*

*Бу хатқа нуқтаким мавжуд эмастур,
Хирад олинда жуз нобуд эмастур.*

*Фано мулкида жисми уйла фоний
Ки, фаҳм айлаб саводи аъзам они.*

*Жаҳонниким қила олғай таваҳҳум
Ки, бўлғай нуқтаи мавҳум аро гум.*

*Ўзин худ бир жаҳони бегарон бил,
Камолотин ўзидек бир жаҳон бил.*

*Жаҳон ичра жаҳонким топти макнат,
Солиб икки жаҳон халқиға ҳайрат.*

*Жаҳон йўқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсади ақсо де они.*

*Ки ҳарне олами суғро¹⁷⁰да мавжуд
Бори бу олами кубро¹⁷¹да мавжуд.*

Бу дoston ҳам тавил уз-зайлдур, мунча абёт истишҳодға келтурулди¹⁷².

Аларнинг «Лайли ва Мажнун» китобида ул дostonким, сарсухани бу навъ битибдурким: «Дар зикри баъзе берун

¹⁷⁰ Олами суғро – «кичик олам» деб суфийлар бу дунёни атаганлар.

¹⁷¹ Олами кубро – «катта олам» деб эса инсон қалбини, унинг ўзини атаганлар.

¹⁷² яъни: бу мадҳиянинг давомн узун, мисол тариқасида бир неча байт келтирилди, холос.

рафтагони аз доираи моҳу сол ва дуои баъзе марказнишинони нуқтаи хол»¹⁷³ ва анда рамз ва ишорат била таҳаллусни зикр қилиб, бу фақирни ўз ёрлиғлариға баҳраманд ва ўз муҳаббатлариға аржуманд қилибтурлар. Бу навъдурким:

*Соқи, бидеҳ он маи қуҳансол,
Еқути музобу лаъли сайёл.*

*Он май ки чу дустон бинишанд
Бо ҳам ба вафову меҳр қушанд.*

*Ором шавад рамидагонро,
Пайванд диҳад буридагонро.*

*Ёре ки қунад ба ёр пайванд,
Нахли амалаш шавад баруманд.*

*Ёр аст калиди ганжи уммед,
Ёр аст навиди айши жовид.*

*Мақсуди вужуд чист жуз ёр,
З-ин савдову суд чист чуз ер.*

*То хотимати вужуд аз оғоз
Мурғе нақунад чу ёр парвоз.*

*Хосса ки ба боғи ошнои,
Бар шохи вафо бувад Навои.*

*Яъне ки Навои лутф созад,
Дилҳои шикастагон навозад.*

¹⁷³ Парчанинг мазмуни: Баъзи ой ва йил доирасидан четга чиқ қанлар зикрида ва баъзи хол нуқтасининг марказида ўтиргайлар дуосида.

*Коре набувад ба жои ин кор
Ёрони жаҳон фидои ин ёр¹⁷⁴.*

Бу фақир ҳам «Хамса»да бу дафтар аввалида алар мадҳида
достоне ораста қилибмен ва бу абъёт андиндурким,

м а с н а в и й:

*Сўз гулшанининг, шукуфта варди,
Илм оятининг варақнаварди.*

*Қадриға ул авж узра поя
Ким, меҳр тутуб тагида соя.*

*Наълайнидин айлабон малак ҳал,
Суртарға судоъ бўлса сандал,*

Ҳамдинки, асоси бошида тоб,

¹⁷⁴ Шеърнинг мазмуни:

Соқий, узоқ йиллар турган майдан бер,
У эритилган ёқут ва суюқ лаълдан бер.
У майки, ундан дўстлар ичсинлар,
Бир-бирларига меҳру вафо кўрсатсинлар.
Ҳуркканларга ором берсин,
Кесилганларга пайванд бўлсин.
Дўст агар дўстга пайванд бўлса,
Орзуларнинг дарахти унумли бўлади.
Дўст – умид хазинасининг калитидир.
Дўст – абадий айшнинг хушхабарчисидир.
Мавжудлик мақсади дўстдан бошқа нима бўлиши мумкин,
Бу савдо ва фойда дўстдан бўлак ким учундир?
Ҳаётнинг аввалидан охиригача,
Бирор қуш дўстдек парвоз қила олмади.
Хусусан ошнолик боғидаги
Вафо шохида Навоий туради.
Яъники, Навоий лутф қилса,
Шикасталар дилини эркалайди.
Бу иш ўрнида бошқа иш бўлмайди.
Барча жаҳон дўстлари шу дўстга фидо бўлсин!

Чекмакка ики жаҳонни қуллоб.

*Нугида синои айлагач кин,
Кўр айлаб дев ила шаётин.*

*Юз донаки субҳаси аро қайд,
Юз файз қушини айлабон сайд.*

*Ул торки доналар белига,
Бил ҳабли матин жаҳон элига.*

*Ибриқи вузуси баҳри гардун,
Ҳар қатраки томса дурри макнун.*

*Лула анга фаизи жовидоний,
Андин оқиб оби зиндагоний.*

*Каъби ери давраи иродат,
Давр аҳлиға ҳалқаи саодат.*

Алар «Хирадномаи Искандарий»даким, «Ҳафт авранг»нинг еттинчи дафтаридур, китоб хатми достонин чун сурубтурлар, сўз хотимасини бу ерга еткурубтурларким,

м а с н а в и:

*«Биё, Жоми, эй умрҳо бурда ранж,
Зи хотир бурун дода ин «Панж ганж».*

*Шуд ин «панж»ат он панжаи зуръёб,
К-аз у дасти даръё кафон дида тоб.*

*Ажаб аждаҳоест килкат дусар,
Ки резад бурун ганжҳои гуҳар.*

*Кунад аждаҳо бар дари ганж жой,
Вале кам бувад аждаҳо ганжзой.*

*Бар ў ҳалқа зад мори ангушти ту.
Бар ў ҳалқа зад мори ангушти ту.*

*Чу гавҳарфишонанд ин ганжу мор,
Ки шуд пур гуҳар домани рўзгор.*

*Вале бинам аз килки ҳар ганжсанж,
Пур аз «Панж ганж» ин сарои сипанж.*

*Бар он панжҳо кай расад панжи ту?
Ки як ганжашон беҳ зи сад ганжи ту.*

*Ба тахсис панже ки сарпанжа зад,
Ба шере ки сарпанжа аз Ганжа зад.*

*Ба туркизабон нақше омад ажаб,
Ки жодўдамонро бувад мўҳри лаб.*

*Зи чарх офаринҳо бар он килк бод,
Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод.*

*Бибахшид бар форсӣ гавҳарон,
Ба назми дари дурри назмоварон.*

*Ки гар буди он ҳам ба лафзи дарӣ,
Намонди мажоли сухангустарӣ.*

*Ба мизони он назми мўъжизнизом,
Низомӣ ки будию Хусрав кадом?*

*Чу ў бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамйизашон раҳ намонд.*

*Зиҳи табъи ту устоди сухан.
Зи мифтоҳи килкат кушоди сухан*

*Суханро, ки аз равнақ афтода буд,
Ба кунжи ҳавон рахт бинҳода буд.*

*Ту доди дигар бора ин обрўй,
Кашиди ба жавлонгаҳи гуфтугўй.*

*Сафоеб аз нури рои ту шуд,
Навое зи лутфи навои ту шуд.*

*Бад-ин нахли назме ки парвардаам,
Ба хуни дилаш дарбар овардаам.*

*Нашуд боисам жуз сухандоният,
Ба дастури дониш суханроният.*

*Вагарна ман онро чу оростам,
На эҳсон, на таҳсин зи кас хостам.*

*Чй хезад зи мудхил, ки эҳсон кунад
Чй ояд зи таҳсин, ки нодон кунад.*

*Ба лутфи сухан гар сутудам туро,
Ҳади дониши худ намудамдууро.*

*Ки ин молу жоҳ арчи жонпарвар аст,
Камоли сухан аз ҳама бартар аст.*

Равад як сар сайр чархи куҳан,

Вале то жаҳон ҳаст монад сухан.

*Сухан низ ҳарчанд доим бақост,
Хамуши ажаб дилкашу жонфизост.*

*Биё, соқӣё, жоми дилкаш биёр,
Ман гарму равшан чу оташ биёр.*

*Ки то лаб бар он жоми дилкаш ниҳем,
Ҳама килку дафтар бар оташ ниҳем.*

*Биё, мутрибо тез кун чангро,
Баланди деҳ аз захада оҳангро.*

*Ки то пунба аз гўши дил баркашем,
Ҳама гуш гардему дам даркашем»¹⁷⁵.*

¹⁷⁵ Маснавийнинг мазмуни:

Кел Жомий, умр бўйи машаққат чекиб,
Кўнглингдаги «Беш хазина»ни дунёга чиқардинг.
Сенинг бу «бешлигинг» шундай кучли панжа бўлдики,
Ундан дарё пўртанасининг қўли буралиб кетади.
Икки бошли қалам – ажаб аждаҳодирки,
Гавҳар хазиналарини тўкиб солади.
[Офатда] аждаҳо хазина олдидан жой олади,
Лекин хазина туғадиган аждаҳо кам топилади.
У аждаҳо сенинг муштингда хазина бўлди,
Унга илон бармоқларини чирмалаб олди.
Бу хазинадан илон гавҳарсочар бўлиб,
Бутун олам этагини гавҳарга тўлдириб юборди.
Қарасам хазина тортувчи қаламидан,
Бу ўтар дунё «Беш хазина» билан тўлибди.
У «бешлик»ларга сенинг «бешлигинг» қандай тенглашади?
Уларнинг бир хазинаси сенинг юз хазинангдан яхшимидир?
Айниқса «бешлик»ка қўл урган,
Ганжадан туриб шерга панжа урган.
Туркий тилда бир ажойиб нақш яралди,
Жоду дамлар лабига муҳр бўлиб босилди.
Бу қаламга фалак офаринлари бўлсин,
Чунки бу гўзал нақш ўша қалам туфайли яралди.
Форсий гавҳар эгаларига –

Бу фақир ҳам бу китобнинг аввалида алар мадҳида айтқондин
бир неча байт била ихтисор қилинур:

Форсча назм дуррларини терувчиларга раҳм қилди.
Агар у ҳам форсийда ёзганда,
Шоирларда сўз айтишга мажол қолмасди.
У мўъжизали назм мезонида
Низомий киму Хусрав ким бўларди.
У бошқа бир тилда сўз юритганидан
Ақл учун фарқ ажратиш имкони қолмади.
Қандай яхши, сенинг табъинг – сўз устозидир,
Қаламинг калиди – сўз очувчидир.
Равнақдан тўхтаган, хорлик
Бурчагидан ўрин олган [туркий] сўзга,
Сен бошқатдан обрў бердинг.
Уни ижод майдонига сурдинг.
Сенинг фикринг нури туфайли у сафо топти,
Лутфинг навосидан у наволи бўлди.
Мен бу назм дарахтини парвариш этарканман,
Юрак қони билан ҳосилга киритарканман,
Сенинг суҳандонлигингдан,
Илмий сўз юрийтишингдан бошқа сабаб йўқ [деб биламан),
Ваҳоланки, мен уни безаганимиз,
Ҳеч кимдан на эҳсон, на таҳсин истар эдим.
Бахилнинг эҳсонидан нима чиқарди-ю,
Нодоннинг мақтовидан нима келарди.
Сўз лутфи билан сени мақтарканман,
Сени ўз билимим чегараси деб кўрсатдим.
Молу мартаба гарчи жонни парвариш қилса ҳам,
Сўз камоли ҳаммасидан юқорироқдир.
Бу кўҳна фалак бирданига айланишдан тўхтар ҳам,
Лекин жаҳон бор – сўз қолади.
Сўз ҳар қанча ва абадий боқий бўлмасин,
Хомушлик ажаб дилкаш ва жонга ёқимлидир.
Кел, эй соқий, бир дилкаш жом келтир,
Оловдек иссиқ ва тиниқ май келтир.
Токи у дилкаш жомга лаб кўяйлик,
Ҳамма қаламу дафтарларни оловга отайлик.
Кел, созанда, чангни тезлатиб юбор,
Чолғу мезроби билан куйни юксалтир.
Кўнгил қулоғидан пахтани олайлик,
Бутун вужудни қулоқа айлантириб, дам олайлик.

*Биров олди суз кишварин якқалам-
Ки, қилди қаламин сутуни алам.*

*Қўлиға олиб найза ўрниға қилк,
Сўз иқлимини садбасар қилди милк.*

*Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.*

*Чу сурғат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нуқта ҳангомаси.*

*Ҳамул ўтғаким, назм шамъин тутуб,
Маоний шабистонини ёрутуб.*

*Чу табъидин оқиб маоний суйи,
Келиб чашмаи зиндагоний суйи.*

*Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб,
Суханварлик ўлган танин тиргузуб.*

*Чу истаб тараб табъи озодаси,
Қуюб назм жомиға сўз бодаси.*

*Анинг журғаси элни маст айлабон,
Демай мастким, майпараст айлабон.*

*Не жомеки, май журғасидин нами,
Тарашшуҳ қилиб, маст ўлуб олами.*

*Бу янглиғки жоми маоний тутуб,
Малак хайлиға дўстгоний тутуб.*

Бўлуб чун анинг жомидин журғачаш,

Бўлуб чарх сўфийлари журъакаш-

*Ки, машъуф ўлуб жоми мастонаға
Гарав айлабон хирқа майхонага.*

*Янги ойни жоми ҳилолий қилиб,
Нечаким тўла келса холи қилиб,*

*Жаноҳайн ўлуб сукрдин хокрўб,
Гаҳи дастафшон, гаҳи пойкўб.*

*Бу навъ ўлсалар арши аъзам эли,
Не бўлғай, хаёл айла олам эли?*

Бу дoston доғи эллик-олтмиш байт борким, барчасин битмак мужиби итноб бўлур учун бас қилилди.

Бу фақир Имом Али Мусо ар-Ризо¹⁷⁶ (Алайҳит-таҳиятиҳи ва л-сано)¹⁷⁷ зиёратидин ҳамул йилким алар нақл қилдилар, шаҳрға келдим. Маъхуд тариқ била аввал алар хизматиға туштум, Алар учунчи девонлариға тартиб бериб эрдилар. Фақирға ўз муборак хатлари била битилган девонни иноят қилдилар. Фақир илтимос қилдимким, Мир Хусравдин ўзга назм аҳлидин

¹⁷⁶ Имом Али Мусо ар-Ризо – (765 – 770/818) саккизинчи имом, аввал Мадинада яшаган. 816 й.да Халиф ал-Маъмун уни Хуросонга келтиради ва Али Ризо мин оли Муҳаммад (яъни, Муҳаммад зотидан сайланган, эъзозланган) деган лақабин беради. 817 й. 24 мартда Марвда 33 минг одам қатнашган йиғинда уни валиаҳд деб эълон қилади. Имом Ризонинг номи тангаларда Маъмун номидан кейин зарб этила бошлайди. Хатто халиф Имом Ризога ўз қизи Ҳабибани никоҳлаб беради. Али Ризо қадимги Тус шаҳри яқинидаги Нукон деган қишлоқда тўсатдан вафот этади. Баъзи ривоятларга кўра, у анор, бошқаларига кўра узум еб заҳарланади. Маъмун ғоят тантанали дафн маросими ўтказади ва жанозада ўзи имомлик қилади. Али Ризони Санобод деган жойдаги катта боғда Хорун ар-Рашид мақбараси ёнига дафн қиладилар. Кейинчалик бу ерда шаҳар пайдо бўлади ва унга Машҳад (яъни, шаҳид ўлганнинг қабри) номи берилади. Ҳозирги ҳолатдаги Имом Али Ризо мақбараси XIV асрда Ул-жайтухон томонидан бунёд этилган.

Алишер Навоий Имом Ризо мақбарасининг жамуб томонига айвон қурдирган ва устунларнинг бирининг тепасига Ҳусайн Бойқаро номини нақшлаттирган.

¹⁷⁷ а.: Унга Оллоҳнинг мақтови бўлсин!

эшитилмайдурким, мутааддид девон тартиб қилмиш бўлғайлар. Аммо аларким, мутааддид битибдурлар, ҳар қайсиға бир муносиб от қўюбтурлар. Сиз дағи бу девонларға муносиб отлар қўйсангиз деб. Алар қабул қилдилар. Икки кундин сўнгра яна алар хизматиға еттим: жузв қўюнларидин чиқориб фақирға бердилар; девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир қисмға қилиб эрдилар ва бу ишға фақир боис бўлғонимни дағи зоҳир қилиб эрдилар ва ҳоло куллиётларида давовин ибтидосида битирлар ва ул феҳриstdа ҳамд ва наътдин сўнгра мундоқ адо қилидурларким:

«Намуда меояд ки чун ин камина ба ҳасаби фитрати асли ва қобилияти жибилли ҳадафи сиҳоми аҳкоми хужаста фаржоми сафват калом афтода буд ва садафи жавоҳири асрори исми бузургвор «алмутакаллим» омада, ҳаргиз натвонист ки авқоти худро билкулия аз ибдоиназми, ё ихтирои насри фориф ёбад ва холи гардонад, ложарам аз таволии аъвом ва шухур ва томодии аъсор ва духур расоил ва кутуби мутааддида аз мансурот ва дафотири мутанаввиа аз маснавиёт ва давовини мутафарриқа аз қасоид ва ғазалиёт жамъ омада буд ва дар ин воло аз таърихи ҳижрати набабия то такмили миата тосиа се сол беш боқи намондааст, муҳиб ва мўътақиди дарвешон, балки маҳбуб ва мўътақиди эшон Низомул-миллати вад-дин Амир Алишер ҳиммати шариф бар он овардааст, ки давовини қасоид ва ғазалиётро ки адади он ба се расидааст, дар яки жилд фароҳам оварда ва чун се мағзи тозаи писта дар як пўст парварда, аз ин фақир истидъои он кард, ки ҳар ба исми хос самти ихтисос гирад ва аз васмати ибҳом ва иштирок сурати истихлос пазирад, ложарам ба мулоҳазаи авқоти вуқуашон девони аввал ки дар авони жавони ва авоиلى замони амну амони ба вуқуъ пайваста ба «Фотиҳат уш-шабоб» иттисом меёбад ва девони сонй ки дар авосити уқуди айёми зиндагонй интизом ёфта ба «Воситат ул-икд» номзад мешавад ва девони солис ки дар авохири ҳаёт оғози тартиби он шудааст ба «Хотимат ул-ҳаёт» мавсум мегардад.

Умедвори ба карами ҳазрати парвардигори восиқ аст ки номи

ҳама азизон ба саволиҳи аъмол ва латоифи ақвол бар сафаҳоти рўзгор бимонад ва воситаи дуои хайр ва василаи саодати охират гардонад.

Р у б о и й:

*Ҳаргиз мақунод ин фалаки пуршутулум
Номи моро аз номаи ҳастӣ гум.
Зеро ки бақои он пас аз марги нахуст,
Гўянд ҳақимон, ки ҳаётест дуввум»¹⁷⁸.*

Чун фақир алар хизматида бу феҳристринни ўқудум, бу фақирға ҳам амр қилдиларким: «Сенинг доғи назминг туркча алфозда чун

¹⁷⁸ Парчанинг мазмуни: Кўринадики, бу камина аслий табиат ва туғма қобилият тужайли оқибати қутлуғ сўз санъати ҳукмлари ўқларининг нишонаси тушгани ва «ал-мутакаллим» деган улуғ ном сирлари жавоҳирларининг садафи бўлгани сабабли ҳеч қачон ўз вақтларини назм ва наср яратишдан фориг топабилмади ва бўш қолдира олмади. Бинобарин, йил ва ойларнинг ўтиши, замон ва даврларнинг айланиши билан насрий асарлардан турли-туман рисола ва китоблар, маснавийлардан хилма-хил дафтарлар, қасида ва ғазаллардан алоҳида-алоҳида девонлар тўпланди. Бу вақтларда хижрий (йил ҳисобида) тўққиз юзга тўлишига уч йилдан ортиқ қолмаган (яъни 1491 й. – С. Ғ.) эди, дарвешлар дўсти ва мухлиси, балки улар дўст тутган ва ихлос қўйган:

Унинг дилига кечаги куннинг секин эмас, тез ўтиб кетгани [таъсир қилди),

Эртанги кун мақсади нима учун кеча ёки ўтган кундан жой олиши керак.

(миллат ва диннинг қоидаси) Алишер ўзининг шарафли ҳимматини кўрсатиб, сони учга етишган қасида ва ғазаллар девонини учта тоза писта мағзи бир пўст ичида парвариш топганидек, бир жилдга бириктирилса ва ҳар бириси бир исм билан номланса, бу билан дудмоллик аралашлик тўхматидан халос бўлинса, деб мендан илтимос қилди. Бинобарин, яратилиш вақтлари мулоҳазаси билан биринчи девон йигитлик пайтларида, тинчлик ва омонлик замони аввалларида юзага келганлигидан «Фотиҳат уш-шабоб» (Ёшликнинг бошланиши) деб аталди. Иккинчи девон тирикчилик кунлари машаққатларининг ўрталарида тартиб топганидан Воситаг ул-иқд» (Боғланиш воситаси) деб номланди. Учтинчи девон ҳаёт охирларида тузилганидан «Хотимат ул-ҳаёт» (Ҳаёт хотимаси) деб исм берилди.

Оллоҳнинг марҳаматига умидворлик аёндирки, ҳамма азизларнинг номи яхши ишлари ва ёқимди сўзлари воситаси билан олам саҳифасида қолади.

Р у б о и й:

Бу жафоларга тўла фалак ҳеч қачон

Бизнинг номимизни борлик саҳифасидан ўчирмасин.

Чунки унинг абадийлиги дастлабки ўлимдан сўнг

Донишмандлар айтишича, иккинчи ҳаётдир.

мутааддид бўлбтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қайсини бир лақаб била жилвасоз этгил».

Алар амрининг итоати чун вожиб эрди — фақир доғи аввалғи девонғаким, туфулиятда рангин назмнинг ғаробати бор — «Ғаройб ус-сиғар»¹⁷⁹ от қўйдум ва иккинчи девонким, шабоб айёмидаким, маоний нодиралари назм силкига кирибтур — «Наводир уш-шаббо»¹⁸⁰ лақаб бердим; учунчи девонким, умр авоситида воқеъ бўлғон бадеъ нукотдур — «Бадойи ул-васат»¹⁸¹қа мавсум бўлди ва тўртунчи девонким, шайхухат синнидағи фойдалардур — «Фавойид ул-кибар»¹⁸²ға иттисом топти. Умид улким, сағиру кабир, шайху шобнинг хотиралариға дилпазир ва кўнгуллариға ногузир бўлғай.

* * *

Устод Қулмуҳаммад¹⁸³ кичик эркандаким, мусиқий ўрганур эрди, чун бот ўрганмоки била хўб ишлар ясамоғи шуҳрат тутти. Фақирға доия бўлдиким, бу фаннинг илмийсини дағи билгай, мавлоно Бу Алишоҳ¹⁸⁴ бўкаким, бу фанда асрининг бебадалидур — анга сипориш қилилди. Агарчи акнун афъюн касрати ани ақл хулъясидин орий қилибдур, ул вақтда бу фанда «Асл ул-васл» отлиғ китобни тасниф қилди, дағи Мир Муртоз ва Хожа

¹⁷⁹ «Ғаройиб ус-сиғар» (Болаликнинг ғаройиботлари) – Навоийнинг биринчи девони.

¹⁸⁰ «Наводир уш-шабоб» (Ёшликнинг нодирликлари) – иккинчи девон.

¹⁸¹ «Бадоеъ ул-васат» (Ўрта яшарликнинг гўзалликлари) – учинча девон.

¹⁸² «Фавойид ул-кибар» (Қариликнинг фойдалари) – тўртинчи девон. Бу ерда Навоий Жомий маслаҳати билан ўз девонларини юқоридагича номлаб чиққанини ёзади. Лекин ана шу тўрт девонига бир умумий ном «Ҳазойин ул-маоний» деб ном берганини қайд қилмайди.

¹⁸³ Устод Қулмуҳаммад – Навоий давридаги моҳир созанда. «Мажолис ун-нафоис»да келтирилишича, ғижжак, уд ва қўбузни жуда яхши чалган, рассом ва наққош бўлган.

¹⁸⁴ Бу Алишоҳ – мусиқий илми устодларидан. Навоий унинг мусиқа назариётига оид «Асл ул-васл» номли асарини тилга олади. Шоир Устод Қулмуҳаммадни Бу Алишоҳга таълим олиш учун тавсия қилган.

Шаҳобуддин Абдуллоҳ Марворид ва мавлоно Биноий¹⁸⁵ дағи бу фанда рисолалар битидилар. Аммо чун барча изҳори истеъдод қилиб эрдилар — мубтадиға бот баҳра олмоқ душвор эрди. Ул ердинким, аларнинг бу фақир сори иноят ва илтифотлари бор эрди, мусиқий ва адвор¹⁸⁶ рисоласин битидиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур.

Ул вақтдаким, бу фақир Мир Хусравнинг «Даръеи аброр»иға Марвда татаббуъ қилиб, алар отиға тугатиб, шаҳрға йибориб эрдим, андоқки юқори мазкур бўлди. Ул қасидада йигирмадин ортуғроқ байт муаммо тариқи ва истилоҳи била муаддо бўлуб эрди. Алар мунунг муқобаласида муаммо тариқи била бир қасида айтиб, анда баса дақиқ ва ғариб тарокиб дарж қилиб, битиб йибориб эрдилар ва ул шеърнинг матлаи будурким:

*Жоҳ дори жоҳилосо дар сар, эй комил, мудом,
Жоҳилат хонам на комил чун туро жоҳ аст ком*¹⁸⁷.

Бир қатла бу фақирнинг туркча бу матлаиким:

*Очмағай эрдинг жамоли олам оро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки.*

эл орасида шуҳрат тутуб эрди ва подшоҳ ҳазратларининг суҳбатларида дағи ўқилур эрди. Шуюъ ва шуҳрати ул ерга еттиким, ҳазрати Маҳдумға дағи масмуъ бўлуб, аларға ҳам дағдаға улким, бу баҳр ва қофия ва радифда шеър дегайлар, бу

¹⁸⁵ Мир Муртоз, Абдуллоҳ Марварид, Биноий – Навоий давридаги таниқли шоирлар ва мусиқий илм соҳасида назарий асарлар яратган ижодкорлар. «Мажолис ун-нафоис»да улар ҳақида маълумотлар келтирилган.

¹⁸⁶ Бу ерда сўз Жомийнинг мусиқа ва унинг назариёти ҳақидаги рисоласи устида кетмоқда. Жомийнинг бу асарини таниқли шарқшунос олим А. Н. Болдирев (1909 – 1993) рус тилига таржима қилган: Абдурахман Джами. Трактат о музыке. Ташкент, 1960.

¹⁸⁷ Шеърнинг мазмуни:

Эй комил, доимо жоҳилдек давлатни ўйлайсан,

Мақсадинг мартаба – бойлик бўлгани учун сени комил эмас, жоҳил ҳисоблайман.

доия пайдо бўлуб, чун туркча алфоз била назмға илтифот қилмас эрдилар, бир форсий ғазал айттиларким, матлаи будур:

*Дийдаме дидори он дилдори раъно кошкй,
Дийда равшан кардаме аз хоки он по кошкй¹⁸⁸.*

битиб подшоҳ хизматлариға йиборгандин сўнгра мақбул ва матбуъ тушуб, подшоҳ ҳазратлари эҳсон ва таҳсинлар қилиб, бу фақирға ҳукм қилдиларким, аларнинг бу ғазалин мусаддас боғлағаймен. Чун маъмур ва маҳкум эрдим — маоф ва маъзур бўлсам ажаб эрмас. Мусаддас айтилғондин сўнгра подшоҳ ҳазратлари эҳсон ва таҳсинлар қилиб, мусаввадасин алар хизматлариға йибордилар. Алар дағи банданавозлиғ юзидин илтифотлар қилдилар. Матлаи бу навъ боғланибдурким:

*Кардамъ дар хоки қўи дўст маъво кошки,
Судама рухсори худ бар хоки он по кошки,
Омади берун зи қўй он сарви боло кошки,
Бурқаъ афкандй зи рўи оламоро кошки,
Дидаме дндори он дилдори раъно кошки.
Дида равшан кардаме аз хоки он по кошки¹⁸⁹.*

ХОТИМА

Ул, расоил ва кутуб теъдодиким, бу фақир алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен.

¹⁸⁸ Шеърнинг мазмунн:

У гўзал дилдор дийдорини кўрсам кошки эди,
Кўзимни унинг оёғи тупроғидан равшан қилсам кошки эди.

¹⁸⁹ Мусаддас бандининг мазмуни:

Дўст қўйини ватан қилсам кошки эди,
Унинг оёғи тупроғига юз суртсам кошки эди,
У баланд сарв ўз кўчасидан чиқса кошки эди,
Олам безаги [бўлган] юзидан парда кўтарса кошки эди,
У гўзал дилдор дийдорини кўрсам кошки эди,
Кўзимни унинг оёғи тупроғидан равшан қилсам кошки эди.

Аввал алар битиган «Қофия»¹⁹⁰ рисоласидурким, анингдек мухтасар бу фанда ҳеч ким билмайдур.

Яна «Муаммо»нинг иккинчи рисоласидурким, «Хулия ул-хулал» дин сўнгра роқ битилибдур.

Яна ҳам аларнинг «Аруз» рисоласидур.

Яна «Лавоёх» дурким, сўфия машойих истилоҳида битилибдурким, андоқ рисола ҳеч роқимнинг қаламидин ва ҳеч қаламнинг рақамидин таҳрир топмайдур.

Яна «Лавомеъ»дур, ҳам бу истилоҳдаким, ҳар ламъасининг партави соликка ҳирмон қоронғу лунида ҳидоят шамъининг осоридур, балки иноят машъалининг анвори.

Яна «Шарҳи рубойёт»дур, ҳам бу истилоҳдаким, фано тариқида мосиваллоҳ азосиға тўрт такбир¹⁹¹ урмоқ анинг мутолаасидин муярсардур.

Яна ҳам бу истилоҳда «Ашиъа»дурким, барқининг талолойидин хира кўзларга очуғлиқ ва куёшининг шаъшаасидин тийра кўнгулларға ёруғлуқ етишур.

Яна «Нафаҳот ул-унс» дурким, ошнолиғ насоими унс равзасидин жон машомиға келтурур ва улфат шамоили қудс гулшанидин руҳ димоғиға еткурур.

Яна бири «Шавоҳид ун-нубувват» муқобала қилилибтурким, алфози иймон жўйбори ашжорин яқин анҳори била сероб ва маонийси ийқон ашжори асморин таҳқиқ саҳобиамтори билан шаҳди ноб этар.

Яна баъзи машойих (қуддиса асрорихум) расоилидин: Хожа Муҳаммад Порсо (қуддиса сирриху)нинг «Қудсия»сидурким, ҳазрати қутбил-авлиё Баҳовуддин Нақшбанд раҳматуллоҳнинг фирдавсойин мажлисларида ул ҳазратнинг муъжиз баён тиллариға ўтган ҳақойиқ ва маоний баъзи хулафоким, жамъ қилурлар эрмиш Хожа Муҳаммад мазкур анға маоний битибдурлар ва толиблар учун анинг диққатлари ийҳомин возиҳ

¹⁹⁰ Бу ва кейинги Навоий тилга олган Жомий ва бошқа муаллифлар асарлари ҳақида юқорида изоҳлар берилди.

¹⁹¹ Такбир – худони ўйлаб «Оллоху акбар» иборасини айтишлик.

этибдурлар.

Яна ҳазрати шайх ул-машойих Фахр ул-миллати вад-дин Ироқийнинг «Ламаот»идурким, Ҳазрати Маҳдум ул китобни бу фақирға сабақ айтурда айтур эрдиларким, «Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва нохамвор равишлиқ элнинг кўпроқ машғуллуқ қилғони хавос аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқумас эрмишлар. Бу жиҳатдин бу китобнинг хўблуклари яшурун қолғон эрмиш». Асру изҳор хушҳоллиқ ва сурур қилурлар эрди, шарҳ битмагига дағи бу боис бўлди. Ушбу анинг таърифида басдур.

Яна Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ (тоба суроҳу)нинг оталари ишорати била битилган рисоаларидур, ҳам фақр ва фано тариқидаким, оз ўғулга бу давлат муяссар бўлуб эркинки, ота амри била бу навъ шойиста хизмат қилмиш бўлғай ва андоқ писандида амр бажо келтирмиш бўлғай.

Яна муқарраби Ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий (қуддиса сирриху)нинг «Илоҳийнома»сидурким, анинг васфида қалам тили ожизу лол ва қаламзан хомаси алкану шикаст мақолдур.

Яна «Хамса», балки «Ҳафт авранг»ларининг кўпрагин муқобала дастури биля алар ўқуғонда қулоқ тутулубтур ё қулоқ тутқучилар мадади учун алар маж-лисида ўқулубтур.

Яна дағи баъзи расоил бор, агарчи сабақ дастури биля ё муқобала қонуни, биля алар хизматида ўқулмайдур, аммо мушкил маҳаллари алардин сўрулуб, таҳқиқ қилнлибтур.

* * *

Агарчи хавориқи одат изҳориға ҳақ таоло амри биля маъмур эмаслар эрди ва покиза ҳолатлари «Маломатия»¹⁹² тариқини

¹⁹² Маломатия – IX асрда Нишопурда пайдо бўлган таълимот.

Унга кўра уни қабул қилганлар ўзларининг малакаларини ошириш, юракларини покиза тутиб, сунний мазҳабга қатъий риоя қилишлари керак бўлган. Лекин уларнинг бу ҳаракат ва интилишларини ҳеч ким сезмаслиги, билмаслиги шарт ҳисобланган. Зоҳирда улар бошқалардан фарқ қилмасликлари ва ўзгалар уларга бирор бир маломат www.ziyouz.com kutubxonasi

шоирлиқ ва муллолиқ тариқида яшурун тутарлар эрди. Аммо гоҳи ғариб нималар алардин зоҳир бўлур эрди.

Ул жумладин дағи бир нечаким, айнил-яқин бўлубтур битимаги муносиб кўрунди.

* * *

Сейидам Ироқий деган йигит Музаффар¹⁹³ барлоснинг ўбдон навқари, балким эшик оқоси эрди, ғояти нодонлиғидин аларға мункир эрмиш, ғояти инқоридин аларнинг девонин бирин-бирин узуб, ўтға солиб, куйдурубтур. Ҳамул уч-тўрт кунда гўё бир узвиға туган кўпуб, ул жароҳат газак бўлуб, охир бўлди.

* * *

Мажидуддин Муҳаммад¹⁹⁴ки, олам машҳуридур, таърифға эҳтиёж эмас. Подшоҳ ани ёзғурғонда андин итлоқиға зомин тилагандур. Ул аларға илтимос қилибдур ва алар тааххуд қилғондин сўнгра қочти. Оз фурсатда, ўн беш кунга тортмадиким, тутулди. Азим қийинлар тортти ва бору йўқ жиҳотин девоний қилдилар. Шаҳрдин бошин олиб, овора бўлди ва ҳамул оворалиқда фаноға борди.

* * *

Бир панжшанба куни алар хизматида Гозуругоҳдин қайтиб келиладур эрди. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи фосиқи абтарий шаҳарда бор эрдиким, доим маст юрур эрди ва йўлуқғон элга ташнеълар ва сафоҳатлар қилур эрди. Бу фақирни чун алар хизматида кўрди, аларға абтар ва девоналиғ юзидин узромиз ҳикоятлар дей бошлади. Чун андин бу хилофи маъхуд эди. Фақир

қилсалар хафа бўлмай, аксинча бу билан фаҳрланишлари лозим бўлган. Жомий ўзини тасаввуфдаги ана шу мактабга мансуб деб билган.

¹⁹³ Музаффар барлос – Ҳусайн Бойқаро амирларидан.

¹⁹⁴ Маждуддин Муҳаммад – Ҳусайн Бойқаро вазирларидан.

таажжуб қилдимким, девонани не нима мунга тутуб эркинким, одмиёна ва хушмандона сўзлар андин зоҳир бўладур. Баъзи мулозимлардин сўзин тақрир қилдиларким, туно кун девонаи абтарийи усрук аларға йўлуқуб, кўп беадабона ҳарзалар деб, оғзиға келган сафоҳат қилғон эркандур. Букунким, фақирни алар хизматида кўрубтур, бу хаёл билаким, ногоҳ алар туно кунги ҳолни фақирға изҳор қилсалар, фақир девонаи абтарға изо қилғаймен деб кўркунчдин мулоямат қиладур эрмиш. Фақир бу сўзни эшитгач, беихтиёр бар он бўлдумким, анга изо қилғаймен. Алар манъ қилиб айттиларким:

Ул ўз сиёсатин топқусидур, сен ҳеч нима дема. Ҳамул беш-ўн кунда абтар девонани бўзахонада яна бир ўзидек абтар бўйнин чопиб ўлтурди.

* * *

Толиби илмлар орасида Ноҳиқийким, ани дев била, шаётиндин мутаваллад бўлғон ўғул деса бўлур, ноҳамворлиқ ва беандомлиғи андин кўпрак эрдиким, ани шарҳ қилса бўлғай.

Ул жумладин бири буким, аларға мункир эрди ва ҳазаёнот кўп айтур эрди. Бир кун Гавҳаршодбегим мадрасаси толиби-илмлари бир боғда суҳбат тутуб, буғро¹⁹⁵ пиширадур эрмишлар. Алар таърифида баъзи муболаға қиладур эрмишлар. Ноҳиқий инкор юзидин бемаъни ҳашвлар айтур эрмиш. Иродат аҳли аларнинг девонин очибтурларким, кўрали: ул ҳазрат Ноҳиқий бобида не нима зоҳир қилурлар, деб сафҳанинг аввалида бу байт келибтурким.

Шеър:

*Пурсат гўшц ман аз субҳаи малак чу Масиҳ,
Кужо мушаввиши хотир бувад наҳиқи ҳарам¹⁹⁶.*

¹⁹⁵ Буғро – Лағмонга ўхшаган хамир овқат.

¹⁹⁶ Шеърнинг мазмуни:

Ўз фавтлари воқеасидин ўттуз беш йил бурунроқ, ул йилким Султон Абусаид¹⁹⁷ мирзо аввал қатла Шохруҳия қўрғонин бориб қабаб эрди, ул юрушта Хожа Дехдор билан эрди ва Мавлоно Қутбиддин Нафис мулозими эрди. Бир кеча аларни воқеада кўргандурким, анинг сори боқиб айтибтурларким, «Қуръон бихон». Ул подшоҳ замониким ўтти ва салтанат тахти султони соҳибқирон Абулғози Султон Хусайн Баҳодирхон (халлада лиллаҳи мулкаҳу ва салтанаҳу)¹⁹⁸га муқаррар бўлди, ул воқеа тарихидин етти ё секкиз йилдин сўнгра Хожа Дехдор бу фақирға мусоҳиб бўлди, ул тушни изҳор қилди. Фақир соий ва боис бўлдумким, ул Қуръон ўқуб, ёд тутти ва хўб ҳофизи мужаввид бўлди.

Алар фавт бўлур йилким, ул воқеа кўрган тарихдин ўттуз-ўттуз тўрт йил тахминан ўтуб эркин, Хожа Дехдорни баъзи муҳим учун Астробод вилоятиға йибориб эрдим. Ул муҳимни саранжом қилиб, қайтиб келадурганда шаҳарнинг бир манзилида эканда аҳмол ва асқолни қўюб, бежиҳат илғаб, шаҳарға келди ва алар назъ ҳолатида ва мавт сакаротида эрдилар, ҳеч ҳофиз ҳозир эрмас эрдиким, алар бошида Қуръон ўқуғай. Бу маҳалда Хожа Дехдор етишти. Аларнинг видоъ дийдорлариға мушарраф бўлуб, Қуръон ўқуғали бошлади, хатмни тугатмак ҳамон эрдиким, алар руҳ вадиатин жон офаринға топшурдилар. Бу навъ каромат авлиёнинг камидин воқеъ бўлмиш бўлғайким, ўттуз йил ортуғроқдин сўнгра натижа зоҳир бўлмиш бўл ғай.

Аларнинг бу навъ ҳолат ва камолот ва каромотларида азизларки, мисли: Мавлоно Абулвосеъки, баса фазоили ҳамида била орастадур ва Мавлоно Аҳмад Пир Шамским¹⁹⁹, баса хасоили

Менинг қулоғим Масиҳға ўхшаш малақдан сўради:

Ҳарам эшагининг ханграши хотирни ташвишга соладими?

¹⁹⁷ Султон Абусаид – темурийлардан, Темури ўғли Мироншоҳнинг набираси. 1451 й.да Мовароуннахр, 1467 й.дан бошлаб Хуросонда ҳукмронлик қилган. У вафот этгач, 1469 й. Ҳирот тахтини Хусайн Бойқаро эгаллаган.

¹⁹⁸ (а.: Оллоҳ мулки ва салтанатини боқий қилсин!)

¹⁹⁹ Мавлоно Абулвосеъ, Мавлоно Аҳмад Пир Шамс – Ҳиротдаги шоир ва алломалар. Жомий ва Навоийларнинг суҳбатдош-ларидан.

писандида била пироста кутуб ва расоил битибтурлар, маълум қилай деган киши ул китоблардин маълум қила олур. Бу фақир ўз кўрганларимнинг юзидин бирин битсам сўз узар жиҳатдин бир неча била ихтисор қилдим.

Ул ҳазратнинг фавтлари воқеаси шарҳиға шуруъ қилали: аларнинг валодатлари тарихи ва ҳаётларининг замонининг тарихи юқори мазкур бўлбтур. Аммо фано доридин бақо гулзориға рихлатлари жумъа кунни муҳаррам ойининг ўн еттисида тарих секкиз юз тўқсон секкизида²⁰⁰ воқеъ бўлди.

Ва анинг шарҳи будурким, шариф жисмлариға ҳаво асаридин заъф юзланиб эрди, бир кун соҳибфирош бўлдилар. Бу фақир дамбадам хабар тутар эрдим. Панжшанба кунни хотирим аларнинг заъфидин бағоят мутараддид эрди, жумъа кечаси бу тараддудда уйқум келмас эрди. Ярим кеча изтироб юзидин отланиб, алар хизматиға иёдатға бордим. Баъзи азизлар ва асҳоб аларнинг бошларида жамъ эрдилар, гоҳ беҳол, гоҳ ўз ҳолларида эрдилар. Фақир густоҳлиқ юзидин хотир итмийнони учун ҳолларин сўрдум, илтифот қилдилар. Ва. Ҳазрати қутбис-соликин Хожа Абдулазиз Жомий дағи бошларида ҳозир эрдилар. Тонг отқунча бир ҳолда эрдилар, чун тонг намозидин халойиқ фориф бўлдилар, аларнинг ҳоли ўзгачарак бўлди. Ҳазрати Хожа Абдулазиз²⁰¹ чун кўрдиларким, ҳол ўзга навъдур, ўзлари мадад бериб, аларнинг бошин машриқ жонибидин шимол жонибиға қилиб, юзларин қибла сори қилдилар. Мавлоно Зиёвуддин Юсуфким, аларнинг аржуманд фарзандларидурлар, аёғлари сори кўзлариға ўтру ўлтуруб эрди, алар қачон кўз очсалар анга илтифот юзидин боқадурлар эрди. Бу фақир густоҳлиқ қилиб, илтимос қилдимким, махдумзода ўтрудин қўптилар. Андин сўнгра алар нақшбандия хожалари тариқи била хафий зикриға машғул бўлуб, ўз таважжуҳлариға иштиғол кўргуздилар, то жумъа салоти чиқти, андоқки, юқорироқ мазкур бўлди — Хожа Ҳофиз Гиёсиддин

²⁰⁰ 898 й. муҳаррам ойининг 17-чи кунни милодин ҳисобда 492 й. 8 ноябрга тўғри келади.

²⁰¹ Хожа Абдулазиз – Ҳиротнинг машҳур табибларидан.

Муҳаммад Дехдор келиб, аларнинг бошида Қуръон хатмига машғул бўлди, то ул замонким, ҳануз эл намоздин фориғ бўлмайдур эрдиларким, алар касрат анжуманидин кўз юмуб, ваҳдат хилватхонасиға нузул қилдилар. Аларнинг мутахҳар руҳи чун малаил-аълоға азимат қилди ва асҳобнинг ҳаёти қуши ҳамул тоййри қудсийдин ирашти, фазаи акбар малаи аълоға етишти, чун ул пок муҳиб ўзин пок маҳбуб висолиға солди — олам жонсиз бадандек холи қолди.

Ш е ъ р:

*Кўкка мотамзадалар навҳаси гар ёвушти,
Мен мотамзадаға, лек қатиғ иш тушти.*

Не ўзга бедод қилмоқдин фоидае, балки не ўзни-ўлтурмоқдин натижае. Бу фақирға воқеъ бўлгон суубат шарҳи чун мумкин эрмас ва шуруъ анга таҳайюр ва тааззурдин ўзга фойда бермас, шуруъ мақсудға қилмоқ авлодур.

Алқисса, бу мудҳиш хабар шаҳрға муштаҳир бўлғоч, акобир ва жавониб ва атрофдин етиштилар. Барча сўгворлик либосида, балки мотам ва азо балосида то улки ҳазрати Султон соҳибқирон (халлада мулкаҳу ва таввала умраҳу)²⁰² — ташриф келтурдилар, ҳой-ҳой йиғлаб ва талх-талх шўробалар ўтқуб, бир замон ўлтуруб, Мавлоно Зиёвуддин Юсуфни шафқат юзидин қучуб, муддате бошин қўйнида асраб йиғлаб, сойир асҳобға кўнгул бериб, бу фақирни соҳиб азо тутуб, ҳолимға дилсўзлуқлар билан ашк тўқуб, насойиҳ ва мавоиз дурбор алфозларидин зоҳир қилиб, чун муборак мизожларида заъф бор эрди — хилофат тахти ва салтанат маснади азимати қилдилар ва султонзодаларни ва аркони давлатни борчасин анда аларнинг кўтарур ишига қўйдилар. Султон Аҳмад мирзо²⁰³ ва Музаффар Хусайн мирзо²⁰⁴

²⁰² (а.: Оллоҳ мулкини боқий ва умрини узун қилсин!).

²⁰³ Султон Аҳмад мирзо – Хусайн Бойқаронинг нуфузли амирларидан.

²⁰⁴ Музаффар Хусайн мирзо – Хусайн Бойқаро ўғилларидан.

бошлиғ салотин ва подшоҳзодалар бир-бирига навбат беришмай, аларнинг маҳфуф маҳофасин эгинлариға кўтариб, Мусаллоға элттилар. Халойиқ ғавғоси ул мартабада эрдиким, неча юз минг халқни тасаввур қилса бўлғайким, бир жисм бўлуб эрдилар. Намозгоҳда Ҳазрати Хожа Азизуллоҳ ул ҳазратға сойир ашроф била намоз қилиб, яна мутаҳҳар равзалариға олиб қайттилар ва халқ ғавғосидин миҳаффани келтурмак душвор эрди. Подшоҳзодалар ясо-вуллуқ қилиб, элни кўруб, йўл очиб, наъш мадфанға етти ва ҳазрати қутб ул-авлиё Мавлоно Саъдуддин Кошғарий ёнидаки; зоҳиран тариқат одобида аларнинг пиридур — дафн қилдилар.

Ва ҳазароти олиёт маҳди улё Бикабегимки²⁰⁵, сойир абнойи жинсдин фазлу камол ва ақлу ҳамида хисол била мумтоздурлар ва аларға иродат ва ихлослари бениҳоятдур, ҳам сўгворлиғ ва мотамзадалиғ таврида келиб, азо сўрар қоидасин бажо келтурдилар ва бу фақирға навозишлар қилиб, борча асҳобни ва маҳдумзода²⁰⁶ни илтифотлар била мушарраф қилдилар.

Сойир азизларким, атрофдағи вилоятдин аларнинг азоси учун келдилар, чун филҳақиқат бу фақир соҳиб азо эрди, ҳамул дастур била фақирни-ўқ соҳиб азо тутуб, сўрмоғ расмин маръий туттилар. Ҳаттоким, ҳазрати салтанат шиор, хилофат. дисор Султон- Бадиуззамон мирзо²⁰⁷ (Аббада л-лоҳу таоло зилол шафатиҳи ало нафориқи л-муҳиббин ила явмиддин)²⁰⁸ Мозандарон мулкидин киши йибориб, алар азоси учун баъзиға либослар илтифот қилиб эрдилар ҳам мухотаб фақир эрдим ва ул Ҳазратнинг Ҳазрати салтанат шиор била гўшаи хотир ва ҳимматлари бағоят кўп эрди. Ҳазрати салтанат шиорнинг ҳам аларға иродат ва ихлоси бениҳоят эрди.

Бир йилғача олам аҳлиға умуман ва Хуросону Ҳирот аҳлиға хусусан, мотам эрди. Йил бўлғондин сўнгра Ҳазрати Султони

²⁰⁵ Бикабегим (Ҳадичабегим) – Хусайн Бойқаро хотинларидан энг эътиборлиси.

²⁰⁶ Маҳдумзода – Жомийнинг ўғли Зиёвуддин. Юсуф кўзда тутилади.

²⁰⁷ Султон Бадиуззамон мирзо – Хусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли.

²⁰⁸ (а.: Оллоҳ таоло шафқат соясини дўстлар айрилиғи устида то қиёмат абадий қилсин.)

соҳибқирон аларнинг йил ошин баса эъзоз ва эҳтиром била подшоҳона бериб, мухлисларидин баъзй ул ҳазратнинг мутаҳҳар марқади бошида олий иморат солиб, ҳуффошу имом ва муқрию худдом тайин қилди. Ва назм аҳли кўп таърихлар айтиб ўқудилар. Ул жумладин ҳуруф роқими²⁰⁹ бу марсия била таърихни айтиб, йил оши тортарда султони соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди ва ҳукм бўлдики, Мавлоно Ҳусайн Воиз²¹⁰ минбар устида ўқуди.

Таърих будурким:

*Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,
К-ў ба ҳақ, восил шуду дар дил набудаиш мосивоҳ,
Кошифи сирри илоҳий буд бешак, з-он сабаб
Гашт таърихи вафоташ: «Кошифи сирри илоҳ»²¹¹.*

Ва марсия будурким,

м а р с и я:

*Ҳар дам аз анжумани чарх жафое дигар аст,
Ҳар як анжуми у доғи балое дигар аст.*

*Рўзу шабро, ки кабудасту сияҳ жома дар ў,
Шаб азои дигару рўз азои дигар аст.*

²⁰⁹ Ҳуруф роқими – ҳарфларни ёзувчи, демақдир. Навоий бу ерда ўзини кўзда тутмоқда.

²¹⁰ Ҳусайн Воиз – Ҳиротнинг машҳур олими, шоири ва нотиқи. «Мажолис ун-нафоис»да алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

²¹¹ «Кошифи сирри илоҳ» – У Оллоҳ сирларини кашф этувчи, демақдир. Бу иборанинг араб ёзувидаги ҳарфлари йиғиндисидан абжад ҳисобида 898/1492 й. чиқади.

Таърихнинг мазмуни:

Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат дарёсининг дурри,

Ҳақга етишди ва дилида бошқа нарса йўқ эди.

Илоҳий сиррнинг кашф этувчиси эди, шу сабабдан шаксиз,

Вафоти таърихи «кошифи -сирри илоҳ» бўлди.

*Балки ҳар лаҳза азоест, ки аз дашти адам,
Ҳар дам аз хайли ажал гарди фанои дигар аст.*

*Хаст мотамкадае — даҳр, ки аз ҳар тарафаш
Дуди оҳи дигару нолаву вои дигар аст.*

*Оҳи ў ҳаст ба дил тийраги афзоянда,
Вои ў низ ба жон яъсфизои дигар аст.*

*Гули ин боғ, ки садпора зи мотамзадагист,
Ҳар яке сухтаи жома-қабои дигар аст.*

*Оби ў заҳру ҳавояш мутааффин, чи ажаб,
Ки дар ин марҳала ҳар лаҳза вабои дигар аст.*

*Аҳли дил маил сўи гулшани қудс оварданд,
Ҳаст аз он ру, ки дар у обу ҳавои дигар аст.*

*Назди арбоби яқин дори фано жое нест,
Ватани аслин ин тоифа жои дигар аст.*

*3-ин сабаб масти маи жоми азал орифи жом,
Сархуш аз дори фано сўи ватан кард хиром²¹².*

²¹² Марсиянинг мазмуни:

Ҳар дам осмон анжуманидан янги бир жафо келади,
Унинг ҳар бир юлдузи янги бир балонинг доғидир.
Кундуз ва кеч унинг кийими кўк ва қорадир,
Кечаси бошқа аза ва кундузи бошқа азадир.
Балки ҳар лаҳза йўқлик даштидан аза келади.
Ҳар дам ажал гуруҳидан янги бир фано гарди келади.
Дунё бир мотамхонадирки, унинг ҳар тарафидан,
Бошқа бир оҳнинг дуди ва бошқа нолаю вой келади.
Унинг оҳи дилга қоронғулик орттиради,
Нолаю войи жонга янги қайғу солади.
Бу боғнинг гули мотамзадалиқдан юз пора бўлди,
Ҳар бирининг либоси куйган, бошқасининг эса тўни [куяди].

* * *

*Эй ҳарими карами қурби илоҳи жоят,
Тарафи жаннати фирдавс қужо парвоят.*

*Чун шуди аз ҳарами мулк ба сайри малакут.
Буд дар анжумани хайли малак ғавғоят.*

*Тўтиёни ҳарами қудс ба дил муштоқат,
Булбулони чамани унс ба жон шайдоят.*

*Кимиёкори қазо меҳри дигар дод тулуғ
Чархро аз асари равшани симоят.*

*Нуҳ фалак чарх занон омада бар атрофат,
Буда гўё ба сари ҳар як аз он савдоят.*

*Шўр дар олами арвоҳ бияфтод, аз он,
Ки ниюшанд ба жон нуктаи руҳафзоят.*

*Руҳи ақтоб расиданд ба истиқболат,
Жони автод фитоданд ба хоки поят.*

*Даст бар даст рабуданд туро то жое
Ки, дар ин ғамкада ҳам хости онро роят.*

Ту шуди восили мақсуди ҳақиқию бимовд

[Бу боғнинг] суви заҳар, ҳавоси бадбўй, не ажабки,
Бу манзилда ҳар лаҳза бошқа вабо бўлади.
Дил аҳллари поклик гулшани томон [кетмоқ] истадилар,
Чунки у ерда обу ҳаво бошқачадир.
Эътиқод эгалари наздида бу ўткинчи дунё жой эмас,
Бу тоифанинг асли жойи бошқа ердадир.
Шу сабабли азал майининг масти жомлик ориф,
Сархушлик билан фано саройидан [чиқиб] ватан томон кетди.

То қиёмат ба жаҳон шевану вовайлоят.

*Дар фироқи ту ғамин монд дили ғамзадагон,
Тира 3-ин гўшои мотамкада мотамзадагон²¹³.*

* * *

*Ту бирафтию дили халқи жаҳон зор бимонд,
То қиёмат ба фироқи ту гирифтор бимонд.*

*3-оташи оҳи дили сўхтагон то ба абад
Дудҳо дар хаами ин гунбази даввор бимонд.*

*Аҳли тавҳид, ки бе муршиди комил ғаштанд,
Садашон мушкили ҳалношуда дар кор бимонд.*

*Соликонро, ки камол аз ту расиди ба сулук,
Ажзҳо дар равишу нуқс дар атвор бимонд.*

213 * * *

Эй илоҳ қудратининг карами харамидан жой олган,
Сенинг қизиқшинг жаннат боғи томон бўлармиди?!
Ер ҳарамидан малаклар мамлакатига сайр қилганингда,
Малак гуруҳи анжуманига ғавғонг тушди.
Поклик харамии тўғилари сенга юракдан муштоқлар,
Дўстлик чамани булбуллари сенга жондан шайдолар.
Қазо кимёғари бошқа қуёшни чиқарди,
[Зероки] сиймойинг равшанлиги осмонга таъсир қилди.
Тўққиз фалак чарх уриб атрофингга келишди,
Гўё ҳар бирининг бошида сенинг савдойинг бор эди.
Олам арвоҳи (бошига) шунинг учун (ҳам) ғавғо туштики,
Руҳпарвар нозик фикрларингни жон билан ёзсинлар.
Қутблар руҳи истиқболингга келишди,
Авлиёлар жони хоки пойингга йиғилишди.
Сени қўлма-қўл (қилиб) шундай бир жойга олиб боришдики,
Бу ғам маконида ҳам у жойни хоҳлар эдинг.
Сен ҳақиқий мақсадга эришдинг,
(Лекин) қиёматгача жаҳонда доду фарёдинг қолди.
Сенинг фироқингда ғамзадалар дили ғамгин қолди,
Шунинг учун мотамзадалар мотамхонасининг бурчаклари зулматда қолди.

*Уламоро, ки шуди машъали дарс аз ту мунир,
Тира шуд машъалу то ҳашр шаби тор бимонд.*

*Сад халал роҳ бадин ёфт, ки диндоронро
Субҳа бишкасту ба каф риштаи зуннор бимонд.*

*Сирри ҳ-ақ рафт наси пардаи китмон, ки зи ашк
Ба гил андуда дури махзани асрор бимонд.*

*На ки сад хори алам бар дили аҳрор халид,
Ки дусад бори ситам бар тани аброр бимонд.*

*Толибонро равиши роҳи фано рафт зи даст,
Ҳар яке дар наси сад пардаи пиндор бимонд.*

*Чи тазалзул, ки зи фавти ту дар айём афтод,
З-он тазалзул чӣ халалҳо, ки дар ислом афтод²¹⁴.*

214 * * *

Сен кетдингу жаҳон халқининг дили зор қолди,
Қиёматгача фиροқинга гирифтор қолди.
То абад куйганлар дилининг оҳидан,
Бу айланувчи гумбаз букрида тутунлар қолди.
Ҳақиқатга етишмоқчи бўлганлар комил муршидсиз қолди,
(Уларнинг) юзларча мушқиллари ҳал бўлмай шундайин қолди.
Художўйлар сулукига сендан комиллик етишиб турар эди,
Равишларида ожизлигу атворларида нуқсонлар қолди.
Сенинг нуринг олимлар учун дарс машъали бўлди,
Машъал ўчди ва қиёмат кунигача кеча қоронғи қолди.
Динга юз ҳалал етишти ва диндорларнинг
Тасбеҳи синиб, кафида зуннор ипи қолди.
Ҳақиқат сирри парда (ортига) яширингани учун кўз ёш тўкавериб.
Сиррлар хазинаси дуррлари лойга қоришганича қолди.
Наинки юз алам тикани эрклилар танига қадалди,
(балки) икки юз ситам юки яхшилар танида қолди.
Толиблар фано йўлининг равишини қўлдан бердилар,
Ҳар бири юз хаёл пардаси ортида қолди.
Сенинг вафотинг туфайли даврда не чоғлиқ зилзилалар рўй берди.
У зилзиладан имомга қанчалик ҳалаллар етишди.

* * *

*3-ин азо дар ҳама олам на гадо монда, на шоҳ,
Ки кашиданд ба сўғи ту ду сад нолаву оҳ.*

*Абрсон гиръякунон, наъразанон соя фиканд,
Бар сари наъши ту хуршеди карам — зилли илоҳ.*

*Гар муяссар шудаяш наъш кашиди бар дўш
Чун мани сўхтадил жониби мадфан ҳамроҳ.*

*Шаҳриёрони жаҳон чок зада жома ба тан,
Пеши тобути ту пўянда ба аҳволи табаҳ.*

*Сарбаландони жаҳон дар таҳи наъшат шуда наст,
Ҳама гиръёну кашон бори ту бо пушти дутоҳ.*

*Шуда ҳар пояи наъши ту ба дўши як қутб,
Лек ҳар чор шуда нудбагару вовайлоҳ.*

*Оламеро ба сўи олами дигар бурдан
Натавон жуз ба чунин баркашони огоҳ.*

*Чазаи акбаре афтод, ки бо ин ҳама чашм,
Чарҳи гардун нотавонист бад-он сўи нигоҳ.*

*Гарчи шоми ту шуд аз нур чу маҳтоб сафед,
Ҳеч кас лек надидаст чунон рўзи сиёҳ.*

*Ба намозат, ки ҳазорон зи башар пайвастанд,
Сад ҳазорон зи малоик ба ҳаво саф бастанд²¹⁵.*

215 * * *

Бу азадан ҳамма оламда не гадо қолди, на шоҳ,

* * *

*Ҳама бурданд ба афғону дили чок туро,
Жой карданд чу ганже ба дили хок туро.*

*Хайли арбоби иродат ҳамаро чок ба дил,
Ҳар яке хост кашидан ба дили чок туро.*

*Сари покони жаҳон буди, аз он эзиди пок,
Пок оварду дигар бурд ҳамон пок туро.*

*Ғарқи баҳри висоли, ки ба чашми ҳиммат,
Равза чун гулхану тубист чу хошок туро.*

*Руҳи покат чу ба болои нуҳўм чарх шитофт,
3-ин ки тан зери замин рафт, қужо бок туро.*

Ҳама покони жаҳонро ба тани пок расид,

Улар сенинг мотамингда икки юзлаб нолаву оҳ чекдилар.
Булутдек ўкириб, наъра тортиб,
Карам қуёши – илоҳ қўланкаси тобутинг устига соя ташлади.
Агар муяссар бўлса у ҳам наъшингни елкага олиб,
Куйган мен каби мозоргача ҳамроҳ бўлар эди.
Жаҳон подшоҳлари тўнларини чок қилиб,
Тобутинг олдида қаттиқ қайғу билан қадам ташладилар.
Жаҳон мағрурлари тобутинг остида паст бўлиб,
Ҳаммалари йиғлаб, сенинг юкингни букчайганча элтиб бордилар.
Тобутинг ҳар пояси бир улуғ зот елкасида,
Лекин тўртовлари бир бўлиб, дод солиб йиғладилар.
Бир оламини бошқа бир оламга олиб бориш,
Бундайин огоҳ юк ташувчилардан бошқага мумкин эмас.
Улкан бетоқатлик юз бердики, шунча кўп кўзлар билан ҳам
Айланувчи осмон ўша томонга қарай олмади.
Гарчи тунинг нур билан ойдиндек оппоқ эса-да,
Лекин ҳеч ким бундай қора кунни кўрган эмас эди.
Намозингга минглаб кишилар тўпланди,
Юз минглаб малаклар ҳавода саф тортди.

Ончи омад ба тани пок зи афлок тууро.

*Сайри афлокат аз он шуд, ки зи эзид дархост
Баҳри ҳамрозии худ хожаи лавлок тууро.*

*Ақли кулл буди аз идроки маони з-он рў
Натавонад, ки тааққул кунад идрок тууро.*

*Қисми ёрони ту гар зорию ғамноки шуд,
Лек зоре набувад чун мани ғамнок тууро.*

*Зада саф хайли акобир, ки барояд Махдум,
Мухлисонро макун аз дидани рўят маҳрум²¹⁶.*

* * *

*Дўстон, дар ҳама фан нодираи олам ку?
Афзалу афсаҳи ажноси бани одам ку?*

216 * * *

Ҳамма фиғон тортиб, дилини чок қилиб, сени олиб бордилар»
Тупроқ кўксига сени хазинадек жойладилар.
Муридлар гуруҳидаги ҳамманинг дили чок,
Ҳар бири сени шу чок бўлган дилига тортмоқчи бўлди.
Жаҳон покларининг бошлиғи эдинг, шунинг учун (ҳам) пок тангри,
Пок (қилиб) яратди сени-ю, яна пок олиб кетди.
Висол дарёсига чўмдинг, ҳиммат кўзида
Сенга жаннат – гулхану тўби (дарахти) бир хашакдек туйилади
Сенинг пок руҳинг тўққизинчи осмонга шошилди.
Бинобарин, танинг ер остида қолса, сенга не зарар?
Ҳамма жаҳон покларининг пок танига,
Сенинг пок танинга осмондан етишган (нарсалар) етишди.
Фалакларга сайр этишинг (сабаби) шундаки, пайғамбар
Сен билан сирдош бўлишликни худодан сўради.
Маъноларни идрок этишлиқда сен ақли расо эдинг,
Шунинг учун идрок сен ҳақингда ақл юрита олмайди.
Гарчи ёронлар қисмати сенга зорлик ва (қайғунгда) ғамгинлик экан,
Лекин мен ғамгиндек, бирор зор бўлмаса керак.
Улуғлар Махдум келадилар, деб саф тортишди,
Мухлисларни юзингни кўришдан маҳрум қилма.

*Дар биёбони таманнош халойиқ мурданд,
Ба давои ҳама он Хизри Масиҳодам ку?*

*Дили аҳбоб шуд аз теғи фироқаш сад захм,
Он ки буди ҳамаро хулқи хушаш марҳам ку?*

*Хома рў карда сияҳ, синаи худро зада чок
Ки худованди ман он бар уламо аълам ку?*

*Хужра холию парешон шуда авроқи кутуб,
Соҳиби хужра кужо, нозири онҳо ҳам ку?*

*Дар саро нест ба жуз худкушии ғамзадагон,
Он ки таскин диҳад инрову хурўшон ғам ку?*

*Дар Хуросон натавон гуфт, ки кас хуррам нест,
Кас ки дар руи замин ёфт шавад хуррам ку?*

*На ки дар хонақаҳи зуҳд фитод ин мотам
Дар хароботи фано низ ба жуз мотам ку?*

*Эй ки будан ба фано аҳд кунӣ боқии умр,
Андар-ин дайри фано аҳди бақо маҳкам ку?*

*Ишқбозон зи ғам оташ ба дил афрўхтанд,
Жонгудозон ҳам аз ин оташи ғам сўхтанд²¹⁷.*

217 * * *

Дўстлар, ҳамма фанда олам яғонаси қани?
Одам болалари жинсидан энг афзали, энг сўзга чечани қани?
Орзу биёбонида халойиқ ҳалок бўлди,
Ҳамманинг давоси бўлган Масиҳо нафасли Хизр қани?
Дўстларнинг дили фироқинг тиғидан юз яра бўлди,
Яхши хулқи ҳаммага малҳам бўлган (одам) қани?
Қалам юзини қора қилиб, сийнасини чок айлаб,
Олимлар олими бўлган менинг эгам қани? (деб сўрамоқда).

* * *

*Эй, ки дар пеш гирифти сафари дуру дароз,
Ки бад-ин навъ сафар ҳар ки бишуд н-омад боз.*

*На ки аз нўғи қалам боз бибастӣ раҳи сеҳр,
Балки аз банди забон бурдӣ аз офоқ эъжоз.*

*Навфаси қудсият аз кас натавон ёфт дигар,
Ваҳйро баъда набӣ з-он ки нашуд кас мумтоз.*

*Шоҳро монд ба жон з-оташи ҳижрони ту сўз,
Бандаро дар дили сад пора зи доғи ту гудоз.*

*На шаҳу банда, ки то рўзи қиёмат дар даҳр
Ҳар ки бошад бувад аз мотами ту навҳатироз.*

*Гарчи рў дар тутуқи васл нуҳуфтӣ, ки шавӣ,
То абад жилвақуноя дар ҳарамии иззату ноз*

*Мадад аз руҳи пуранвори худат низ расон.
Ки, ҳаробанд зи ҳажри ту баче аҳли ниёз.*

Эй рафиқон, ҳамаро оқибати кор ин аст,

Ҳужра бўш ва китоб varaқлари тўзиб қолди,
Ҳужра эгаси қани? Уларга қаровчи қани?
Ғамзадалар бошида ўзини ўлдиришдан бошқа фикр йўқ,
Уларга таскин берувчи ва буларга ғамкашлик қилувчи қани?
Хуросонда ҳеч кимни хурсанд деб бўлмайди,
Ер юзида топилган кишининг хуррами қани?
Бу мотам фақат зоҳидлик хонақоҳига тушмади,
Фонийлик дунёсида ҳам мотамдан бошқаси қани?
Эй қолган умрни фонийликда ўтказишга аҳд қилган,
Бу фонийлик дунёсида боқийлик аҳдининг маҳкамлиги қани?
Ишқбозлар қайғудан дилга ўт солдилар,
Жон фидо қилувчилар ҳам бу ғам ўтидан куйдилар.

Фикри анжом касе беҳ, ки кунад аз оғоз.

*Ҳар ки сад қарн бимонад ёа жаҳон ҳам ба фусун,
Бирабойд зижаҳонаш фалаки шўъбадабоз.*

*Шоҳи маъниро гар сурат афтод чунин,
Бод то ҳашр шаҳ сурату маъни омин²¹⁸.*

218 * * *

Эй узундан-узоқ сафарга равона бўлган,
Бу хилдаги сафарга кимки чиқди – яна қайтмади.
Наинки қалам учидаги сеҳрни яна боғладинг,
Балки тил банди билан жаҳондан мўъжизани олиб кетдинг.
Пок нафасингни бошқа бирор кимсадан топиб бўлмайди,
Чунки пайғамбардан кейин ҳеч ким хабар келтириб имтиёзли бўлмади.
Шоҳнинг жонида сенинг ҳижронинг ўтидан ёнғин қолди,
Банданинг юз пора дилида ғамингдан эриб сув бўлиш қолди.
На шоҳ, на банда, дунёда қиёмат кунигача,
Ҳар ким турса, сенинг мотамингда фарёд қилади.
Гарчи юзингни васл пардаси билан яширсанг-да,
Иззат ва ноз ҳарамида то абад жилва қилгайсан.
Нурларга тўла руҳингдан мадад етказгайсан,
Чунки сендан жудоликда кўп эътиқод эгалари харобдирлар.
Эй рафиқлар, ҳамманинг иши оқибати шундайдир,
Охирнинг фикрини бошдан қилиш яхшидир.
Жаҳонда юз қарн яшаган кимсани ҳам афсун билан
Уйин кўрсатувчи фалак жаҳондан узиб олади.
Маъно шоҳининг сурати агар шундай бўлса,
Қисматгача сурат билан маъно шоҳ бўлгай! Омин!

ҲОЛОТИ САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

*Лутф айлабон, эй насими қудс²¹⁹ осор,
Бир қатла фано²²⁰ гулшанига айла гузор.
АҳбобҒақим топтилар ул ерда қарор,
Мендин ер ўпуб арзи ниёз эт зинҳор.*

Солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний. Саййид Ҳасани Ардашер²²¹ (Раҳматуллоҳи) сияр ва ҳолотида.

Аларнинг отаси Ардашер Бойсунғур мирзо²²² мулозими эркандур. Қушчилик²²³ шевасида мулозамат қилур эркандур. Ул

²¹⁹ Қудс – арабча поклик, тозалик, муқаддас демақдир. Насими Қудс - поклик шабадаси. Бу ерда шоир ундан аввал ўтган дўстлар, суҳбатдошлар ётган жойга бориб, ер ўпиб, салом етказгил, дея илтижо қилади.

²²⁰ Фано – йўқ бўлиш, ўлиш; тасаввуфда ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сингишдир.

Фано гулшани – мозористон.

²²¹ Солик – бирорта тасаввуф маслағига мансуб шахсдир. У оллоҳга яқинлашиш толиби бўлиб, бу ниятида туғилгандан вафотига қадар бўлган йўлни босиб ўтади.

Саййид Ҳасан Ардашер – Алишер Навоийнинг дўсти, мас-лақдоши ва отаси ўрнидаги мураббийси. Навоий у билан 860/1455 – 56 й. да биринчи марта учрашади. Бу воқеа Алишер Машҳадга бориб, Абулқосим Бобур шоҳ хизматига кирган вақтларда содир бўлади. Навоий Саййид Ҳасаннинг ҳаёти сўнггига қадар у билан ота-боладек муносабатни сақлайди ва унинг вафотидан 2 йил ўтгач, махсус рисола ёзиб, хотирасини абадийлаштиради. Саййид Ҳасан вафоти вақтида Ҳиротда бўлмаган Навоий ғоят таъсирли марсия ҳам ёзган эди.

Рисолада Ҳирот маданий адабий ҳаётининг кўркамли вакили бўлган кенг кўламли билимлар эгаси, шоир ва гўзал инсоннинг маълум даражада ижодий портрети яратилган ҳамда муаллифнинг унга бўлган беҳад хурмати, самимий муносабати ўз аксини топгандир.

²²² Бойсунғур мирзо (1397, Ҳирот – 1434 ўша шаҳар) – Темур набираси, Шоҳрух ўғли Улуғбек мирзонинг укаси. Мозандарон, Астробод ва Журжон ҳокими, кейинчалик отасининг вазири бўлган. Бойсунғур мирзо ғоят маърифатпарвар шоҳ бўлиб, Ҳиротда ниҳоятда бой китобхона ташкил қилган. У котиб, мусаввир, наққош, саҳҳоф, заргар усталарни йиғиб, уларга ҳомийлик қилган. Бойсунғур мирзо ташаббуси ва иштирокида

фанда ғояти мулоямат ва ниҳояти маҳоратдин қушбегилик мансабиға етибдур, балки мундин дағи кўп бийикрак маносиб касб этибдур.

Б а й т:

*Кўп хунарлиқ кимса шаҳларға этар дамсозлиқ,
Қуш тилин билган Сулаймон²²⁴ға этар ҳамрозлиқ,*

Аммо ўзлари ҳам ул оталари мулозамати ва мутобаатида Бойсунғур мирзо хизматларида бўлбтурлар ва кичик ёшдин ўқумоқ ва битмакка табълари мулойим ва мойил эрмиш.

Б а й т:

*Чун табъи мулоним бўлур ўргангали мойил,
Оз вақтда кўп навъ қилур касби фазойил.*

Чун алар кичик ёшдин фазойилу камолот иқтисобиға авқотларин сарф қилур эрмишлар. Бот абнойи жинсдин ҳар

Ҳиротдаги олим ва китобат санъати намоёндалари Фирдавсий «Шоҳнома»сининг 40 та қўлёзмалари асосида мукаммал матн тузганлар, уни жуда гўзал насталиқ хатида кўчириб, нафис миниатюралар билан беаганлар. Бойсунғур мирзо унга муфассал сўз боши ҳам ёзган. Мўътабар ва нодир қўлёзма Техрондаги «Коҳи Гулистон» музейи фондида Алишер Навоийнинг табаррук дасхати билан («Наводир ун-ниҳоя»матни) бир ерда сақланади.

²²³ Қушчилик – ов қиладиган қушларга қаровчи шахс. Ўрта асрларда саройда қушчилик лавозими ҳам бўлган, қушчилар нуфузли шахс ҳисобланганлар.

²²⁴ Сулаймон – Тавротга кўра шоҳ, Куръони мажидда эса, пайғамбар дейилган. Сулаймон пайғамбар ҳақида жуда кўп ривоят ва қиссалар мавжуд. Уларда Сулаймон ақлу идрокли, тадбиркор бўлган. Унинг сеҳрли узуги бўлиб, ана шу узук (хотам) воситасида ҳаммани ўзига мутиъ қила билган. Унинг тахтини гўё шамол кўтариб юрган. У Сабо маликаси Билқисга уйланган. Сулаймон қушлар, инсу жинлар тилини билар экан. Қуръоннинг 44-сурасида Сулаймон ҳақида 11 – 12 оятларда сўз кетади.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Сулаймон бинни Довуд алайҳимус-салом сарлавҳаси остида муфассал фикра беради ва унинг кароматларини баён этади.

Бу ерда Навоий Саййид Ҳасан отасининг кўп хунарлар эгаси эканлигини Сулаймон пайғамбарга ўхшатмоқда.

билик бобида мумтоз, балки кўпрак замоннинг таъ ва фазл аҳлига фойиқ ва сарафроз бўлубдурлар:

Аммо адаб ва ҳилм ва тавозуъ ва хаё зотлариға анингдек - ғолиб эрмишким, бу мужмалмазкур бўлгон фазойилдинки, тафсили: сарф ва наҳв²²⁵ ва луғат ва арабият²²⁶ ва мантиқ²²⁷ ва калом²²⁸ ва фикҳ²²⁹ ва ҳадис²³⁰ ва тафсир²³¹ дур ва сойир таснифот, мисли: шеър ва муаммо²³² ва таърих²³³ ва нужум ва адвор²³⁴ ва мусиқий бўлғай агар баъзи мажолисда сўз ўтса эркандур, бовужудн улки, мажлис аҳлининг кўпидин яхшироқ билур эркандурлар ҳам ҳаё ва адаб жиҳатидин, ҳам бировга,

²²⁵ Сарф ва наҳв – а: грамматикага оид илмлар номи; наҳв – синтаксисни англатган.

²²⁶ Арабият – араб тили ва адабиёти.

²²⁷ Мантиқ – илмнинг номи; логика.

²²⁸ Калом – Ўзбекистон илми; Қуръони мажидга оид билимлар;

²²⁹ Фикҳ – диннинг йўл-йўриқлари, қоидалари ҳақидаги ҳуқуқ илми;

²³⁰ Ҳадис – Муҳаммад пайғамбар (а.с.)нинг сўзлари, айтганлари.

«Ҳадис» ва «суннат» сўзлари муҳаддислар ўртасида бир маънода қўлланилиб, пайғамбарнинг айтган сўзлари, феъл атворлари, тақдирлари ва пайғамбарликка қадар бўлган ҳамда пайғамбарлик йилларидаги сийратларини, яъни ҳаёт йўлларини англатади. (Ҳадис, 1991 й. 3-бет).

²³¹ Тафсир – а: бирор нарсанинг атрофлича, очиқ ва аниқ баён қилиш. Бу ислом илмларидан бўлиб, диний тушунча, атамаларни тушунтириб беришга оиддир.

²³² Муаммо – а: яширинган, беркитилган демакдир. Муаммо шарқ шеъриятида кичик лирик жанр турларидан биридир. Мисраъ, бир-икки байтда (баъзан жумла, ибора ёхуд бир сўз ҳам бўлиши мумкин) исм ёки бирор сўз яширинган бўлади. Муаммо матнида эса, унга мураккаб имо-ишоралар бўлади. Муаммони махсус қоидаларга асосан (унга рамз, имо, киноя, ўхшатиш, сўз ўйини) араб алифбосидаги ҳарфлар нуқталарини алмаштириш, сўзларнинг бошқа тиллардаги синонимларини топиш, тескари айлантириш ёки «абжад» ҳисоби (ҳарфларнинг рақам маънолари) ва ҳ. к. йўллар билан топиб олиб, ечиш керак бўлади. Муаммо тузиш, уни ечиш қоидаларига бағишланган махсус рисоалар яратилган. Айниқса XV асрда муаммо кенг тарқалган. Жомий ва Навоий ҳам муаммо ҳақида асарлар ёзганлар.

²³³ Таърих – содир бўлган бирор воқеани англатади. Шарқ шеъриятида бу кичик лирик жанр бўлиб, ана шу воқеаларни назмда (баъзан насрда ҳам) ҳарфлар воситасида берилади. Бунда ҳар бир ҳарфнинг рақам маъноси, айрим сўз ёки ҳарфларни чиқариб ташлаш ёки қўшиш йўли билан таърих моддаси берилади. Шундай таърих шеърлар ҳам борки, улардан биринчи байт ҳарфлари йиғиндисидан шеър бағишланган шахснинг туғилган йили, иккинчисидан унинг вафоти йили чиқарилади. Масалан, Навоий вафотиға соҳиб Доронинг марсия – таърих шундайдир.

²³⁴ Адвор – даврнинг кўплиги, мусиқа назариясига оид илм.

илзому хижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисда такаллум ҳам қилмас эрмишлар.

Бу ҳамида хисол ва писандида афёол жиҳатидин яхши ва аямон аҳли замон қошида азизу мукаррам ва муҳтарам бўлур эрмишлар.

Б а й т:

*Пок гавҳарки, бўлди пок шиор,
Шоҳлар боши устида ери бор.*

Ул подшоҳ бу ҳолатларидин аларға фарзандона илтифотлар қилур эрмиш ва ўзининг баъзи фарзандларигаким, баъзи ҳолати кўнглига ёқмас эрмиш, аларнинг қилиқларидин таассуф еб, дер эрмишким: «Не бўлғай, сенинг афёолу ҳисолинг ҳам фалониға ўхшаса эрди!» Ва бу сўздин ғарази алар эрмишлар.

Ва фалак қазосидин ва рўзгор ҳавосидин андоққи, ўзга подшоҳлар яна бир мулкка азимат қилибдурлар, ул подшоҳ дағи аларға пайравлиқ тариқин бажо келтурдилар ва аларнинг отаси ҳам ўзга ерга қадам урди.

Ф а р д:

*Кетарға келур мунча шоҳу гадо,
Агар худ ўғулдур ва гар худ ато.*

Алар зоҳир улуми иштиғолидин фароғат топибдурлар. Сипоҳийлиқ²³⁵дин мутанаффир эрмишлар.

Аммо аларнинг бори подшоҳзодалариким, Бойсунғур мирзонинг ўғлонлари бўлғай, мисли: Алоуддавла мирзо ва Султон Муҳаммад мирзо ва Бобур мирзо бир-биридин сўнгра мутаоқибки, тахтға ўлтурубдурлар, ҳар қайсиаларнинг риоят ва

²³⁵ Сипоҳийлиқ – амалдорлик, ҳукумат хизматида бўлиш, ҳарбий юриш ёки машваратларда қатнашиш бундай хизмат доирасига кирган.

тарбиятига машғул бўлбтурлар, Алар хизмат ва тараддудидин ибo қилибдурлар ва ижтиноб кургузубдурлар. Ва ҳаддин ўтгандин сўнгра андоқки, шабоб айёмининг иқтисозидур, ўзларин май ичмакка ва лавандвашлиқларга ва ошиқпешалиқларга солибдурлар. Чун зот ва кўнгуллари ва тийнатларн ариғлиққа мушоҳид ва муқаррар эрмиш, замоннинг асил мирзозодалари тараддуд ва ижобсиз ва таҳоший ва изтиробсиз алар била мусоҳиб бўлур эрмишлар ва аларнинг суҳбатин муғтанам тутар эрмишлар.

Н а з м:

*Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи,
Хуш давлат ул кишигаки тушгай анинг кўзи.*

Бойсунғур мирзо замонидин Бобур мирзо замонининг охириғача бир қарнға яқин кўпрак авқотларин бетаайюн ўткарибдурлар.

Салтанат тахти Султон Иброҳим мирзо²³⁶ға қарор тутгандаким, тарих секкиз юз олтмиш эрди, бу фақир алар суҳбатига мушарраф бўлдум. Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: «ташвише бўлмамиш бўлғайким, букун сендин хабар топа олмадуқ».

Ва бу фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди. Чун ул авқотда фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутуб эрди, алар дағи илтифот қилиб, баъзи абётни кўп ўқурлар эрди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди Ул жумладин бу матлаъдурким, фард:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски бағримдин эрур парголалар.*

²³⁶ Султон Иброҳим мирзо – Шоҳрух мирзонинг набираси.

Яна бир буким:

*Ул паривашким бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

Бу байтни дағи кўп ўқурлар эдиким:

*Лабинг кўргач илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки, тутмай болни бармоқ ялайдурмен.*

Маснавийдин бу байт ёдларида эрди:

*Ҳар нечаки пухта бўлса тадбир,
Берур анга гўшмол тақдир.*

Ва туркигўй шуародин Мавлоно Лутфий шеърларидин абёт ўқурлар эрди ва бу матлаин таъриф қилурлар эдиким:

*Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи.*

Ва бу матлаиға дағи муътақид эрдиким:

*Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди мени ўзини пайдо қилғали.*

Ва бу матлаин ҳам ўқур эрдиларким:

*Лайлат ул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур.*

Мавлоно Муқимийнинг ул таржеъиға муътақид эрдиларким:

*Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудга не вужуд.*

Форсий ашъордин ҳазрати Хожа Ҳофиз Шерозий²³⁷ (қудиса сирриху) девониға кўп ақидалари бор эрдиким, балким ул девондин аксари аларнинг хотирида эрди ва кўп абёт мажолисда ул девондин мазкур қилурлар эрди ва маснавий жинсидин Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий²³⁸ (раҳматуллоҳуоли) «Бўстон²³⁹»иға муътақид эрдилар ва ҳазрати Шайх Фарнуддин

²³⁷ Ҳофиз Шерозий – (Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин) Шамсуддин Муҳаммад (1321, Шероз – 1390 ўша шаҳар)буюк форс шоири. Қуръонни ёд билгани ва яхши тиловат қилгани учун «Ҳофиз» номи билан шуҳрат қозонган ва уни таҳаллус ҳам қилиб олган. Ҳофиз ҳам ишқи ҳақиқий, ҳам ишқи мажозин ҳақида ёниб ёзган шоирдир. Ғазал жанрини юксак бадиий савияга кўтарган Ҳофиз девони унинг вафотидан сўнг тузилган. Алишер Навоий Ҳофиз шеърятини ғоят қадрлаган ва ўзининг форсий девонида унга кўплаб ёзган жавоб ва татаббуълари келтирилгандир. «Насойим ул-муҳаббат»да Навоий ҳофиз шеърятининг хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: «Алфоз латиблиғи ва таркиб покизалиғи ва адо салосати ва латофати ва маъни ғариблиғи чошнисида худ аларни таъриф қилмоқ ҳаёт сўйин жонбахшлиққа таъриф қилгандек бўлғай».

²³⁸ Саъдий Шерозий – (Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) Муслиҳуддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифуддин (1203, Шероз – 1292, ўша шаҳар) форс шоири, адаби ва мутафаккири. Дастлабки таҳсилни Шерозда олади ва Эрон мўғуллари томонидан забт этилгач, Бағдодга бориб, «Низомия» ва «Мустансирия» мадрасаларида ўқийди. У ерда араб тили ва адабиёти, Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва тасаввуфни ўрганеди. Саъдий Шарқ мамлакатлари бўйлаб 20 йил сафар қилади. Сафарда у асосан воизлик қилади, ваъзларида ахлоқу адаб, ҳикмат, ҳаётий масалалар юзасидан мароқли ҳикоятлар келтиради. Саъдий «Гулистон» (наср ва шеърда), «Бўстон» (назм), лирик шеърлар – девон муаллифидир.

Алишер Навоий «Девони Фоний» даги ғазалларининг маълум қисмини Саъдий ғазалларига татаббуъ тарзида ёзган. «Насойим ул-муҳаббат»да Саъдийнинг шеърятини Навоий қуйидагича таърифлайди: «Ғазалгўй ақобир ва шуаро оллида мундоқ муқаррардурким, ғазал тавриға Шайх мухтариъдурлар (ихтироъчи), жонсўхталар ва ишқибозларға ва дилафрўхталарға ва жонгудозларға филвоқеъ ғариб ҳаққе собит қилибдурлар».

²³⁹ «Бўстон» – Шайх Саъдийнинг назмда 1257 йилда ёзилган асари, қарайб 1000 байтдан иборат. Дамашқда тугалланган бу асарни Саъдий ҳукмрон Абубакр ибни Саъди Заний (1226 – 60) га тақдим этган. «Бўстон» 10 боб ва дебочадан иборат. Унда муаллиф мадрасаларда ўрганган илмлари, сафарларда тўпланган ҳаётий тажрибалари асосида одоб, ахлоқ, расм-русум, ҳикматларни қаламга олади. «Бўстон» «Саъдийнома» деб ҳам шуҳрат қозонган.

Асарда ўша давр учун долзарб бўлган сиёсий ва ижтимоий масалалар ҳам баён этилади ва ҳар масалага ҳикоят келтирилади. «Бўстон» ширин тил, содда услубда

Аттор²⁴⁰ (қуддиса сирриху) нинг «Мантиқ ут-тайр»²⁴¹нинг кўпрагини ёд билурлар эрди ва кўп ўқурлар эди ва кўп сўз хотирларида бор эрди. Батахсис «Кимиёи саодат»²⁴²дин ва Шайх Азиз Насафий²⁴³ (қуддиса сирриху) расоилин ҳам таъриф қилурлар эрди ва андин сўзлар нақл қилурлар эрди.

Ва замоннинг шуаро ва фузало ва зурафосидин аларнинг висоқи холи эрмас эрди, балки дарвешлар ва аҳлулоҳ дағи доим аларнинг уйин мушарраф қилиб, суҳбат тутар эрдилар, Ва шаҳрнинг созанда ва хонанда ва гўяндаси доим алар суҳбатида.

яратилган. Шунинг учун ҳам бу асар қадимдан дарсликлардан ўрин олиб келади.

²⁴⁰ Фаридуддин Аттор – (Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин). Фаридуддин Абуҳолид Муҳаммад ибни Абубакр Иброҳим Нишо-пурий (1148 – 51/1219 – 21) – тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси, номи Муҳаммад, куняси (Абу, ибн, умм, бинт каби сўзлар билан бошланган лақаб) Абуҳамид, Фаридуддин лақаби, «Аттор» тахаллуси унинг касби коридан олинган. Аттор қаламига «Мантиқ ут-тайр», «Асрорнома», «Мусибатнома», «Илоҳийнома», «Хусравнома», «Мухторнома», «Тазкират ул-авлиё» асарлари мансуб.

²⁴¹ «Мантиқ ут-тайр» – (Қушлар суҳбати) Фаридуддин Атторнинг асари, тасаввуфнинг асосин ғояларидан ваҳдати вужудга бағишланган. Аттор вужуди мутлоқ билан мавжудотларнинг ягоналигини мажозий тарзда Симурғ ва қушлар оламн тимсолида тасвир қилади. Ҳақиқатни топиб, ваҳдатга етишув учун чиққан қушлар талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат ва фақру фано водийларидан ўтиши зарур бўладн. Охирда 30 куш – симурғ қолади. Достондаги Шайх Санъон қиссаси ирфоний ишқнинг гўзал баёнидир.

Алишер Навоий Атторнинг бу асарини ёшлигида мутолаа қилиб, ёд ҳам олган эди. Умрининг охирида бу асарга жавобан «Лисон ут-тайр» достонини ёзади. Навоий эътирофига кўра уни Аттор асарининг таржимаси йўсинида яратган.

²⁴² «Кимиён саодат» – машҳур мутафаккир Муҳаммад Ғаззолийнинг 1094 – 1107 йилларда ёзган асари. Унда диний, фалсафий, тасаввуфий масалалардан ўзни, ҳақни, дунё маърифати ва охираат маърифатини таниш юзасидан фикр билдирилади. Шунингдек, ижтимоий-ахлоқий масалалар ҳам қаламга олинадн. Адолат тартиби, раият ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилиш, зулм ва золимликни қоралаш шулар жумласидандир.

²⁴³ Азиз Насафий – (Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин) ибни Муҳаммад (тахм. 1240 Насаф – тахм. 1300 Эрон, Абрқуҳ) тасаввуф мутафаккири, шоир. Илк таҳсилни она юртида олгач Бухорога боради ва у ерда илм ўрганади. 1273 й. Азиз Насафий Эронга, Исфохон ва Шерозга сафар қилади ва Абрқўҳ деган жойда муқим бўлиб қолади. Олимнинг «Мақсад ул-ақсо» (Узоқ мақсад), «Танзил ул-арвоҳ» (Арвоҳнинг тушиши), «Кашф ул-ҳақойиқ» (Ҳақиқат кашфи), «Манзил ус-сайирин» (Сайр қилувчиларнинг манзиллари) ва бошқа асарларида тасаввуфнинг турли-туман масалаларидан баҳс юритилади. Чунончи, у ишқ, фано, бақо, зикр, ҳақиқат, маърифат каби тасаввуфнинг ахлоққа оид масалаларини ҳам қаламга олади. Олимнинг асарлари авомбоп услубда, содда тилда яратилганлиги учун халқ орасида кенг тарқалган.

ҳозир бўлурлар эрди. Бу мазкур бўлғон зурафодин ҳаргиз йўқ эрдиким, аларнинг манзилида киши бўлмағай, балки бу тоифанинг мажмаи аларнинг висоқи эрди ва бу жамоат доим анда.

Б а й т:

*Хуш улким, анга лутф бирла худо,
Улуснинг қабулини қилди ато.*

Йигитлик айёмидаким, ринд²⁴⁴лиқ ва лавандвашлиқлар бошидур, бу тоифа кундуз ва кечалар аларнинг масканидин чиқмаслар ва барча асбоб алар учун муҳайё эрди. Ва ишрат ва иншоот асбобидин бошқа борур чоғларида ҳар қайсига ўз хўрди ҳолиға кўра узрҳоҳлиқлар била егуликдин ё бирор нима харжидинким, ул тоифа қошида куллийдур, риоят қилиб, мардумлиқ ва инсоният тариқи била лутф кўргузур эрдиларким: «уй сизнингдур, ҳар қачон илтифот қилсангиз хизматға турубмиз», деб узатурлар эрди ва аларнинг ҳамида ахлоқи ом эрди. Улуғ-кичикка сучук сўз ва муфрит хулқ зоҳир қилурлар эрди.

Ва риндлиқ таврида неча нима аларга даст бериб эрдиким, бу тоифанинг озиға муяссар бўлуб эркан; бири сахой зотийким, анда такаллуф бўлмағайким, базл ва зиёфат вақтида оз ва кўпнинг тафовути кўрунмағай ва ўзидин элга кўп нима оз ҳам кўрунмағай ва элдин ўзига жузвий нима бағоят кўп ва куллий кўрунуб, бирга ўн эваз еткурурнинг фикрида бўлғай.

Н а з м:

Ўзидин элга дарё — қатра осо,

²⁴⁴ Ринд – бу сўзнинг луғавий маъноси Шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, онгли суръатда, зийракликдан инкор қилувчи одамни англатади. У барча олам давлату шукуҳларини рад этади, ўзини озод тутади, май ичади, хур фикр бўлади.

Вале элдин ўзига қатра — дарё.

Яна бири шафқати муфритки, борча риндларни азиз тутқайлар ва мо-амкана²⁴⁵ риоятларини вожиб кўргайлар ва алардин ҳар хато ва залал воқеъ бўлса мувоҳазасиға машғул бўлмағайлар ва ислоҳиға кўшиш қилғайлар ва саҳвларин афв қилиб, юзларига келтурмағайлар, то аларға хижолат воқеъ бўлмағай ва аларни рифқу мудоро била ул мақомдин ўтгайлар.

Б а й т:

*Бу иш эрур валоят аҳли иши,
Қила олмас бу ишни ўзга киши.*

Яна бири: лутфу тавозуъ ва адаб ва юмшоқ сўзким, бу барчадин азимроқдур.

Яна бири: таҳаммул ва бурду борликдурким, ҳар кишидан ҳарна аларға етишсаким, филфоқеъ нафси амрда қатиг бўлғай, ани суҳулат била ўткариб, ўзига кўп тараддуд йўл бермағайлар.

Яна бири: кўнгулнинг юмшоқлиғиким, дардмандона сўздин ва назмдин ва нағмадин мутаассир бўлғайлар ва аларнинг ул ҳоллари асҳоб ва ёронларға асар қилғай ва бу — мажлисининг тузи ва малоҳатидур.

Яна бири: зотий бетакаллуфлуқким, филвоқеъ алар қошида ипак била палос орасида тафовут бўлмағай, балки мутакаллаф либослар макруҳ кўрунғай ва дарвешона киймаклиқ мулойимроқ бўлғай.

Бу сифатларда ҳақ субҳонаҳу ва таоло аларни комил халқ қилиб эрди ва риндлик ва тажарруъ айёмида сойир риндлардин кўпрак ичар эрдилар. Андоқки, баъзи икки қатла ва баъзи уч қатла маст бўлуб, мажлисдин чиқиб, уюб, яна мажлисға келурлар эрди ва алар ўз ҳолларида эрдилар. Оқшомки, мажлис аҳли одати била усруб, уюр чоғ бўлса эрди, алар бирин-бирин усрук бошиға

²⁴⁵ мо-амкана – имкон борича, демакдир.

етиб, мулозимлиқ элни мулозимлариға топшуруб, навкарсиз номурадларни муҳофазат қилиб, ёнлари остиға нима солдуруб, бошлари остида нима ястаб, илайлариға кўзалик сув қўйдуруб, баъзининг кафш ва дасторларин ва ёғлиқларин ва анинг учида тугунгинаси булса, белгулукларин мулозимларға топшуруб, хотирларин ул тоифа жамъидин сўнгра хуфтан намозин адо қилиб, ўз хужраларида осойишға машғул бўлур эрдилар. Бу мажлис иштиғоли жиҳатидин ҳаргиз аларға намоз қасдан қазо бўлмади. Ва агар баъзн кунлар алар суҳбатида сода юзлук йигитлар маст бўлгунча ичиб, чун алар атвориға анча эътимодлари бор эрдиким, ўз уйларидин эминрак билурлар эрди, ҳам йиқилсалар эрди, аларни атодек кишиларнинг амнобод уйлариға ётқузуб, қуфл қилдуруб, мўътамад амин кишилар алар муҳофазати учун таъйин қилиб, эшикни устидин боғлатиб, ул муҳофизға ташқаридин посбонлиқ буюрурлар эрди. Ва сабуҳий вақтиғача бир-икки қатла барча усрук ётгон риндлардин ўзлари юруб хабар тутарлар эрди.

Б а й т:

*Риндлардин бир анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,
Шоҳ эди ринд аҳлиға, балким эрди шоҳи ринд.*

Ва бу авқотдаким, бу навъ риндликларға муртакиб эрдилар, ҳар намозда муножотлар қилиб, ҳақ субҳонаху ва таолодин ўзлариға тавба ва тавфиқ тилар эрдилар. Ва мутабаррак мазоротға бориб, азиз дарвешлар ва аҳлуллоҳ мажолисиға етиб, ўз махласлари учун фо-тиҳалар дарйўза қилур эрдилар ва ул бузургворларким, алар хизматиға мушарраф бўлурлар эрди — қабул ва илтифот назарлари топар эрдилар.

Ул жумладиин бири Мавлоно Боязид Пуроний эрди ва Ҳазрат Баҳовуддин Умар (қуддиса сирриху) эрди, Ҳазрат Хожа Абу Наср Порсо (раҳматуллоху таоло) ва Хожа Муҳаммад Кусавий (қуддиса

сирриху) ва Шайх Зиёратгоҳий²⁴⁶ (алайҳа раҳма) ва замоннинг ма-шойих ва дарвешларининг аксарининг мулозаматлариға етиб, суҳбатлариға мушарраф бўлуб, махсус илтифот ва назарлар топарлар эрди. Чун ўзларидағи фақру фано тариқи акмал важҳ била зоҳир эрди, бу тойифанинг сўзлариға табълари мулойим. Мазкур бўлғон азизлар дағи аларнинг суҳбатин тилар эрдилар ва аларнинг муддаосйғаким, тенгри йўлиға кирмак, эрди, балки интизор тортар эрдилар.

Асрнинг уламо ва ашроф ва айммаси била доим мусоҳиб эрдилар ва чиғатой улусининг олий миқдор беклари улча ёшға ва йўлға алардин улуғ эрдилар ва улча тенг эрдилар, аларни шарафи нафс жиҳатидин ўздин улуғ тутуб, анга кўра таъзим қилурлар эрди. То ул вақтғачаким, Султони Соҳибқирон Хуросон тахтин олдилар, чун мулкнинг мутааййин халқи подшоҳ хизматиға мушарраф бўлдилар. Алар дағи ҳамул дастур била подшоҳнинг муборак дийдорнға кўзларин мунаввар қилдилар. Подшоҳнинг муборак хотириға аларнинг мулозамати ёқти ва суҳбату сўзи бағоят хуш келди ва инояти мутаоқиб қилдилар. Алар подшоҳнинг хотири учун андоқ тараддуд ва ихтилот ва мулозамат қилдиларким, подшоҳнинг кўнгул қушин сайд қилдилар, чунки яхши мулозимлардин яхшироқ, зарурийроқ ҳеч нима бўлмас. Батахсис, мулозимким, алардек мунча ҳамида хисолғаким, мазкур бўлди, муттасиф бўлғай.

Ҳар ойинаким, улуғ маносиб таклифи воқеъ бўлди, чун подшоҳ аларни подшоҳона риоятлар ва дарвешона юмшоқ ва чучук сўзлар била сайд қилиб эрдилар, йўқ дея олмадилар. Иш ул ерга еттиким, салтанат корхонасининг мусташори бўлдилар ва мулку мол ишига дахл қилдилар ва андоқ сулук воқеъ бўлдиким, подшоҳ шокир ва сойир халойиқ ва раоё аларнинг зикри хайриға зокир бўлдилар ва подшоҳ хилватнда анису маҳрам ва анжуманда рафиқу ҳамдам эрдилар.

²⁴⁶ Ўша даврдаги таниқли шайх ва дарвешлар. Улар нақшбандия бузурглиридан бўлиб, Саъдуддин Кошғарий яқинлари ҳисобланганлар.

Хуросон мулкининг куллий ихтиёрин подшоҳ аларнинг соиб райиға ва тадбири мулк оройиға вобаста қилғудек эрдиким, чун аларға фақри зотий ва фанойи жибиллий²⁴⁷ мавжуд эрди ва ёшлари олтмишдин ўтуб эрди ва зотий муносабат майлига ғолиб бўлди ва аслий мақсуди шавқ туғён қила бошлаб, мулозамат тарийқидин истиғфор зоҳир қилдилар. Ва филвоқеъ ҳолиқ ибодатининг тарки ва махлуқ бандалиғининг иштиғоликим, айни бебоклик ва маҳзи беоқибатлиғдур, андоқ иш илайға келурким, девсорларнинг таҳаммули қолмас, то малакосорларға ва фариштакирдорларға не етгай.

Б а й т:

*Дунёки қатиғ дурур гаронборлиғи,
Қаттиғроқ анинг улусининг ёрлиғи,
Кўпрак нимаким, бўлса гирифторлиғи,
Кўпрак келур эл оллиға душворлиғи.*

Вой, дунё шуғлининг ибтилосидин! Ва юз минг вой, дунё аҳлининг зулму жафосидин, балки малолат ва изосидин! Оҳ, замон жавру бедодидин! Наузу биллоҳ, абнойи замон қасду ифсодидин! Қалам жардаи хушхиромининг инонин бу равишдин уюрмак керак, йўқ эрса, инони ихтиёрни илиқдин олиб, сўз узар ва мақсудум бозорин бузар,

Алқисса; учун аларға ҳақ йўлининг сулуки домангир бўлуб, мулозаматдин ижтиноб зоҳир қилиб, истиғфор тариқидин кириб, арзға еткурдилар. Подшоҳға бу амр маҳол кўрунуб, ибо зоҳир бўлди, алар тазаллум ва тазарруъ оғоз қилдилар. Ҳеч навъ била мақбул тушмади ва алар икки йилғача подшоҳнинг муборак хотири учун чериклар машаққатин тортиб сафарлар балосиға ўзларин солиб юрудилар ва инъому улуфа²⁴⁸ мутлақо олмадилар ва дарвешона кисват била мулозамат қилурлар эрди.

²⁴⁷ Жибиллий – а.: туғма, табиий демақдир.

²⁴⁸ Улуфа – а.: амалдорларга давлат томонидан белгиланган маош ва озиқ-овқат.

Подшоҳи исломпаноҳ чун кўрдиларким, алар борасида куч бўлғудекдур, таҳқиқ билдиларким, ҳақ йўли ва ибодатининг шефтаси бўлбтурлар, бовужуди мунча қатла махсуслардин аларға иноят ва муҳаббат юзидин мулозамат тариқида илтимос воқеъ бўлди, чун. алар подшоҳи ҳақиқий²⁴⁹ қуллуғининг мубталоси бўлуб эрдилар, фойда бермади.

Б а й т:

*Ёр кўйида юзида мубтало бўлғон нетар,
Гулшан ичра гулни, балким, жаннат ичра хорни?*

Чун подшоҳ улча имкони бор, илтимосда муболаға қилдилар. Кўрдиларки, аларнинг гирифторлиғи андоқ ерда эрмаски, ўзлуклари била ё бировнинг саъй ва эҳтимоми била халослиқ мумкин бўлғай. Кўрдиларки, ортуғроқ муболаға воқеъ бўлса, зулм бўлғудекдур, раҳм қилдилар ва чорасиз рухсат воқеъ бўлди.

Ул кунки, бу рухсат иши сурат боғлади — ғариб кун эрдиким, подшоҳ зор йиғлайдур эрди ва алар худ зор-зор йиғлайдурлар эрдилар. Ва салтанат мажлиси ҳуззориға ҳам бу ҳол эрди, невчунким, борча халқға алардин керак эрди.

Алқисса, чун алар навкарлиқ балосидин ва сипоҳилиқ ибтилосидин тенгри инояти била халос бўлдилар, черикдин қайтиб, шаҳрда сокин бўлдилар ва ул авқотда жаноби ҳақиқатмаоб, қутби доираи ҳақиқат ва муршиди аҳли шариат ва тариқат, қошифи улуми раббоний Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Табодгоний²⁵⁰ (қаддасаллоху руҳоҳ ул-азиз²⁵¹)ки,

²⁴⁹ Подшоҳи ҳақиқий – Оллоҳ назарда тутилади.

²⁵⁰ Шамсуддин Муҳаммад, Табодгоний – машҳур шайхлардан. Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида унинг фазилатлари ҳақида ёзади ва асарларини санаб ўтади. «Асмоуллоҳ» (Оллоҳнинг исмлари), «Тазкират ул-ҳабиб» (Дўстнинг тазкираси) ва «Васоё» (Васиятлар), «Арбаъин» (қирқ), «Қасидаи Бурда»га мухаммас, Ансорийнинг «Манозил уссоирин»ига шарҳ ва бошқалар. Алишер Навоий ўзига нисбатан Муҳаммад Табодгонийнинг алоҳида илтифоти бўлганини эътироф этади.

²⁵¹ а.: Унинг азиз руҳини Аллоҳ муқаддас айласин.

ҳазрати шайхул-машойих олимил-муршиди тавоифил-уам шайх зайнул-миллати вад-дин ал-Хавофий²⁵² (раҳимахумуллоху таоло)нинг ихтиёрий хулофосидин эрдилар, иршод маснадида толиблар ва муридлар такмилиға машғул бўлур эрдилар, барча асбоби суварийни барҳам уруб, ул бузургвор хизматиға бориб, фақр тариқин ихтиёр қилдилар ва неча йил алар суҳбат ва мулозаматларида сулук қилиб, хонақоҳларида азим арбаинлар чиқарди²⁵³лар ва фақру фано сулукида куллий манозиллар қатъ қилдилар ва улуғ мартабалар ва бийик мақомларға қадам қўйдилар ва аларнинг сулук ва муомалаларин ул хонақоҳ аҳли, дарвешлар — борча мусаллам тутуб, изҳори иродат ва ихлос қилурлар эрди.

Иттифоқо, бу фақирнинг манзили ул дарвешлар хонақоҳлари жаворида воқеъ бўлуб эрди ва ул ердинким, илтифоти зотийси бу фақир била бор эрди ва фарзанд деб эрдиларким, ўз ҳавлим гўшасида алар учун бир мухтасар маскане алоҳида тартиб қилиб эрдим, гоҳики, муфрит риёзатлардин табълариға калоле воқеъ бўлса эрди, хотирлари ташхизи учун ул масканға келиб, бир кун-икки кун туруб, яна хонақоҳға ўз хилватлариға борурлар эрди.

Аларнинг аввалғи арбаини бу фақир ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Табодгоний (қуддиса сирруху) мулозаматлариға бориб эрдим, алар ҳолидин сўрдум, дедилар: «бу кун бир мақомдадурларки, солик аввалғи арбаинда ул мақомға етса, дарде анинг олиға келурким, агар буқои муфрит юзланса, ишининг гуфториға далолат қилур, аларға бу ҳол юзланибдур ва бағоят умидворлиғларедур».

*Уйла ошиққи, ҳижрондин кўруб дарду малол,
Шодлиғдин йиғлағай, топқонда даврони висол.*

²⁵² Ал-Хавофий – Шайх Зайнуддин Абубакр ал-Хавофий. Зоҳирий ва ботиний билимларни мукамал билган шайхлардан. Вафоти – 838/1434 – 1435.

²⁵³ Арбаъин чиқармоқ – тоат-ибодат қилиб, чилла ўтирмоқ демакдир.

Бу фақир аларнинг хилватлари эшигига бордим: ғариб ҳой-ҳой йиғламоқда эрдилар, ҳеч нима дей олмадим ва мутаассир бўлуб, йиғлаб қайтдим.

Бу фақир фуқаро аҳли, дарвешлар ва аҳлуллоҳ мулозаматиға кўп етибмен, фақир тариқида алардек оз кўрубмен.

Саййид Муҳаммад аларнинг ёлғуз фарзанди эрди. Адабу тавозуъ ва ҳилму ҳаё таврида ул отаға муносиб ўғул эрди. Табъи хўб ва сурати маҳбуб ва ахлоқи ҳамида ва атвори писандида, ўн тўрт ёшда толиби илмлиғи шогирд китобликға етиб эрди. Ҳирот халқининг ўз таврида яғонаси ва нодираси эрди. Бу синнда анга қазо етти. Аксар ани танир-билур эл ўзни соҳиб азо туттилар. Батахсис, бу фақирким, ани фарзанддек улғайтиб эрдим, аларғаким, асл ота эрдилар, асло тафовут қилғони маълум бўлмади. Сўзлари бу эрдиким, «Ал-ҳукму лиллоҳ»²⁵⁴ эғасига биздин кераклик экандур — элтти, умид улдурким, раҳмат қилғай».

Ани чиқорур кун ариғ тўн кийиб, ариғ дастор чирмаб, мотамийларғаким, андуҳу изтироб юзидин беихтиёр йиғлар эрдилар, алар насиҳат қилиб, таскин берур эрдилар, хусусан бу фақирға. То мадфанға, бу фақир ясағон ҳазираға элттилар, алар ўзлари суннат тариқи била мақбара ичига тушуб, азиз фарзандни шаръ важҳи била охират ерига қўюб, тенгрига топшуруб, талаби ғуфрон²⁵⁵ учун дуолар қилиб чиқтиларким, ҳеч навъ тағайюр ҳоллариға зоҳир бўлмади.

Наъш била борғон дарвешлар ва акобиру ашрофни ҳайрат лол қилиб, таажжуб беҳол қилди. Бу навъ фано ва истиғроқ ва ҳавсала башар хайлидин номаълумдурким, кимда бўла олғай.

Алар дер эрдиларким, дунё жоҳининг мастлиғи чоғир мастлиғиға ўшамаским, чоғир мастлиғи ичган кунидур, аммо жоҳ мастлиғи агар соҳиби жоҳ йиллар жоҳ устидадурким, мастдур, анинг махмурлиғи жоҳдин маъзул бўлғонидадур. Не

²⁵⁴ Ал-ҳукму лиллоҳ – Оллоҳнинг ҳукми билан.

²⁵⁵ Ғуфрон – кечирим, шафқат.

мускир хамрдурким, сармастлиғи одамийни йиллар ўзидин беҳабар қилғай.

Бир кун бир тақриб била ашъё орасида тафовут бобида фазл аҳлидин биров бу машхур байтни ўқудуқим,

Б а й т:

*Лаъл санг асту деги сангин санг,
Лек андар миён тафовутҳост.*

Алар қойилининг мақсудининг нақизи жонибидин сўз бошлаб дедиларки, шайхе айтибдурки, тош қозон ва лаъл — иккаласи тошдур ва лекин ораларида тафовут бор. Тош қозондин ғайри нафъ ҳеч нима мутасаввар эрмаским, лазиз ва мулавван атъима анда пишарким, хосу ом андин мунтафеъ бўлурлар ва лаълдин халойиққа анвои зарар мутасаввардур.

Ва иттифоқо ул учурда Султон Абусаид мирзо²⁵⁶ ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳхусида муболағалар қилиб, элга анвои изо ва зарар етказиб эрди. Ва бу байтни ўқуғон мажлисда ҳам тош қозонда ош пишадур эрди.

Яна бир мажлисда қарилиғнинг машаққатларининг бобида сўз ўтадур эрди, ҳар киши бир нима дейдур эрди. Дедиларким:

²⁵⁶ Султон Абусаид мирзо – темурийлардан. 1451 – 58 йилларда Мовароуннаҳр ҳокими. 1458 – 69 йилларда эса темурийлар давлатининг олий ҳукмдори. У ўзидан аввалги шоҳ Абулқосим Бобурга ва унга яқинларга нисбатан ғоят қаттиқ қўл ва зулмкор эди. Навоий ва унинг тоғалари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар Ҳусайн Бойқаро хатти-ҳаракатлари ва интилишларини қўллаб-қувватлаганлари учун уларга совуқ муносабатда бўлган. Абусаид илм ва санъат аҳлига ҳам анчайин лоқайд қараган. Алишер Навоийга бу ҳукмрон билан муносабатини яхшилашдан кўра Ҳиротни тарк этиш маъқул туюлган ва у Самарқандга кетган эди. Шоирнинг Абусаиддан норозилик туйғулари унинг «Саййид Ҳасанга шеърий мактуб» («Ҳасби ҳол», «Маснавий» деб ҳам юритилади)да ўз аксини топган. Бу асарда Навоий ўзининг Ҳиротдан Самарқандга кетишини беихтиёр қилинган сафар, деб эътироф этади. Бобур эса «билмон не жарима била Султон Абусаид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди», деб маълумот беради. Абусаид 1469 й.да Эроннинг Ғарбий қисмларини ўзига буйсундириш мақсадида юриш қилиб, Озарбойжонда қатл этилгандан сўнг Ҳирот тахтини Ҳусайн Бойқаро эгаллайди ва Алишер Навоий янги ҳукмроннинг таклифи билан пайтахтга қайтади.

қарилиғда ҳеч ниманинг завқи йигитликдагича эрмас: ғизодин ва шарбатдин, ҳатто сувға дегунча».

Бир улуғ киши сўрдиким: «барчани мусаллам тутдуқ, аммо сувнинг завқи нечук йигитликдагича бўлмағай? Ҳар киши сувсиз бўлса хоҳ қари, хоҳ йигит сув ичгач, аташи дафъ бўлуб, завқе топар».

Алар дедиларким: «Рост, завқ топар, аммо тафовут бор. Йигитликда ҳарорати ғаризий ғолибдур, қариликда ул ҳарорат қолмас. Сувсиз кишининг ҳарнеча ҳарорати ғолиб бўлса, ул ўтға сув таскин берур. Аммо қариким, ғаризий ҳарорати²⁵⁷ мунтафий бўлмиш бўлғай, аташ анга ғариза ҳароратдин ориз бўлмай, ул сувни ичмиш бўлса, қачон андин завқ топғай».

Маҳрур мизож йигитлар барча мусаллам тутуб, аларни бу ҳикмат сўзларидин таъриф қилдилар.

Ҳаётларининг охирида ҳаж сафари муддаосин қилдилар. Аммо кўп мавоней пайдо бўлди ва муяссар бўлмади.

Самарқандға Ҳазрати Хожа Носируддин Убайдуллоҳ²⁵⁸ шарафи суҳбатлариғаким, замон аҳлининг кўпи, хусусан Самарқанд аҳли Хожани «Қутб»²⁵⁹ға нисбат берурлар эрди,

²⁵⁷ Ғаризий ҳарорати – инсон ва ҳайвонларда нафас олишдан пайдо бўладиган ички ҳаракатни билдиради.

²⁵⁸ Хожа Носируддин Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрор Валий номи билан машҳур бўлган нақшбандия таълимотининг машҳур намояндalarидан. Самарқандда таълим олган, 1428 йилда Ҳиротга бориб, Чағониёнда Яъқуб Чархий билан учрашиб, уни ўзига руҳоний пир қилиб танлаган. 1431 – 32 й. ларда Тошкентда яшаган. Хожа Аҳрор сиймоси ва фаолиятига қараш тарихшунослигимизда ўта салбий бўлиб келган ва уни Улуғбек қатлига фатво берган ғоят мутассиб дин арбоби дея талқин этиб келинган эди. Ҳозир бундай қараш ўзғариб бормоқда ва Хожа Аҳрорнинг маърифатли шахс бўлгани ва ўз тасарруфидаги катта бойликдан эл-юрт, мамлакат эҳтиёжларига сарфлаб тургани ишончли манбалар асосида баён этилмоқда. Шарқшунос олим А. Н. Болдирев ўзининг охириги илмий тадқиқоти («Яна бир бор Хожа Аҳрор масаласига доир»)да Хожа Аҳрорга салбий қараш ҳамма мавжуд манбалар (manoқиблар, мактублар ва унинг ўз асарлари)даги маълумотларни объектив тарзда ҳисобга олинмагани ва тарихни шароитдан узиб қаралгани сабаб юзага келганини биринчи бўлиб исботлаб берди. (Қаранг: Хожа Аҳрор ҳақида. Тошкент, 1997. Русчадан Суйима Ғаниева таржимаси.)

²⁵⁹ Қутб – а.: ҳар бир нарсанинг ўртасидан ўтган ўқнинг икки учини англатади. Мажозий маънода ҳар бир жамоа ёки гуруҳнинг моддий ё маънавий бошлиғи, пешвоси, йўл кўрсатувчиси.

мушарраф бўлурға азимат қилдилар. Хожа била неча кун суҳбатлар тутуб, таъзим ва ташрифлар топиб, яна Ҳирот шаҳрига азимат қилдилар. Ва тарих секкиз юз тўқсон тўртда²⁶⁰ — етмиш уч ёшларида оламдин ўттилар.

Ва аларнинг фавти замонида бу фақир шаҳрда йўқ эрдим. Подшоҳ ҳукми била бир сори бориб эрдим. Келгандин сўнгра, чун соҳиб азо фақир эрдим, таъзият қоидасин бажо келтуруб, шаҳрнинг шимоли ҳаддида тоғ этагида алар учун ҳазира ясадимким, «Жўйи нав» суви анинг ичидин ўтар, бағоят бийик ва хушхаво ердур.

Ва хели азизларким, аларға тирикликда мусоҳиб эрдилар ва қабрлари пароканда ерларда воқеъ эрди, йиғиштуруб, алар жаворида қўюлди. Бу жиҳатдин баъзи азизлар ул ерни «Азизлар ҳазираси»²⁶¹ дебдурлар ва бу исм машҳур ҳам бўлубдур.

Ва алар фавтининг таърихи бу абъётдин ҳосил бўлур.

Т а ъ р и х:

*Сархайли фано Саййид Ҳасан рафт,
Ки жои ў биҳишти жовидон бод.
Паи он покрав жустанд таърих,
Бигуфтам: «Жаннати покаш макон бод»²⁶².*

²⁶⁰ Саккиз юз тўқсон тўрт йил ҳижрий – 1488/89 йил.

²⁶¹ «Азизлар ҳазираси» – а.: атрофи ихоталанган жой. Бу ерда қабристондаги хилхонанинг номи:

²⁶² Тарж: Фонийлик етакчиси Саййид Ҳасан кетди. Уйинг мангу жаннат бўлғай! У покиза зот вафотига таърих қидирдилар. Мен «пок жаннат макони бўлғай!» деб таърих туширдим. Аслида «жаннати покаш макон бод» жумласи таърих моддаси бўлиб, абжад ҳисобида 894/1488 – 89 йил чиқади.

ҲОЛОТИ ПАҲЛАВОН МУҲАММАД

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

*Эй чарх, не даврларки даст эттинг,
Даврингда муҳаббат аҳлини маст эттинг,
Ҳар кимники, оламда забардаст эттинг,
Охир ажал илгида ани наст эттинг.*

Тариқ фаносида муфаррад ва фано тариқида мужаррад, жаҳондағи паҳлавонларнинг паҳлавони жаҳони ва паҳлавонлиғ жаҳонининг жаҳон паҳлавони, сурат ва маънида бешабих ва беназир, яъни Паҳлавон, шамсул-миллати ваддин²⁶³ Муҳаммад Куштигир²⁶⁴ сийрат ва суратида.

Паҳлавоннинг насабида саёдат шарафи бор, аммо чун тағойиси Паҳлавон Абусаид²⁶⁵ким, замоннинг паҳлавон ва мусаллам куштигири эркондур ва Паҳлавон кичик ёшлиғ эрконда ул фанда кундан-кунга андин ғарибосор ва ажиб намудорлар зоҳир бўлур эркондир. Андоқки, оз фурсатда жамиъ абнойи жинс борини мағлуб қилиб, бориға фоиқ ва ғолиб келибдур. Чун рўзгор

²⁶³ Шамс ул-миллати вад-дин – миллатнинг ва диннинг қуёши. Бу олий рутбали шахсларга бериладиган лақаб.

²⁶⁴ Паҳлавон Муҳаммад даврнинг йирик маданият арбобларидан эди. Алишер Навоий бу гўзал инсоний фазилатларга эга, илғор фикрли шахс билан 40 йил мобайнида яқин дўст бўлган ва уни ўзининг мураббийси санаган. Паҳлавон Муҳаммад халқ кураш турларидан «куштигир» – яккама-якка кураш тушишда шухрат қозонган. Ҳеч шубҳасизки, Навоийдек улкан арбоб ва буюк шоир фаолияти ҳамда ижодиёти йўналишида, равнақи ва такомиллида Паҳлавон Муҳаммад каби улкан маданият намояндаларининг ўрни катта бўлган.

Паҳлавон Муҳаммад вафотидан кейин Навоий унинг хо-тирасини абадийлаштириб, бу рисоласини ёзган. Унда дўсти ва мураббийсининг ғоят жозибали образини яратган ҳамда характерини гўзал ва бетакрор чизгиларда очиб берган.

²⁶⁵ Паҳлавон Абусаид – Паҳлавон Муҳаммаднинг тоғаси, машҳур курашчи – паҳлавон, кичиклигида Паҳлавон шу тоғасидан куштигирликни ўрганган.

ҳарунлиғидин ва лайлу наҳор буқаламунлиғидин²⁶⁶ Паҳлавон Бусаид ҳаёт вадйатин муқтазойи ожил²⁶⁷ға топшурубдур. Паҳлавон истиҳқоқ била паҳлавонлиқ сартакиясига ўлтурубтур ва бу тойифа сарҳалқалиғин тавъ ва рағбат била қабул қилибдурлар. Невчунки ул, агарчи куч ва забардастликда замоннинг мунфариди эркондур, аммо куштидонлиғ ва забардастлиғда ҳам андоқ экондур ва бу тойифадин бу ўтган тўрт-беш юз йил, балки минг йилда анингдек ҳеч ёд бермайдур ва нақл қилмайдур. Бовужуди улки, ўз фанидаки, кушти бўлғайким, шуҳрати ул исм биладур ва онча якфанликда ва мардум афканликда кичик ёшлиқ эркондурким, шогирд куштигир эркондур ва бу фанда не варзиш қилур эркондур. Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулоямати табъи борча фунунға муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлғондур, кўп фазонил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар.

Ул жумладин адвор²⁶⁸ ва мусиқий илмидурким, чун лаҳжаси ва ҳусни савти хўб экандур ва усули мазбут ва ҳаракоти ва саканоти марғуб. Ул дақиқ фанда кўшиш ва саъй кўргузуб, дахли том ва маҳорати молокалом топиб эрди ва дилкаш нақш²⁶⁹лар ва амал²⁷⁰лар ва дилписанд қавл²⁷¹лар ва ғазаллар тасниф қилур эрди ва хўб айтур эрди. Андоқки, эшитган хавос ва авом хушҳол бўлмоқда беихтиёр ва ўрганмоқда беқарор эрдилар.

Ул асрнинг бу фанда моҳирлари мисли: Устод Муҳаммад Хоразмий ва Мавлоно Нуъмон ва Мавлоно Соҳиб Балхий ва Шайх Сафойи Самарқандий ва Хожа Юсуф Андижоний²⁷²дек

²⁶⁶ Рўзгор ҳарунлиғидин ва лайлу наҳор буқаламунлиғидин – тақдирнинг ўжарлиги ва кечаю кундузнинг ўзгарувчанлигидан, демакдир.

²⁶⁷ Муқтазойи ожил – ўлим.

²⁶⁸ Адвор – мусиқа назарияси.

²⁶⁹ Нақш – куй, ашула.

²⁷⁰ Амал – куй, ашула, оҳанг.

²⁷¹ Қавл – сўз, гап, мусиқага солинган шеър.

²⁷² Устоз Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафойи Самарқандий, Юсуф Андижоний Ҳирот маданий ҳаётининг фаол иштирокчилари, шоир, бастакор ва созандалар.

кишиларнинг таснифоти муқобаласида ишлар ясабдур ва нақш ва суфия ва амал ва қавл ва жир чорзаблардек ва чун ўзи аларнинг кўпидан ҳам хушгўйроқ ва ҳам хушхон эрмиш, ишларининг шуҳрати кўпроқ воқеъ бўлур эмиш.

Машхур амалларидан бири «чаҳоргоҳ» амалидурки, Мавлоно Тўтий²⁷³ (алайҳа раҳма) нинг ул шеърининг, матлаи будур:

*Соқий, де рафта ҳасту аҳволи фардо нопадид,
Хешро имруз хуш дорему фардору ки дид?*²⁷⁴

ким, Мир Бузург Термизий²⁷⁵ отиға боғлабдурким, бағоят хушоянда ва мулойим эшитилур ва далил буким, Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳамул ишни билмас гўянда йўқтур, балки ғайри гўянда дағи беҳад ва ҳаср халойиқнинг ёдидадур. Яна «сегоҳ» амалидурким, Мавлоно Хусрав²⁷⁶нинг шеъриға боғлабдур ва матлаи будурким:

*Эй зи тоби оразат шамъе ба ҳар қошонай,
В-эй асири пурхами зулфат дили девонай?*²⁷⁷

Навоий Паҳлавон Муҳаммад уларнинг асарлари қабилида мусиқалар яратганини таъкидлаб, баъзи жиҳатларини улардан яхшироқ чиқишига эришган, овози ғоят ёқимли ва гўзал бўлгани сабабли кўпроқ шуҳрат тутган эди, деб ёзади.

²⁷³ Мавлоно Тўтий – асли туршизлик шоир. Навоий «Мажолис ун - нафоис»да Мавлоно Тўтий Абулқосим Бобур Мирзо замонида тарбият топганлигини таъкидлайди ва яхши қасида ва ғазаллари борлигини эътироф этади. Ёшлиқда дунёдан ўтган бу шоир вафотига Навоий «хурус» сўзи билан таърих туширган эди, бу сўздан абжод ҳисобида 816 йил чиқади. Демак Мавлоно Тўтий 1461 – 62 йилларда вафот этган.

²⁷⁴ Тарж.: Эй соқий, қишнинг иккинчи ойи кетдию эртанинг аҳволи номаълум; ўзимизни бугун хурсанд қилайлик, эртани эса ким кўрибди?

²⁷⁵ Мир Бузург Тирмизий - ўз даврининг ғоят нуфузли сиймоларидан. Абу Саид мирзонинг ўғли Султон Маҳмуд мирзонинг отаси, Султон Масъуд мирзонинг бобоси.

²⁷⁶ Мавлоно Хусрав – бу билимдон соҳиби девон, лекин дағал табиатли. Хиротда вафот этган шоир ҳақида «Мажолис ун-нафоис»нинг II мажлисида Навоий маълумот бериб ёзади: «Даъволиқ ва бузургманиш ва тундхў киши эди. Фақир қошиға баъзи маҳалда шеър келтурса эрди, бурунроқ андоқ калом сурар эрдиким, дахл қилмоқ йули боғланур эрди. Заруратан, барча шеърни таҳсин қилмоқ керак эрди.

²⁷⁷ Тарж.: Чехранг тобланишидан ҳар бир жонга шамъ пайдо бўлади, девоналар дили жингалик буралиб кетган сочларнинг асириндир.

ким, Бобур²⁷⁸ отиға боғлабтурки, ул дағи бағоят муассир ва хушоянда ишдур. Яна «сегоҳ» амалидурки.

Мавлоно Котибий²⁷⁹нинг ул шеъридинким, матлаи будурким:

*Гаҳики, тиғи ту дар қатли аҳли дид барояд,
Ба як мушоҳада мақсуди сар шаҳид барояд*²⁸⁰.

²⁷⁸ Бобур – Абулқосим Бобур, темурийлардан. 1447 – 57 йилларда Хуросонда ҳуқумронлик қилган. Шоҳрух вафотидан кейин авж олиб кетган темурий шоҳзодаларининг ўзаро курашларига бардош бера олмай шаҳарни ташлаб кетганлар Абулқосим тахтга ўтиргач, қайтиб кела бошлайдилар. Улар орасида Алишер Навоий оиласи ҳам бор эди. Шоирнинг отаси шоҳ хизматига киради ва бироздан кейин Сабзавор ҳокими қилиб тайинланади. Отаси вафотидан сўнг ёш Алишер ҳам сарой хизматига киради. Абулқосим Бобур маърифатли ҳуқумдор эди. У илм ва адаб аҳлига ҳомийлик қилар эди. «Мажолис ун-нафоис»да Навоий у ёки бу шоир ёки воқеалар муносабати билан 12 жойда Бобур мирзони тилга олади ва VII мажлисда унга алоҳида мақола бағишланди. Унинг дарзешваш табиати, гўзал ахлоқли, юксак ҳикматли шахс бўлганлигини таърифлаб, тасаввуфда ҳам билимдон ва яхшигина шоир ҳам бўлганини қайд этиб ўтади. Бобурнинг бир форсий рубойиси ва куйидаги туркий байтни келтиради:

Неча юзунг кўруб ҳайрон бўлойин,

Илоҳи ман санга қурбон бўлойин.

Абулқосим Бобур 1457 йилда Машҳадда вафот этган.

²⁷⁹ Мавлоно Котибий – Шамсудди Муҳаммад ибни Абдуллоҳ (таваллуди номаълум, Туршез – 1435, Астробод), машҳур шоир, хаттот ва мунший. Яхши котиб бўлганлигидан «Котибий» тахаллусини олган. Шоирнинг Нишопурда таҳсил олгани, Ҳирот, Самарқанд, Мозандарон, Шилон, Ҳижоз, Табриз ва Исфаҳонларда бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Умрининг охирида Астрободда муқим бўлган ва шу ерда вафот этган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг бир мажлисида Қотибийга мақола бағишлаган. Унинг қасида жанрида ихтиролар қилгани, «Тажнисот», «Зул-бахрайн», «Зулқофиятайн», «Ҳусн ва Ишқ», «Носир ва Мансур», «Баҳром ва Гуландом» номи маснавийлари, ғазаллар девони, қасидалар девони борлигини таъриф қилиб, Навоий «Хамса»га киришдию охирига етказа олмади, деб ёзади. Навоий таассуф билан «Бизнинг Султон Соҳибқирондек (яъни, Ҳусайн Бойқаро – С. Ғ.) суҳандон подшо анга мураббий бўлса эрди ва умри дағи бирор нима вафо қилса эрди, кўп элнинг кўнглин шеър айтмоқдин совутқай эрди», – деб ёзади ва Котибийнинг шеъриятидаги маҳоратига юксак баҳо бериб, ғазал, қасида ва маснавийларидан намуналар келтиради.

Котибий тоун – вабо касалидан вафот этган ва Астрободда «Нуҳ гўрон» қабростонига дафн этилган.

²⁸⁰ Гоҳо тиғинг ошиқлар қатли учун кўтарилганда, бир кўриш билан юз шаҳиднинг мақсади ҳосил бўлади.

Бу ишни боғламоқдин ғарази бу матлаъ эрмишким:

*Маноли Котибий аз шомӣ ғам ки субҳи саодат
Ба юмни давлати Султон Абусаид барояд*²⁸¹

ким, Султон Абусаид мирзо²⁸² отиғи боғлабдур, ниҳоятдин ташқари дилпазир иш тушибдир.

Ва улким, Султони Соҳибқирон²⁸³ хизматиға мушарраф бўлди, Машҳаддин «сайди ғазол»²⁸⁴ шўъбасида ул ҳумоюн ҳазратнинг исмиға ўзининг бу шеъринки:

*Онжо ки бар дарғаҳат рӯи ниёз овардаем,
Рӯи дил дар каъбаи иқбол боз овардаем*²⁸⁵

амал ясаб эрди ва бозгўйи²⁸⁶да бу икки байтин боғлаб эрди ва инсоф оламида бу икки байтдек оз айтибдурки, мамдуҳнинг бешинчи отасиғача зикр бўлмиш бўлғайким:

*Султон Ҳусайн хусрави ғозийки мисли ў
Ҳаргиз набуда дар садафи рузгор дур.*

*Шоҳ аст шаҳриёр падар бар падар ки ҳаст,
Мансур Бойқаройи Умаршайхи бин Темур*²⁸⁷.

²⁸¹ Тарж. Котибий ғам тунингдан нолима, Абусаид давлати баракатидан саодат тонги отиб қолади.

²⁸² Султон Абу Саид – Қаранг: ушбу китоб 220-бет, 38-изоҳ.

²⁸³ Султони Соҳибқирон – Султон Ҳусайн Бойқаро – Қаранг: ушбу китоб, 186-бет, 32-изоҳ.

²⁸⁴ «Сайди ғазол» – мумтоз мусиқа йўлларида бири.

²⁸⁵ Даргоҳингга ёлвориб юзланганимда, кўнгил юзини иқбол каъбасига йўналтирган бўламан.

²⁸⁶ Бозгўй – ашулада бирор сўз ёки шеърни такрор айтиш.

²⁸⁷ Султон Ҳусайн ғолиб подшоҳдир, унингдек рўзгор садафида ҳеч ким, ҳеч қачон бўлмаган; У шоҳдир, отаси – Мансур Бойқаро Умаршайх бин Темур ҳам буюк шоҳ бўлган.

Бу амалда бaсе мақомот²⁸⁸ ва шааботе²⁸⁹ дарж қилиб эрдиким, таърифдин мустағнидур ва асру дилпазир ва бағоят беназир боғланиб. яна ишлар ҳам мисли: «қавл» ва «ғазал» ва «чорзарб»²⁹⁰дек ва «савт»²⁹¹ ва «нақш» худ беҳадду адд боғлабдурки, халойиқ орасида машхурдурки, борчасин дарж қилилса мужиби итноб бўлур.

Ва шеър ва муаммо²⁹² бобида илмий ва амалийсида Паҳлавон соҳиб вуқуф ва жалд эрди, ул навъким, замон шуаросининг юзидин бирига онча шуур ва вуқуф йўқтур ва аксар назм аҳли ҳар навъ шеър айтсалар эрди — Паҳлавон назариға етқурурлар эрди ва анинг ислоҳ ва тағйир ва табдилини қабул қилур эрдилар ва ўзининг дағи шеър ва муаммо фаннида табъи мулойим эрди. Андоқки, бу матлаъ Паҳлавоннингдурки:

*Гуфтамаш»: «Дар олами ишқи ту корам бо ғам аст?
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст»²⁹³.*

Ва «Куштигир» тахаллус (қилур эрди) ва бу табънинг тахаллуси асру хўб воқеъ бўлубтурки:

*Аз хаёли печтоби кокули мушкини ў,
Дуди дил бар фарқи Куштигир ҳамчун парчам аст.*

Муаммо тариқида худ мухтариъ эрди. Жамъики муаммо айтурлар²⁹⁴, бaсе заҳмат била бир байтдин ё бир рубоийдин бир исм ҳосил қилурлар. Паҳлавон устод абъётидинким, қойил

²⁸⁸ Мақомот – мусиқашунослик илмида Шашмақом, Ҳоразм мақомлари ва Фарғона - Тошкент мақом йўлларининг мажмуаси маъносида қўлланилади.

²⁸⁹ Шаабот – мусиқа йўллари.

²⁹⁰ Чорзарб – мусиқий куй номи.

²⁹¹ Савт – мусиқий куй.

²⁹² Муаммо – Қаранг: ушбу китоб, 217-бет, 14-изоҳ.

²⁹³ Унга айтдимки, сенинг ишқинг Оламида ишим ғамдин иборат бўлди. У кулги аралаш мийғида «ғам эмас», оламнинг ишқидир, – деди.

²⁹⁴ Тарж.: Унинг жингалак – буралган кокили хаёлидан кўнгил дуди куштигирнинг боши устида худди қора нишондир.

муаммо қасди қилмамиш бўлғай, табъи ўзи била исмлар пайдо қилиб эрди ва бу кўп воқеъ бўлубтурким, ҳоло ушшоқ орасида бор. Ул жумладин, Ҳазрати Хожа Ҳофиз Шерозий²⁹⁵нинг девонининг бурунғи ғазалининг матлаидинки, бағоят машҳурдур. «Али» исм чиқорибдурки:

*Ало ё айюҳас-соқий адир каъсан ва наввилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушкилҳо*²⁹⁶.

Ҳам Хожа Ҳофиз бу матлаидинким:

*Ҳолиё маслаҳати хеш дар он мебинам,
Ки кашам рахт ба майхонаву хуш биншинам*²⁹⁷.

*«Амин» исм ҳосил қилибдур. Бу байтдинким:
Ганжи зар гар навбад ганжи қаноат боқист,
Он ки он дод ба шоҳон ба гадоён он дод*²⁹⁸.
«Тақий» исм ҳосил қилибтурур.

Ва яхши рубойлари ҳам бор. Хоҳ бир маҳалда биров учун айтғон, хоҳ бировнинг руқъасига жавоб юборган. Баъзи ёронлариға²⁹⁹ бу рубойни битиб юбориб эрдиким:

*Гар жон ажалам зи тани ношод барад,
Ҳошо ки маро меҳри ту аз ёд барад.
Ҳоҳам ки шавам хок маро бод барад,
Бошад ки ба сўи Астробод барад*³⁰⁰.

²⁹⁵ Хожа Ҳофиз Шерозий – Қаранг: ушбу китоб, 218-бет, 19-изоҳ.

²⁹⁶ Эй соқий, косани айлантир ва ич, дастлаб ишқ осон кўринган эди, бироқ мушкил тушди.

²⁹⁷ Ҳозирда ўзим учун шуни маслаҳат кўрдимки, майхонага кўчайин ва у ерда шод ўтирайин.

²⁹⁸ Гарчи олтин хазинаси бўлмаса ҳам, қаноат хазинаси боқийдир, уни шоҳларга, бунисини гадойларга берди.

²⁹⁹ Баъзи ёронлариға – бу ерда Алишер Навоий кўзда тугилади.

³⁰⁰ Агарчи ажал ношод тандан жонни олса, асло меҳрингни менинг ёдимдан ола
www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва ҳам баъзи мухлис ва муътақид ёронлари руқъаси жавобида³⁰¹ айтиб эрдиким:

*Аз оҳуи роми худ фаромӯш макун,
В-аз сайде ки роми худ фаромуш макун.
Ҳарчанд ки бошад фаромӯшкори,
Аз сари ғуломи худ фаромӯш макун³⁰².*

Ва мулойим қитъалари ҳам бор. Ул жумладин бири будурким, жўйи «Султоний» ёқасида Паҳлавон бир лангаре³⁰³ бунёд қилибдурки, анинг таърифини қилмоқ — қуёш равшанлиқға ва майни мастлиқға таъриф қилғондекдур ва бир қатла Султон Соҳибқирон овдин қайтғонда ул тақияга тушубдур ва Паҳлавон ҳозир эрмас эркандур. Бу жиҳатдан бағоят мутараддид ва мутаассир бўлубтур. Ул маҳалда узр учун бу қитъани айтиб эрдиким,

қ и т ъ а:

*Такъяи моро шараф бигузашт аз чархи барин,
По ба рӯ афканда соя сояи парвардйгор,
Гарчи гардун атласи худ кард пойандози шоҳ,
Кош ман мебудами то жони худ карди нисор³⁰⁴.*

олмайди; хохлаймани, тупроқ бўлсаму уни шамол олиб кетса, шундай бўлсаки, уни Астробод томонга элтса.

³⁰¹ Баъзи мухлис ва муътақид ёронлари руқъаси жавобида – бу ерда Алишер Навоий мактубига Паҳлавон ёзган жавоби кўзда тугилади.

³⁰² Ром бўлган охуйингни унутма. Сайд қилинган ромингни унутма; унутмоқлик не чоғлиқ бўлмасин, ўз қулингни унутма.

³⁰³ Лангар – йўловчилар қўниб ўтадиган жой; камбағал, етимесирларга овқат улашадиган ғарибхона ҳам лангар дейилади.

³⁰⁴ Парвардигорнинг сояси такъямга ўз соясини солиб, унинг шарафини баланд осмондан ҳам юксалтириб юборди. Агарчи осмон ўз атласини шоҳга пояндоз қилган эса-да, кошки ўзим бор бўлсайдим, жонимни нисор қилардим.

Дағи яхши сўз маснавийси ҳам борки, назм аҳлининг мутаайинлариға ул навъ абёт воқеъ бўлмайдур.

Ул жумладин будурким, паҳлавон Пирий куштигирким, Паҳлавони номурод умрин анинг тарбиятиға сарф қилди ва назари бу эрдиким, қаригон чоғдаки, ул жаҳон паҳлавони куштигир бўлиб, Султон Соҳибқирон матбуъ табъ надими мажлиси ва Паҳлавон фарзанди муниси ва шамъи мажлиси бўлғай ва ул бевафолиқ қилиб Паҳлавондин айрилди ва Паҳлавон номуслиқ ва ғайратлиқ жигархор киши эрди ва андуҳдин кўнглида сўз ва баданида гудоз эрди, аммо мутлоқ ҳеч кишига изҳор қилмас эрди. Аммо ҳеч навъ махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурун бўлғай. Андоқки бу фақирнинг ҳам андин. Алқисса қаригонининг шарҳида ва паҳлавон Пирийнинг бу қаригон чоғда умрдек бевафолиқ бобида маснавий айтибдурки, бу фақир абъётин беш байт ва ўн байт айтур маҳалда ўқур эрди, бир неча байт сабт қилилди ва ул абёт будурким,

м а с н а в и й:

*Чу бар чарх равшан шавад ҳоли ман,
Ба сад дида гиръяд бар аҳволи ман.*

*Маро бор будй гули навшукуфт,
Дареғо ки боди хазонаш бирўфт.*

*Ҳама умр тухми беҳи коштам,
Чу вақти баромад набардоштам.*

*Зи он талх шуд зиндогонин маро,
Ки пири фиканд аз жавонй маро.*

*Кунун ман на он шери занжириям,
Бадар бурда ҳам зи ғам пириям.*

*Ба хурди падар тифл аз он парварад,
Ки то дар бузургй ғам нахўрад.*

*Зи он дар жавоний бор оядаш,
Ки дар аҳди пири ба кор оядаш.*

*Маро пирй он навъ охир фиканд,
Ки ҳечам жавонй нашуд судманд³⁰⁵.*

Бу маснавий ниҳоятин подшоҳ дуоси била хатм қилибдур ва ҳол аҳли бу абётдин маълум қилурларким, Паҳлавоннинг табъида не миқдор дарди ҳол чошниси бор экандур.

Яна санойиъ³⁰⁶ аруз³⁰⁷ қофияси³⁰⁸ да ҳам кўп соҳибвуқуф эрди. Дағи қироат илмин ҳам яхши билур эрди ва хўб махраж ва тажвид³⁰⁹ била Қуръон ўқур эрди ва гоҳи хуффодин қироат бобида сўрар эрдиким, алар жавобидин ожиз бўлур эрдилар. Паҳлавондин истифода қилур эрдилар.

Яна нужум илмин³¹⁰ онча билур эрдиким, ҳар мавлид учун ройижаи толеъ битий³¹¹ олур эрди.

³⁰⁵ Агар ҳолим фалакка маълум бўлса, юз-кўз билан аҳволимга йиғлар эди; менда янги очилган гул бор эди, во дариғ уни хазон шамоли олиб кетди; умр бўйи яхшилиги уруғини экдим, униб чиққанда эса йиғиб ололмадим; шуннинг учун ҳаёт менга аччиқ бўлди. Кексалик мени ёшлик палласидан итқитиб ташлади; энди мен ул занжирбанд шер эмасман. Кексалик ғами мени бутунлай олиб кетди. Ота болани шунинг учун тарбия қиладики, токи у катта бўлганида ғамхўрлик қилсин; ундан йигитлигида фойда бўлсин, кексалик пайтларида эса, ишга ярасин. Мени кексалик шундай синдирдики, йигитлик асло фойда келтирмади;

³⁰⁶ Санойиъ – санъат сўзининг кўплиги, хунарлар маъносида ҳам келади. Бу ерда адабий санъатлар назарда тугилади.

³⁰⁷ Аруз – шеърнинг вазнлари, ўлчовлари ҳақидаги фан.

³⁰⁸ Қофия – шеърда байт ёки мисралар охиридаги сўзнинг иккинчи байт ёки мисра охиридаги сўзга мос оҳангдош бўлиши. Шарқ поэтикасида қофиянинг ўзига хос назарияси бор. Шунинг учун қофияга оид адабий илм мавжуд.

³⁰⁹ Тажвид – Қуръон каримни талаффуз қоидалари билан ўқиш. Бу ҳам илм даражасида ўрганилган,

³¹⁰ Илми нужум – осмон жисмлари ва унинг ҳарактларини ўрганувчи илм, астрономия.

³¹¹ Мавлид учун ройижаи толеъ – кейинги вақтларда кенг тарқалган гараскопни англатади.

Яна тибб ва ҳикматға кўп мулоямати бор эрди. Мавлоно Қутбиддин³¹²ким, бу мулкнинг мутааййин табибидур — бу фанни касб қилур эрди. Мавлоно Ало ул-мулк³¹³ табиб била Мавлоно Абдуссаломи Шерозийки, беназир муолиж эрди — Паҳлавонға мусоҳиб эрди ва дойим бу фан баҳсида ва гуфту шунуфтида алар Паҳлавон сўзларин мусаллам тутиб, муолажаларин ҳам таъриф қилур эрди ва асҳобдин ҳарқайсиға мараз тори бўлса эрди, кўпи ул эрдиким, ўзи муолажа қилур эрди.

Яна фикҳ илми³¹⁴да ибодотдин фаройиз ва сунан ва вожибот ва мустаҳаббот ва бу ибодатға мувофиқ адъияким, кўпрак фуқаҳо ва зуҳҳодға мазбут ва маҳфуз эмас, Паҳлавонға мазбут эрди.

Ва устод абётин: маснавий ва қасида ва ғазал ва ҳар синф шеърдин хўб ва ҳам кўп ёдида эрди. Андоқки, ҳар маҳалда ҳар навъ муносиб назмлардин ширин иборат ва такаллум била ва баъзи маҳалда рангин алҳон ва тараннум била андоқ адо қилур эрдиким, аксар мажлис хуззориға насридин хабар ва назмидин асар воқеъ бўлуб, риққатлар даст берур эрди ва кўп машойихлар ва аҳлуллоҳ ва дарвешлар мажлисиға баҳраманд ва хизмат ва мулозаматларидин сарбаланд ва аржуманд бўлуб, шарафи қабул топиб ва баса ҳар сифатдин аҳли тариқ паҳлавонлар ва улуғ кишиларга шойиста хизмат қилиб, қисватлар ҳавола қилиб эрдилар. Ҳақ субҳонаху ва таоло анга қобилият каромат қилиб эрди. Ҳар навъ ишга хотир мутаважжих қилса эрди — ул навъ дахл қила олур эрдиким, ул фан аҳлининг моҳирлариға мустаҳсан тушгай ва бир навъ қабулиятни анинг зотида халқ қилиб эрдиким, ҳар навъ халойиқ била ихтилот қилғоч, аларнинг кўнглига матбуъ ва табъиға маҳбуб эрди ва писандида атвори беғоят ва ҳамида аҳлоқу шиори бениҳоят, мижозида базлу саҳо ғолиб ва табъида шафқату раҳо муфрит, улуғларға зотий ниёзмандлиғ ва хизмат ва кичикроқ нотавонларға расми меҳру шафқат ва сарпайвандлиқ ва мутавасситул-ҳолларға иши

³¹² Мавлоно Қутбиддин – ўша даврнинг машхур табиби. Паҳлавон Муҳаммад ундан тибб илмини ўрганган, асли Насафдан бўлган.

³¹³ Мавлоно Ало ул-мулк – Паҳлавон атрофидаги табиб дўстларидан.

³¹⁴ Фикҳ илми – диннинг йўл-йўриқлари, қоидалари тўғрисидаги илм.

мулоямат ва хўб забонлиқ ва фуқаро ва масокинға варзиши мувофақат ва нафърасонлиғ. Кечароклик ва кундузлик йигирма тўрт соатда Паҳлавоннинг такъясйда ҳоҳ сафарда, ҳоҳ ҳазарда табх иштиғолидин фароғат йўқ эрди, турлук-турлук атъима эрди. Андоқки, бу неъмату ағзиядин фуқаро ва масокину муқим ва мусофир маҳзуз эрдилар. Ағниё ва аҳли тамкин ва озодалару шоҳзодалар ва акобиру ашроф баҳраманд эрдилар, ҳаттоким, султонус салотин ҳам етгач, бу мазкур бўлғон атъималар ҳам тортилуру эрди ва етмасалар эрди — Паҳлавоннинг ушоқлари кўтариб тоғға элтурлар эрди ва агар элтмасалар эрди — юқоридан киши келиб, тилаб элта борурлар эрди ва ашриба ва фавоқиҳ ва ҳалвиёт³¹⁵ ҳамул атъимаға - яраша муқаррар эрдиким, тортилуру эрди ва ҳар тарафдин келган фуқоро ва ғуроба ва аксараш ўн кун, балки бир ой-икки ойғача таваққуф қилсалар эрди — бу маъкулот аларнинг илайига кулфатсиз, балки икки-уч қатла тортилуру эрди ва улоғларига арпа ва сомон, улоғлар ва ўзларига ороста маскан ҳам тайёр эрди. Ва бу халойиқдин кўпи андоқ эрдиким, борур чоғларида Паҳлавон мурувват ва карамидин йўл харжиси ва баъзи дарवेशона либослар ва табаррукларға ҳам мустафид бўлуб эрдилар. Жамии аҳли туруқ ўзларини Паҳлавоннинг фотиҳа ва такбириға еткурмағунча ўз тариқларида ишлари тамом бўлмас эрди.

Борча содоту машойих ва уламою фуқаронинг маҳбуб ул қулуби эрдн ва подшоҳ эшигида аркони давлатдин олийшон беклар ва олиймакон ичкилар ва судур ва сойир халойиқға Паҳлавоннинг суҳбати наврўз ва байрамча бор эрди, ҳаттоки султонзодалар тиламас эрдиларким, бир лаҳза онсиз бўлмағайлар эрдиким, подшоҳзодалардин нечаки муътамад отланиб, Паҳлавоннинг такъясига бориб, суҳбатлиғе қилғайлар эрди. Ул дағи борчасиға лойиқ хизматлар қилиб, суҳбатлар тузиб, неъматлар тортиб, созандалиғ ва гўяндалиғ буюруб, самоъ ва рақс қилиб, аларни хушҳол ва мунбасит узотур эрди.

³¹⁵ Ашриба ва фавоқиҳ ва ҳалвиёт – шароблар, хўл мевалар ва ҳолвалар (қанд-курслар ҳам киради).

Ва Султонус-салотиннинг ғариб шафқату улфати ва ажиб инояту нисбати Паҳлавон борасида бор эрди. Ҳеч суҳбат тиламаслар эрдиким. Паҳлавондин айру қилганлар. Борча мажлис ва маҳфилда Паҳлавон ҳозир эрди ва суҳбатнинг хушлуғига боис эрди.

Ва шеър ва муаммо ва мусиқийки, суҳбатнинг мужиби нишот ва инбисотидур, чун Паҳлавоннинг борчада вуқуфу дахлу тасарруфи зоҳир, балким ул фунунда аҳли фандек моҳир эрди — суҳбатнинг юзи Паҳлавонга эврулур эрди. Ва Султон ус-салотнининг надими мажлис ва аниси анжуман ва хилвати ва ҳар розда маҳрами ва ҳар ҳолда ҳамзобону-ҳамдами эрди. Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳлуллоҳдин яхуд ва торсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди.

Субҳоналлоҳ, юз минг ҳамду сипос ва санойи беҳаду қиёс ул қодир сунъигақим, ҳар бандасигақим, бир овуч туфроқдин халқ қилибдур, мунча қабулият ва қобилият ва ахлоқи ҳамида ва атвори писандида ва зоҳир юзидин мунча фазлу камол ва маъни тарафидин мунча важди ҳол бера олурким, бир жаҳон халқин мулоямат била сайд ва бир олам аҳлин занжири иродати била гирифтори беқайд қилғай.

Алқисса, Паҳлавоннинг борча навъ ишларининг хушлуғи баёнида ва ҳар тавр сийрат ва суратининг дилкашлиғининг шарҳида забонварлар тили қосир ва дostonгустарлар нутқи ожиздур.

Қирқ йилга яқин бу фақир била мусоҳиби жоний маҳрами рози ниҳоний эрди. Фалокат айёмидин зоҳир юзидин таайюн ва иститоат замониғача кўпрак авқот била экандур. Биз иковдин-иков ҳар кўйда югурган, ўзни ҳар аҳли дил шарафи мулозаматиға еткурган. Анинг рифку мувофақатин не тил билан тақрир қила олғаймен ва не қалам таҳрири била баён қила олғаймен.

Мундин ўтмаски, қирқ йил бир менингдек худрой ва бесарупой ошуфтасори паришон рўзгор киши била мусоҳиблик қилғайки, хотирға келмаски, андин хотирға ғуборе ўлтирмиш бўлғай ва кўнгулға етмаски, ҳаргиз андин кўнгулға озоре етмиш

бўлғай, балки андоқ нисбат қилмиш бўлғайким, кундан-кунга муҳаббат риштаси маҳкамроқ ва маваддат қоида ва тариқи муаккад ва мустаҳкамроқ бўлмиш бўлғай ва ҳол улким, етмиш икки фирқа била маоши ушбу наҳаж била воқеъ эрдиким, ҳар киши анинг мулояматин ўз ҳолиға мулоҳаза қилса эрди — хаёлиға бу келур эрдиким, андин махсусроқ ва мулойимроқ ёри ва мусоҳиби йўқ эрди эркан.

Анинг зеҳну закоси латофатидин ва ҳофизаси тезлиги ва зарофатидин бир неча калима хотирға келур; адо қилмоғи ҳоли аз муносабате эмас. Султон Абусаид мирзо замонидаким, Хуросон аҳли Самарқанд аҳлиға асир эрдилар ва ҳар навъ зулм ва тааддики, алардин воқеъ бўлса, бу асирлар мутеъ ва фармонпазир.

Бу фақирни айни ифлосу фалокат ва сарнавишу ранжуриш Машҳад сори тортиб элтти ва анда етгандин сўнгра мафосил марази³¹⁶ тори бўлиб, бир гўшада йиқилдим. Иттифоқо Паҳлавон хизматлари ҳам ул айёмда Машҳадда эрди. Бу фақирнинг ҳолидин хабар топғондин сўнгра ҳар кун қадам ранжа қилиб, улча қоидаи шафқат ва ёрлиғ ва тариқи муҳаббат ва ғамхорлиқ бажо келтурур эрдилар — ангачаки мараз дафъ бўлди. Ва Мавлоно Абдуссалом Шерозий³¹⁷ раҳимаҳуллоҳки, ул замоннинг моҳир ҳакими ва ҳозик табиби эрди — бу заифға муолиж эрди. Андоқки, атиббо даъбидурки, мариз мизожида маразни зойил қилғондин сўнгра чун адно хилт жилд тахтида қолур — тараддуд ва далк буюрурларки, ул маводни таҳлил била дафъ қилғай — ул дағи бу фақирға буюруб эрди. Паҳлавон меҳрибонлиқ ва шафқат юзидин ҳар кун иёдатимға келур эрди ва далк ходимлиғи ва тариқин чун киши андин яхшироқ билмас эрди ва ўзи ҳам ҳакимшева киши эрди — илтифот қилиб, ул амрға иштиғол кўргузар эрди. Қазоро, бир кунким, саҳари фақир бу шеърни айтиб эрдиким, матлаи будирким:

³¹⁶ Мафосил марази – бўғимларнинг зирқираш касали.

³¹⁷ Мавлоно Абдуссалом Шерозий – замонасининг машҳур ҳакими, ҳақиқий табиби. Машҳадда Навоийни даволовчи табиб бўлган.

*Ҳар қаён боқсам, юзумга ул қуёшднн нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.*

Ва бу шеър етти байт эрди ва мусаввир қилиб жайбимға солиб эрдим ва ҳануз кишига ўқумайдур эрдим ва кўрсатмайдур эрдим.

Паҳлавон илтифот юзидин маъхуд дастури била эгнимни тутар эрди, муқаддима бунёд қилдиким:

— Сени бу кун дерларким туркча шеърни яхши айтурсен ва туркча назм айтур элдин эшитиб, бизга бу сўзни мусаллам тутарлар. Бизнинг бир саволимиз бор.

— Жавоб берай, сиз бори саволингизни айтинг.

Деди:

— Саволимиз будурки, туркийгўй, шуародин улча шеърлари рўзгор сафҳасида сабтдур, қайси яхшироқ айтибдурлар? Ва сенинг ақиданг анинг яхши айтмоқиға борур, сен бегонурсен?

Фақир дедим:

— Борча яхши айтибдурлар, мен бегонурмен.

Паҳлавон деди:

— Сен такаллуф ва касри нафсни қўй, воқеъ юзидин сўз айтки, буки: борини бегонурмен дерсен, борча худ бирдек эмас, албатта тафовут бор.

Фақир айттимким:

— Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва малик ул-каломидур.

Деди:

— Нечук Сайид Насимий³¹⁸, демадинг?

³¹⁸ Сайид Насиий – буюк озарбайжон шоири, файласуфи. Исми – Али, Имодиддин – лақаби. Асли Ширвондан, 1370 й. да Шамоҳи шаҳрида туғилган, илк таҳсилни ҳам шу шаҳар мадрасаларида олган. У аввал «Хусайний», «Сайид» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Насимий Темурнинг истилочилик сиёсатиға ва истибдодига қарши курашга даъват қилувчи, яъни тариқат – ҳуруфийликни қабул қилган ва уни фаол тарғиб-ташвиқ этган. У бу жабҳада кейинчалик унга дўст бўлиб қолган устози, ҳуруфийлик тариқатиға асос солган Фазлуллоҳ Наимий билан танишгач «Насимий» тахаллусини олади. Наимий Мироншоҳ томонидан қатл этилгач, ватанини тарк қилган, Насимий www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақир дедим:

— Хотирға келмади ва бар тақдир келмоқ, Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди.

Паҳлавон эътироз юзидин киноятомуз дедики:

— Раво бўлғайки, Сайид Насимий борида Лутфий назмини писанд қилғайсен ва ҳол улким, Сайид Насимийнинг назми зоҳир юзидин мажоз тариқиға шомилдур ва маъни юзидин ҳақиқат тариқиға ва юқори битган байтни ўқудиким, фақир бу саҳар айтиб эрдим. Чун матлаъни ўқуди, ўзга абъётин ҳам мутаоқиб баён қилди ва тахаллусиким, бу навъ воқеъ бўлубтурким:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,

Бағдод, Онатўли, Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшайди, охири Ҳалабда қарор топади. Миср султони Муайяддин Насимийни даҳрийликда айблаб, 1417 йилда уни тириклайин терисинн шилдириб, қатл этишга эришди. Шоирнинг фожиали ўлими ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да шоир ҳақида ёзади: ...мазкур бўлган мулк аҳлиға анинг шеъри муқобаласида ҳамоноки шеър йўқтур. Ҳамоно тақлид аҳли (риёкорлар – С. Ғ.) ани мазҳабида қусур туҳматига муттаҳам қилиб, шаҳид қилдилар. Машҳур мундоқдурки, терисин сўяр ҳукм бўлуб-тур.. Ул ҳолатда бу шеърни дебдурким,

Н а з м:

Қибладур юзунг, нигоро, қошларинг меҳроблар

Суратинг мусҳаф, вале холу хатинг эъроблар.

Ва бу шеърнинг тахаллуси ушбу муддаоға долдурким:

Н а з м:

Эй Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,

Қўй, терингни сўйса сўйсин, бу палид қассоблар.

Айтиш кераки, бу мақтаъ байт Навоий таржимасида берилган. «Қатрада осмон акс этади» деганларидек, байт Навоийнинг юксак таржимонлик маҳоратини намоён қилади. Байтнинг асли қуйидагичадир:

Чун Насими жовидони ёр ила бўлди висол,

Гўй неча донарса донсун бу яшил дулаблар.

Биринчи байтнинг иккинчи мисрасидаги «Мушкин хатинг»ни Навоий «холу хатинг» деб берган.

Бу ерда Навоий Паҳлавон Муҳаммадга Насимий шеърятининг моҳияти – ҳақиқат тариқи – йўллари баён этишлик бўлгани ҳақида фикр билдиради. Унга эътироз билдириб, Паҳлавон дейдики, Насимий шеърлари зоҳиран мажозий, ботинан эса ҳақиқийдир.

Йўқ ажаб, невчунки, хом этган киши ранжур эрур.

«Навоий»ни «Насимий»та тағйир бериб ўқуди ва филвоқеъ бу байтда Навоий лафзидин Насимий лафзи муносиброқдур ва фақир мутаажжиб бўлдум. Оқистароқ илгимни жайбимға элттим ва мулоҳаза қилдим: ўзум битиб жайбимға солғон мусаввада мавжуд эрди, ҳайрату таажжубим ортти. Ва Паҳлавон ҳамул айтган сўзни иода қиладур эрди ва ул шеърнинг абётин мукаррар ўқур эрди. Ва бу фақир бетаҳаммул бўлуб сўрдумким, ул иш кайфиятин маълум қилғаймен. Ул ўзин йироқ тутти ва ўз сўзида русух кўпрак зоҳир қилди. Фақир муболаға қилғон сой Паҳлавон ҳам муболаға кўргузди. Зарурат юзидин сўрдумки:

— Бу шеърни қачон ёд қилиб тутуб эрдинг?

Деди:

— Ўн икки йил бўлғайки, Бобур мирзонинг мажлисида бу шеър ўтар эрди, менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттум.

Бори ҳар ҳол била букун ўтти, ул такъясиға борди. Тонгла ҳамул дастур била яна келди, яна суҳбат бўлди, яна бу сўз ораға тушди. Яна фақир сўрдум ва илҳоҳ қилдимким, бу иш кайфиятин маълум қилғаймен. Бу қатла худ дедими:

— Ул вақтки, мен бу шеърни ёд туттим, куштигирлардин ҳам нечаси бор эрдилар ҳам ўргандилар, — деб уч-тўрт пиёда сорт куштигирники, анинг била келиб эрдилар тилаб дедими: «Ўқунг, андоқки менинг била ўрганиб эрдингиз». Алар дағи пайдарпай равон ўқудилар. Фақирға таажжуб устига таажжуб воқеъ бўлди ва Паҳлавон сўзи сидқида муболаға қилур эрди. Агарчи муболаға хожат эмас эрди, невчунким, сидқи даъвосида неча тонук ҳам ўткарди.

Оқибат андоқ маълум бўлдиким, эгнимни улайдурғонда жайбимда қоғоз кўрубтур, оқисталиқ била ул қоғозни чиқориб кўрубтур ва маълум қилибдурки, ушбу яқинда айтилғон шеърдур. У қоғозни очуқ ёнида кўюбдур ва ёд тутубдур ва чирмаб, жайбимға солибдур. Ҳамул замон бўлғон сўзларни ораға солибдур. Оқшомки, такъясиға борибдур, куштигирларига

таклиф била ўргатибдур ва буюрубдурки, эҳтимоми тамом била такррр қилибдурларки равон ўқур чоғда равон ўқуғайлар.

Паҳлавоннинг ул навъ ғариб ишлари ва ажиб зарофатларики, табъға мужиби таажжуб ва ақлға боиси таҳайюр бўлғай — кўп эрди.

*Дар силсилаи фақир ба иршоди туем,
Дар шому саҳар ҳамеша бо ёди туем,
Дар доираи фано ба авроди туем,
Яъне ки яtimi Неъматободи туем*³¹⁹.

Паҳлавон жавоб битган руқъада бу рубоийни битиб эрдиким:

*Э, Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,
Доим ба дуоғўию бо ёди туем,
Ин шаҳр ба ту хуш асту мо бо ту хушем,
Мурдему хароби Астрободи туем*³²⁰.

Султон Соҳибқирон асари иноятидин ва маҳзи тарбиятидин Паҳлавоннинг иши улуғ бўлди. Андоқки, улуғлуқға таъзим қилурлар эрди ва истихқоқи бор эрди ва Неъматободдаким, анинг такъяси эрди — подшоҳ давлатидин юзга яқин куштигир яна мунча ҳамдин ортуқ сойир худдом Паҳлавон хизматида бор эрдиларким, юзча куштигирдин ўнчаси талабкаш ва йигирмага яқини қадаргир ва жалди навхостаким, борча маъракада тутарлар эрди. Ҳаттоким, салотин замонида ҳам яна ўн-ўн беш созанда ва гўянда ва хонандаким, ул силсила аҳлидин ҳеч қачон ҳеч қайсиға даст бергани маълум эмас. Ва мунга яраша борча тартибу одоб ва тазйину асбоб муҳайё эрдиким, баяк бора

³¹⁹ Тарж.: Фақирлик йўлида сенинг иршод (тўғри йўллар кўрсатиш)инг биланмиз. Кеча-кундуз ҳамиша сенинг ёдинг биланмиз. Фано доирасида сенинг номингни такрорлаш биланмиз. Яъни, сенинг Неъматободинг етимларимиз.

³²⁰ Тарж.: Эй Мир (яъни Навоий – С. Ғ.) сен пирсан, биз сенинг иршодинг биланмиз. Доим сенинг дуоғўйингмиз ва ёдинг биланмиз. Бу шаҳар сенга яхши, ёқимлидир ва биз сен билан хурсандмиз. Биз ўлдик, Астрободинг харобимиз.

Паҳлавоннинг ушоқларидин бири бу фақир қошиға изтироб била югуруб келдики, Паҳлавонға бевосита ғаше³²¹ воқеъ бўлбтур ва ҳуши зойил бўлуб, беҳуд йиқилибдур, сизга хабар қилдуққи, табиб юборгайсиз. Фақир филҳол Мавлоно Абдулҳай³²² била Мавлоно Нуриддинким, ҳозир эрдилар, таъжил била юбордим. Алар бошиға етгунча Паҳлавон худ ўзга олам азиматиға оёқ урган экандур. Атиббо бир замондин сўнгра Паҳлавон мотамидин ғамзада бўлуб, юз дарду ҳасрат била қайтиб келдилар.

Бу ҳолдин Султон Соҳибқирон мизожиға ғариб андуҳ ва изтироб тушуб, ғоят ҳузн ва малолатдин талх-талх шўроба тўкуб, ҳой-ҳой йиғлади ва шаҳзодалар дағи ушбу дастур била мотам амриға муртакиб бўлдилар ва аркони давлатдин олий миқдор умарои завил — иқтидор ва вузаро ва соҳиб тамкин ичкилар ва хусусият ойин гулчехралар ва сойир эшик аҳлики, борча Паҳлавонға ёр ваҳаводор эрдилар, беихтиёр сўгворлиқ расмини бажо келтуруб, ўзни мотамий туттилар ва шаҳр аҳолисинин содоти олийшон ва уламои олиймакон вамашойихи изом ва қузоти киром ва хавосу авом мажмуи таъзият тутуб, либосиға тағйир бериб, марсия ва таърихлар айтиб, дайнини ўзлариға иқрор қилдилар, балки бошқа-бошқа ўзларин соҳиб азо кўргузуб, ошуб ва шайн зоҳир қилдилар. Ва зарофатосор шуаро ва диққатшиор зурафоки, Паҳлавоннинг борча вақт мусоҳиби эрдилар ва ҳақиқат маоб аҳли тариқ ва тариқат интисоб аҳли таҳқиқ, Паҳлавон дойим аларнинг хизмат ва дилжўйлиғиға иштиғол кўргузур эрди — борча маълул ва гиръён ва ул мотамдин паришон ва бесару-сомон бўлдилар ва теграсидаги ёри

³²¹ Ғаше – қандайдир дард.

³²² Мавлоно Абдулҳай – табиб, Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да Мавлоно Абдулхайни табобат аҳлидан Ғиёсиддин Азиз ва Уло ул-мулқлар билан бир ерда тилга олади. Уларнинг учаласини «Амир» унвонлари билан беради ва саройда мансаб ва обрўлари юқори бўлганини қайд қилиб ўтади. «Макорим ул-ахлоқ»да эса, Мавлоно Абдулҳай Навоий ҳастининг охирги дамларида ёнида бўлгани ва табиблардан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Чилоний билан шоир томиридан қон олганликларини ёзади.

Паҳлавон Муҳаммаднинг сўнги дамларида Навоий ўз ҳузурида бўлган мавлоно Абдулҳай ва Мавлоно Нуриддинларни дарҳол унинг ёнига жўнатади, лекин фурсат ўтган, Паҳлавон бандаликини бажо келтирган бўлади.

ушшоқ ва мулозимлар ва ҳамнишин ва сойир фуқаро ва масокин «вовойло, вомусибато!» ниқобин фалаки асирға тортиб, нав-қалар ва нудбалар кўргуздилар.

Ва Султони Соҳибқирон Паҳлавоннинг мадфанин Неъматобод ичидаким, Паҳлавон учун ясагон эрди — таъйин қилдилар ва анда дафн қилдилар. Ва подшоҳона жашн тузуб, азим ошлар бериб, хатм қоидасини бажо келтурдилар.

Чун Ҳазрат Маҳдумий Шайх ул-исломий қаҳф ул-аномий³²³ Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ил-Жомий³²⁴ (қаддасаллоху рухуху)дин бир йил сўнгра Паҳлавон ҳамул Ҳазратнинг пайравлиғиға; бу фано тангнойидин бақо гулшани фазосиға хиром кўргузди ва ул Ҳазратнинг Паҳлавон била бениҳоят илтифотлари ва беҳадду ғоят махсус мулоямат ва ҳолатлари бор эрди, фавтининг таърихи ғариб услуб била воқеъ бўлубдурким, фавтларнинг таърихи бўлур:

*Муҳаммад Паҳлавон ҳафт кишвар,
Ки дар даҳраш навбад ақрону амсол.
Сару сарҳалқаи аҳли тариқат,
Ки рафт аз қайди гети фориф ул-бол.
Зи баъди қутби олам орифи Жом,
Ки ў маҳдуми даврон буд аз иқбол.
Пас аз соли сўи жаннат хиромид,
Аз ин дерина дайри мухталиф ҳол.
Агар нурсад касе таърихи фавташ,
Бигуям: «баъди Маҳдуми ба як сол»³²⁵.*

³²³ Қаҳф ул-аномий – инсонлар таянчи, паноҳи демақдир қаҳф ғор, Куръони каримнинг «қаҳф» сурасидаги биродарлар узоқ муддат ухлаб қолган ғор бўлиб, сиғинадиган жойни ҳам англатади.

³²⁴ Абдурахмон Жомий – қаранг: шу китоб, 113-бет.

³²⁵ Тарж.: Муҳаммад Паҳлавон – етти ўлка паҳлавони. Дунёда унинг тенгги, ўхшаши йўқ. Тариқат аҳли (суфийлар – С. Ғ.) нинг боши ва сарҳалқаси (ақли – С. Ғ.) дунё кишанларидан қанот ёзиб кетди. Олам таянчи, Жом маърифатчиси иқбол юзасидан даврнинг хурматли зоти (яъни, Жомий – С. Ғ.) кетидан бир йилдан кейин ранг-баранг кўринишдаги бу кўҳна дунёдан жаннат томон хиром қилди. Агар кимда-ким вафоти таърихи сўраса, «Маҳдумдан кейин бир йил ўтгач» – деб айтинг. Бу ерда таърих

Ҳақ субҳонаху ва таоло ҳар замон юз қандил нур ва ҳар дам минг машъал берур, пурфутуҳ руҳиға нозил қилсун ва анинг руҳи мададидин бу шикаста ва ғамзада ва бу хаста мотамзаданинг дунё мақосидин ва охири муродотин ҳосил!

*То ҳашр уза анинг марқади пурнур ўлсун,
Ҳақ раҳматидин равон мағфур ўлсун,
Жаннат чаманида руҳи масрур ўлсун,
Кавсар суйи бесоқий анга ҳур ўлсун.*

НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР³²⁶

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

МУҚАДДИМА

Ҳар лаолийи мансураким, фикрат ғаввоси сафо зужжожасини бошиға, тартиб риштасини қўлиға тутуб, ҳамду сано уммонидин ҳосил қилғай, ул тенгрининг шонидадурким: «Ҳал оти алал-инсона ҳийна мин ад-даҳри лам якун шайан мазкуран»³²⁷ анинг каломи фархунда фаржомидин оятдурур.

Р у б о и я:

*Ул тенгрики, жовид бақо келди анга,
Ончаки бақо жуду ато келди анга,
Бир дўстға нукта «Ҳал ато»³²⁸ келди анга
Ким, зот аро васфи «лофато»³²⁹ келди анга.*

Ва жавоҳири манзумаким, хирад сайрафиси басорат айнакин кўзиға қўюб, ихлос нуқудин оллиға тўқуб, наът ва дуо бозоридин иликка кивургай, ул расул бобинда бўла олурким «Ана мадинат ал-олам ва ала бобиҳа»³³⁰ анинг ҳадиси мўжиз низомидин ривояте бўла олур.

Р у б о и я:

³²⁶ Бу асарни Навоий Ҳазрат Алининг ҳикматларини рубоийларда талқин қилган. Муқаддимада тилга олинган Ҳазрат Амир – Ҳазрат Алидир. Асар Хусайн Бойқаро «Рисола»сига жавобан 1485 й.да ёзилган.

³²⁷ а.: Инсон бошидан бирор бир он ўтганлиги, эслашга лойиқ бирор нарса содир бўлмаган бўлсин (Қуръони мажид, Сура, Ал-инсони, 1-оят).

³²⁸ а.: ўтдими (бердими?)?

³²⁹ а.: ўтмадими (бермадими?)?

³³⁰ а.: Мен олам марказиман (шаҳримдан) ва унинг эшиги менинг устимда.

*Ул шамъки, «ваззуҳо»³³¹ қуёш юзидур,
Мазоғ била сурма чекилган кўзидур,
Анинг сариким, ўзи улу ул ўзидур,
Борча «инна минка анта минийи»³³² сўзидур.*

«Фақул салавотил-лиллаҳи алайҳа ва ала асҳобиҳи билисонил ажзварризо. Хусусан алас-Сиддиқ вал-Форуқ ва зун-нурайн вал-Муртазо»³³³.

Р у б о и я :

*Авалғини фазл дурриға уммон бил,
Сонийсини адл гавҳариға кон бил,
Солисни ҳаё гулбуниға бўстон бил,
Робиъни валоят баданиға жон бил.*

Робиъким, аносири арбаа таркиби анинг махзаниға чаҳор девор ва рубъи маскун чаҳор девори анинг панжаи валояти била барқарор дурур.

Р у б о и я :

*Дарёйи улумиу меҳри бўржи карам ул,
Олам танининг жонию жонони ҳам ул,
Султони русул бирла қадам барқадам ул,
Фарзанду рафиқу куёву ибн-амм ул.
«Разиоллоҳу анҳу ва карамаллоҳу вазҳа»³³⁴.*

Аммо баъд бу саҳифаки, «Ваш-шамс ва зуҳаҳо»³³⁵ кофурий

³³¹ а.: Оллоҳнинг кунига қасам.

³³² а.: Мен сендаман, сен мендадурсан.

³³³ а.: Мамнун тил ва ёлворишлик била дегилким, Оллоҳнинг дуоси унга ва саҳобаларига бўлғай, хусусан, Сиддиқ (Абу Бакр) ва Фаруққа (Умар) ва Зун-нурайи (Усмон) ва ал-Муртазо (Али)га ҳам бўлган.

³³⁴ а.: Оллоҳ ундан рози бўлсин ва Оллоҳ юзини ёрлақасин.

сафҳасидин ёруқроқ келди «Вал-лайли иза яғша»³³⁶ мушки била нукта тироз қилғувчи бу ҳадиқаким, «Жанота таҳарри мин таҳтиҳа ан-анҳорун»³³⁷ дин очуғроқ кўрунди» ва фоқиҳатун ва наҳлун ва руммо-нун»³³⁸ била сеҳрпардозлиқ кўргузувчи, йўқ-йўқким, ул саҳифа нуктаоройларининг гадойи ва бу ҳадиқа чаманпиройларининг дарюзанамойи фақири ҳақир, яъни Навоий (саттараллоҳу уюбаху)³³⁹.

Р у б о и я:

*Улким, баданиға токи жон бўлғусидур,
Жондин бадани ичра нишон бўлғусидур,
Килки нечаким нуктафишон бўлғусидур,
Ҳар нуктада манқабат аён бўлғусидур.*

Азизу ниёз гулчехралари юзидин бу навъ парда очар ва аларнинг зулфи сунбулларин чехралари гуллари узра сочарким, ҳақ субҳонаҳу ва таолоким, инсонни сойири махлуқотдин мумтоз ва мажмуи офаринишға сарвар ва сарафроз қилдиким: «Ва лақад карамно бани Одама»³⁴⁰ каримаси андин мухбирдурур, «Ва лақад халақно ал-инсона фи аҳсани тақвими»³⁴¹ анга мушъир. Мунга жиҳат шарафи нутқ ва мақол эрди ва мужиби лутфи каломи фархунда маол. Ҳар ойина бу жавҳари жонбахш башар хилқати конидин ва бу лулуи равонбахш инсон вужуди уммонидин зоҳир бўлмаса эрди — Исо³⁴² била маркаби аросида не тафовут ва Солиҳ³⁴³ била ноқаси ўртасида не муғоярат бўлғай эрди.

³³⁵ а.: Куёш ва тонг нури билан қасамёд қиламан (Сура, Ал-шамс, 1-оят).

³³⁶ а.: Тун билан унинг зулматида қасамёд қиламан (Сура, Ал-лайл, 1-оят).

³³⁷ а.: Боғлар ичидан дарёлар оқиб ўтади.

³³⁸ а.: Мевалар етилади, хурмолар, анорлар ўсади.

³³⁹ а.: Унинг айбларини Оллоҳ яширсин.

³⁴⁰ а.: Одам болаларини сийладик.

³⁴¹ а.: Биз инсонни энг яхши тузилиш билан яратамиз.

³⁴² Исо пайғамбар – Диний ривоятларга кўра унинг нафаси ўликни тирилтирар экан. Лақаби Масиҳ.

³⁴³ Солиҳ пайғамбар – Нуҳнинг ўғли Сом фарзандларидан. Навоий демакчики, агар www.ziyouz.com kutubxonasi

Р у б о и я:

*Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонға хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ андин.*

Бу сўзким, сойири ҳайвонот билан инсон орасида дағи тафовут анинг сабабиндур. Турфа буким, анинг орасидаға тавофут беҳадду фарқ беададдурки, «Каламу ан-носу ала қадри уқулиҳим»³⁴⁴ андин хабар берур.

Маълум бўлдиким, сўзга маротиб бор ва ҳар мартабада ҳунар маъйиб ва ул маротиб ижмоли юзидин идрок ва диққатойинлари ва уқул хурдабинлари қошида уч қисм бирла мунқасимдурур. Ва лекин тафсил ҳисобида кўпрак мутафарриъ бўлур.

Чун мухтасар мақолотда сўз маротиби мабоситининг кушойиши йўқ эрди ва муҳаққар калимотда сўз мадорижи рифъатининг оройишн сиғмас эрди, ҳар оинаким, ижмол тариқи била ихтисор қилдиким, аъло ва авсат ва адно бўлғай, аъло бобида кўпдур ва сўз йўқ деганнинг ҳам сўзи хўбдур, ул кундин аввалини малики қадим каломида ва сўзи таърифида ўз расулидин халойиққа пайғомидурким, ваҳй котиблари лавҳан ваҳйосор ўз қалами мўъжиз нигори билан: «Фаату бисуратин мин мислиҳи»³⁴⁵ салоси урубдурлар. Ва балоғат бобида якқаламалиқ садосин сипеҳр муншисидин ошурубтурлар. Ва мундин сўнгра нубувват тилининг осориким: «Ва ма янтиқу ан алҳо»³⁴⁶ анинг шонидадур. Рисолат лисонининг гуфториким: «Инна ҳу илло вуху юқо»³⁴⁷ анинг баёнидадурким, назмда балоғат ва насрда фасоҳат

инсон сўз сўзламаса, Исо билан унинг оти ва Солиҳ билан унинг туяси орасида фарқ бўларми эди?!

³⁴⁴ а.: Инсонлар ақларига яраша гапирадилар.

³⁴⁵ а.: Шунга ўхшаш сурани келтиришлари (га).

³⁴⁶ а.: У ўз хоҳиши билан гапирмаяпти.

³⁴⁷ а.: Унга очилаётган вақт келаяпти.

таърифида «Инна мин аш-шеъри ли ҳикматун ва инна мин ал-баёнис-сеҳран»³⁴⁸ буюрубдурур ва сеҳр демайким, мўъжиза кўргузубдур.

Мундин сўнгра ҳидоят гулистонининг булбули хушилҳони ва валоят шакаристонининг тўтийи ширинзабони, каромат сарпанжаси била балоғат Хайбари эшикин очқон ва карам зўрдасти била каромат баҳри лаолисин замона аҳли бошиға сочқон: икки забоналиқ килки зулфиқоридин нишона ва ул килки забоналари суръатда дулдулидек равона бу баргузиданинг назми гавҳарнишони ва насри луълуфишонидур. Андин сўнгра машойих ва авлиё («Рази аллоҳу анҳу»)³⁴⁹ сўзи бўла олур.

- Ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балоғатшиор ва булағойи фасоҳатдисор иборати фархунда ишоратларидурким, зоҳир юзидин саноеъ ойин ва бадоеъ тазйин воқеъ бўлубтур: «ало қадри маротибиҳим»³⁵⁰.

Ва адно сўз хайли авом такалуми, балки сойир уннос тараннумидурким, баъзининг алфозидин кишига маъни маълум бўлур ва баъзидин бўлмас. Ва баъзи кишининг балиғ маънилиқ алфозини маълум қилмас, балки маънисиз алфозини сурмақдин ҳам ғарази бемаъни эрканин билмас.

Оллоҳ, оллоҳ! Сўз маротиби таҳқиқи не бало дақиқдурким, анинг силкидаги жавоҳир ўзин ҳарфи тирзиққа еткурур.

Р у б о и я:

*Рифъат аро фавқи Арши аъзам сўз эмиш,
Жонбахш дами Масиҳи Марям сўз эмиш,
Маъни дурри анда барча мудғам сўз эмиш,
Улким анга маъни ўлмағай ҳам сўз эмиш.*

Сўз боғи ажаб гулистонедурким, анда жонбахш атрлиқ

³⁴⁸ а.: Ҳақиқатан ҳам шеърда, ҳикмат баёнида сеҳр бор.

³⁴⁹ а.: Оллоҳ улардан рози бўлсин!

³⁵⁰ а.: Мартабаларига лойиқ ҳолда.

ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳалик раёҳини гуногун кўпдурур ва лекин фойдасиз хасу хошоки, балки зарарлиқ хори ҳалоки ҳам бордур.

Р у б о и я:

*Лекин бу баҳор жилва оғоз қилур,
Бўстон аро гул игуҳлари ноз қилур,
Гар зоғ тикан аро ватан соз қилур,
Булбул бори гул баргига парвоз қилур.*

Чун бу нотавоннинг булбули табъи сўз гулистонин нишиман қилди ва андалиби руҳи сўз гулшанин ватан айлади — гул иси ройиҳаси димоғиға жўш солди ва гулбун насими жониға анча хуруш юзландурдиким, хасу хошок сори кўз солмади ва тикан осибидин кўнглига парво қилмади, яъни бу заифи ҳақирға чун инояти азалий ва саодати лам назалий сўз жамиласин марғуб этти ва маъни турфасин маҳбуб, ҳодийи тавфиқ борча сўзнинг тузрак тариқиға йўл кўргузди ва маънийи тахт қиқ борча маънининг ростроқ навосин базмида тузди: ложарамким, кўпрак авқотим Каломуллоҳ иштиғоли ва анинг тафосири қийлу қоли била ўтар эрди, то аҳодис дарёсиға ғавс қилур эрдим ва андин гаронмоя гавҳарлар иликка кивурур эрдим, то Ҳазрати амир сўзлари равзалари томошосиға қадам қўяр эрдим ва ҳар равзада «Ва ҳур атника мисол суллуълу ал-макнуна»³⁵¹ висолларидин баҳра топар эрдим: батахсис «Наср ул-лаолий»³⁵²ким, ул Ҳазратнинг валоят дарёсидин чиққон самин лаълулардир ва каромати уммонидин ҳосил бўлғон гаронмоя инжулар. Ва абнойи замондин ва афозили даврондин баъзидинким, табъи қасри рафиъ ул-бино³⁵³ ва илми муаскари бадеъ ул-ливо³⁵⁴ бўлғай, андоқ маълум бўлур эрдиким, бу луълуларниким, ғайрати шоҳи

³⁵¹ а.: ва кўз қораси яширин дурдек.

³⁵² а.: Сочма дурлар.

³⁵³ а.: Кенг бино.

³⁵⁴ а.: Моҳир қўмондон.

вилоятининг баҳри кафи сочибдур, форсий услуб била назм силкига тортадур. Ва ул инжуларниким, мағриб дарёси ёқасига тўкулубдур, интизом риштасига чекадур.

Ва паришон хотирға ва ошuftа замирға бу орзу кўп дағдаға солур эрдиким, туркий тили била мен ҳам ул лаолини ораста қилғаймен ва бу муддао кўп тараддуд еткурур эрдиким, мўғул услуби била мен ҳам ул жавоҳирни пироста этгаймен, то замона нав аруси зеболик либоси ул мурассаъ била зийнат топқай ва сипеҳр маснадида анжум шоҳининг сарафрозлик тожи ул тарсий била мукалал бўлғай, то андин турк улусига ҳам ҳаззи шофи ва баҳраи вофи муяссар бўлғай. Аммо машаққат ва меҳнат касратидин, балки бизоат ва фароғат қиллатидин бу мурод этагига илик ура олмас эрдим ва кўлумни бу мақсуд зайлига етура олмас эрдим, то бу файз замонким, тарих секиз юз тўқсон эрдиким, «файз»³⁵⁵ ҳуруфининг ҳосили бўлғай, адам ниҳонхонасидин ажаб ганже вужуд жилвагоҳига жилваи зухур кўргузди, латойифи лаолийи самини била мамлу ва зароифи явоқити оташини била машҳун ва инояти баҳористонидин ғариб равза очилди, маони сарву гуллари била рухпарвар мақосиди шамшод ва сунбуллари бирла руҳгустар, йўқ, йўқким жузв³⁵⁶, балки дафтаре, не дафтарким, жунге, қайси жунгким, баҳре! Жузв десам, қайси жузвнинг ҳар ҳарфи мазҳари кулл бўла олғай. Агар жунг десам, қайси жунгда юз дарё топи либдур ва агар дарё десам, қайси дарёнинг ҳар дурри қуёш гавҳарига ортуқчилик қилибдур.

Р у б о и я:

*Ҳар сафҳаси гулбарги тари келдиму де,
Ё сафҳаи рухсори пари келдиму де,
Ё ламъаи меҳри ховари келдиму де,
Ул меҳрга жони муштари келдиму де.*

³⁵⁵ «Файз» – сўздан абжад ҳисобида «Назм ул-жавоҳир» ёзилган 880 – 1485 йил чиқади.

³⁵⁶ «Жузв», «дафтар», «жунг», «баҳр» – сўзлари замирида Навоий Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола»сини назарди тутмоқда.

Ақл анинг идрокидин ожиз бўлиб, бу таронаға тараннум туздиким,

Р у б о и я:

*Не сафҳаи иқболу саодатдур бу,
Алфози аро не зебу зийнатдур бу,
Маънисида ҳар сори не диққатдур бу,
Олам элига мужиби ҳайратдур бу.*

Ва нотиқа анинг баёнидин мабҳут қолиб, бу фасонаға такаллум кўргуздиким,

Р у б о и я:

*Оллоҳ, Оллоҳ! Бу дағи иншому экин,
Ёруҳи қудс файзидин иймому экин,
Иншо демай, анфоси Масиҳому экин,
Ё қудрати Оллоҳу таолому экин.*

Сипеҳр муншисидинким, иккинчи торам кишвари анга якқаламадур, қалам тили била бу навъ садо келдиким,

р у б о и я:

*Бу худ эмас аҳли хиттаи хок сўзи,
Ҳам буйла бийик йўқ аҳли афлок сўзи,
Бу тил била эрмас эзиди пок сўзи,
Сўз демаки, эрмас аҳли идрок сўзи.*

Ва афлок хатибидинким, олам эли анинг ҳумоюн юзидин касби саодат қилур, бу нидо эшитилдиким:

*Улким бу сўз исноди анинг зотиғадуру,
Давлат юзи акси ройи миръоатиғадуру,
Ҳар хутбаки кўкта давлат исботиғадуру,
Барча анинг алқоби била отиғадуру.*

Яъни, ул кишиким, анинг ҳомаи дурбори, бу номани гавҳарнигор қилибдурур ва ул кимсаким, бу номаи гавҳарнигор дуррлари анинг ҳомаи дурборидин сочилибдурур Шаҳе³⁵⁷ дурким, олам шоҳлари анга фармонпазирдурур ва Шаҳедурким, даврон шаҳаншоҳлари рибқайи ҳукмида асир, хилофатпаноҳеким, «Инна жоила филарзи халифата»³⁵⁸ тирозидурур, анинг қомати иқболиға лойиқ адолат дастгоҳеким, «Адл соатин хайрун мин ибодати ситийна суннатун»³⁵⁹ давожидурким, анинг тах ти фалак мисоли китобасиға мувофиқ раиятнавозеким, «Иннал-лоху яъмуру бил-адли вал эҳсони»³⁶⁰ ламъадур анинг миръоти лойиқ муҳолифгузоре «Ва янҳи ан алфухашо вал-мункар ва буғо»³⁶¹ ашиъадурур анинг тиғи қаҳрида сотеъ, сафшиканеким: «Инна фатҳно лака мубинан»³⁶² дебочадурур қазо килкидин анинг шуққайи ливосиға ёқилғон аъдо афганиким: «Ва янсурака Аллоху насран азизан»³⁶³ ояти дурур қадар хомасидин анинг тиғи юзига қазилғон фасоҳат шиореким: «Айнан тасаммо Салсабилан»³⁶⁴ зулоли анинг дарёйи ҳаёт табъидин рашҳайи бўла олғай, балоғатдисореким: «Ва қийл ёрзи аблағи маъҳуди»³⁶⁵ анинг ҳуққайи пур гавҳариға такаллум вақти диққати калом била татаббуъ қила олғай.

Р у б о и я :

³⁵⁷ Мазкур «Рисола»ни ёзган шоҳ – Ҳусайн Бойқародир.

³⁵⁸ а.: Мен ерга халифа қилиб тайинлайман.

³⁵⁹ а.: Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан яхшидир.

³⁶⁰ а.: Ҳақиқатда Оллоҳ адолат ва яхшилик қилишни буюради.

³⁶¹ а.: Ва фахш, ифлослик ва адолатсизликни рад этади.

³⁶² а.: Ва Оллоҳнинг сенга кучли ёрдам бериши учун.

³⁶³ а.: Ва оллоҳнинг азизларга ёрдами сураси.

³⁶⁴ а.: У ердаги Салсабил аталмиш чашмадан.

³⁶⁵ а.: Айтилдики, эй ер-сувингни ютгил.

*Жисм ўлди жаҳон бу жисмнинг жони ҳам ул,
Тахт ўлди фалак бу тахт султони ҳам ул,
Баҳр ўлди маони гуҳарафшони ҳам ул,
Олам элининг шоҳи сухандони ҳам ул.*

*Офоқ ганжи зоти фархундасй бил,
Афлок чароғи ройи рахшандаси бил,
Жамшедни ҳашмат ичра шармандаси бил,
Донишда Скандарни камин бандаси бил.*

*Ҳар кимки заиф дилнавози де ани,
Ҳар кимки фитода чорасози де ани,
Ҳар кимки ғамин маҳрами рози де ани,
Шоҳики бу навъ Шоҳи Ғози де ани.*

Яъни, зилиллоҳи таоло ал-арзин ва қаҳрамони алмаъ ва л-
тийн ас-султон ибн ас-султон Абулғози Султон Ҳусайн
Баҳодурхондурким,

р у б о и я:

*Кўп йил ани ҳақ жаҳонда тутсун, ёраб,
Ва ҳар офатдин омонда тутсун, ёраб,
Ҳам ҳашмати бегарона тутсун, ёраб,
Ҳам давлати жовидона тутсун, ёраб.*

*Офоқ мулуки хоки роҳ ўлсун анга,
Кўк маснади тахти иззу жоҳ ўлсун анга,
Анжум адади хайлу сипоҳ ўлсун анга
Ул элга яна тенгри паноҳ ўлсун анга.*

Чун маълум бўлдиким, мундоқ шоҳи фалаксарирким, сипеҳр
муншиси анинг авсофи иншойи била гардун авроқи

ложувардисин мушкин қилса, таърифнинг юзидин бирин қилмамиш бўлғай, бу янглиғ рангин иншо қилибдурур. Ва чун шубҳа қолмадиким, бу навъ хуршеди жаҳонгирким, олтинчи поялиғ минбар хатиби анинг дуосининг жавоҳири била тўқуз фалак ҳуққаларини мамлу этиб, ончаким керак мингдин бирин адо этмамиш бўлғай, бу навъ жузви сеҳройин ароға ки вурубдурур. Фотиҳасидин хотимасиға дегинча оёти каломи малики аллом била музайян ва аҳодиси расули аном алайҳиссалоту вас-саллам била мубайян ва абёти мўъжиза монанди тарокибидин Заҳир³⁶⁶ ва Анварий³⁶⁷ руҳи шарманда ва фиқароти сеҳр пайванди салосатидин Вассоф³⁶⁸ била Табарий³⁶⁹ равони сарафканда.

Чун мақсудиға мулоҳаза қилди ва мазмуниға назар солди, ул рафиъ иборатға мазмун ҳазрати бори шукри неъматини вожиб билмак ва ул бадеъ ишоратдин мақсуд нимаеки, мужиби шукргузорлиқдурур, теъдод айламак эрди.

Ул жумладин, рубъи маскун салотиниға сарафрозлиғ, балки ақолими сабъа фуқаросиға навосозлиқ ва бавужуди бу салтанат ахлоқи ҳамида ва ҳисоли писандидаким, алар била Каюмарс ва Жамшид замонидин бу вақтқа дегинча жамиъ салотини комгоридин мумтоз бўла олмоқ ва борча хавоқини олий миқдорин имтиёз топмоқ эрди. Нечукким, бори тоало авомир ва навоҳисининг тамшияти ва саййид ул-мурсалин шариат ва сунанининг тақвияти ва адолат айни партавидин зулм зулумотин

³⁶⁶ Заҳир – Заҳир Фаробий, машхур шоир (ваф. 598 – 1201 – 1202, Табриз). Асли Фарёбдан. Ёшлигидан илм-фан, шеър, адабиёт, ҳикмат, илми нужумни ўрганишга киришади. Хуросон Мозандарон, Озарбайжонга сафар қилади. Қасидалар девони бор.

³⁶⁷ Анварий – Авҳадуддин Али ибн Муҳаммад (1105, Абивард 1187, Балх) машхур форс шоири. Тус мадрасасида таҳсил топган. Илми нужум, ҳикмат, ҳандаса, фалсафа ва тиббиёт илмларини пухта билган. Марв ва Нишопурда истиқомат қилган. Анварийнинг ҳажвиялари ғоят ўткир. Шоирни қасиданавислиқнинг пайғамбари деб таърифлаганлар. 15000 байтли девонида қасида, ғазал, рубоий ва қитъалар мавжуд.

³⁶⁸ Вассоф – Шарафуддин Абдуллоҳ. Мўғул султонларидан Ғиёсиддин даврида яшаган олим, атоқли тарихнавис.

³⁶⁹ Табарий – Муҳаммад ибн Жориф, форс донишманд тарихчиларидан. У Абу Бакр Хоразмийнинг холавачаси. «Тарихи Табарий» иоми билан машхур асар муаллифи.

Навоий бу шоир ва муаррихларга Ҳусайн Бойқарони ўхшатмоқда.

итурмак ва сиёсат «син»и аррасидин бидъат ва фасод дарахти бўйнин қатъга еткурмак ва шужоат қиличи сунидин мулк бўстонин сарсабз ва шодоб қилмоқ ва саховат саҳоби ёғинидин садафдек оғзи қуруғон софи замирларға дурри ноб сочмоқ ва ҳаводиси жигарсўз биёбонидағи сўхталарни марҳамат шодурвони соясиға тортмоқ ва навойиби ғамандузи намандуз зиндонидағи меҳнат андухталарни навозиш кирёс ва айвони паноҳиға сиғурмоқ ва нотавон раоёға ҳар кун шафқати тоза ва бехонумон ғурбоға марҳамати беандоза зоҳир қилмоқ.

Ва сойир бу навъ афъол ва бу янглиғ хисолким, ҳам ул номи ва фикраст ва кироми дебочада мазкур ва мастурдурурким, тафсили мужиби татвил ва таъвили боиси қийлу қол бўлурким, борча мужиби шукри беҳад ва ҳамди беададурлар.

Ва яна ул жумладин, фазлу камол ва ҳусни мақол аҳли марқум эрдиким, илмлари дарёсидин сипеҳрнинг гунбади обгуни ҳубоб ва анжумнинг қатороти сиймобтуни дурри ноб бўла олғай ва фазллари гулистонидин ҳар ҳақир гулбунни гунбади нилуфари ва ҳар камина сариқ гулни хуршеди ховари деса бўлғай ва назмлари жонбахш ва равонлиғидин чашмаи ҳаёт оғзида сув ва насрлари тафриқ ва нишотангизлиғидин субҳи содиқ лабида кулгу ва бу жамъ аржуманд зумрасида ва бу ҳайли бемонанд орасида жавоҳир силкида чашм захм дафъи учун шабани тортқондек бу тийра рўзгорни ҳам сиғуруб ва раёҳин дастасидин айн ул-камол газанди манъи учун хошокни чеккандек бу хоксорни ҳам кивуруб эрдилар. Агарчи жавоҳир аро шаба кирса аларнинг қийматиға нуқсон бўлмас ва раёҳин ичра хошок тушса аларнинг накҳатиға зиёне юз қўймас.

Аммо гавҳар аросики, жавоҳир силкига шабани чекса, бу тартибининг муқобаласида шаба ғайри қуллуғ не қилғай, балки анинг қуллуғидин ҳам не келгай. Ва гулдаста бандеки, раёҳин орасида хошокни сиғурғай, бу тақвияти ўтрусида хошокдин ғайри афтодалиқ не келгай, балки анинг афтодалиғидин ҳам не очилғай. Оллоҳ, оллоҳ! Не ёвадурурки, дермен: ҳайҳот, ҳайҳот! Не ҳазаёндулки, айтурмен!

Саҳоби мутири тар доман қатрани манзалатда дарёга еткурубдурур. Сипехри даввор шабнам рашошасиға анжум зиёси берибдурур ва чархи зул-иқтидор туфроқ ажзосини қуёшдин ўткарибдурур.

Яъни, ул Ҳазрати гардун рифъат авсофин битирға котиби лавҳи қалам илгига олса, варақ сафҳасидин ўзга лойиқ эрмас, бу хоксори безътибор васфида кофуркирдор варақ узра мушкбор хома сурубдурур ва ул жаноби малакий интисобким, таърифин қилурда ақли кулл натиқаси лол бўлуб, ажздин такаллумга ёри; бермас ва хошоки таърифиди баёзваш сафҳа баёзиди ахтар монанд жавоҳир тўкубдурур.

Р у б о и я:

*Бир заррани меҳри зарфишон васф этмиш,
Бир қатрани баҳри бекарон васф этмиш,
Бир хастани Исойи замон васф этмиш,
Бир бандасини шоҳи жаҳон васф этмиш.*

*Бир зорки туфроғ айлади ғам ани,
Эл қадрда кўрди заррадин кам ани,
Чекти фалак узра Арши аъзам ани,
Хуршеддек айлади мукаррам ани.*

*Хар хаски ишин чарх мазаллат қилғай,
Туфроғ аро поймоли меҳнат қилғай,
Давлат анга онча қадр руфъат қилғай —
Ким, поя аро тубийи жаннат қилғай.*

Басорат аҳли тааммул қилсунлар ва ҳамият хайли тафаккур айласунларки, бу пашшай заиф юз пили боло мавҳибат муқобаласида не қила олғай ва бу гадойи наҳиф минг ганжи сипехросо саховат узрин нетиб кўла олғай. Агар дуоға иктифо қилсам, фаразанки ҳаётим минг йил бўлса ва ҳар сари мўюм

ўрнига минг тил ва ул тиллар борча дуоға жори ва ул дуолар ўқи истижобат сайдиға кори, юз мингдин бирининг муқобаласида бўлмағай. Ва агар маҳол муддаоға йўл бериб, қўлумдин келса, афлокнинг тўққиз хонида кавокиб жавҳарин ва анжум лаолисин ул Ҳазратнинг бошиға сочсам, балки аёғиға тўксам, ул Ҳазрат сочқон дуррлар олдида не кўрунғай ва анинг ҳиммати жанобида бу фулкиёна муҳаққар не бўла олғай.

Р у б о и я:

*Бу фикр ғам ўтиға кабоб этти мени,
Бу дағдаға бетоқату тоб этти мени,
Бу қайғу асири изтироб этти мени,
Ҳосилки, бу андеша хароб этти мени.*

Боқиб турай десам ҳамият рухсат бермас ва боқиб турмасам ҳеч иш анинг чораси эрмас, ҳайрат илгида лол ва машаққат хайлиға поймол эрдимки,

р у б о и я:

*Иқбол ионат ибтидо қилди манга,
Афлок гуҳарларин фидо қилди манга,
Ҳотифки башорати нидо қилди манга,
Мазмунини бу навъ адо қилди манга —*

ким, бу навъ луълуларки, шоҳ бошининг нисориға лойиқ бўлғай т-иларсен ва андоқ инжуларким, шаҳаншоҳ фарқининг ийсориға мувофиқ бўлғайки, истарсен — каромат уммонидин тила ва валоят баҳри бекаронидин иста.

Р у б о и я:

Гавҳар керак эрса бенаволиқ айла,

*Эҳсони била комраволиқ айла,
Баҳи қафидин анинг гадолиқ айла,
Дарёйи карамға ошнолиқ айла.*

*Дарёйи карам кимгаки огоҳдурур,
Билдикки, валоят аҳлиға шоҳдурур,
Гумроҳларға барандаи роҳдурур,
Бу бешада яъни Асадуллоҳ³⁷⁰дурур.*

Ҳотифи фархунданафас чун ишоратин билдим — Ҳазрати Амир «Наср ул-лаолий»³⁷¹си таржимаси азимати қилдим.

Ул валоят дарёсининг ғаввосй ҳар лаоликим, дуррфишон хомасидин наср қилибдурур ва ул ҳидоят лужжасининг шиноси ҳар дурреким гавҳаррез илигидин сочибдурур, борчасин бу ҳумоюн Ҳазратнинг меҳрпартав тожиға муносиб ва бомиқдор кўрдум ва мажмуин бу рўзафзун давлатнинг насихатшунав қулоғиға мувофиқ ва сазовор топтим. Ул сочилган дуррларни бу Ҳазратнинг олий исмиға вазн қаффасиға қўйдум ва тўкулган лаолини бу махдумнинг бийик алқобиға назм риштасиға чектим. Агарчи силки бир-биридин гусиста ва дурари шикаста ва бастадурур, умид улким, қабул хозинларининг қўлиға тушгай ва ижобат ганжурларининг махзани қабулиға киргай ва бурунғи нозим таржима қилғондек ҳар нуктани бир рубойй адо қилилди ва ҳар рубоййнинг тўрталаси мисраъини муқаффои мураддаф маръи тутулди.

Р у б о и я:

*Ҳар бириси тўрт риштаи дуррму экин?
Ёлуълуи дарёйи тафаккурму экин?
Ё ҳар биридин дуррға тафоҳурму экин?*

³⁷⁰ Асадуллоҳ – Оллоҳнинг шери: Ҳазрат Алининг лақаби.

³⁷¹ «Наср ул-лаолий» (сочма лаълу-марварид, қимматбаҳо тошлар). Ҳазрат Али қаламига мансуб ҳикматлар мажмуаси.

Сўз руҳиға йўқса тўрт унсурму экин?

*Ҳар бирини тўрт дурри шаҳвор дегил,
Тўртунчи фалакда меҳри заркор дегил,
Рубъи маскунда Каъбаи осор дегил,
Байт ул-муқаддасқа тўрт девор дегил.*

Алҳамду лиллоҳи таолоки, бу рубъи маскунда шоҳнинг чаҳор болиш салтанати солди ва чаҳор болиш салтанат узра тўртунчи фалакнинг гирд болишин муттақо қилди, яъни бу рубоийлар шоҳ алқобиға назм силкида интизом топтилар ва бу тароналар шоҳи хусрави жам жоҳ отиға шароити ихтитоми ўзлариға топтилар, чун «Наср ул-лаолий»ни назм силкиға тортилди, отин «Назм ул-жавоҳир» қўюлди.

Р у б о и я:

*Ёраб, ул жавоҳирларники, манзум эттим,
Чекканим анга ҳар нуктаки, маълум эттим,
Ҳар нуктага бир тарона марқум эттим,
Кўп гавҳар анинг зимнида мактум эттим.*

*Сен доғи улус кўнглига марғуб эт ани,
Ошиқвашлар қошида маҳбуб эт ани,
Толиб қилибон халқни матлуб эт ани,
Мазмуни киби боштин-оёқ хўб эт ани.*

*Сўз бирла Навоий этма бедод эмди,
Бер маърифат авроқини барбод эмди,
Шаҳ нуктасидин халқни қил шод эмди,
Мақсудни яъни айла бунёд эмди.*

1. Иймону маръи йуърафу биаймониҳи³⁷²

³⁷² 1.Кишининг иймони аҳдига вафо қилишидан билинади.

Иймони анингки куфрига сотир эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки иймон ишида моҳир эрур,
Иймонини билки, отидин зоҳир эрур³⁷³.

2. Аху-ка ман ва асока фил-шиддати³⁷⁴

Қардошинг эмас улки қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош санга,
Ким, қилди қатиғлиғда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.

3. Изҳор ул-ғаний минаш-шукри³⁷⁵

Шукр айлади шиддатда рижо изҳори,
Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори,
Мол истасанг эт шукру сано изҳори-
Ким, шукр демак қилур ғино изҳори.

4. Аддиб ийолака танфаъухум³⁷⁶

Топтинг чу аёл яхшилиқ еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил,
Ҳар неча адаб бўлса, қатиғ еткургил,
Хайлингға адаб қилиб асиғ еткургил.

5. Адаб ул-маръи хайрун мин заҳабиҳи³⁷⁷

³⁷³ Ҳазрат Алига нисбат берилган ҳадисларни Тошкент Давлат Шарқшунослик институти аспиранти Абулфаиз Саидасқаров таржимасида изоҳлар аввалида келтирамиз ва миннатдорчилик билдирамиз.

³⁷⁴ 2. Фалокат етканда ёрдамга келган киши – биродаринг.

³⁷⁵ 3. Бойликнинг изҳори – шукрдир.

³⁷⁶ 4. Болаларингни тарбия қил – уларга фойда келтирасан.

³⁷⁷ 5. Кишининг одоби унинг бойлигидан яхшидир.

Олтин-кумуш этма касб давлат кунидин-
Ким тортар адаб улусни меҳнат тунидин,
Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

6. Адоъ уд-дайнн мин ад-дини³⁷⁸

Хўб эрмас дайн муддаоси элга-
Ким, қаттиғ эрур бурч балоси элга,
Қайтармоқ эрур анинг давоси элга-
Ким, диндин эрур бурч адоси элга.

7. Аҳсин илал-мусиъи тасуддуху³⁷⁹

Гар хасм жафосидин сарандоз ўлғунг,
Доим таабу аламға анбоз ўлғунг,
Сен лутф этиб агар навосоз ўлғунг,
Бу важҳ била анга сарафроз ўлғунг.

8. Ихвану ҳаза аз-замани бавасис ул-уйуби³⁸⁰

Даҳр элики келди аҳли номус бори,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бори,
Олингда неча қилса заминбўс бори,
Лекин бордур айбинга жосус бори.

9. Истироҳат ун-нафси фил-йаъси³⁸¹

Ҳақдин дурур элга аҳли таънид ўлмоқ,
Навмид ўлуб толиби тажрид ўлмоқ,

³⁷⁸ 6.Бурчни ўташ – диндандир.

³⁷⁹ 7.Ёмонга яхшилик қилиш билан уни қайтарган бўласан.

³⁸⁰ 8.Бу замоннинг одамлари айб қидирувчилардир.

³⁸¹ 9.Рухнинг роҳати маъюсликдадир.

Чун яъс дурур осудаи жовид ўлмоқ,
Роҳат етурур нафсқа навмид ўлмоқ.

10. Ихфоъ уш-шада оиддун мин ал-муруввати³⁸²

Олам тарки кишига ҳимматдин эрур-
Ким, кўп шиддат ул сори рағбатдин эрур,
Нафсингға қаю аламки шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ ани мурувватдин эрур.

11. Бирр ул-волидайни салафун³⁸³

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.

12. Башшир нафсака биз-зафари баъд ас-сабри³⁸⁴

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабриғин анинг шарорат англа,
Иш сабр сори анга ишорат англа,
Сабрни зафар сори башорат англа.

13. Баракат ул-умри фи ҳусн ил-амали³⁸⁵

Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
Яхши амал асбоби саодат бўлғай,
Гар яхши амал кишига одат бўлғай,
Умри бу амал бирла зиёдат бўлғай.

³⁸² 10.Мурувват қийинчиликларни тўсади.

³⁸³ 11.Ота-онага меҳрибонлик – меросдир.

³⁸⁴ 12.Ўзингга сабрдан кейин зафар келишини билдириб қўй.

³⁸⁵ 13.Умрнинг баракаси чиройли амаллардадир.

14. Баракат ул-маоли фи адоъ из-закоти³⁸⁶

Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга садқасини бот айлагасен,
Молингдин агар сарфи закот айлагасен,
Кўпрак бўлуриға илтифот айлагасен.

15. Баъ ад-дунё бил охирати тарбаху³⁸⁷

Дунё била неча зебу оро қилмоқ,
Ул зеб ила дўзах ўти барпо қилмоқ,
Мумкин эмас эрса тарки дунё қилмоқ,
Уқбо била хушдур ани савдо қилмоқ.

16. Буқоъ ул-маръи мин хашйат-иллоҳи қуррату айнии³⁸⁸

Ҳар кимки хушуъ уйини маскан қилғай,
Олам сижинин ҳақ анга маъман қилғай;
Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилғай,
Ул ашк анинг кўзини равшан қилғай.

17. Батн ул-маръи адувваху³⁸⁹

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатқа тани маскандур,
Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки эр ўғлиға қорин душмандур.

18. Букрат ус-сабти вал-хамиси баракатун³⁹⁰

³⁸⁶ 14. Мол-дунё баракаси закотни адо этишда.

³⁸⁷ 15. Бу дунёни охират учун сотиб юбор, фойда кўрасан.

³⁸⁸ 16. Кишининг Оллоҳдан кўрқиб йиғлаши кўзни равшан қилади.

³⁸⁹ 17. Кишининг қорни – душманидир.

³⁹⁰ 18. Шанба ва пайшанба тонглари баракадир.

Кўп келди замонанинг мукаррар субҳи,
Баракат дуридан топмади зевар субҳи,
Кўргузмади они чархнинг ҳар субҳи,
Жуз шанбау панжшанбаи анвар субҳи.

19. Бало ул-инсони мин ал-лисони³⁹¹

Сўзидин кишиким ғаму бало ҳосилдур,
Ҳар нуктада тили деса бало дохилдур,
Бесирфа деган кишига тили қотилдур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

20. Баррик ло тубтилху бил-манни³⁹²

Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига ҳойил қилма,
Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилиғни ботил қилма.

21. Башошат ул-маръи атийматун-сониййатун³⁹³

Эҳсонки бировга сийрату сон келди,
Ашколи спехр олдида осон келди,
Эҳсон ҳар неча зеби инсон келди,
Эҳсонда тараб икинчи эҳсон келди.

22. Таваккал алаллоҳи йакфика³⁹⁴

Ҳар ишдаки ҳаққа мултамас бўлғусидур
Иш саъб эса тенгри чорарас бўлғусидур,
Ҳар йўлгаки кўнглунгга ҳавас бўлғусидур,

³⁹¹ 19.Инсонга бало тилдан келур.

³⁹² 20.Эзгулик қил, аммо уни миннат қилиш билан йўқ қилма.

³⁹³ 21.Кишининг мулойимлиги [эҳсондан сўнг] иккинчи совғадир.

³⁹⁴ 22.Оллоҳга таваккал қил – шунинг ўзи кифоя.

Тенгрига таваккул санга бас бўлғусидур.

23. Таъхир ул-асрЪати мин ал-иқболи³⁹⁵

Не ишки ёмонлиғ ўлди таъсири анинг,
Йўқ дарду надамдин ўзга тавфири анинг,
Муқбил агар истар ўлса тадбири анинг,
Иқболдурур кишиға таъхири анинг.

24. Тадорака фи охир ил-умри мо фотака фи аввалиҳи³⁹⁶

Куллук ишида қисмати авқот айла,
Чун умрға эътимод йўқ бот айла,
Умр аввалида ҳисоби мофот айла,
Умр охирида қазойи мофот айла.

25. Такосул ул-марЪи фис-салоти мин даъф ил-иймони³⁹⁷

Ҳар кимки эрур тамом таваккул анда,
Бўлғуси намоз бетааммул анда,
Ҳар кимки аён этар тағофул анда,
Иймон заъфидур такосул анда.

26. Таффала бил-хайри танулҳу³⁹⁸

Бас кимсаки меҳнат ичра солди ғам ани
Ким, яхши тафаъул айлади хуррам ани,
Фолеки ёмондурур айлагил мубҳам ани,
Ўз фолини яхшиким топарсен ҳам ани.

27. Тағафал анил-макруҳн тавфирун³⁹⁹

³⁹⁵ 23.Балонинг кечикиши – иқболдир.

³⁹⁶ 24.Умринг аввалида ўтган ишлар хатосини умринг охирида тўғрилади.

³⁹⁷ 25. Кишининг номозда эринчоқлик қилиши – иймонининг заифлигидандир.

³⁹⁸ 26.Яхшилик башоратини бер – уни ҳада этгандай бўласан.

Гар даҳр элидин етишса макруҳ санга,
Албатта керак бўлмаса андуҳ санга,
Ул ишда тағофул ўлса анбуҳ санга,
Ортар тавқир кўҳ то кўҳ санга.

28. Тараҳума ал-аёдийа ало ат-таъоми баракатун⁴⁰⁰

Меҳмоннинг меҳрин асрағил жон ичра,
Неъмат қалин айла хони эҳсон ичра,
Ҳар неча адад ўксук эса нон ичра,
Баракат етурур қалин илик хон ичра.

29. Татруф битарк из-зунуби⁴⁰¹

Кўнглунгга хирад йўлин падидор айла,
Бу нақдқа жонингни харидор айла,
Ҳар ишда хирадни ўзунгга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла.

30. Тавозуъ ул-маръи юкримуҳу⁴⁰²

Таъзимда улки эҳтимоми бўлғай,
Ул мужиби иззу эҳтироми бўлғай,
Ҳар кимки тавозуъ амри коми бўлғай,
Ул феъл ила халқ аро киромий бўлғай.

31. Салосун муҳкотун бухлун ва ҳаван ва ужбун⁴⁰³

Уч феъл эрур кишига қотил охир,

³⁹⁹ 27.Макруҳ ишни рад этишда ғофиллик қилсанг, у кўпайиб бораверади.

⁴⁰⁰ 28.Қўлларнинг таом билан меҳрибонлик қилиши барака келтиради.

⁴⁰¹ 29.Гуноҳларни тарк этишга ғайрат қил.

⁴⁰² 30.Кишининг камтаринлиги унга ҳурмат келтиради.

⁴⁰³ 31.Уч нарса ҳалоқатга олиб келади: бахиллик, худбинлик ва такабурлик.

Қотиллик аро захри ҳалоҳил охир,
Бухл англа бирин.бирин ҳаво бил охир,
Қил ужбни ҳам аларға дохил охир.

32. Сулс ул-иймони ҳайоъун ва сулсуҳу вафоун ва сулсуҳу саҳоъун⁴⁰⁴

Уч қисм ила иймонға бино фаҳм айла,
Аввалғисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини дағи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, саҳо фаҳм айла.

33. Сулмат уд-дини мавт ул-уламоъи⁴⁰⁵

Илм ўлди шараф дин аро ҳар ойинға,
Бормоқ бўлур ўргангали ани Чинға,
Динда уламо мужиб эрур тазйинға,
Ўлмоқлик аларға раҳна солди динға.

34. Сулмат ул-ҳирси ло йасуддуҳо иллот-туроби⁴⁰⁶

Ҳирс ўлса қаноат ўтиға ёқ ани,
Яъники адам риштасиға тоқ ани,
Не раҳнаки ҳирс айлағай боқ ани,
Маҳкам қилғай магарки туфроқ ани.

35. Субот ул-мулки фил-адли⁴⁰⁷

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,

⁴⁰⁴ 32.Уч нарса иймондандир: ҳаё, вафо ва саҳийлик.

⁴⁰⁵ 33.Уламолар ўлими динга раҳнадир.

⁴⁰⁶ 34.Ҳирс етказган раҳнани фақат тупроқ тўлдиради.

⁴⁰⁷ 35.Ҳуқмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади.

Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

36. Савоб ул-охирати хайрун мин наъиймид-дунё⁴⁰⁸

Дунёки ўтар юрт мисоли бўлғай,
Анда не иқомат эҳтимоли бўлғай,
Уқбо хабарики лоязоли бўлғай,
Хушроқ бу наимдинки холи бўлғай.

37. Сун ихсонака било-иътизори⁴⁰⁹

Эҳсонки қилурсен ифтихор айлаб ани,
Оламда улук иш эътибор айлаб ани,
Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани,
Қилғил ики онча эътизор айлаб ани.

38. Субот ун-нафси бил гизоъи ва субот ур-руҳи билғиноъи⁴¹⁰

Кўз топти жамол дилрабо бирла сабот,
Кўнгул доғи васли жонфизо бирла сабот,
Нафс уйлаки касб- этти ғизо бирла сабот,
Руҳ айлади жонфизо ғино бирла сабот.

39. Санов ур-ражули ала муътийҳи мустазийдун⁴¹¹

Куфрон била ҳар кимки ўзи дун қилғай,
Камлик сори неъматини вожун қилғай,
Чун шукрга ўз тилини мақрун қилғай,
Ўз неъматин ул шукр ила афзун қилғай.

40. Жуд бимо тажиду садақ ал-амри⁴¹²

⁴⁰⁸ 36.Охират савоби дунё роҳатидан яхшидир.

⁴⁰⁹ 37.Эҳсон қилсанг, уни хокисорлик билан яна такрор эт.

⁴¹⁰ 38.Тан овқат билан, руҳ эса куй билан тирикдир.

⁴¹¹ 39.Кишининг берувчига раҳмати унинг неъматларига барака беради.

Майдони саҳо ичра жалолат кўргуз,
Топқонни берур амриға одат кўргуз,
Бухл айласа, нафсингға адоват кўргуз,
Ҳар нимаки топилса саховат кўргуз.

41. Жаҳд ул-муқилли касирун⁴¹³

Ҳар кимдаки даҳр ибтилози кўпдур,
Йўқ бок агар ҳаққа ризоси кўпдур,
Борлиқда агар даҳр жафоси кўпдур,
Йўқсизда вале фоқа балоси кўпдур.

42. Жамол ул-маръи фил-ҳилми⁴¹⁴

Ҳар кимдаки даҳр ичинда донолиқ эрур,
Ҳилм ила иш анга мажлисоралиқ эрур,
Ойини таҳаммулда тавонлиқ эрур,
Юк чекмак уйла кишига зеболиқ эрур.

43. Жалис ус-суъи шайтонун⁴¹⁵

Яхшилиқдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур санга осойиши жон ҳамсуҳбат,
Чун бўлди малак нафърасон ҳамсуҳбат,
Шайтон сангаким дурур ёмон ҳамсуҳбат.

44. Жавлат ул-ботили соатун ва жавлат ул-ҳаққи илас-соати⁴¹⁶

⁴¹² 40. Нимаики топсанг, садақа қил.

⁴¹³ 41. Фақир учун оз бало ҳам кўпдир.

⁴¹⁴ 42. Кишининг ҳусни – мулойимлигидадир.

⁴¹⁵ 43. Ёмон дўст – шайтондир.

⁴¹⁶ 44. Ботилнинг умри бир соат, ҳақиқатники эса қиёмат соатигададир.

Ботилки чақилса барқи тобони анинг,
Кўзини юмуб очқунча имкони анинг,
Ҳаққим йўқ нафъ ичинда поёни анинг,
Бўлғуси қиёматқача жавлони анинг.

45. Жалис ул-маръи мислуҳу⁴¹⁷

Йўқ олам ичинда фардлик меҳнатидек-
Ким, кимсага қилса ёрлик нисбатидек,
Бўлғуси хисоли ёрининг хислатидек,
Бордур кишининг чу феъли ҳамсуҳбатидек.

46. Жавдат ул-каломи фил-ихтисори⁴¹⁸

Ҳар кисаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сўзким десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисорида дурур.

47. Жалис ул-хайри ғаниматун⁴¹⁹

Ёреки тегар бировга озори анинг,
Ақл олдида тенгдурур йўқу бори анинг,
Ёреки эрур ҳамида атвори анинг,
Кўрмакка ғанимат ўлди рухсори анинг.

48. Жуд бил-касири ва қониъ бил-калили⁴²⁰

Жудеки хирад буюрса тобеъ бўлғил,
Нафс айласа бухл мариға монеъ бўлғил,
Озу кўп аро бир сўзумга сомеъ бўлғил,

⁴¹⁷ 45. Кишининг ҳамсуҳбати унинг ўзи каби бўлади.

⁴¹⁸ 46. Сўзнинг яхшиси – қисқадир.

⁴¹⁹ 47. Яхши ҳамсуҳбат – ғаниматдир.

⁴²⁰ 48. Беришда кўп бер, олаётганда оз билан қаноатлан.

Кўп бергилу озға лек қонєъ бўлгил.

49. Жолас ал-фуқарои таздад шукран⁴²¹

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай,
Фақр аҳли била ангаки суҳбат бўлғай,
Шак йўқки, зиёда шуки неъмат бўлғай.

50. Жалла ман ло ямуту⁴²²

Гардунки халойиққа вафоси йўқ анинг,
Жавр ичра кичик-улуққа поси йўқ анинг,
Ҳар кимки кичик бўлса бақоси йўқ анинг,
Сен они улуқ билки, фаноси йўқ анинг.

51. Ҳилм ул-маръи авнуҳу⁴²³

Ҳар кимки иши таҳаммул изҳори эрур,
Албатта муқорин анга кирдори эрур,
Йўқким мадад ичра улу бу ёри эрур —
Ким, ҳилми таҳаммули мададгори эрур.

52. Хулй ир-рижол ил-адабу⁴²⁴

Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил,
Ҳар кимки адабсиздур, ишин абтар бил,
Алқисса эранларга адаб зевар бил.

53. Ҳаё ул-маръи сатруҳу⁴²⁵

⁴²¹ 49. Камбағаллар билан суҳбатда бўлиш, шукрни кўпайтиради.

⁴²² 50. Улмайдиган нарса – улуғдир.

⁴²³ 51. Кишининг юмшоқ феълли бўлиши унинг мададкоридир.

⁴²⁴ 52. Кишиларнинг безаги – одобдир.

Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатға сахоб ўлди ҳаё,
Мазмум хасоилга ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айниға гўёки ниқоб ўлди ҳаё.

54. Ҳамузот ит-таъоми хайрун мин ҳамузот ил-каломи⁴²⁶

Гар захр била кишига ком ўлса ачиғ,
Юз ончаки сўз била мудом ўлса ачиғ,
Ҳар неча мазоқ аро таом ўлса ачиғ,
Хушроқдурур андинки, калом ўлса ачиғ.

55. Ҳиддат ул-маръи тухликуху⁴²⁷

Табъ ичра эрур таҳаммуломизлиги,
Андин ортуққи ваҳшатангизлиги,
Жон қасди этар кимса ғазабрезлиги,
Алқисса, кишини ўлтурур тезлиги.

56. Ҳаррам ал-вафоу лиман аслалаху⁴²⁸

Беасл халойиққа сафо келди ҳаром,
Ҳар ишки эрур ғайри жафо келди ҳаром,
Ҳам жавр асл эл аро келди ҳаром,
Ҳам асли йўқ эл ичра вафо келди ҳаром.

57. Хуснул-лулқи ғаниматун⁴²⁹

Бадхўйки, ўз қилғанн раҳматдур анга,

⁴²⁵ 53. Кишининг ҳаёси – унинг пардасидир.

⁴²⁶ 54. Аччиқ сўздан аччиқ овқат яхши.

⁴²⁷ 55. Кишининг қизиққонлиги уни ҳалокатга бошлайди.

⁴²⁸ 56. Ёмонга вафо – ҳаромдир.

⁴²⁹ 57. Хулқ чиройлилиги – ғаниматдир.

Ором халойиқ сори тухматдур анга,
Ким хўйи ямон бўлса, машаққатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши ғаниматдур анга.

58. Ҳирфат ул-маръи канзуҳу⁴³⁰

Косиб кунжи кафи зар олғинчи эрур,
Икки қўли мезони дирамсанжи эрур,
Ким бўлса ҳунарсиз иши-ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.

59. Хавф аллоҳу таъмана ғайруҳу⁴³¹

Ҳақдин эмин бўлубки жон топқайсен,
Ғайридин хавфи бегарон топқайсен,
Андинки ражойи жовидон топқайсен,
Хавф айлаки, ғайридин амон топқайсен.

60. Хайр ул-асҳоби ман йадуллука алал-хайрн⁴³²

Асҳоб аросида ани бил шарлик-
Ким, шар сори анлагай далиловарлиқ,
Яхши ул эрурки, айлабон боварлиқ,
Қилғай санга яхшилик сори ёварлиқ.

61. Холаф нафсака тастариҳу⁴³³

Нафс амрида ҳар нечаки толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлук тиласанг, синғайсенг
Ком истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингга хилоф айлаким, тинғайсен.

⁴³⁰ 58. Ҳунар – кишининг бойлигидир.

⁴³¹ 59. Худодан қўрқсанг бас, ундан бошқасидан омон бўласан.

⁴³² 60. Дўстларнинг яхшиликка бошлагани – яхшироқдир.

⁴³³ 61. Нафсингга қарши тур – дам оласан.

62. Халил ул-маръи далил уд-диниҳи⁴³⁴

Ҳар кимки, назари шамъ яқин келди анга,
Дин аҳли гадойи хўшачин келди анга,
Қил анга назарки, ҳамнишин келди анга-
Ким, соҳиби-ўқ далили дин келди анга.

63. Хулув ул-қалби хайрун мин малаъ ил-кийси⁴³⁵

Ҳар нечаки кимса фақр помоли эса,
Ғам йўқтур агар сафо кўнгул олий эса,
Гар кисса аро тўла жаҳон моли эса,
Хушроқ андин агар кўнгул холи эса.

64. Хулус ул-вадди мин ҳусн ил-аҳди⁴³⁶

Аҳдингнинг агар бор эса мезони дуруст,
Асра ани иқбол ниғақбони дуруст,
Ҳар дўстки, сўз ичра десанг они дуруст,
Холисдур агар бор эса паймони дуруст.

65. Хайр ун-нисо ил-вадуд ил-валуди⁴³⁷

Хайли зуафоки бевафолиқ фанидур,
Ҳийла уйи ул гуруҳнинг масканидур.
Яхшиси деса киши кўп севганидур,
Кўп севса ва кўп туғса аҳсанидур.

66. Хайр ул-моли мо анфақа фи сабил ил-лоҳи⁴³⁸

⁴³⁴ 62. Кишининг дўсти – унинг динига далилдир.

⁴³⁵ 63. Қалбнинг холи бўлиши – чўнтакнинг тўла бўлишидан яхшидир!

⁴³⁶ 64. Дўстнинг холислигини унинг ваъдасига амал қилишидан бил!

⁴³⁷ 65. Хотиннинг яхшиси – суюмли ва кўп туғадиганидир.

⁴³⁸ 66. Молнинг Оллоҳ йўлида сарф бўлгани – яхшироғидир.

Молингки эрур, кому ҳаво йўлида харж
Жоми маю лаҳни жонфизо йўлида харж,
Бордур ямон айламак риё йўлида харж,
Яхшиси эрур, бўлса худо йўлида харж.

67. Даво ўл-қалб ир-ризоу бил-қазои⁴³⁹

Ҳар кимга ливойи чарх фарсуд керак,
Кўнглида сипеҳр дарди мавжуд керак,
Ҳар кимгаки, кўнгли дарди нобуд керак,
Ҳар неки қазодин ўлса, хушнуд керак.

68. Доъун-нафси ил-ҳирсу⁴⁴⁰

Гар айтур эсанг, бўлай жувонмард охир,
Қил ҳирсни фақр йўлида гард охир,
Ҳирс ўтидин бўлма дардпарвард охир-
Ким, нафсга ҳирсдин етар дард охир.

69. Доъун-нафси ва наъл-ҳирсу⁴⁴¹

Ҳирс офатини нафс ҳавоси билғил,
Қўймоқ ани нафс муддаоси билғил,
Нафсингга алам ҳирс балоси билғил,
Кечмак мундин анинг давоси билғил.

70. Дори ман жафока таҳжилан лаҳу⁴⁴²

Ҳар кимки, сени раво кўрар шиддатиға,
Сен кўпрак иштиғол эт анинг хизматиға,

⁴³⁹ 67. Қалбнинг шифоси – қазога рози бўлиш.

⁴⁴⁰ 68. Кишига алам – ҳирсдан етади.

⁴⁴¹ 69. Кишининг офати – ҳирсининг инжиқлигидан деб бил.

⁴⁴² 70. Кимса сенга жафо қилса ҳам, ундан уялиб муроса қил.

Гар тутмас ул ҳариф ўз хислатиға,
Сен лек мадори қил анинг хижлатиға.

71. Далилу ақл ил-маръи қавлуҳу⁴⁴³

Одамки, демак била киромийдуру бас,
Сўз дурри ишининг интизомидуру бас,
Сихҳат ончаки, аҳли ақл комидуру бас
Ақлиға далил анинг каломидуру бас.

72. Далилу асл ил-маръи фаълуху⁴⁴⁴

Кимни тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин десанг англайн, фиолин англа,
Кирдориға боқиб, асл ҳолин англа,
Аслиға далил анинг хисолин англа.

73. Давом ус-сурури бируят ил-ихвони⁴⁴⁵

Қардошлар очилмасунким оралари,
Фаррух бўлсун кавкаби сайёралари,
Васл ила йироқлиқларининг чоралари-
Ким, келди фарах мужиби наззоралари.

74. Давлат ун-наводи офат ил-рижоли⁴⁴⁶

Муқбиллар ишида кўп латофат билгил.
Идборда ул эл аро масофат билгил,
Нокаслар ишин айни касофат билгил,
Давлатларини эранга офат билгил.

⁴⁴³ 71. Кишининг сўзи – ақлига далолатдир.

⁴⁴⁴ 72. Кишининг асл эканлигини феъли намоён қилади.

⁴⁴⁵ 73. Дўстларни кўриш, хурсандчиликка хотима бермайди.

⁴⁴⁶ 74. Нокасларнинг давлати – кишиларнинг офати.

75. Дайн ул-маръи хузнуҳу⁴⁴⁷

Ҳар кимсаким, бурч ранжининг дарҳамидур,
Ғамнинг ёрию дарднинг ҳамдамидур,
Кўрмаклик вомхоҳни мотамидур,
Алқиссаки, бурч одамининг ғамидур.

76. Давлат ул-мулуки фил-адли⁴⁴⁸

Шаҳуббаҳату ҳашматидур адли била,
Иқбол доғи шавкат эрур адли била,
Олам эли амниятидур адли била,
Султонларнинг давлатидур адли била.

77. Динор уш-шажиҳи ҳажарун⁴⁴⁹

Жайъ этмак азалда топти тақсим бахил-
Ким, этмади сийм элга таслим бахил,
Чун харж қилур чоғда курар бийм бахил,
Тош ҳукмидадурки, жамъ этар сийм бахил.

78. Дум ала казам ил-ғайзи таҳмуду авоқибака⁴⁵⁰

Таврунгда гунаҳ кечурмокин мавжуд эт,
Суд қилибон бу навъ беҳад суд эт,
Эл ғуссасини сингурмокин мақсуд эт,
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт.

79. Зарр ут-тоғи фи туғёниҳи⁴⁵¹

⁴⁴⁷ 75.Кишини бурчи – маҳзун бўлиш.

⁴⁴⁸ 76.Шоҳларнинг давлати адолат узрадир.

⁴⁴⁹ 77.Бахилнинг олтини фойдасиз тошдан ўзга нарса эмас.

⁴⁵⁰ 78.Жаҳлга йўл берма – оқибатлари мақталади.

⁴⁵¹ 79. Исён қилувчини ўз исёни ҳалок қилади.

Фармон хатин айлагил рақам жон ичра,
Туғён рақамини ташла найрон ичра,
Тоғеки, ўзин солмади фармон ичра,
Қўй нофармон халқни туғён ичра.

80. Занобун воҳидун касирун ва алфу тоъатин қалили⁴⁵²

Гар эмас эсанг зуҳдға дамсоз ҳануз,
Фисқ ичра қилур эсанг таку тоз ҳануз,
Кўп англа бир ўлса журм носоз ҳануз,
Гар минг ўлса тоат эрур оз ҳануз.

81. Зикр ул-авлиёъи тунзил ур-раҳмата⁴⁵³

Халқ ичра ҳақ авлиёсини бил раҳмат,
Ул хайлдин ўлди элга мойил раҳмат,
Зикр айлаб аларни ҳосил раҳмат-
Ким, зикрлари айлади нозил раҳмат.

82. Зулл ул-маръи фит-тамаъи⁴⁵⁴

Ҳар кимки, тамаъдурур гирифторлиғи,
Не суд анга аҳли сахо ёрлиғи,
Иззат бермас нақду дирам борлиғи-
Ким, бўлди тамаъдин кишининг хорлиғи.

83. Завақат ус-салотини муҳрифат уш-шафатайни⁴⁵⁵

Шаҳ хони ғамин қўйки, тарабни ўртар,
Иссиғ оши турку арабни ўртар,
Топмоғлиғ ани аҳли адабни ўртар,

⁴⁵² 80. Гуноҳнинг биттаси ҳам кўп, ибодатнинг мингтаси ҳам камдир.

⁴⁵³ 81. Авлиёларни эслаш – илоҳий раҳмат ёғдиради.

⁴⁵⁴ 82. Кишининг тўғри йўлдан озиши – таъмадан.

⁴⁵⁵ 83. Подшоларнинг овқати лабни куйдиради.

Тотмоғлиғ ани худ икки лабни ўртар.

84. Далил ул-фақри ғаризун индал-лоҳи⁴⁵⁶

Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб сийм харидори азиз,
Халқ оллидадур фақр талабгори азиз,
Ҳақ оллида фақрнинг эрур хори азиз.

85. Зикр уш-шабоби ҳасратун⁴⁵⁷

Қарики эрур, кўнглига синмоқ ҳасрат,
Жонига йигитликни қилинмоқ ҳасрат,
Ҳар ишда йигитларга ёлинмоқ ҳасрат,
Сўз ичра йигитликни соғинмоқ ҳасрат.

86. Залоқат ул-лисони зот ул-моли⁴⁵⁸

Сокит бўлур офоқ аро ҳол ияси,
Ойини фанода турфа аҳвол ияси,
Мол ўлса яқин билки эмас мол ияси,
Невчунки анинг лек эрур мол ияси.

87. Зикр ул-мавти-жалоъ ул-қулуби⁴⁵⁹

Ҳар кимки, ўлум сўзин демак фан айлар,
Уз ҳолиға бу сўз била шеван айлар,
Таврини сулук ичинда аҳсан айлар-
Ким, руҳни ўлмак сўзи равшан айлар.

88. Руъйат ул-ҳабиби жилоъ ул-айни⁴⁶⁰

⁴⁵⁶ 84. Фақирларнинг энг хори Оллоҳ ҳузурида азиздир.

⁴⁵⁷ 85. Ёшликни эшлаш – ҳасратдир.

⁴⁵⁸ 86. Тилнинг равонлиги – бойлик эгасидир.

⁴⁵⁹ 87. Ўлимни эшлаш – қалб жилосидир.

Ҳар кимки, муҳаббат уйини маскан этар,
Кўнглига ҳабиб кўйини гулшан этар,
Кўз касби зиё дўст юзидин фан этар,
Маҳбуб юзин кўрмаги кўз равшан этар.

89. Роъа абока юроъука-биука⁴⁶¹

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки, атоғи кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

90. Рафоҳият ул-айши фил-амни⁴⁶²

Даврон аро кимса ранж паймудалиғи,
Бушмас гар эмас фароғ камбудалиғи,
Ноамнлиқ ўлди халқ фарсудалиғи.
Амн ичра бўлур маош осудалиғи.

91. Рутбут ал-илми алар-рутбати⁴⁶³

Ҳақ берди чу элга илм сармоясини,
Хуршед уза солди уламо соясини,
Олғанлар анинг рутбасидин воясини,
Билдик боридин бийик анинг поясини,

92. Ризқука юатлубка фастарих⁴⁶⁴

Айлар чу сукут топса тил осойиш,

⁴⁶⁰ 88.Севимли кишини кўриш – кўзни равшан қилади.

⁴⁶¹ 89.Отангга риоят қил – болангдан қайтади.

⁴⁶² 90.Яшашнинг гўзаллиги – осойишталикнинг мавжудлигидадир.

⁴⁶³ 91.Илмнинг даражаси – сифатидадир.

⁴⁶⁴ 92.Хотиржам бўл – ризқингни ўзи сени топиб олади.

Ҳам бўлмаса дастранж эл осойиш,
Рўзини тилар таркини бил осойиш,
Рўзи тилар эрмиш сени қил осойиш.

93. Расул ул-мавт ил-вал одату⁴⁶⁵

Танга ҳаёт жомидур комрасон,
Бўл танға нишот комидин жомрасон,
Жонға ҳам ўлумдин бурун ором расон
Ким, туғмоқ эрур ўлумга пайғом расон.

94. Раъунот ин-нафси таъбуҳо⁴⁶⁶

Ишдур санга ҳақ-сори қадамфарсолиқ,
Қилма тилабон лаҳв жаҳонпаймолиқ,
Кўп нафсга бермагил жамолоролиқ-
Ким, ранжга солур ани кўп раънолиқ.

95. Роъ ал-ҳаққа инди ғалабот ин-нафси⁴⁶⁷

Ўрмоқта амал заръи фано досини тут.
Иблис бу йўлда ақл васвосини тут,
Ҳақ йўлида нафсингга ўлум косини тут,
Нафсинг ғалаботи вақти ҳақ посини тут,

96. Рифқ ул-маръи далилу ақлиҳи⁴⁶⁸

Ким ақл йўлида тутса маъво охир,
Тонг йўқ эл ичинда бўлса доно охир,
Рифқ айламаги ҳар ишта авло охир-
Ким, ақл далилидур мадуро охир.

⁴⁶⁵ 93.Ўлимнинг хабарини туғилиш беради.

⁴⁶⁶ 94.Нафсга безак берма – уни чарчатасан.

⁴⁶⁷ 95.Нафсинг ғалаба қилса, ҳақ йўлини тут.

⁴⁶⁸ 96.Кишининг меҳрибонлиги ақлига далолатдир.

97. Зин ур-рижולי мавози йафҳум⁴⁶⁹

Маҳрам. тиласанг сидқ ила гуфториға боқ,
Пир истар эсанг сулуку атвориға боқ,
Ғавр айла кишига доғи кирдориға боқ,
Не қилсанг анинг шонида миқдориға боқ.

98. Зир ул-маръи ала қадри киромиҳи⁴⁷⁰

Ёрингни тонир ишта маҳорат айла,
Диққат била ҳолиға басорат айла,
Мукрим эса изҳори башорат айла,
Жудиға кўра они зиёрат айла.

99. Завоё-ад-дунё машхунатун би-р-разоё⁴⁷¹

Гардунки, анинг жавфида мамлу ғамдур,
Ҳар бир ғамида юз ибтило мудғамдур,
Дунёдаки, эл навҳаси зеру бамдур,
Ҳар зовияси анинг тўла мотамдур.

100. Зиёрат ул-ҳабиб ил-ҳарроъ ул-муҳаббати⁴⁷²

Ҳар кимки ҳабибинг ўлса эврул бошиға,
Маҳв ўл юзиға, жонни фндо қил қошиға,
Тош урса, равонингни туфайл эт бошиға,
Таждиди муҳаббат англа бормоқ қошиға.

101. Зиёрат уз-зуъафоъи миннаттавозуъи⁴⁷³

⁴⁶⁹ 97. Кишиларнинг вазни – тарозиларидир.

⁴⁷⁰ 98. Кишини зиёрат қилиш унинг саховатига қараб бўлади.

⁴⁷¹ 99. Дунё бурчаклари мотамларга тўладир.

⁴⁷² 100. Дўстларни зиёрат қилиш муҳаббатни оширади.

⁴⁷³ 101. Заифларнинг ҳолидан хабар олиш – камтарликдандир.

Заъф аҳлига алтоф таваққуъ билгил,
Лутфунг била ул элга тараффуъ билгил,
Бу нуктани нас йўқ, тасомуъ билгил,
Ул қавм зиёратин тавозуъ билгил.

102. Зийнат уботини хайрун мин зийнат из-зоҳири⁴⁷⁴

Эйким, қиласен жилвау ишрат чоғи зеб,
Мустаҳсан эмас эр кишининг қилмоғи зеб
Гар бўлса ишинг кўпраги ё озроғи зеб,
Зоҳирдин эрур сутуда ботиндоғи зеб.

103. Зухд ул-омий музиллатун⁴⁷⁵

Ким бор эса ҳаққа даргоҳ хоклиғи,
Илм ортуқким, икки жаҳон шоҳлиғи,
Олам фисқида бордур огоҳлиғи,
Оми киши бўлди зуҳди гумроҳлиғи.

104. Суъ уз-занни минал-ҳазми⁴⁷⁶

Хуштурур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига,
Фақр аҳли йўлида нотавонлиқ кишига,
Ҳожат эмас асру хурдадонлиқ кишига,
Кўп ҳазмдан ўлди бадгумонлиқ кишига.

105. Сурурука бид-дунё ғурурука⁴⁷⁷

Ганж узра аёғингга мурур ўлди ғурур,
Гулгашт эта гулшанда ҳузур ўлди ғурур,

⁴⁷⁴ 102. Ботиний ҳусн зоҳирий ҳусндан яхшироқдир.

⁴⁷⁵ 103. Авом кишининг зоҳидлиги – гумроҳликдир.

⁴⁷⁶ 104. Бадгумонлик – кибрдандир.

⁴⁷⁷ 105. Дунё билан фахрланиш – кибрдир.

Дунё соридин санга сурур ўлди ғурур,
Бу борча ғурур ўлди, ғурур ўлди ғурур.

106. Суъ ул-хулқи ло халоса фиҳо⁴⁷⁸

Кўнглунгни арит борча ямон хислатдин-
Ким, яхши қилиғ далил эрур раҳматдин,
Бадхўйлиқ ул ваҳшат эрур шиддатдин-
Ким, элга халослиқ йўқ ул ваҳшатдин.

107. Сийрат ул-маръи табни ан сариратҳи⁴⁷⁹

Десанг топай эл замиридин боре хабар,
Сирридин эрур таври намудори хабар,
Таврин кўру равшан айла ҳар сори хабар-
Ким, кўнглидагидин берур атвори хабар.

108. Саломат ул-инсони фи ҳифз ул-лисони⁴⁸⁰

Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,
Ҳар навъ ишда истиқомат бўлмоқ,
Сўздур анга мужиби гаромат булмоқ,
Тил забтидадур анга саломат бўлмоқ,

109. Содат ул-уммат ил-фуқаҳоъу⁴⁸¹

Қолғон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фиқҳ ўргансун саъй ила ул меҳнат аро,
Илм ичра шараф фиқҳда бил нисбат аро-
Ким, сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

⁴⁷⁸ 106. Ёмон хулқдан халос бўлиш қийин.

⁴⁷⁹ 107. Кишининг руҳий оламини унинг сийрати очиб беради.

⁴⁸⁰ 108. Инсон тилига эҳтиёт бўлса саломат бўлади.

⁴⁸¹ 109. Фиқҳ уламолари – халқ сарваридирлар.

110. Сакрат ул-аҳёи суъ ул-хулқи⁴⁸²

Нохуш қилсанг кишига маълум қилиғ,
Билким, ани зоеъ айлар ул шум қилиғ,
Дун бўлса эрур кишига масмум қилиғ,
Душвордурур кишига мазмум қилиғ.

111. Силоҳ уз-зуъафоъи шикойатун⁴⁸³

Ким дардидин этса меҳрибонларға гила,
Осойиш эрур ғамзада жонларға гила,
Эрмастур яхши паҳлавонларға гила-
Ким, бўлди силоҳ нотавонларға гила.

112. Самм ул-маъа фит-тавозуъи⁴⁸⁴

Кўп етти шикаст сарбаланд ўлмоқ аро,
Ул навъки қадар мустаманд ўлмоқ аро,
Касб айла бийикликни нажанд ўлмоқ аро-
Ким, рифъат эрур ниёзманд ўлмоқ аро.

113. Сукут ул-лисони саломат ул-инсони⁴⁸⁵

Тил илдомидин бўлур ғаромат ҳосил,
Юз навъ надомату маломат ҳосил,
Оз сўзлаганидин истиқомат ҳосил,
Сокитлигидин вале саломат ҳосил.

114. Шайн ул-илм ис-салафу⁴⁸⁶

⁴⁸² 110. Қалбан уйғоқ кишининг маст бўлиши – хулқларнинг ёмонидир.

⁴⁸³ 111. Нотавонларнинг кураши шикоят орқали бўлади.

⁴⁸⁴ 112. Тавозеъли киши – улуғ кишидир.

⁴⁸⁵ 113. Тил сукути – инсон саломатлиги.

⁴⁸⁶ 114. Илмнинг заволи – мақтанишдадир.

Ҳар кимгаки табъ жоми соф ўлди яқин,
Билмак сори анга иттисоф ўлди яқин,
Ҳар нукта аро лофу газоф ўлди яқин-
Ким, илмға айбу шайн лоф ўлди яқин.

115. Шарр ул-умури ақрабуҳо мин аш-шарри⁴⁸⁷

Хар ишки улус оллида мавзун бўлғай,
Килғон ани ҳар бахт ҳумоюн бўлғай,
Иш поёники зишту вожун бўлғай.
Улдурки ямон иш била мақрун бўлғай.

116. Шаммир фи талаб ил-жаннати⁴⁸⁸

Нутқунгни улусқа уйлаким шаҳд айла,
Сўз талх демасга ҳақ била аҳд айла,
Жонингни маҳзи худо учун маҳд айла,
Жаннат талабида жид била жаҳ айла.

117. Шаҳх ал-ғанийю уқубатун⁴⁸⁹

Хар кимсаки жуд иктисобидур анинг,
Эл мафхари зот комёбидур анинг,
Ҳар кимсаки, бухл иртикобидур анинг,
Гар бўлса ғани, бухл азобидур анинг.

118. Шамматун минал-маърифати хайрун мин касир ил-амали⁴⁹⁰

Ирфон аҳлиға эл ниёзи яхши,
Таъзим ила лутфи дилнавози яхши,

⁴⁸⁷ 115. Ёмонга яқин бўлган иш – ёмон ишдир.

⁴⁸⁸ 116. Жаннат талабида белингни маҳкам боғла.

⁴⁸⁹ 117. Бойнинг бахиллиги унинг азобидир.

⁴⁹⁰ 118. Кўп тоатдан оз маърифат яхши.

Гар маърифат ўлса чорасози яхши,
Тоат кўпидин, маърифат ози яхши.

119. Шайбука ноъийка⁴⁹¹

Кўйғувчи боғирға ҳузн доғи қарилик,
Солғувчи ғаму бало сўроғи қарилик,
Тутқувчи тўло фано аёғи қарилик,
Ўлмак хабарин бергувчи доғи қарилик.

120. Шафоъ ул-жинони мин қироъат ил-қуръони⁴⁹²

Қуръонки эрур муждаи жони ўқумоқ,
Йўқ, йўқки, ҳаёти жовидони ўқумоқ
Бил кўнглунга истасанг шифони ўқумоқ-
Ким, келди кўнгул шифоси они ўқумоқ.

121. Шарт ул-ўлфати тарк ул-кулфати⁴⁹³

Улфат ишида эрур тахаллуф қилмоқ,
Дилжўйлуқ айларда таваққуф қилмоқ,
Улфат шартини бетаассуф қилмоқ,
Билгилки, эрур тарки такаллуф қилмоқ.

122. Шарр ун-носи ман ятқийҳ ин-носу⁴⁹⁴

Эл қочса бировдин эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они,
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон ямони бил они.

⁴⁹¹ 119.Қарилик ўлим хабарини келтиради.

⁴⁹² 120.Жаннатий бўлишни истасанг Қуръон ўқи.

⁴⁹³ 121.Улфатчилик шарти – кулфат йўқлигидир.

⁴⁹⁴ 122.Кишиларнинг ёмонроғи – халқдан ўзини олиб қочувчисидир.

123. Сидқ ул-маръи нажотуху⁴⁹⁵

Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,
Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг,
Хушроқки тавил ўлса ҳаёти эрнинг-
Ким, сидқдин-ўқ дурур нажоти эрнинг.

124. Сихҳат ул-бадани фис-савми⁴⁹⁶

Доим тут ўзунга рўзанинг меҳнатини-
Ким, руҳқа еткурур сафо давлатини,
Сихҳат тиласанг қилғил анинг ниятини-
Ким, рўзада қўйдилар бадан сихҳатини,

125. Сабрука юврас уз-зафару⁴⁹⁷

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар,
Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарға мақрун айлар.

126. Салавут л-лайли баҳоъун бин-наҳори⁴⁹⁸

Кўп қилма намоз амрида бепарволиқ,
Ракъат била қил оҳ хадангин ёлиқ,
Қилсанг кеча саждаға жабинфарсолиқ,
Кундузунга ул намоз эрур зеболиқ.

127. Салоҳ ул-бадани фис-сукути⁴⁹⁹

⁴⁹⁵ 123. Кишининг тўғри сўзлилиқ фазилати унинг нажоткоридир.

⁴⁹⁶ 124. Баданнинг сиҳати – рўзадан.

⁴⁹⁷ 125. Сабр ғалаба келтиради.

⁴⁹⁸ 126. Тунда ўқилган намоз кундузга хусн бўлади.

⁴⁹⁹ 127. Тан сиҳатлиги – сукутдан.

Дахр ичра сукут жомидин мадҳуш ўл,
Лаб бирла сўзунг юзига бурқаъпўш ўл,
Демонки, сўз айтурға балоғат кўш ўл,
Нафсингға салоҳ истар эсанг хомуш ўл.

128.Салоҳ ул-инсони фи ҳифз ил-лисони⁵⁰⁰

Оз нукта дегил, тилар эсанг жонға салоҳ,
Ташвишли ғалдт биймидин иймонға салоҳ,
Инсон ани билки, ком эрур онга салоҳ,
Тил ҳифзидадур зумраи инсонға салоҳ.

129. Соҳиб ул-аҳёри яъману ул-ашрора⁵⁰¹

Асли мақсуд соридур йўл суҳбат,
Фархунда кишики топқай ўшул суҳбат,
Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.

130. Самт ул-жоҳили сутруху⁵⁰²

Жоҳилки ғараздур ашҳабу жарда анга,
Сўз рахши батидур тараб айларда анга,
Эрмас чун нутқ нуктапарварда анга,
Хомушлуғи ҳолиғадур парда анга.

131. Сила раҳмака таксуру ҳашамака⁵⁰³

Ҳар неча қаробатдин алам кўплугидур,
Суҳбатлари андуху ситам кўплугидур,
Вуслатлари гарчи элга ғам кўплугидур,

⁵⁰⁰ 128.Инсон саломатлиги – тилга эҳтиёт бўлишлиқда.

⁵⁰¹ 129.Яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш – ёмонликдан асрайди.

⁵⁰² 130.Нодоннинг сукути – айбларига пардадир.

⁵⁰³ 131.Меҳрибон бўл – ҳурматли бўласан.

Қил вуслат аларғаким ҳашам кўплугидур.

132. Салоҳ уд-динн фил-зароғи ва фасодху фит-тамағи⁵⁰⁴

Динкнм, анга афъоли табаъдин бўлди,
Қалқон анга «азза ман қанаъ»дин бўлди.
Андоқки салоҳ анга вараъдин бўлди,
Билгилки, фасод анга тамаъдин бўлди.

133. Залла саъйу ман ражаъа ғайр ул-лоҳи⁵⁰⁵

Ҳақдин кишиким йўқ орзухоҳлиғи,
Билгилки, гадоликдур анинг шоҳлиғи,
Жуз ҳақдин анингки бўлса огоҳлиғи,
Уммиди эрур ғояти гумроҳлиғи.

134. Замман ал-лоҳу ризқа кулла аҳадин⁵⁰⁶

Ҳар кимки, яқин анга муҳаққақ бўлди,
Оллида маош ишида равнақ бўлди,
Қилмоқ тамаъ элга саҳви мутлақ бўлди,
Эл қисматининг кафили чун ҳақ бўлди.

135. Зарб ал-ҳабиби авжаъу⁵⁰⁷

Ким дўст дурур нозу наим англа ани,
Душман эса нийрони жаҳим англа ани,
Тан хок эса хасмдин, салим англа ани,
Зарбеки ҳабиб урар, алим англа ани.

136. Зиё ул-қалби мин акл ил-ҳалоли⁵⁰⁸

⁵⁰⁴ 132. Диннинг саломатлиги – худодан қўрқишда; фасоди эса – магирликдир.

⁵⁰⁵ 133. Оллоҳдан ўзга кишига умид боғлаган киши – гумроҳдир.

⁵⁰⁶ 134. Оллоҳ ҳар бир нарсанинг ризқига кафилдир.

⁵⁰⁷ 135. Дўст ачитиб гапиреди.

То ишқ балосига фақир ўлди кўнгул,
Ҳар кўзи ҳаримиға асир ўлди кўнгул,
Ҳурмат аро тийра масир ўлди кўнгул,
Маъқули ҳалолдин мунир ўлди кўнгул,

137. Зарб ул-лисони ашадду-мин таън ис-синони⁵⁰⁹

Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин-
Ким, эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин,
Ҳар неки санга етар лисон оғриғидин,
Билгилки, қатикдурур синон оғриғидин.

138.Залла ман ракана илал-ашрари⁵¹⁰

Майл айла ҳамиша меҳрибонлар сори,
Яхшилару турфа кордонлар сори,
Дол ўлди ямон кишига қонлар сори,
Озди кишиким, борди ямонлар сори.

139. Залла ман боъ ад-дина бид-дунё⁵¹¹

Дунё сориким майл ўқин отти, ахий,
Анинг ваҳлиға белича ботти, ахий,
Гумроҳ улус ичра ўзин қотти, ахий,
Дунёға бировки дунёни сотти, ахий.

140. Зоқа садруҳу ман зоқа ядуҳу⁵¹²

Улким қўлида дурри лаоли бўлғай,

⁵⁰⁸ 136.Қалб нури – ҳалол таомдан пайдо бўлади.

⁵⁰⁹ 137.Тил зарбаси – тиш оғриғидан кучлироқ.

⁵¹⁰ 138.Ёмонга қайишган киши – залолатдадир.

⁵¹¹ 139.Кимки динни дунёга алиштирган бўлса, йўлдан адашибди.

⁵¹² 140.Қўли очиқ бўлмаган кишининг юраги тор бўлади.

Ғамнинг анга қайда эҳтимоли бўлғай,
Муфлис бўлмоқ тараб заволи бўлғай,
Ғамгиндурур улки, илги холи бўлғай.

141. Зоқат ид-дунё алал-мутаноқизина⁵¹³

Хайлеки маваддат ошкор айладилар,
Авқот хазонини баҳор айладилар,
Жамъики мухосамат шиор айладилар,
Кенг даҳр ўзига тангу тор айладилар.

142. Тоба вақту ман васақа бил-лоҳи⁵¹⁴

Улким, туну кун кўнгли муроди ҳақдур,
Ҳар ғуссада ороми фуоди ҳақдур,
Юз ҳар сориким, кетурса ҳоди ҳақдур,
Хуш вақти анингки, эътимоди ҳақдур.

143.Тубо лиман рўзиқа бил-офийяти⁵¹⁵

Дардиға анингки ҳақ даво қилди насиб,
Мақсудини айламак раво қилди насиб,
Ул кимсага ойини худо қилди насиб—
Ким, офият ишин анго қилди насиб.

144. Тул ул-умри минат-тоъати мин халиъ ил-анбиёи⁵¹⁶

Тоат сори қил тилингни жорий охир-
Ким, андин эрур эл эътибори охир,
Тоатда узун умр шумори охир,
Топқонға бил анбиё шиори охир.

⁵¹³ 141.Дунё – қалби торлар учунгина тордир.

⁵¹⁴ 142.Оллоҳга ишонганнинг вақти чоғ бўлади.

⁵¹⁵ 143.Офият ила ризқлантирилган киши қандай яхши!

⁵¹⁶ 144.Умр бўйи ибодат – набийлар шиоридир.

145. Тола умру ман қасара таъбаҳу⁵¹⁷

Хуш вақти фано базми сори борғоннинг,
Йўлдин ўзлук қайдини қайтарғоннинг,
Қисқорди ҳаёти ғам ичин ёрғоннинг,
Умри узун ўлди ранжи қисқорғоннинг.

146. Талаб ул-адаби авло мин талаб из-заҳаби⁵¹⁸

Ҳақ йўлида нафсинға таабдур яхши,
Неким санга амри этти, талабдур яхши,
Дема тараб айларда занабдур яхши-
Ким, андин эл истарга адабдур яхши.

147. Тир маъ ал-ашколи⁵¹⁹

Ножинс ила лутфу инбисот оз -айла,
Ҳампешани ҳамнишину ҳамроз айла,
Ҳаммашраб ила нишот оғоз айла,
Ҳамжинс била ҳамиша парвоз айла.

148. Тола умру ман қасара ражаъуху⁵²⁰

Дунё сори бормаву бўл ондин навмид,
Бўлғил йўқса азиз жондин навмид,
Ҳар кимсаки ул бўлди жаҳондин навмид,
Ул бўлмади умри жовидондин навмид.

149. Тоъат ул-адувви ҳалакун⁵²¹

⁵¹⁷ 145. Ғам азоби қисқарганнинг умри узун бўлади.

⁵¹⁸ 146. Одоб талабида бўлиш – дунё талаб этишдан авлодир.

⁵¹⁹ 147. «Кабутар – кабутар билан учади, ғоз – ғоз билан».

⁵²⁰ 148. Қаноатли кишининг умри узун бўлади.

⁵²¹ 159. Душманга итоат – ўлимдир.

Тут ҳақ тарафи касби саноат қилмоқ,
Ҳақдин неки юзланса, қаноат қилмоқ,
Жон топмоқ эрур дўстға тоат қилмоқ,
Душманға ўлумдурур итоат қилмоқ.

150. Тоъат ул-лоҳи ғаниматун⁵²²

Шайтон йўлидин айла ҳазимат зинҳор,
Қилғил раҳмон сори азимат зинҳор,
Тоат била бер ўзунгга қиймат зинҳор,
Ҳақ тоатини англа ғанимат зинҳор.

151. Зулм ул-маръи язруъуху⁵²³

Даврон кишига зулм фузун айламагай,
То они таабға раҳнамун айламагай,
Эл зулм ила халқии забун айламагай-
Ким зулму-ўқ они сарнигун айламагай.

152. Заломат ул-мазлуми ло тузиъу⁵²⁴

Золимки, тилар айласа олам зоеъ,
Мазлумни бедоди этар кам зоеъ,
Мазлумни гарчи айлагай ғам зоеъ,
Ул ранжки чекти бўлмағай ҳам зоеъ.

153. Зулм уз-золими яудуху илал-ҳалоки⁵²⁵

Золимки, эрур зулму жафо ҳосил анга,
Зулм этгали-ўқ хотир ўлур мойил анга,

⁵²² 150.Оллоҳга тоат – ғаниматдир.

⁵²³ 151.Киши зулм қилса, ўзи хор бўлади.

⁵²⁴ 152.Мазлумнинг ранж-уқубати зоеъ кетмайди.

⁵²⁵ 153.Золимнинг зулми уни ҳалоқатга йўллайди.

Бўлмоқ хуш эмас қилғонидин хушдил анга,
Ўз зулмидин-ўқ ўлғусидур қойил анга.

154.Замаъ ул-моли ашадду мин замаъ ил-моъ⁵²⁶

Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортуқ,
Тарк этмак ани кавну маконднн ортуқ,
Сувсизға сув шавқи бўлса жондин ортуқ
Бил, сифлаға мол шавқи ондин ортуқ.

155.Зиллу умр из-золими қасирун⁵²⁷

Золимки, шиор этти жафо поясини,
Ўз воясин истаб олди эл воясини,
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

156.Зилл ул-карими васиъун⁵²⁸

Мукрим ишини кўрки, бадеъ ўлди базе,
Боғида хариф анга рабеъ ўлди базе,
Чун гули мурод анга рафеъ ўлди базе,
Ул нахлға ҳам соя васеъ ўлди базе.

157. Зилл ул-аъвижи аъважу⁵²⁹

Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам,
Тузлук эрмас шифосию вояси ҳам-
Ким, эгри кишининг эгридур сояси ҳам.

⁵²⁶ 154.Мол-дунёга ташналик – сувга ташналиқдан кучлироқдир.

⁵²⁷ 155.Золим умрининг сояси қисқа бўлади.

⁵²⁸ 156.Сахийликнинг сояси кенг бўлади.

⁵²⁹ 157.Букри кишининг сояси ҳам эгридир.

158. Иш қаниъан тақун маликан⁵³⁰

Қилсанг тамаъ элдин ҳадафи хузлон бўл,
Саргаштау хору бесару сомон бўл,
Тарки тамаъ айла, ҳокими даврон бўл,
Яъники, қаноат айлаву султон бўл.

159. Улувв ил-ҳиммати минал-иймони⁵³¹

Гар бўлса асоси қасри давлат олий,
Иймонға бўлур равони ҳашмат олий,
Ҳиммат топар иймон била рутбат олий,
Иймондин эрур гар ўлса ҳиммат олий.

160. Айб ул-каломи тавийлуҳу⁵³²

Бермас татвил чун суҳандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга,
Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга.

161. Оқибат уз-золими ваҳиматун⁵³³

Одил кўзига бу каъба, ул дайр ўлмас,
Золимда жафо қилурда эл ғайр ўлмас,
Одилға бажуз хайр сори сайр ўлмас,
Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

162. Адуввун оқилун хайрун мин садиқин жоҳилин⁵³⁴

⁵³⁰ 158. Қаноат билан яшасанг, шоҳликка ҳам эришасан.

⁵³¹ 159. Олий ҳимматлик – иймондандир.

⁵³² 160. Узун гап – нуқсонли гапдир.

⁵³³ 161. Золимнинг охири яхши бўлмайди.

⁵³⁴ 162. Ақлли душман – аҳмоқ дўстдан яхшироқдир.

Ҳар кимки, хирад йўли сори мойил эса,
Бу дўст анга ҳар нечаким қойил эса,
Бир дўстдин ортуқдур агар жоҳил эса,
Андоқ душманки, зийраку оқил эса.

163. Уср ул-амри муқаддамат ул-юсри⁵³⁵

Мушқиллик илаки иш адоси келди,
Сўнгра анга «ал-айш» нидоси келди,
Иш саъбки, одами балоси келди,
Осонлиғу айши ибтидоси келди.

164. Алайка бил-ҳифзи дун ал-жамъи минал-кутуби⁵³⁶

Дониш тилаю ҳар сори гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб нетгайсен,
Саъй айлаки, ҳифзи ганжиға етгайсен,
Йўқ улки, кутуб саъй ила жамъ этгайсен.

165. Уқубат уз-золими суръат ул-мавти⁵³⁷

Ким ила бўлса тийра авқотлиғи
Бор лозими умр тулининг ётлиғи,
Бот бўлғай ажал бисотиға мотлиғи,
Золимға уқубатдур ўлум ботлиғи.

166. Ақийбу кулли явмин лайлатун⁵³⁸

Кофур қошида мушк соро эрмиш,
Гул жанбида сунбул ошкоро эрмиш,

⁵³⁵ 163.Ишнинг қийини – осонига эшик бўлади.

⁵³⁶ 164.Китобларни йиққандан кўра, ундаги нарсаларни хотирангда сақлаганинг яхшироқ бўлади.

⁵³⁷ 165.Золимининг уқубати – ўлимининг тезкорлигидир.

⁵³⁸ 166.Ҳар бир тундан сўнг албатта кун келади.

Ҳар юз била бир зулфи сумансо эрмиш,
Ҳар кун сўнгида бир кеча пайдо эрмиш.

167. Ғанима ман салама⁵³⁹

Гардунки эрур тиғзани жоҳилдек,
Ҳар кун анга узундурур бир йилдек,
Тонгдин оқшомға қон тўкар қотилдек,
Солимлиғин андин эл ғанимат билдик.

168. Ала қадр ил-муттақина ва ала қадр ил-мутаваккалина⁵⁴⁰

Не бўлғусидур аҳли тажохул қадри,
ЁЕ зумраи аъвону такосул қадри,
Йўқ дайрда арбоби тағофул қадри,
Беҳад бўлур асҳоби таваккул қадри.

**169. Ғамрат ул-мавти аҳвану мин мажолисати ман ло яҳвоҳу
қалбука⁵⁴¹**

Гар кўрса ўлум ғамин ниҳоний кўнглунг,
Ул ранжда қолса жовидоний кўнглунг,
Ул кимсача эрмас ўлса фоний кўнглунг-
Ким, суҳбат аро истамас они кўнглунг.

170. Ғулумун оқилун хайрун мин шайхин жоҳилин⁵⁴²

Гар кимсада зоҳир ўлса тамкини хирад,
Андин билгилки топти тазйини хирад,
Андоқ қариким йўқ анда ойини хирад,

⁵³⁹ 167. Соғлиқ – ғаниматдир.

⁵⁴⁰ 168. Тақводордан ҳам кўра Оллоҳга таваккал қилувчиларнинг қадри кўпроқдир.

⁵⁴¹ 169. Ўлим ғами – қалбинг севмаган киши билан ҳамсуҳбат бўлишдан энгилроқдир.

⁵⁴² 170. Оқил гўдак – нодон кексадан яхшироқдир.

Ул ёш ортуққи, топти талқини хирад.

171. Ғоба хаттуҳу ман ғоба нафсаҳу⁵⁴³

Эй ҳажр, мени сен айла жондин ғойиб,
Лекин қилма ул остондин ғойиб,
Ҳар кимсаки, бўлди бир макондин ғойиб,
Ҳам бўлди анинг баҳраси ондин ғойиб.

172. Ғадрука ман даллака алал-усоъати⁵⁴⁴

Ғаддорки қисмингни малолат қилди,
Ғам кишваридин санга рисолат қилди,
Уз жонини қадрингға ҳаволат қилди-
Ким, сени ямонлиққа далолат қилди.

173. Ғашшака манис-хатака бил-ботили⁵⁴⁵

Шукр айлаки, ҳақ аҳли яқин қилди сени,
Ғар сабру таҳаммулға қарин қилди сени,
Узр этти санга доғи ҳазин қилди сени,
Ботил била улки ҳашмгин қилди сени.

174. Ғазабука анил-ҳаққи муқбиҳатун⁵⁴⁶

Доим тилаган айшу тараб нохуштур,
Нўш айламаган ранжу тааб нохуштур,
Ёлғонға киши қилса ғазаб нохуштур,
Чиндин ғазаб этмагинг ажаб нохуштур.

175. Ғанимат ул-мўъмин важдон ул-ҳикмати⁵⁴⁷

⁵⁴³ 171.Йўлини йўқотган, ўзини ҳам йўқотибди.

⁵⁴⁴ 172.Сени ёмонликка бошлаган киши душманингдир.

⁵⁴⁵ 173.Ким сени ботил ишга йўллаган бўлса, сени алдабди.

⁵⁴⁶ 174.Тўғри нарсадан жаҳлинг чиқиши – қабиҳликдан.

Мўъмин бори элдин ўзини кам билса, керак,
Ҳақдин не анга келса, карам билса керак,
Беҳикматлиғини дарду ғам билса керак,
Ҳикмат топарини муғтанам билса керак.

176. Фоза ман зафара бид-дини⁵⁴⁸

Бор аҳли жаҳонға шоҳу сарвар бўлғон,
Дин маъракасида гурду сафдар бўлғон,
Фируз эмас бошида афсар бўлғон,
Фируздурур динға музаффар бўлғон.

177. Фаҳо ул-маръи бифазлиғи авло мин фаҳриҳи биаслиҳи⁵⁴⁹

Ҳар кимки, халойиқ ичра доно кўрунур,
Ойини хирад аро тавоно кўрунур,
Фаҳр асл била ажаб таманно кўрунур,
Фаҳр айласа фазл бирла авло кўрунур.

178. Фалажука ала хасмика фил-ихтимоли⁵⁵⁰

Ҳар ком санга етса тааммулдин бил,
Нокомлиқ урса, юз тағофулдин бил,
Мақсудға етмагинг таваккулдин бил,
Хасмингға зафар ҳилму, таҳаммулдин бил.

179. Фитнат ул-маръи ядуллу ала аслиҳи⁵⁵¹

⁵⁴⁷ 175.Ҳикматни ҳис қила олиш – мўъмин учун совғадир.

⁵⁴⁸ 176.Дин орқали қозонилган ғалаба – ҳақиқий ғалабадир.

⁵⁴⁹ 177.Кишининг фазилати билан фаҳрланиши-асл эканлиги билан фаҳрланишидан авлодир.

⁵⁵⁰ 178.Душманинг устидан ғалаба қозонишинг осон нарса.

⁵⁵¹ 179.Кимки ақли бўлса – у асл кишидир.

Нодонлиғ эрур элда малолатға далил,
Доно улус оллида хижолатға далил,
Беасл иши-бўлмади адолатқа далил,
Донолиғ эрур элда асолатға далил.

180. Фоза ман салама мин шарри нафсиҳи⁵⁵²

Нодонға эрур ҳамиша олим фируз,
Одил кишига бўлмади золим фируз,
Бордур дер эсанг халқ ароким фируз-
Ким, нафс шарридин ўлди солим фируз.

181. Фаръ уш-шайъи юхбиру ан аслиҳи⁵⁵³

Йўқ лаззати сабрдек мукаддар ниманинг,
Ўз хурдиғадур завқи муқаррар ниманинг,
Беаслға йўқ фаҳми муяссар ниманинг,
Фаръи берур аслдин хабар ҳар ниманинг.

182. Фикак ул-маръи фис-сидқи⁵⁵⁴

Олам элиға ҳаёт эрур тузлукдин,
Етмак ғаразиға бот эрур тузлукдин,
Норостқа кўп уёт- эрур тузлукдин,
Лек эр кишига нажот эрур тузлукдин.

183. Фи кулли қалбин шуғлун⁵⁵⁵

Анинг қаро қошу кўзга машғуллиги,
Мунунг доғи пок сўзга машғуллиғи,

⁵⁵² 180.Кимки нафс ёмонлигидан омон қолган бўлса, ғалаба қилибди.

⁵⁵³ 181.Нарсанинг бир кичик парчаси ҳам унинг асллигидан далолат бериши мумкин.

⁵⁵⁴ 182.Кишининг эркин ва озод бўлиши – тўғри сўзлиги шарофатидандир.

⁵⁵⁵ 183.Ҳар бир қалбнинг ўз ташвиши бор.

Бирнинг тўқумоғда бўзга машғуллиғи,
Ҳар қайси кўнгулнинг ўзга машғуллиғи.

184. Ҳасадат неъмату ман кафараҳо⁵⁵⁶

Доно киши шукри неъмат айтур жондин-
Ким, неъматини ортуқроқ ўлур яздондин,
Доим бу сифат амр келур ёд ондин-
Ким, неъматини фосид этар куфрондин.

185. Қавл ул-маръи юхбиру аммо фи қалбиҳи⁵⁵⁷

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин.
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин-
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

186. Қувват ул-қалби мини сиҳҳат ил-иймони⁵⁵⁸

Иймон топқон кишига ҳақ раҳматидин,
Ғам йўқ шайтон васвасау заҳматидин,
Иймонға мадор ўлди кўнгул қувватидин,
Кўнгул аро қувват ўлди дин сиҳҳатидин.

187. Қаддир фил-амали танажжа мин аз-залали⁵⁵⁹

Улким, иши бевақту маҳал бўлмағуси,
Ҳар иштаки, саъий этса ҳалал бўлмағуси,
Қонун била кимгаким, амал бўлмағуси,
Ул қилмоғи жуз ранжу залал бўлмағуси.

⁵⁵⁶ 184. Кимки неъматга куфр келтирса – фосид ҳукмидадир.

⁵⁵⁷ 185. Кишининг гапи қалбидагини фош этиб қўяди.

⁵⁵⁸ 186. Қалбнинг қуввати – иймон саломатлигидандир.

⁵⁵⁹ 187. Амал – ибодат қилишни қадрла – шодлик, хушнудлик топасан.

188. Қарин ул-маръи далилу диниҳи⁵⁶⁰

Ҳақ кимгаки рўзий этти дин давлатини,
Шак йўқки, қилур икки жаҳон ишратини,
Ҳамсуҳбат ила топар чу дин қувватини,
Диниға далил англа ҳам сиҳҳатини.

189. Қурб ул-ашрори мудирратун⁵⁶¹

Бордур ямон элга ҳамнишинлиғда зарар,
Хуррамлиқ-аро ранжу хазинлиғда зарар,
Касб этма шарр аҳлидин қаринлиғда зарар-
Ким, келди ямонларға яқинлиғда зарар.

190. Қасват ул-қалби минаш-шабаъи⁵⁶²

Кўп тўъма ер эл аросидин ихрож ўл,
Савм аҳли аро бош қўю соҳиб тож ўл,
Ким қалби дақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар, оч ўл.

191. Қадр ул-маръи мою ҳиммуҳу⁵⁶³

Эл поясин англай десанг асрорини бил,
Кўнглидаги муддаосин изҳорини бил,
Қалбиға кўра таши намудорини бил,
Матлубиға боку кимса миқдорини бил.

192. Каломуллоҳи давоъ ул-қулуби⁵⁶⁴

⁵⁶⁰ 188. Кишининг дўсти – унинг динига далилдур.

⁵⁶¹ 189. Ёмонларнинг яқинида юриш ҳам зарарлидир.

⁵⁶² 190. Тошюрак бўлиш – «тўқлик» оқибатидир.

⁵⁶³ 191. Кишининг қадри, биров уни қадрласа билинади.

⁵⁶⁴ 192. Оллоҳнинг каломи – қалбларнинг шифосидир.

Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур,
Қуръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

193. Куфрон ун-неъмат мазилуҳо⁵⁶⁵

Ҳар, шукрки, гар шаҳу, гар сойил этар,
Ўз неъматин, ортмоқ сори мойил этар,
Неъмат шукрига ким тилини қойил этар,
Ортар куфрони, лек ани зойил этар.

194. Кафо биш-шайби доъун⁵⁶⁶

Ёш улғайса тоқи муқарнасдур дард,
Балқим мамлу сипехри атласдур дард,
Қари кишига балки кам эмасдур дард,
Юз сиҳҳати бўлса, қарилик басдур дард.

195. Кафо лил-ҳасуди мин ҳасудиҳи⁵⁶⁷

Ҳар кимки ҳасуд эрур сазодур ҳасади
Ҳақдин бўлғон ямон қазодур ҳасади,
Ўз жониға етгунча балодур ҳасади,
Балким, анга дарди бедаводур ҳасади.

196. Камол ул-илми фил-ҳилми⁵⁶⁸

Олимии, писандадур хисоли билгил,
Ҳилмин тан аро руҳ мисоли билгил,
Комилда керак ҳилм хаёли билгил-

⁵⁶⁵ 193. Неъматга куфр қилиш – уни зойил қилади.

⁵⁶⁶ 194. Қариликнинг ўзи сенга етарли касалликдир.

⁵⁶⁷ 195. Ҳасадгўйга унинг ҳасадн [ҳалок бўлиши учун] кифоядир.

⁵⁶⁸ 196. Илмнинг камоли – мулойимликдир.

Ким, ҳилмдадур илм камоли билгил.

197. Камол ул-жуд ил-эътизору минҳу⁵⁶⁹

Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин,
Офоқ элига жуди бепоёндин,
Гар мужтаниб ўлса давр аро нуқсондин,
Жудиға камоли узр билгил ондин.

198. Кафока мин уйюб, ид-дунё ан лоябқо⁵⁷⁰

Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг,
Дема муниким, айбу хатоси йўқ анинг,
Айби бас эрур букум, бақоси йўқ анинг.

199. Қафока ҳамман илмука бил-мавти⁵⁷¹

Эй улки, эмас махзани олам санга бас,
Базл этгали бир хизона ҳардам санга бас,
Ёдингға ўлум кирмаги-мотам ранга бас,
Ўлмакни яқин айламагинг ғам санга бас.

200. Лаййин ул-каломи қайду қулуби⁵⁷²

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

201. Лаййин қавлака таҳбуб⁵⁷³

⁵⁶⁹ 197. Яхшилик – узрлик бўлиш билан комил бўлади.

⁵⁷⁰ 198. Дунёнинг айблари унда қолмаслик учун сенга етарли бўлади.

⁵⁷¹ 199. Ўлимни ёдга олиш ғами сенга етарлидир.

⁵⁷² 200. Юмшоқ сўз қалбларни маҳбуб қилади.

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб ўлғил.

202. Лайс аш-шайбу минал-умри⁵⁷⁴

Қариға бажуз даҳр азоби эрмас,
Боғида йигитлик обу тоби эрмас,
Одамға ҳаёт жуз шабобий эрмас,
Яъни, қарилиқ умр ҳисоби эрмас.

203. Лайса ли-султон ил-олими заволун⁵⁷⁵

Ҳар кимдаким илм қийлу қоли бўлмас,
Илм аҳлиға сўз дерга мажולי бўлмас,
Олим мулкининг интиқоли бўлмас,
Шаҳ олим агар бўлса, заволи бўлмас.

204. Лайс аш-шуҳрату мин ар-руъунати⁵⁷⁶

Доноға такаллуф тўни киймак қиндур,
Ҳар чини сори оразида бир чиндур,
Шуҳрат тўни киймагинг руунатдиндур,
Кий хирқаи фақру. хотирингни тиндур.

205. Ликулли адоватин муслиҳатун илло адоват илҳусуди⁵⁷⁷

Ислоҳ бўлур жухуд душманлиғиға,

⁵⁷³ 201.Сўзингни юмшоқ қил – севимли бўлиб қоласан.

⁵⁷⁴ 202.Қарилик йилларини умр йилларим деб ҳисоблама.

⁵⁷⁵ 203.Илми шоҳға завол йўқдир.

⁵⁷⁶ 204.Кибр билан шуҳрат топиб бўлмайди.

⁵⁷⁷ 205.Ҳасад душманлигидан бошқа ҳамма душманликнинг иложи бор.

Топмас чу гумон суд душманлиғиға,
Муслиҳ тилагил рабуд душманлиғиға,
Лек этма талаб ҳасуд душманлиғиға.

206. Ман касара каломуху касара маломуху⁵⁷⁸

Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга,
Ҳаддин ўта ҳар кимки калом ўлди анга,
Ул навъ каломдин малом ўлди анга.

207. Машраб ул-азби муздаҳимун⁵⁷⁹

Ҳар кимгаки, ачиғ бўлди сўз илқоси,
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси,
Ҳар кимки, чучук нукта эрур иншоси,
Қошидадур, албатта, улус ғавғоси.

208. Ман аллат ҳимматуху тола ҳамумуху⁵⁸⁰

Ҳар кимки анинг ҳиммати дунроқ бўлди,
Билки, ғамининг нахли нигунроқ бўлди-
Ким, ҳиммати рифъати фузунроқ бўлди,
Қайғуларининг тори узунроқ бўлди.

209. Мусоҳибат ул-ашрори рукуб ул-бахри⁵⁸¹

Ҳар важҳ ила нотавонға ҳамсуҳбатлиқ
Кўп яхшики, қомронға ҳамсуҳбатлиқ,
Киши хатари ямонға ҳамсуҳбатлиқ,
Дарё сафари ҳамонға ҳамсуҳбатлиқ.

⁵⁷⁸ 206. Кимки кўп сўзлабди – ўзига маломатни орттирибди.

⁵⁷⁹ 207. Тиниқ булоқ атрофида ҳамма одамлар тўпланишади.

⁵⁸⁰ 208. Ҳиммат даражаси баланднинг қайғу торлари узун бўлади.

⁵⁸¹ 209. Ёмон билан ҳамсуҳбат бўлиш – денгиз сафари каби хатарлидир.

210. Мо надама ман саката⁵⁸²

Ҳар кимсаки, нуктаси фаровон бўлмас,
Тил ранжига қолмоғлиғи имкон бўлмас,
Кўп сўзлагучиға ғайри нуқсон бўлмас,
Ҳар кимки хамуш бўлди, пушаймон бўлмас.

211. Мажлис ул-илми равзат ул-жаннати⁵⁸³

Ким олим эса, нуқтада барҳақ де они,
Гар базм тузар, биҳишти мутлақ де они,
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга аҳмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса учмақ де они.

212. Мажлис ул-кироми ҳусун ул-каломи⁵⁸⁴

Яхши эл ила эрур мадорй ҳикмат,
Ҳар сўзлари дури шоҳвори ҳикмат,
Қил базмларида ихтиёри ҳикмат,
Мажлислари чун эрур ҳисори ҳикмат.

213. Манқабат ул-маръи тахта лисониҳи⁵⁸⁵

Ҳар кимсаки, оллиға ёзилди ҳунари,
Сўз пардаси устида ёпилди ҳунари,
Чу нуктада деди элга ёйилди ҳунари,
Невчунким тил остида келди ҳунари.

214. Нур ул-мўъмини мин қиём ил-лайли⁵⁸⁶

⁵⁸² 210. Сукут сақлаган одам сўнг надомат қилмайди.

⁵⁸³ 211. Илм мажлиси – жаннат боғига ўхшайди.

⁵⁸⁴ 212. Жўмардлик мажлиси – сўз қалъасидир.

⁵⁸⁵ 213. Кишининг ҳунари тили остида бўлади.

⁵⁸⁶ 214. Тунни бедор ўтказиш мўъмин кишига нур ато этади.

Ҳар кимсаки, матлуби кўнгул соғлиғидур,
Тун эҳёси илож қилмоғлиғидур,
Эл шамъи замирики вафо боғлиғидур,
Равшанлиғи тийра туннинг уйғоғлиғидур.

215. Нисён ул-мавти садоъ ул-қалби⁵⁸⁷

Ҳар кимки, мақоми умр авранги эмиш,
Ғафлат майининг хамиша дилтанги эмиш,
Ёд этмак ўлум ёруғлуқ оҳанги эмиш,
Ўлмакни унутмоғинг кўнгул занги эмиш.

216. Наввир қабрака бис-салоти физ-зилами⁵⁸⁸

Уйку неча ишрату сурурунг бирла,
Кўзунг қаро айламак ғурурунг бирла,
Тийра кеча тоат эт хузурунг бирла,
Қабринг уйини ёрут бу нурунг бирла.

217. Наъийта ила нафсика хина шабоби раъсика⁵⁸⁹

Неча ўчашиб бу нафси худ кома санга,
Нома қаро бўлғай уйлаким хома санга,
Чун бошинг оқормоқ бўлди ҳангома санга,
Оқ хат била ўлмақдин эрур нома санга.

218. Нум оминан такун фи маҳд ил-фароши⁵⁹⁰

Неча юммай кўзунгни ҳар зевар аро,
Ғафлат била кирмак неча баҳру бар аро,

⁵⁸⁷ 215. Ўлимни унутиш – қалбнинг занглаганидан далолатдир.

⁵⁸⁸ 216. Тунги намозлар билан қабрингни мунаввар эт.

⁵⁸⁹ 217. Сочинга тушган оқ сенга ўлимдан хабар беради.

⁵⁹⁰ 218. Иймон келтириб ухла, уйқунг яхши бўлади.

Эмин уюбон бу олами пур шарар аро,
Қил хобгаҳингни яхшироқ бистар аро.

219. Найл ул-манйи фил-ино⁵⁹¹

Ғамдин дурур ўзни шод топмоқ билгил,
Бетўшалиқ ичра зод топмоқ билгил,
Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,
Ранж ичрадурур мурод топмоқ билгил.

220. Нор ул-фирқати аҳарру мин нори жаҳаннама⁵⁹²

Ҳижрон аро бир рафиқи маҳрам ўтидин,
Ким куйса томуғни ўртагай ғам ўтидин,
Фурқатки кўнгулни куйдурур ҳам ўтидин,
Билгил ани тезрак жаҳаннам ўтидин.

221. Нуру шайбика ло тазлимуҳу бил-мавсийяти⁵⁹³

Келди қарилик нури хато айламагил,
Жуз узр йўлиға илтижо айламагил,
Нурини анинг зулмат аро айламагил,
Исён била яъники қаро айламагил.

222. Назрат ул-важҳи фис-сидқи⁵⁹⁴

Ҳар кимгаки эгриликта овоза дурур,
Туз жодда ичра йўлидин оза дурур,
Тузлукта тараб беҳаду андоза дурур,
Ким ростдурур, юзи анинг тоза дурур.

⁵⁹¹ 219.Мақсадга қийинчилик орқали эришилади.

⁵⁹² 220.Фироқ ўти дўзах ўтидан кучлироқдир.

⁵⁹³ 221.Бадфеъллик ила кексалик нурини сўндирма!

⁵⁹⁴ 222.Юз софлиги – тўғри сўзликдандир.

223. Вазъ ул-эҳсони фи ғайри мавзиъиҳи зулмун⁵⁹⁵

Яхшилик эрур ямонға маҳкам бедод,
Воқиф бўлу зоҳир этма ҳар дам бедод,
Эҳсон эрур андинқи, керак кам бедод,
Ўз ерида қилмоғондуру ҳам бедод.

224. Вазру садақат ил-маннони аксару мин ажриҳи⁵⁹⁶

Ким садқа берур агарчи Афридундур,
Гар миннат этар бу феъл ила матъундур,
Миннат била улки садқа айлар дундур-
Ким, журми анинг савобидин афзундур.

225. Вилоят ул-аҳмақи сариъ уз-заволи⁵⁹⁷

Ҳар кимга хирад тариқининг нисбати бор,
Давлатқа агар етса анинг муддати бор,
Аҳмаққа чу етса салтанат шанъатн бор,
Султонлиғининг заволиға суръати бор.

226. Вайлун лиман соъа хулқаху ва қабаҳа халқаху⁵⁹⁸

Хушхўйлик илаки, сарнавишт ўлди анга,
Дўзах сўзи лутфидин биҳишт ўлди анга,
Вой ул кишигаким, хулқи зишт ўлди анга,
Бу хулқи била ямон сиришт ўлди анга.

227. Ваҳдат ул-маръи хайрун мин жалис ис-суъи⁵⁹⁹

⁵⁹⁵ 223.Ўз ўрнида қилинмаган яхшилик – зулм билан баробардир.

⁵⁹⁶ 224.Миннат билан қилинган садақанинг гуноҳи савобидан кўпроқ бўлади.

⁵⁹⁷ 225.Аҳмоқ юрт бошқарса, заволининг келиши тезлашади.

⁵⁹⁸ 226.Хулқи ёмон ва халқига «хурадиган» кишининг ҳолига вой!

⁵⁹⁹ 227.Ёмон билан ҳамсуҳбат бўлгандан ёлғизлик яхши.

Бекаслигу дард кўйида гард ўлмоқ,
Хушроқки, ямон била ҳамовард ўлмоқ,
Ёлғиз бўл, топма ранжпарвард ўлмоқ,
Хушроқ чу ямон рафиқдин фард ўлмоқ.

228. Ва асока ман тағофала анка⁶⁰⁰

Нафсинг нечаким ишта тажоҳул қилди,
Давронда ташаддуддек тасалсул қилди,
Бор ўлди санга улки, таҳаммул қилди,
Кўргузди мувосову тағофул қилди.

229. Волока ман лам юьодука⁶⁰¹

Давр аҳлиға лутфи жонфизо кўргузгил,
Эл қилса ямон, яхши жазо кўргузгил,
Йўқ, ёринга сидқ ила сафо кўргузгил-
Ким, қилмаса хасмлиқ вафо кўргузгил.

230. Вайлун лиман ватар ал-аҳзону⁶⁰²

Даҳр уйида улки ранжпарвард ўлғай,
Кўп яхшики бедардға ҳамдард ўлғай,
Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлғай,
Вой ангаки, яхшилардин ул фард ўлғай.

231. Вайлум дил-ҳасудиман ҳасадаҳу⁶⁰³

Ҳар кимки, ҳасад хислатидур, вой анга,
Иқбол ила фарқ ўлса фалаксой анга,
Ҳеч офатдин бўлмаса парвой анга,

⁶⁰⁰ 228.Сенга нисбатан ғофиллик қилишган бўлса, бу сен учун катта ёрдам!

⁶⁰¹ 229.Сени менсимаган киши – сенга ёрдам беради.

⁶⁰² 230.Яхшиларни тарк этган кишининг ҳоли вой бўлади!

⁶⁰³ 231.Ҳасадчиларнинг ҳолига вой!

Ҳам ўз ҳасади офатидин вой анга.

232. Валлоъ ут-тифли марзуқун⁶⁰⁴

Ҳар кимгаки, тифл ўлса эрур кўзи очуқ,
Шуғли била хотири ғамандузи очуқ,
Бўлмоқ не ажаб базми дилафрузи очуқ,
Ким тифли бор эрса ё анга рўзи очуқ.

233. Ҳумум ул-маръи биқадри ҳимматиҳи⁶⁰⁵

Ҳиммат эли кўзда қурутуб намларини,
Неча қилур ошом фалак самларини,
Ҳар кимки урар ҳиммат ила дамларини,
Ҳимматларининг хуридадур ғамларини.

234. Ҳамм ас-саъиду охиратаҳу ва ҳамм аш-шақнийю дунёҳу⁶⁰⁶

Уқбо ғами ул ер ани доно бил,
Егонни жаҳоннинг ғамини доно бил,
Ким бўлса саид анинг ғамин уқбо бил,
Бўлғонға шақи ғамин бозайи дунё бил.

235. Ҳалок ул-маръи фил-усби⁶⁰⁷

Касб айла нишот меҳнатойинлик аро-
Ким, ишрат умиди келди ғамгинлик аро,
Кўрма арода ўзингни мискинлик аро-
Ким, бўлди, киши ҳалоки худбинлик аро.

236. Ҳурубука мин нафсики анфаъу мин ҳарубика минал-

⁶⁰⁴ 232. Болани худо ризқи билан беради.

⁶⁰⁵ 233. Кишининг иши натижаси унинг ғайратига қараб бўлади.

⁶⁰⁶ 234. Бахтли одам охират ғамини, бахтсиз одам бу дунё ғамини ўйлайди.

⁶⁰⁷ 235. Кишининг худбинлиги уни ҳалок қилади.

асади⁶⁰⁸

Ким кинавар ўлса, иста ондин қочмоқ,
Невчунки, зарурдур ямондин қочмоқ,
Эр ўғлиға нафси кинарондин қочмоқ,
Нафъдурким, шери жаёндин қочмоқ.

237. Ҳоммат ул-маръи ҳимматуҳу⁶⁰⁹

Ҳар кимсаки иқбол анинг ёваридур,
Ҳар ёнки юз урса, ҳиммати раҳбаридур,
Ҳиммат дури фахр тожининг гавҳаридур,
Чун ҳиммати одам ўғлининг сарваридур.

238. Ҳалак ал-ҳарису ва ҳува ло яъламу⁶¹⁰

Ҳирс аҳлиға ғайри неш сончилмас ҳеч,
Бағридин анинг бу неш айрилмас ҳеч,
Бу маҳлака ичра фикрини қилмас ҳеч,
Ҳирс ани ҳалок этти, ул билмас ҳеч.

239. Ҳиммат ул-маръи қийматуҳу⁶¹¹

Ҳиммат элининг гарчи хулқ кисвати бор,
Чарх атласидин вале бийик рифъати бор,
Беқиймат эрур улки бийик ҳиммати бор,
Гарчи неча кам ҳиммати бор қиймати бор.

240. Ҳота мо индака таърифу биҳи⁶¹²

⁶⁰⁸ 236.Нафсингдан қочишинг, шердан қочишингдан кўра кўпроқ фойда беради.

⁶⁰⁹ 237.Кишининг улуғлиги унинг ҳимматидан билинади.

⁶¹⁰ 238. Ҳирс бандаси ҳалокат сари кетаётганлигини билмайди.

⁶¹¹ 239. Кишининг ҳиммати унинг қийматини белгилайди.

⁶¹² 240.Борингни кўрсат, кимлигингни айтиб бераман.

Ҳам лофу газоф дафтарин куйдургил,
Ҳам хомани инсоф хатиға сургил,
Ҳар неки санга биликдур келтургил,
Ҳолингни ҳам андин эл аро билдургил.

241. Ло дина лиман ло иймоната лаҳу⁶¹³

Ким олам аро уёти йўқтур анинг,
Дин нуктасида фатонати йўқтур анинг,
Диндор улким, ҳиёнати йўқтур анинг,
Йўқ дин ангаким, амонати йўқтур анинг.

242. Ло дина лиман ло муруввата лаҳу⁶¹⁴

Хар кимсаки, дин ичинда қувват йўқ анга,
Жазм айлаки, ойини футувват йўқ анга
Дин аҳли била расми ухувват йўқ анга,
Ул кимсада йўқ динки, мурувват йўқ анга.

243. Ло фақра лил-оқили⁶¹⁵

Ҳар кимсаки ақл кўнглидин зойилдур,
Қорун эса, оқил қошида сойилдур,
Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,
Йўқтур анга фақру фоқаким оқилдур.

244. Ло роҳата лил-ҳасуди⁶¹⁶

Олам элида биров саодатсиз ўлур-
Ким, фақр йўлида иститоатсиз ўлур,
Иzzат топмаским қаноатсиз ўлур,

⁶¹³ 241. Иймони йўқнинг дини ҳам йўқдир.

⁶¹⁴ 242. Мурувватсиз кимсада дин ҳам йўқ.

⁶¹⁵ 243. Оқил кишига фақирлик йўқдир.

⁶¹⁶ 244. Ҳасадгўйга роҳат йўқ.

Ҳар кимса ҳасуд бўлса, роҳатсиз ўлур.

245. Ло ғамма лил-қониъи⁶¹⁷

Қонеъға махзани саодат кам йўқ,
Жуз зумраи эъзозу шараф ҳамдам йўқ,
Хурсандлиқ ойини киби олам йўқ,
Ҳар кимсадаким бўлса қаноат, ғам йўқ.

246. Ло ҳурмата лил-фосиқи⁶¹⁸

Фисқ аҳлиға бўлмас киши қилмоқ ҳурмат-
Ким, эрмас анинг ҳолиға равнақ ҳурмат,
Фосиққа насиб этмади чун ҳақ ҳурмат,
Хушроқтур ани тутмаса мутлақ ҳурмат.

247. Ло қазафа лил-фоҳиши⁶¹⁹

Ҳар ким сўзи фаҳш-ақл анга ром ўлмас,
Бу навъ неқу киши саранжом ўлмас,
Дашномдин ўзга ақлға ком ўлмас,
Бу турфақим, дашном анга дашном ўлмас.

248. Яътика мо қадара лака⁶²⁰

Қисматда насиб хайр ё шарр бўлмиш,
Саъй этмайин ул санга муяссар бўлмиш,
Топмас тағайюр улча мукаддар бўлмиш,
Етгай санга ҳарнеки, муқаррар бўлмиш.

249. Язид ус-садақату фил-умри⁶²¹

⁶¹⁷ 245. Қаноат қилувчида ғам бўлмайди.

⁶¹⁸ 246. Фосиқ кишининг ҳурмати бўлмайди.

⁶¹⁹ 247. Фоҳиш кишига танбеҳ кор қилмайди.

⁶²⁰ 248. Сенга тақдир этилган нарсагина берилади.

Ҳар садқаки, толеингни маймун айлар,
Қатрангни ҳавоси дурри макнун айлар,
Жисминг уйига ҳаёт мақрун айлар,
Яъники, бақоу умр афзун айлар.

250. Яъман ул-хойифу изо васала ила мо хофаху⁶²²

Хоифғаки хавф юз зиёндин эрди,
Бал ҳам анга хонумондин эрди,
Эмин бўлур ар хавф анга жондин эрди,
Чун етти ангаки хавфи ондин эрди.

251. Юсир ул-амр ус-сабуру ила муродиҳи⁶²³

Ҳар кимки фалак зулму инодиға етар,
Сабр айлаган охир эътиқодиға етар,
Чун бўлди сабур тенгри додиға етар,
Собир киши оқибат муродиға етар.

252. Яблуғ ул-маръу бис-сидқи манозил ал-кибори⁶²⁴

Норостки қолди хору зор эл ерга,
Ўлтурди лаиму хоксор эл ерга,
Десанг нетай аҳли эътибор эл ерга,
Сидқ айлаки, етгайсен канор эл ерга.

253. Ясуд ул-маръу қавмуҳу бил-инсони алайим⁶²⁵

⁶²¹ 249.Садақа – умрни узайтиради.

⁶²² 250.Нимадан хавфсираб юрган бўлсанг, ўшанга учраганингдан сўнг эмин бўлиб қоласан.

⁶²³ 251.Сабр соҳиби албатта муродига етади.

⁶²⁴ 252.Киши ростгўйлик билан улуғлар даражасига етади.

⁶²⁵ 253.Ким қавмига яхшилик қилса, уларнинг хожаси бўлиб қолади.

Ким элга жафо чоҳин томуғ зайли қилур,
Кавсар суйин ўзига ўлум сайли қилур,
Ўз хайлиға кимки яхшилиқ майли қилур,
Эҳсон ани билки, қавм сархайли қилур.

254. Яъс ул-қалби роҳат ун-нафси⁶²⁶

Истар эсанг осудлиқ иш тажрид эт,
Фақр ичра ўзунгни мойили тафрид эт.
Кўнглунгни замон баҳрасидин навмид эт,
Нафсингға бу ишни роҳиби жовид эт.

255. Ясъад ур-ражулу бимусоҳабат ис-саъиди⁶²⁷

Уббод аро бўлғон мойил ибодатға етар,
Бўлғон киши мустаид ифодатға етар,
Хуш одат-эл ичра яхши одатға етар,
Ким, кимса саъиддин саодатға етар.

⁶²⁶ 254.Қалб маъюслиги – жон роҳатидир.

⁶²⁷ 255.Бахтли киши билан ҳамсуҳбат бўлган киши ҳам бахтиёр бўлади.